

The New York Times.

Теодор  
ДРАЙЗЕР

# САРМОЯДОР



• РОМАН •







Теодор  
ДРАЙЗЕР

# САРМОЯДОР

РОМАН

*Икки жишлолик*

I

«О'QITUVCHI» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 821.111 (73)-31  
КБК 84(7 АҚШ)

Д 76

Америка адабиёти

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*


Америкалик ёзувчи Теодор Драйзер «Титан», «Дахо», «Америка фожиаси», «Бахти каро Керри» ва бошқа асарлари билан дунёга машхур.

Кўлингиздаги адабнинг «Сармоядор» романни таникли таржимон Амир Файзулла томонидан ўзбек тилига ўтирилган. Ушбу китоб Сиз азиз ўкувчиларга макбул ва манзур бўлади, деган умиддамиз.

N1 32397  
3/1

ISBN 978-9943-22-205-2

© А. Файзулла таржимаси  
© «O'qituvchi» НМИУ, 2018



## I боб

Фрэнк Алжернон Каупервуд таваллуд топган Филадельфияда ўшанда икки юз эллик минг нафар аҳоли истикомат киларди. Бу шаҳарда гўзал парқлар, мухташам бинолар ва қўхна ёдгорликлар мўл эди. Биз билган ва кейинчалик Фрэнкка маълум бўлган кўп нарсалар – телеграф, телефон, молларни уйга етказиб бериш, шаҳар почта тармоғи ва оксан кемалари – у вактда ҳали йўқ эди. Ҳатто почта маркалари ва буюргма хатлар ҳам бўлмаганди. Конка эса алалхусус. Шаҳар ичидаги сонсиз омнибуслар қатнарди, узок саёҳатлар учун эса ҳали кемалар қатнайдиган каналлар билан узвий боғлик темир йўлларнинг энди-энди ривожланиб келаётган тармоғи хизмат қиласи эди, холос.

Фрэнк майда банк хизматчиси оиласида туғилди. бирок ўн йил ўтгач, бола атроф оламига кизикиш ва зийраклик билан разм солиб карай бошлаганди, банк идораси раиси оламдан ўтиб, барча хизматчилар тегишли равишда лавозимларида кўтарилиб олишида ва Генри Уортингтон Каупервуд ўша вактдаги унинг тушунчаси бўйича йиллик маоши ажойиб ҳисобланган уч ярим минг долларли ғазначи ёрдамчиси ўрнини мерос килиб олганди. У дарҳол севинч билан хотинига Батнвуд-стритдаги 21 уйдан Нью-Маркет-стритдаги 124-уйга кўчиб ўтишга қарор килганини хабар килди: туман ҳам унақа овлоқ эмас ва уй ҳам уч қаватли, гиштин – Каупервудларнинг ҳозирги турган жойларидан ўлса ўлиги ортиқ. Вакти келиб янада кенгрок уйга кўчиб ўтиш ниятлари йўқ эмасди, аммо ҳозирча бу уй ҳам ёмон эмасди. Мистер Каупервуд чин дилдан Худога шукурлар айтди.

Генри Уортингтон Каупервуд ўз кўзлари билан кўрганлари гагина ишонарди ва ўзининг аҳволидан кўнгли тўқ эди – бу унга келажакда банкир бўлиш имконини берарди. Ўша вактда

у көлшішган одам эди – баланд бүйли, котмагина, гавдаси та-ранг, күзлари үйчан, кулоғи солинчагигача еттан, калта килиб кузалған чакка сочлары үзгача тароват бағишиларды үнга. Соқо-ли доим киртишланған бұларди. Қалин қора қошлары тағидан кулранг күзлари тийрак бокарди, түғри очилған фарқ силлик килиб тараған калта сочларини көк иккиге бўлиб турарди. У сюргутини сира эгнидан ташламасди – үша пайтдаги сармоя-дорлар даврасида бу “одоб белғиси” саналарди. Тирноқлари-ни хаддан ташкари тоза сакларди. Бир карашда хийла жиддий кўринса-да, бироқ унинг бу жиддийлиги ясама эди.

Жамиятда ва сармоядорлар дунёсида илгарилаб кетишга интилиб. мистер Каупервуд ҳар доим ким билан ва ким хаки-да гапираёттанини диккат билан фикр тарозисидан үтказар-ди. Унинг даврасида ижтимоий ёки сиёсий масалалар бўйича каттик ёки ножӯя гаплар оғзидан чикиб кетмаслиги ва обру-си йўқ одамлар билан муомала килемаслиги учун мудом үзини хушёр тутар эди. Дарвоке, айтиш жоизки, у тайинли сиёсий зътиқодга эга эмасди. Гарчи үша вактдаги мухитabolицион-чилар ва қулдорлик тарафдорлари ўртасидаги кураш билан тұла бұлмаса-да, у қулдорликка карши кураш тарафдори хам эмасди. Темир йўлларда катта бойлик тўглаш мумкинлигига Каупервуд каттик ишонарди, бунинг учун дурустгина сармоя бўлса бўлғани, кейин яна бир кизик жихати, шахсий жозиба, яъни үзига ишонч пайдо эта билиш қобилияти бўлиши керак. Унинг наздича, Николас Бидл ва Қўшма Штатлар Банкига кар-ши чиқканда Эндрью Жексон мутлако ноҳак эди – бу муаммо үшанда хаммани таҳликаға солғанди. У муомалада бўлган ва зам-бадам унинг банкига келиб тушган “пучак пуллар” оки-милан каттик ташвишда эди; түғри, унинг банки барибир буни хисобга оларли ва үзига фойда келишини ўйлаб, уларни яна айланмага кўяр, ссудаларга ўч мижозларга бериб юбораверар-ди. У хизмат киладиган учинчи Филаделфия миллий банки ишчилар махалласида жойлашганди, үша пайтда бутун Аме-рика молия оламининг маркази хисобланарди; банк сохиблари йўл-йўлакай биржала үйинлар билан хам шуғулланар эдилар. Ирик ва майда “штатлар банклари” үшанда ҳар кадамда пай-

до бўлар эди; улар бекарор ва хеч ким билмайдиган активлар негизида ўз банк билетларини назоратсиз чиқарар ва хайратомуз шитоб ила чув тушар ва тўловларни тўхтатиб кўяр эдилар. Бу барча ишларда вокифлик мистер Каупервуд фаолиятининг мукаррар шарти эди, шундан у эҳтисткорлик тимсолига айланганди. Афсуски, хар кандай соҳада муваффакият козониши учун унга икки сифат етишмасди: шахсий мафтункорлик ва узокли кўра билишлик. Ундан йирик сармоядор чиқмаса-да, уни олдинда дурустгина мансабга кўтаришиш кутиб туради.

Миссис Каупервуд диндор аёл эди; муштдеккина, сочлари кўнғир ва кўзлари кон-кора бу хотин ёшлигида фоят жозибадор бўлгани сесилиб туради, аммо йиллар ўтиши билан бир кадар тароватини йўқотиб, кундалик ташвишлардан сира боши чикмайдиган бўлиб колганди. Уч ўғли ва бир қизини тарбиялашдаги ўзининг оналик мажбуриятларига фоят жиддий риоя килар эди. Катталари бўлмиш Фрэнкнинг изидан борувчи болалар унинг бошига битган бало эдилар, қачон қарамасин, шаҳарнинг қайсилир чеккасида бирон-бир ишкал чиқаришгани-чиқаришгани – ҳали ёмон болаларга илакишиб қолган, ҳали буларнинг ёшида кўриб ҳам, эшишиб ҳам бўлмайдиган нарсаларга мубтало бўлар эдилар.

Фрэнк Каупервул ўн ёшиданок ўзини түгма йўлбошчи дея хис киларди. Бошлангич мактабда ҳам, ўрта мактабда ҳам ҳамма хар кандай ҳолатда унинг аклига ишонса бўлади, деб хисобларди. Унинг феълида ўзига ишониш, жасурлик ва тиришкоклик мана мен деб туради. Болаликдан у сиёsat ва иктиносид шайдоси эди. Китоблар уни кўпда қизиктирмасди. Қад-коматитик, елкадор, хушбичим ўсмир эди. Одамга тик бокар, кўзлари катта-катта, тиник эди; пешонаси кенг, кизгиш-кўнғир сочи калта килиб олинган. Ҳаракатлари шиддатли ва кескин. У окилона, жўяли жавоб олмагунча савол устига савол беравериб, ҳаммани безор киларди. Фрэнк доимо соглом юрарди, иштахаси ҳамиша карнай эди, у укаларига амрона буйрук берарди: “Жо, сен ундей кил!”, “Эд, сен бундай кил!” Унинг буйруклари салмоқдор бўларди. Жо билан Эд “хўп бўлади” деб айтганини бажо келтиришарди. Улар болаликдан акаларига гапини сира икки кизиб бўлмайдиган раҳбар деб қарашга ўрганган эдилар.

У мудом хаёл сургани-сурган эди. Дунёдаги ҳамма нарса уни таажжубга соларди, зеро, у асосий саволга жавоб тополмасди: бу ҳаёт дегани нима ўзи ва у канака тузилган? Дунёга одамлар касрдан келиб колган? Уларнинг вазифаси қанака? Буларнинг ибтидоси кимдан бошланган? Ойиси унга Одам Ато ва Момо Ҳавво ҳакидаги афсонани сўзлаб берганли, аммо у бунга ишонмаганди.

Каупервудлар балик бозоридан сал нарида туришарди, банкдаги отасининг олдига борища ёки мактабдан кейин укалари битта-яримта “ишқат” чикарган вактда Фрэнк аквариум кўйилган пештахта олдида тўхташини яхши кўрарди; Делавэр кўлтиғидаги баликчилар оксан тубидан олиб чиккан турли-туман жонзотлар билан уни тўлдириб туришарди. Бир куни ўша ерда денгиз отини кўрди, бу миттигина жонивор бўлиб, озмоз отга ўхшаб кетарди. Бошка бир гал караса, электр угряси турибди, Бенжамин Франклиннинг машҳур қашфиёти унинг хоссаларини изоҳлаб берганди. Қайсиdir кунда аквариумда омар ва каракатица пайдо бўлди ва Фрэнк бир умр эсидан чикмайдиган бўлиб колган ва кўп нарсани фахмлашга ёрдам берган фожиа гувохига айланди. Бекорхўжаларнинг сұхбатларидан у билдики, омарга ҳеч канака овқат беришмаётган экан, чунки унинг конуний ўлжаси каракатица ҳисобланар экан. Омар ойнаванд боғчанинг заррин кумлок тубида ётарди ва афтидан ҳеч нарсани кўрмаётганди; унинг мунчок донасилик кора кўзлари қаёқка караб турганини билиш кийин эди, бирор уларнинг каракатицага қадалгани – бу аник. Бир парча ёғга ўхшаш консиз ва мумсимон баликча торпедодек зарбалардан бошка жойга кўчар эди, аммо душманнинг бешафқат кискичлари хар гал унинг танасидан янги-янги бўлакларни узиб оларди. Худди палахмондан отилгандай омар каракатица мудраб ётган жойга бориб тушарди, у эса шиддат билан ўзини оркага ташлаб, ортидан кўтарилиган коп-кора тўзон ичига яшириниб оларди. Аммо бу ҳаракат ҳам хар доим кўнгилдагидек чикавермасди. Унинг ва думининг бир бўлаги денгиз жонворининг кискичлари орасида коларди. Ёш Каупервуд хар куни бу ерга чопиб келарди-да, сехрлангандай фожиани кузатарди.

Бир куни у пештахта олдига бориб бурнини бир оз ойнага теккизиб турган эди. Каракатицадан бешакл бир булаккина колганди; унинг коп-кора корни деярли бүм-бүш эди. Афтидан жанг ҳаракатларига тайёрланиб, омар аквариумнинг бир бурчагида бекиниб турарди.

Бу шафқатсиз олишувга ром булиб қолган болакай барча бүш вактини ойна олдиди тик туриб ўтказарди. Ҳаял ўтмай, балки бир соатдан сўнг, эҳтимол зартага каракатицадан ном-нишон колмас, омар уни ўлдиради ва сб кўяди. Фрэнк нигохини аквариум бурчагидаги мисдек товланиб турувчи яшил вайронгарлик машинасига олди. Кизик, бу качон рўй берди экан? Ҳар холда бутундан колмас. Кечкурун бу ерга яна келмаса бўлмайди.

Кеч кирди, нима бўлди дейсизми? Ўша кутилган нарса содир бўлди. Пештахта олдиди бир тўда одамлар турарди. Омар бурчакка бекиниб олганди, унинг олдиди кок иккига бўлинган, деярли сёб ташланган каракатица ётарди.

– Ахийри ниятига етибди-да! – деди болакайшинг ёнидаги одам. – Анчадан бери турибман: бир соат бурун омар бирдан ташланди-да, уни тутиб олди. Каракатицанинг силласи куриган эди, каршилик кўрсатишга кучи етмаётганди. У ўзини олиб кочмокчи бўлди, аммо омар худди шуни, ўлжасининг салгина ҳаракатини олдиндан пойлаб турган экан, мана, охири бугун унинг бошига етди.

Фрэнк кўзларини катта-катта очиб, қараб турарди. Ўша лаҳзани кўролмай қолгани чатоқ бўлди-да. Ўлик каракатицага раҳми келиб кетди. Кейин у нигохини голибга каратди.

“Шундай бўлиши керак ҳам эди, – кўнглидан кечирди у. – Каракатица чап бериб кололмаган”. У воеанинг қандай содир бўлганини хаёлидан ўтказа бошлади. “Каракатица омарни ўлдира олмасди – бунинг учун унда ҳеч қандай курол йўқ эди. Омар каракатицани ўлдира олар эди – у тиш-тирноғи билан куролланган. Каракатицанинг егани ҳеч вакоси йўқ, омар олдиди эса емиси тайёр эди – каракатица. Бунинг охири нима билан тугаган бўларди? Бундан бошқа йўли бормиди? Йўқ, унинг кисмати шу эди”, – якун ясади у уйига якинлашганда.

Бу воеа Фрэнклинда ўчмас таассурот колдирди. Уни анчадан бери кийнаб келган жумбокка умумий тарзда жавоб

топган эди: хаёт кандай тузилган? Барча жонли мавжудот ана шундай яшайди – бирни иккинчисининг хисобига кун кўради. Омарлар каракатицалар ва бошқа жонзотларни ейди. Омарларни нима ейди? Ўз-ўзидан равшанки, одам ейди. Ха, бўлмасам-чи, мана, жумбок ҳам ечилди! Хўш, унда одамни нима ейди? – дархол ўзига-ўзи савол берди йигитча – Наҳотки одамларни бошқа одамлар еса? Йўк, йирткич хайвонлар ейди. Яна хиндиilar ва одамхўрлар ейди. Кўплаб одамлар десизизда ва баҳтсиз ходисалардан ўлиб кетади. Одамлар ҳам бирларининг хисобига бошқалари яшашига ишонмаса-да, аммо улар бир-бирларини ўлдиришларини билар эди. Лоакал урушларни, кўча жангларини, босқинчиликларни олайлик. Босқинчиликни Фрэнк бир куни ўз кўзи билан кўрганди. Оломон “Паблик лежер” газетаси таҳририятига хужум килганида, у мактабдан кайтаётганди. Бунга нима сабабчи бўлганини унга отаси тушунтириб берганди. Қуллар туфайли жанжал келиб чиккан экан. Ха, ха, бўлмаса-чи! Бир тоифа одамлар бошқалари хисобига яшаркан. Қуллар – ахир улар ҳам одамлар-ку. Айни шу туфайли ўша вактларда норозилик хукм сурарди. Бир тоифа одамлар бошқа одамларни – коратанлиларни ўлдирап эдилар.

Ўз хуласаларидан ғоят мамнун ҳолда Фрэнк уйга қайтиб келди.

– Ойижон! – кичкирди у остоидан ҳатлаб киаркан. – Охири у уни ўлдириди!

– Ким? Кимни? – хайрон бўлиб сўради ойиси. – Қани, бориб кўлингни юв-чи!

– Омар-да, дадам билан бирга сизга айтиб берган эдик-ку, ўша. У каракатицани ўлдириди.

– Ёмон бўлибди-ку! Хўш, бунинг нима кизиги бор? Тез бориб кўлингни юв!

– Э-э, бунақаси камдан-кам бўлади! Мен, масалан, буни биринчи марга кўришим.

Фрэнк ховлига чиқди, у ерда сув қувури колонкаси ёнида оёклари ерга кўмилган столча бор эди, унинг устида сувли чепак ва ялтирок жез тоғора турарди. Фрэнк юз-қўлинни ювди.

– Дада, – деди у отасига, овқатланиб бўлгач, – эсингиздами, мен сизга каракатица ҳакида сўзлаган эдим?

- Эсимда.
- Биласизми – энди у йўқ. Омар уни еб кўйди.
- Яхшиликка бўлсин! – бепарво деди отаси газета ўкир экан.

Бирок Фрэнк неча ойгача кўрганлари, у дуч келган ҳаст ҳакида мулоҳазалар юритди, зеро, энди уни ким бўлиши ва бундан кейинги қисмати қандай кечиши ҳакидаги масала банд этган эди. Пул санаашдан боши чиқмайдиган отасини кузатар экан, банк иши ҳаммасидан завклирок деган карорга келди. Отаси хизмат киладиган Учинчи кўча унга энг чиройли, дунёдаги энг ажойиб кўча бўлиб кўринмоқда эди.

## *II боб*

**Ф**рэнк Алжернон Каупервуднинг болалиги қулай оилавий шароит ва фаровонликда кечди. У ўн ёшгача яшаган Ати-вид-стрит кўчаси ҳар қандай боланинг кўнглига хуш ёкиши аник эди. Бу кўчадаги уйларнинг деярли барчаси қизил ғиштдан кўтарилган, икки каватли, пастак пойдеворига оқ мармар копланган ва деразаю эшикларига ҳам худди шундай мармар ҳошия ясалган эди. Кўча ёқалаб қалин дараҳтлар ўтказилган. Йирик юмалок тошлар ёткизилган кўча ёмғирдан кейин топ-тоза бўлиб яракларди, ҳар доим намхуш бўлиб турувчи қизил ғиштин тротуарлардан салкин шабада еларди. Ҳар бир уйнинг оркасида дараҳтлар ва ўт-ўланлар ўсиб ётган боғ бор эди. Баъзи жойларда ҳатто гулзорлар ҳам кўзга ташланарди, чунки бу ерлардаги томорқалар энига бир неча юз футгача чўзиларди, уйлар ҳам тош кўчага яқин қилиб курилганидан уларнинг орка томонида талай буш жой ортиб қоларди.

Ўзларига яраша оқкўнгил бўлган ота-она Каупервуллар фарзандлари билан биргаликда ҳаёт гаштини суришга ишкибоз эдилар. Шу боис ота Нью-Маркет-стритдаги янги уйга кўчиб ўтишга аҳд килди. Фрэнк туғилгандан кейин ҳам икки-уч йилда биттадан бола туғилиб, тўрттага етгунча оила шўх-шо-

дон яшай бошлади. Генри Уортинг Каупервуд масъулрок ла-  
нозимда ишлай бошлагандан буён унинг алокалари узлуксиз  
кенгайиб борли ва у аста-секин бообру одамга айланди. У ўз  
банкининг кўплаб йирик ишкибозлари билан танишлар орт-  
тириди, хизмат юзасидан унга бошқа банкирларнинг ҳам уй-  
ларида бўлишига тўғри келганидан, уни энди “ўз одами” деб  
хисоблай бошлашганди – Кўшма Штатлар банкида ҳам, Дрек-  
селлар. Эдвардслар ва бошқа банкларда ҳам у ёт эмасди. Бар-  
ча банкларда уни мустаҳкам молия ташкилоти вакили деб би-  
лар зидилар ва у ҳамма жойда жуда аклдан Худо берган одам  
бўлмаса-да, олий даражадаги ҳалол ва ботартиб ишбилармон  
сифатида донг таратди.

Ёш Каупервуд отасининг машгулотларига тобора чукур-  
рок кириб бормокда эди. Ҳар шанба куни унга банкка тез-тез  
келиб туриши учун рухсат берилганди ва у маклер ишлари кан-  
лай олиб борилиши, турли-туман коғозлар қандай эпчиллик билан  
алмаштирилишини зўр кизикиш билан кузатарди. Бу барча  
бойликлар каердан келаётганини, мижозлар хисоби деб банк-  
ка нима учун мурожаат килишларини, банк нима учун бундай  
хисоб юргизиши-ю, одамлар олгаи пулларини нима килишла-  
рини билишга уринар эди. Ўғли ишига кизикаёттанидан мам-  
нун ота унга ҳар бир ишни эринмай тушунтирас эди, шу боис  
Фрэнк анча эрта – ўн-ўн беш ёшлар оралигига Америка молия  
тизими хакида тўлик тасаввурга эга бўлди ва штат банки нима  
дегани ва у Миллий банкдан нимаси билан фарқ килиши, ма-  
клерлар нима иш килади, акция нима дегани ва унинг киймати  
нима учун бекарор бўлади – ҳаммасини билиб олди. У пулнинг  
алмашув воситаси сифатидаги ахамиятини ўзича аниклай бош-  
лади ва ҳар қаңдай киймат асосий – олтин кийматига боғлик  
равишда хисоб килинишини англаб етди. У табиатан молиячи,  
сармоядор эди, бу кийин ҳунар билан боғлик ҳамма нарсани  
у шоир энг нозик кечинмалари, туйғуларнинг барча хилла-  
рини илгаб олгандек, эсида саклаб колар эди. Олтин – бу ал-  
машув воситаси – шу нарса уни ўзига каттик тортарди.  
Унинг қандай кўлга киритилишини отасидаи билиб олган  
бона кўпинча тушила ўзининг олтин келтирувчи пайконлар  
эгаси бўлганини кўрар ва уйғонгач, тушининг ўнгга айланниб

колишига интиқ бұлар зди. Акция ва облигациялар унда озмунча кизикиш уйғотмади; у устига суврати туширилган қоғозга ҳам арзимайдың акциялар ва ўз киймагидан анча юкори баҳоланувчи бошқа акциялар ҳам борлигини билиб олғанди.

— Мана, ўғлим, карагин-а, — деди бир куни ота, — бунака қоғозлар бизнинг юртларда хадеганда учрайвермайди.

Гап юз минглик заёмни таъминлашга учдан иккى кийматга күйилган Британия Ост-Индия компанияси акциялари устида борарли. Улар нақд пулга мухтож бўлган бир филаделфиялик магнатга карашли зди. Ёш Каупервуд бир даста пулни ўта кизикиш билан айлантириб карай бошлади.

— Ташқаридан караганда у шунча пулга арзимайдигандск қуринади, — деди у.

Фрэнк қоғозларни яна айлантириб карай бошлади.

— Улар ўз кийматидан тўрт баравар ортиқ туради, — шиншишиб жавоб берди ота.

— “Британия Ост-Индия компанияси”, — овоз чикариб ўқиди Фрэнк. — Ўн фунт. Эллик доллар атрофида.

— Кирк саккиз доллар ва ўттиз беш цент. — ишбилармонларча тўприлади уни ота. — Ҳм, бизда биттагина шундай даста бўлганида, тонгдан-шомгача эзилиб ишлашимизга тўғри келмасди. Эътибор кил-а, улар деярли яп-янги, муомалада бунақаси кам бўлади. Пайга эса, афтидан, биринчи марта кўйилаётиди.

Акциялар дастасини кўлида бир оз ушлаб турди-да, ёш Каупервуд молия ишининг серкирралигидан ҳайратга тушиб, уни отасига кайтарди. Бу Ост-Индия компанияси қанака компания бўлди экан? У нима билан шуғулланади? Ота унга ҳам масини тушунтириб берди.

Уйда ҳам Фрэнкнинг кулоғига капитал қурилишга сарф килинган маблаг ва таваккалли молиявий муомала тўғрисидаги гаплар чалинар зди. Виржиния штатидан аллақандай Стинбержер деган бир йирик савдогарнинг ғоят кизикарли шахсияти ҳакидаги хикоя эътиборини тортиб колди, у гўшт билан шуғулланар ва янги кредитга илиниш илинжида юрар экан. Отанинг гапига караганда, Стинбержерлар Николис Ралл, Ларднер ва Қўшма Штатлар Банкининг бошқа корчалонлари билан боғлик зди ҳамда уларнинг айримлари билан ҳатто кил

ўтмас дўстга ҳам айтаниб улгурган эди. Нима бўлганда ҳам у ушбу банқдан кўнгли нимани хоҳласа, шунга эришарди. Виржиния, Огайо ва бошқа штатларда йирик корамол савдоси ва мамлакат шарқидаги гўшт савдоси устидан якка хоким бўлиб олганди. Бу, мистер Каупервудниң гапи бўйича, башараси сўйлок тишли чўчқага ўхшаб кетадиган баҳайбат одам эди; у ҳар доим усти баланд сувсар теллакда ва узун, кенг, тоғдай гавдасидан осилиб турувчи сюртуқда юарди. Стишбержер гўшт нархини футига ўттиз центгача кўтариб юборди, бу майда савдогарлар ва истеъмолчилар орасида кескин норозилик келтириб чикарди, ҳатто унинг обрўсими ҳам тушириб юборди. Филаделфия, банкининг жамгармаси бўлимига у ўзи билан бир йил муддатга Кўшма Штатлар Банкининг минг, беш ва ўн икки долларлик когоз пулларда чикарилган юз ёки икки юзга минг билан киска муддатли мажбуриятларга олиб келар эди. Бу мажбуриятлар номиналдан ўн-ўн икки фоиз хисобидан хисобга олинар эди, унинг ўзи эса улар учун Кўшма Штатлар Банкига вексел билан тўрт ой муддатга тўлик баҳосига тўлар эди. Унга тегишли пулларни у Виржиния, Огайо ва Гарбий Пенсильванияда жойлашган турли банкларнинг банкнотларида номинал бўйича Учинчи миллий банкининг жамгарма бўлимида дасталаб олар эди, чунки асосан айни мана шу штатларда у ўз хисобларини юритар эди. Учинчи миллий банк асосий битимдан тўртдан тортиб беш фоизгача фойда оларди, бунинг устига Гарбий штатлардан ушлаб коладиган хисоб фоизи унга озмунча фойда келтирмасди.

Отаси кўпинча Фрэнсис Гранд деган одамии тилга оларди, у АҚШ конгрессидан ташкарида тузуккина аҳамиятга молик таникли Вашингтон журналисти, айникса, молния конунчилигига таалуқли турли-туман сирларнинг тагига стишда устаси франг эди. Президент ва вазирлар маҳкамаси, шунингдек, сенат ва вакиллар палатасининг махфий ишлари унинг учун очик китоб мисоли эди. Ўз вактида Гранд икки ёки уч макълерлик идораси воситасида Техаснинг карз мажбуриятлари ва облигацияларини йирик-йирик партиялар билан сотиб олар эди. Ўз мустакиллиги учун Мексика билан курашган бу республика ўн-ўн беш миллион долларлик пулга катор заёmlар чикарганди. Тे-

хасни АҚШ штатлари каторига құшиш күзда тутилған ва шу муносабат билан конгресс оркали республиканинг эски қарзини тұлаш ҳисобига беш милюон долларни ассигнациялаш тұғрисида конун лойихаси үтказилған зди. Карз мажбуриятларининг бир қисми уларни чикаришнинг алоҳида шартлари тұфайли түлик тұланиши, колганлари эса өсірмә билан тұланиши ва бундай үйин ҳақидаги гаплар күнглигә чалиниб, пул тұплаш мақсадида эски мажбуриятларни сотиб олишни күнглигә келтирғанларни өткізу үшін биронта сессияда конун лойихасини барбод этип үйлени кидириб топишга олдиндан келишиб күйилгани ҳақидаги гап каби Гранд бунинг ҳам хидини олған зди. У бу ҳақда Учинчи миллій банкни огохлантириб қўйди, бинобарин ғазначининг ёрдамчиси Каупервуд ҳам бундан воеиф бўлди. У ҳам гапни оқизмай-томизмай айтаб берди, хотини оркали эса бу гап Фрэнкнинг кулоғигача етиб борди, унинг катта-катта тиник кўзлари оловланди. Нима учун, деб ўзидан сўрарди у, отам қулагай пайтдан фойдаланмаяпти ва Техас республикаси облигацияларини ўзи учун сотиб олмаяпти? Ахир унинг ўзи Гранд ва яна уч-тўрт одам мана шундай юзталиклардан неча мингтасини ишлаб олганди, деб айттар зди-ку? Гарчи бунда конунга қарши айттарлик бир нарса бўлмаса-да, у бунга жудаям конуний иш эмас деб қараётган бўлиши эҳтимол. Бундай норасмий беҳабарлик учун ўзини мукофотласа нима килибди? Отам ўзига етганча ҳалол ҳам эмас, ўзига етганча хушёр ҳам эмас, үйлади Фрэнк. Ҳали ўзи катта бўлсин, биржачи ҳам, банкир ҳам, сармоядор ҳам бўлади, ўшанда қулагай пайтни қўлидан чиқариб бўлибди.

Айни ўша кунларда Каупервудларникига илгари сира келмаган бир кариндошлари қадам ранжида килиб колли. Бу миссис Каупервуднинг акаси Сенека Девис зди, у оқ юзли, ёноклари кизил ва мовий кўзли киши бўлиб, бўйи нак беш футу тўккиз дюйм зди, бақувват, тұладан келган, боши юм-юмалоқ бўлиб, ялтиллаган тепакал атрофида тилларанг сочининг қолдиклари жингалак-жингалак бўлиб турарди. Урфга обдон риоя килиб, ғоят башанг кийинганди – гулдор жилет, узун кулранг фартук ва цилиндр ўзига хўп ярашган (омадли одамга хос бўлган лиbosлар). Бир карашдаёқ Фрэнк унга маҳлиё бўлиб қол-

ди. Мистер Девис плантатор бўлиб, Кубада катта ранчоси бор эди; у болакайга оролдаги хаёт ҳакида – қўзғолонлар, камаллар, унинг ўз плантациясида кўлларида мачете билан каттиқ олишганлари ва яна кўплаб кизик нарсалар ҳакида ҳикоя килди. У ўзи билан ҳиндиларнинг ғаройиб нарсаларидан бир талайнини, кўплаб пул ва бир неча кулни олиб келганди. Улардан бири Мануэль исмли баланд бўйли ва озгин негр эди – унинг альтютанти ва тан қўрикчиси сифатида хамиша унинг кошида ҳозиру нозир турарди. Мистер Девис Филаделфиянинг Жанубий бандаргоҳида ортиладиган хомашё шакар-камиш плантацияларида мол экспорт килар эди. Амаки ўзининг маъсум кувноклиги билан Фрэнкни ром этганди, бундай кувноклик бутинч ва вазмин оиласда ҳагто бир кадар дагал ва одобсизликдек бўлиб кўринарди.

Якшанба куни кечқурун тўсатдан тоға бостириб кириб келди-да, барчани шодон ҳайратта солди.

– Бу қанақаси бўлди, сингилжон! – кичкириб деди у, миссис Каупервудга кўзи тушиши ҳамон. – Жичча ҳам семир-мапсан-ку. Мухтарам Генрига турмушга чикканингдан кейин сени акамдай семириб кетгандирсан деб ўйловдим. Йўқ, ана уни қаранглар! Улай агар у беш фунт ҳам келмайди-я!

Шундай дея у Ненси-Арабеллани белидан кучиб, ҳайратга тушган болалари томон итариб юборди.

– Мана бу митти шаҳарликларга бир қаранглар, – шовқин соларди тоға, – башаралари унга ботирганлай оппол-а. Бироз офтобда тоблангани менинг ранчомга борсаларинг бўлармиди. Мум қўғирчоқдан фарклари йўғ-а. – Шундай деб туриб, у беш ёшли Анна Аделанданинг юзидан чимчилаб қўйди. – Ростини айтсам, Генри, туриш-турмушларинг чакки эмас, – давом этди у оддийгина уч каватли уйнинг меҳмонхонасига синчков кўз югутирас экан.

Сахни йигирмага йигирма тўрт фут бўлган, олча дарахтига ўхшатиб пардоз берилган ва Шерaton усулидаги янги гарнитур билан жихозланган бу хона бир оз ғалати кўринса-да, бирок шинамгина эди. Генри Каупервуд ғазначи ёрдамчиси бўлганида, у Европадан фортельиано олиб келтирган эди – ўша вактларда бу дабдаба саналарди. Хонага бошқа ноёб нар-

салар ҳам зеб бериб турарди: газда ёнадиган кандил, тилла баликчалари бўлган аквариум, ғалати-ғалати шакъудаги обдон сайқал берилган бир нечта чиғанок ва гулли сават тутган ишқ маъбудасининг мармар ҳайкалчаси шулар жумласига киради. Ёз фасли. Катта очик деразалардан ғиштин йўлкага соя ташлаб турган дараҳт шохларини кўрган кўз кувонмай қолмайди. Сенека тоға шошмайгина ҳовлига чиқди.

– Жойга беш кетдим, аммо, – деди у шоҳдор қайрағоч тагида туриб, бир қисмiga ғишт ётқизилган ва ғиштин девор билан ўралган ҳовлига назар соларкан; девор устида ёввойи ток чуваланиб ётарди. – Тўр беланчакларинг қани? Наҳотки ёзда бу ерга беланчак осмасаларинг? Сен-Педрода менинг айвонимда олтитами ё еттитами беланчагим бор.

– Беланчак эсимизга келибди дейсизми, ака, ён-атрофимизда кўшнилар. Лекин бўлса-ку, нур устига нур бўлурди, – жавоб берди миссис Каупервуд. – Эртагаёқ Генридан беланчак сотиб олишини илтимос киламан.

– Мен бир пеҳтасини ўзим билан олиб келдим. Мехмонхонадаги сандикка солиб кўйганман. Кубадаги кораялокларим уларни ўзлари тўқийди. Шулардан биттасини эртагаёқ Мануэлдан бериб юбораман.

У битта ток баргидан юлиб олди, Эдварднинг қулоғидан тортиб кўйди, болаларнинг энг кичкинаси Жозефга хиндишлар томагавкидан олиб келишга ваъда берди-да, уйига қайтиб кетди.

– Мана бу болакай менга ёқади, – деди у бирпас тўхтаб ва кўлини Фрэнкнинг елкасига кўйиб. – Унинг тўлиқ исми қандай, Генри?

– Фрэнк Алжернон.

– Ҳм! Унга бошқачароқ исм кўйиш керак экан, меникига ўхшаган. Бу болада нимадир бор... Кубага олдимга кел, мен сени плантатор киламан.

– Мен буни хоҳламайман, – жавоб берди Каупервуднинг тўнғич ўғли.

– Очигини айтганинг ҳам дуруст! Таклифимга қарши нима демокчисан?

– Ҳеч нарса. Факат мен бу ишни билмайман.

- Канакасини биласан?
- Бола муғомбира жилмайды.
- Мен деярли ҳеч нарса билмайман.
- Бўпти, хўш, ўзинг нимага кизикасан?
- Пулга.

- Оббо сен-ей! Минг килса ҳам қонингда бор-да, ота изидан кетибсан. Нима ҳам дер эдик, ёмон эмас! Худди катталардай фикрлашини каранглар уни. Бўпти, миттивой, биз сен билан ҳали гаплашамиз. Синглим, афтидан сеникида сармоядор ўса-ялти. У барча нарсага ҳақиқий ишбилармонлардай карайти.

Тоға Фрэнкка яна диккат билан караб кўйди. Бу бир сўзли йигитчада, шубҳасиз пимадир бор. Унинг катта-катта ва кулранг кўзларидан акл ёғиларди. Бу кўзлар кўп нарсани яшириб турарди.

- Кизик бола! – деди мистер Дэвис куёвига. – Менга унинг чакқонлиги ёқади. Болаларингизнинг бари бўлалик.

Мистер Капервул жилмайиб кўйди, холос. Модомики, Фрэнк унга ёқиблими, бу тоға унинг учун кўп нарса қила олади. Масалан, вакти келиб унга ўз бойликларининг бир кисми ни бериши ҳам мумкин. Мистер Дэвис бой ва бўйдок эди.

Сенека тоға Каупервудларнига танда қўйиб қолди, у ҳар доим болаларни ҳайратга солиб немисча ва испанча гапирадиган кора танли тан кўрикчиси Манузл билан бирга келарди. Фрэнк уни тобора кўпроқ кизиктирумокда эди.

- Бола улғайиб, ким бўлмокчи эканига карор қилганида, мен унинг оёкка туришида ёрдам бераман, – деди бир куни мистер Дэвис синглиси билан бўлган сухбатда. Нэнси акасига миннатдорчилик билдириди.

Тоға Фрэнк билан унинг машгулотлари ҳақида сухбатлашарди, у болани китоблар ва умуман, мактаб дарслекларининг кўпчилиги кизиктиришини ҳам билиб олди.

Грамматика – турган-битгани расво. Адабиёт уч пулга киммат. Лотин тили – вактни бекорга сарф килиш. Тарих – шуни ҳам фан деб бўларканми.

- Мен хисобчилик ва математикани яхши кўраман, – деди Фрэнк. – ўзимга колса, ҳаммасини йиғиштириб қўядим-да, ишга киришиб кетардим.

– Ишга ҳали эрта, оғайни, – жавоб берди тоға. – Ёшинг нечада? Үн түртдами?

– Үн учда.

– Ана кўрдингми, үн олтига тўлмай туриб, мактабни ташлаб бўлмайди. Үн етти-үн саккизга етгунча ўқисанг, яна яхши. Заарар килмайди. Болаликни кейин қайтариб бўлмайди, бўталогим.

– Мен бола бўлишни хоҳламайман. Ишлашни хоҳлайман.

– Шошилма, кўзичогим. Бир вакт қарабсанки, кап-катта бўлиб коласан. Афтидан, банкирликка кўнглинг суст кетяпти-ёв?

– Ҳа, тогажон.

– Ҳа, нима ҳам дердим, Худо хоҳласа, ўша вакт келади, агар фикринг ўзгариб қолмаса, бошламасига мен ўзим сенга ёрдам бераман. Аммо қара, ўзингни яхши тут. Сенинг ўрнингда бўлганимда, ишдан аввал бир-икки йил катта дон воситачилик идорасида ишлаган бўлардим. У ерда тажриба орттирса бўлади. Сенга кейинчалик аскотиб коладиган кўп нарсаларни билиб оласан. Ҳозирча соғлиғингга эҳтиёт бўл ва кўп ўки. Зарурат туғилганда қаерда бўлмай, менга хабар бер. Мен хат ёзаман ва сен ўзингни қандай тутганингни билиб оламан.

Банкда ўзига ҳисоб очиш учун у жиянига үн долларлик олтин танга берди. Бу харакатчан, ўз кучига ишонган ва ҳаёт ҳали дахл килмаган йигитча мистер Дэвисни Каупервудларнинг бутун хонадонига мойил қилиб кўйган бўлса, не ажаб.

### III боб

Үн тўрт ёшида Фрэнк Каупервуд биринчи марта тижорат ишларига бош кўшди. Бир куни тижоратчилар ва уларнинг фирмаларини Фрон-стрит кўчасидан ўта туриб, у улгуржи баққоллик дўкони эшиги устида кимошди савдоси байроқчасини кўриб қолди, ичкаридан савлогарларнинг овози эшитиларди:

– Ажойиб ява қаҳвасининг бир партияси учун менга нимани таклиф килишаяпти дейсизми? Бугунги кунга келиб, ултүржи бозор нархи бир қопига етти доллару ўттис икки цент булиб турибди. Қанча берасиз? Қанча берасиз? Партия факат яхлит борали. Қанча берасиз?

– Ўн саккиз доллар, – дея кичкирди, эшик тагида турган баккол, у савдонинг “қулогини очиш” учунгина айтганди бу нархни. Фрэнк уларни кузатиб турарди.

– Йигирма икки, – деди бошка овоз.

– Ўттис, – кулокка чалинди учинчи овоз.

Нарх етмиш беш долларга етиб борди, бу қаҳва ҳақиқий кийматининг ярмидан күпроғини ташкил этарди.

– Етмиш беш доллар. Етмиш беш, – дея кимошди савдогари кичкирап эди. – Ким күпрок айтади? Етмиш беш доллар – бир. Ким саксон беради? Етмиш беш доллар – икки... – У тин олди ва санъаткорона тарзда кўлинин олдинга кўтарди. Кейин кўлини кескин туширди. – Етмиш беш долларга мистер Сайллас Грегорига сотилди. Ёзиб кўйинг, Жерри, – мурожаат килди у ўзининг чўтири ёрдамчисига ва ўша захоти бакколлик молининг бошка туркуми: ўн бир бочка охорни сотишга ўтди.

Ёш Каупервуд хаёлида тезда хисоблаб чиқди. Кимошди савдогарининг гапига ишонадиган бўлса, қаҳванинг бозор нархи қопига етти доллару ўттис икки цент туради; демак, уни етмиш беш долларга сотиб олган баккол ўша захоти саксон олти доллару тўрт цент ишлаб олади, уни чакана нархда сотиб эса ундан ҳам күпрок ишлайди. Агар эсидан чикмаган бўлса, онаси ҳар фунтига йигирма саккиз цент тўлайди. Китобларини кўлтиғига кисганча Фрэнк бакколлар ёнига яқинрок борди ва савдонинг боришини ликкат билан кузата бошлади. Салдан кейин эштишига қараганда, бир бочка охор ўн доллар тураркан, бу сурда эса уни олти доллардан сотишарди. Бир неча бочка сирка ўз кийматидан уч баравар арzonга кўлма-кўл булиб кетганди. Фрэнкнинг савдода шунаканги иштирок этгиси келиб кетдики, кўяверасиз, бирор унинг чўнтағила майда чакалардан бошка пули йўқ эли. Кимошди савдогари каршиларила турган болага кўзи гушди-ю, унинг юзидаги жиддийлик ва шиддатдан ҳайрон колди.

– Ажойиб кастил совунини таклиф этаман – етти кути, оз хам эмас, күп хам эмас. Шуни билиб қўйингки, агар совунга ишингиз тушган бўлса, хозир бир юмалоги ўн тўрт цент туради. Бир кутисига эса сиздан ўн тўрт лоллару етмиш беш цент олишади. Қанча берасиз? Қанча берасиз? Қанча берасиз?

У тез, савдогарга хос одатдаги имо-ишоралар ва хаддан ташкари эҳтирос билан гапиради, аммо бу ёш Каупервудга таъсир килмаётганди. У хаёлида тезда ҳисоблаб чиқди. Етти-та кути ўн бирдан етмиш беш – ҳаммаси бўлиб саксон икки доллару йигирма беш цент. Борди-ю, бу туркум ярим баҳосига кетса... борди-ю, ярим баҳосига кетса...

- Ўн икки доллар! – кимдир таклиф киритди.
- Ўн беш! – бошқаси уни кўтарди.
- Йигирма беш! – кичкирди учинчиси.

Шундан кейин бир доллардан ортиб бораверди, чунки кастил совунига талаб унча катта эмасди.

- Йигирма олти!
- Йигирма етти!
- Йигирма саккиз!
- Йигирма тўккиз!

Ҳамма жим бўлиб колди.

- Ўттиз! – кескин оҳангда деди ёш Каупервуд.

Юзи заҳил ва соchlари тўзғиган жиккаккина, озгин кимошли савдогари кизикувчанлик ва бир қадар локайдларча Фрэнка тикилар экан, жаги бир лаҳза ҳам тинмаётганди. Боланинг каттиқ тикилиб қарashi беихтиёр унинг эътиборини тортди ва ўзи ҳам билмаган ҳолда юрагида ишонч пайдо бўлди ва бир тўхтамга келди: болада пул бор. Ҳойشاҳой, биронта баққолнинг боласи бўлса керак.

– Ўттиз доллар! Ўттиз доллар! Ажойиб совунимнинг бир туркуми ўттиз доллардан! Аъло совун! Чакана савдода бир юмалоги ўн тўрт центдан кетади. Ўттиз бир доллар берадиган борми? Ким ўттиз бир беради? Хўш, ким ўттиз бир беради?

- Ўттиз бир! – деган овоз эшистилди.
- Ўттиз икки! – деди Каупервуд.

Савдо бошқатдан бошланди.

— Ўттиз икки доллар! Ўттиз икки доллар! Ўттиз икки доллар! Ажойиб бу совунга ким ўттиз уч доллардан беради? Ким ўттиз учдан беради?

Ёш Каупервуднинг мияси тез ишлаб кетди. Унинг ёнида пул йўқ эди, аммо отаси Учинчи миллий банкда ғазначи ёрдамчиси бўлиб хизмат киларди. Фрэнк бемалол унга ишонса бўлади. Мана шу совуннинг ҳаммасини қўшни уйдаги бакколга ўтказишига сира шубха килмасди, борди-ю, у бўлмаса, бошка бир бакколга ўтказади. Шу нархга сотиб олишни истовчилар топилади-ку, ахир. Совунни Фрэнк сотиб олса нима килибди?

Кимошди савдогари нафасини ростлади.

— Ўттиз икки доллар – бир! Ким ўттиз уч беради? Ўттиз икки доллар – икки! Ўттиз уч берадиган борми? Ўттиз икки доллар – уч! Етти кути аъло совун! Ким ошиғи билан беради? Бир, икки, уч! Ким кўпроқ беради? – Унинг кўли яна ҳавога кўтарилиди. – Уни мистер...

У пештахта оша хиёл эгилди, ёш харидорнинг юзига кизик-синиб қаради.

– Фрэнк Каупервуд сотиб олади, у Учинчи миллий банк газначиси ёрдамчисининг ўғли бўлади, – кескин оҳангда гапирди бола.

– Бўлади! – деди кимошди савдогари, унинг дадил қараб турганига ишонган ҳолда.

– Бирпас шошмай турасизми? Банкдан пул оламану қайтаман.

– Яхши! Факат хаяллама: агар бир соат ичиди келмасанг, мен уни яна савдога кўйиб юбораман.

Фрэнк жавоб бермай, эшикдан югуриб чиқди ва энг аввало дўкони Каупервудлар уйидан бир маҳалла нарида жойлашган таниш бакколнинг олдига чопди.

Сўнгги ўттиз қадамни у секин юриб ўтди, кейин хотиржам киёфага кирди ва дўконга кираётиб, кўзлари билан кастил совунини кидира бошлади. Ана у – одатдаги жойида, ўша нав, “унинг” совунига ўхшаган ўшандай қутида.

– Манави совунингизнинг донаси қанчадан, мистер Дэлримпл? – сўради Фрэнк.

– Ўн олти центдан, – гердайиб жавоб берди бақкол.

– Агар сизга худди шундай совундан етти кутисини олтмиш икки доллардан олиб келсам, олармидингиз?

– Худди шунақасиданми?

– Ҳа, сэр.

Мистер Дэлримпл кўнглида хисоб-китоб кила бошлади.

– Ҳа, олардим, – аста жавоб берди у.

– Сиз пулни бугуннинг ўзида тўлайсизми?

– Мен вексел бераман. Молнинг ўзи каерда?

Мистер Дэлримпл кўшнининг ўғли берган бу ногаҳоний таклифдан хиёл ташвишланди. У мистер Каупервудни ҳам, Фрэнкнинг ўзини ҳам яхши танирди.

– Агар совунни бугунок олиб келиб берсам, аник оласизми?

– Оламан, – жавоб берди баккол. – Нима, совун савдоси билан шуғулланаяпсизларми?

– Йўқ, аммо уни арzonрок сотиб олса бўладиган жойни биламан.

Фрэнк шошиб чиқиб кетди-да, отасининг олдига югурди. Банкда ишлар аллакачон тўхтаган эди, аммо болакай у ернинг барча баланд-пастларини биларди, агар ўғли ўттиз доллар ишлаб топса, мистер Каупервуднинг мамнун бўлишини ҳам биларди. Унга пулни бир кунгинага банд килса, шу старли эди.

– Нима гап, Фрэнк? – бошини баланд ёзув столидан кўтариб сўради мистер Каупервуд юзи қизарган ва бўгриккан ўғлига караб.

– Сиздан ўттиз икки доллар карз сўрамокчи эдим, дада.

– Яхши. Ҳўш, бу пул сенга нега керак бўлиб қолди?

– Мен совун сотиб олмокчиман: етти кути кастил совуни. Уни каердан олишни биламан, унга харидор ҳам топиб кўйдим. Мистер Дэлримпл бугун молни олади. У менга олтмиш икки доллар таклиф килди. Агар пул берсангиз, мен гир этиб бораман-да, кимошди савдогарига тўлайман.

Мистер Каупервуд жилмайди. Ўғли хеч қачон бундай иш билармонлигини намоён этмаганди. Ўн уч яшар бола учун бу иш хаддан ташкари мушоҳадакор ва уддабуронлик эди.

– Демак, Фрэнк, – деди ота бир канча ассигнация ётган кути томон бораркан, – сен, афтидан, сармоядор бўлиб колган

куринасан. Заарал күрмаслигингга ишончинг комилми? Килган ишиңгнинг маъносини яхши тушунасами?

– Пул берсангиз-чи, дадажон, – илтимос оҳангода сўради Фрэнк. – Мен нимага қодирлигимни сизга исботлайман. Пул беринг аввал. Менга ишонаверинг.

– Бўлмасам-чи, Фрэнк, мен сенга ишонаман, – деди у ва узининг Учинчи миллӣй банкининг пулидан олтита беш долларлик ва иккита бир долларлик санаб берди. – Ма, ол!

Фрэнк отасига миннатдорлик билдириб, ташкарига отилди ва оёғини кўлига олиб, кимошли савдоси бозорига караб учди.

Фрэнк клерк ўтирган столча ёнига келиб:

– Совунга пул тўламоқчиман, – деди.

– Ҳозирми?

– Ҳа. Менга тилхат ёзиб берасизми?

– Майли!

– Молни уйга олиб бориб берасизларми?

– Йўқ, бизда унака эмас. Сиз уни бир кун ичидан олиб кетишингиз керак.

Кутимаган кийинчиликка Фрэнк парво килмади.

– Бўпти, – деди у, тилхатни чўнтағига жойлар экан.

Савдогар беихтиёр унинг ортидан кузатиб қолди. Ярим соатдан кейин Фрэнк бандаргоҳда араваси ортидан судралиб юрадиган ва тўғри келган нарсадан пул ишлашга тайёр кира-каш ҳамроҳлигига кайтиб келди.

Олтмиш цент учун у совунни олиб бориб беришга кўнди. Ярим соатдан сўнг улар ҳайратдан донг қотган мистер Дэлримпл дўкони олдида туришарди. Совунни аравадан туширишдан аввал Фрэнк уни кўчага чикиб, кутиларни кўздан кечириб чикишга мажбур килди. Борди-ю, маслаҳат жойидан чикмай колса, Фрэнк совунни уйига олиб кетишни кўнглига тугиб кўйганди. Бу унинг биринчи олибсотарлиги бўлганига қарамай, у хар доим килаётган иши жой-жойида бўлишини хоҳларди.

– Маъқул, – гудранди мистер Дэлримпл ковогини уйган холда оппок сочли бошини қашиб. – Маъқул, мен совунни оламан. Сўздан кайтиш йўқ. Буни каердан топа колдингиз, Фрэнк?

– Биксомникидаги савлода, шу якин-агрофда, – очикчасига ва одоб билан жавоб берди ёш Каупервуд.

Мистер Дэлримпл совунни дүконга олиб киришларини буюрди ва сотувчи вояга етмагаңылыгы учун озгина кийналиб бұлса-да, айрим расмиятчылардан кейин бир ой муддатта вексел ёзиб берди.

Фрэнк ташаккур билдирилди ва векселни чүнтагига солди. У яна отасининг хузурига боришга ва қарғыннан кайтариш хамда үз фойдасини нақд олиш учун, бошқалар унинг күз олдиде килгандаридек, векселни хисобдан үтқазиб күйишга карор килди. Одатда бундай ишлар банк ёпилгандан кейин амалга оширилмас әди, бирок отаси унинг учун истисно килади.

Хуштак чалганча у йўлга тушди; уни кўриб отаси яна жилмайди.

— Хўш, Фрэнк, овинг бароридан келдими? — сўради мистер Каупервуд.

— Мана, бир ой муддатта вексел, — деди бола, Дэлримплдан олган мажбурият қоғозини столга кўяр экан. — Марҳамат, ўзингизнинг ўттиз икки долларингизни ушлаб колиб, уни хисобга олиб кўйинг.

Ота векселни диккат билан кўздан кечирди.

— Олтмиш икки доллар, — ўқиди у. — Мистер Дэлримпл. Ҳаммаси тўғри. Ҳа, мен уни хисобга олиб кўяман. Бу сенга ўн фоизга тушади, — ҳазиллашди у. — Айтмокчи, векселни ўзинга олиб колсанг нима килибди? Мен кутиб тура оламан ва ой охиригача ўзимнинг ўттиз икки долларимни талаб килмайман.

Йўқ, керак эмас, — эътиroz билдирилди Фрэнк. — Сиз яхшиси уни хисобга олиб кўйинг ва үз пулингизни олинг. Қолгани ўзимга керак бўлиб қолишин мумкин.

Ўглининг ишбилармонларча кўринишидан мистер Каупервуд завқланиб кетди.

— Ҳа, майли, — деди у. — Эртага ҳаммаси рисоладагидек бўлади, хўш, энди айт-чи, буни кандай удаладинг?

Ўғли унга ҳаммасини сўзлаб берди. Кечқурун соат еттида бу гапдан миссис Каупервуд хабар топди, салдан кейин эса Сенека тоганинг кулоғига бориб стди.

— Ана, сизга айтмаганмидим, Каупервуд? — деди тоға. — Бу бола — бўладиган бола. Ҳали кўрасиз, у нималар килмайди!

Тушлик чогида миссис Каупервуд ўғлига меҳр билан бокар эди. Ахир куни кеча у онаси кўкрагидан бир зум ажрамайдиган эмизикли чакалок эмасми? Қандай қилиб бирдан кап-катта йигит бўлиб қолди?

– Болажоним Фрэнк, худойим бундан кейин ҳам ўзи йўлингни берсин, – деди у.

– Мен ҳам шундай тилак қиласман, ойи, – лўнда жавоб эшилди.

Тўғри, савдо ҳар куни ҳам бўлавермас, баққол билан ҳам ҳар куни битим тузилавермасди, бирок Фрэнк муштдайлигидан пул тўплашни ўрганиб олганди. У ёшлар учун журналга обуна тўплар, янги нав конъякни тарқатиш бўйича агент бўлиб ишлар эди, бир гал ҳатто атрофдаги болаларни бир ёқадан бош чикаришга чорлаб, уларга улгуржи нархда ёзлик похол шляпа сотиб олдирди. Пулни эҳтиёт қилиб жамғаривори бориши Фрэнк хаёлига ҳам келтирмасди. Она сути оғзидан кетмаган пайтданоқ у сарф-харажатлар учун пулнинг юзига бориб ўтирмасликка аҳд килганди ва қандай қилиб бўлмасин, шундай имкониятга эга бўласман, дерди.

Сал олдинми ё шу йилими, унда қиз болаларга хавас уйғонганди. Унинг нигоҳи, албатта, энг чиройли қизга қадалиб коларди. Унинг ўзи хушрўй ва жозибадор бўлгани боис ёкиб қолган кизини ўзига оғдириб олиш унинг учун ҳеч гап эмасди. Кўшни бўлиб яшайдиган ўн икки яшар Пейшенс Барлоу унинг назарига тушган биринчи қиз эди. У ҳам кизнинг назарига тушганди.

Табиат қизга чакнок кора кўзлар ва кора соч ато этганди, сочини у доим иккита қилиб ўриб юрарди. Тўпиклари нозик, силлик оёқчаларида у пардай енгил одимларди. Кизнинг отонаси квакерлар эдилар, у бошига ҳар доим ихчамгина чепчикни кўндириб оларди. Шунга қарамай, унинг феъли оловгина эди ва мана бу жасоратли, ўзига ишонган, тўғрисусўз бола унга ёкарди. Бир куни уларнинг кўзлари бир неча бор тўкнашгандан кейин, у қизни тўхтатди-да, ҳар доимгидай жилмайиб дангал сўради:

– Сиз бизнинг кўчамизда турасиз, шундайми?

– Ҳа, – жавоб берди қиз хиёл ҳаяжонланиб ва китоб солинган сумкасини ўйниттанча, – бир юз кирк биринчи уйда, – деб кўшиб кўйди.

– Мен бу уйни биламан, – деди Фрэнк. – Ўша уйга кириб кетаётганингизни кўргандим. Сиз, янгишмасам, менинг синглим билан бир синфда ўкийсиз, тўғрими? Исли-шарифингиз Пейшенс Барлоу-да?

Синфдош дўстларидан бири бир гал кизни шу ном билан айтиб чакиргани кулогига чалинганди.

– Ҳа, – тасдиклади қиз. – Сиз каердан биласиз?

– Эшигандим, – жилмайди Фрэнк. – Мен сизни тез-тез кўриб тураман. Кизилмия ейсизми?

Фрэнк чўнтағига кўл сукди ва ўша вактларда кенг урф бўлган бир нечта янги кизилмия таёқчаларини олди.

Пейшенс эркаланибгина ташаккур билдири ва таёқчалардан бирини олди.

– Унча ширин бўлмаса керак. Чўнтағимда качондан бери ётиби. Якинда обакиларим бор эли.

– Йўқ, ширин, – деди қиз, таёқчанинг учидан шимиб.

– Сиз синглим Анна Каупервудни билсангиз керак? – сўради йигитча аввалги сухбатга кайтиб ва ўзини кўшни кизга таниширган бўлиб. – Тўғри, у сиздан бир синф пастда ўкийди, лекин сизлар таниш бўлсаларингиз керак?

– Мен уни биламан. Мактабдан қайтишда кўришиб қоламиз.

– Мен хов алави ерда, ўнг тарафда тураман, – деди Фрэнк бусиз қиз унинг қаерда туришини билмайдигандек, улар якинлашиб келаётган уйни кўрсатди унга. – Энди биз тез-тез кўришиб турсак керак?

– Сиз Рут Мерриом билан танишмисиз? – сўради қиз. Фрэнк унинг уйига борадиган тош йўлакка энди бурилмокчи бўлганда.

– Йўқ, нега сўраяпсиз?

– Уйида сесанбада оқшом бўлади, – тил учидагапиргандек деди Пейшенс.

- Рут каерда туради?
- Йигирма саккизинчи уйда.
- Һорсам боравераман уникига, – деди Фрэнк, уйи томон буриларкан.
- У сизни ҳам таклиф этиши мумкин. – деди Пейшес да-дил.
- Мен ундан илтимос килиб күраман.
- Раҳмат, – жилмайиб ташаккур билдириди йигитча.

Киз йўлида кувнок чопиб кетди.

Фрэнк кўзлари ял-ял ёниб, унинг оргидан караб қолди. Киз чиндан ажойиб эди. Фрэнк уни жуда-жуда ўпгиси келиб кетди ва Рут Меррионларникидаги оқшомни ва у ерда солир бўла-диган воеаларни шундок кўз олдига келтириди.

Бу хали болаларча севги эди, ха, турмуш воеалари бўрони орасида Фрэнкни вакти-вакти билан камраб оловчи болаларча завқ-шавклардан бири эди. Ўзига бошка бир кизни топмагунча хилват бурчакларда у Пейшес Барлоу билан бирон марта ҳам учрашмаганди. Кишда Пейшес кўшни кизлар билан яхмалак ўйнагани кўчага югуриб чиқарди ёки узок киш оқшомларида уйи эшиги олдилаги скамсайкачада ўтираверарди. Оқшомлари унга турли гапларни шивирлаб гапириш канчалик осон бўлса, уни бу соатларда учратиб бўса олиш ҳам шунчалик осон эди. Пейшеснинг ўрнига Дора Фитлер келди – бу вактда Фрэнк ўн олти, киз эса ўн тўрт ёшда эди, кейинроқ, Фрэнк ўн ёттига тўлганида ўн беш яшар Маржори Страффорд билан танишди, уmallasoch, дўмбоккина, мовий кўзли, кузлари кип-кизил ва субхидал осмонидай тиник бир киз эди.

Ўн етти ёшида Фрэнк мактабни ташлашга карор киёди. У катта синфларда бор-йўғи уч йилгина ўқиди, аммо ўқиш уни жонидан тўйдириб юборганди. Ўн уч ёшидаёқ молия иши унинг бутун фикру зикрини камраб олганди, бу унинг Учинчи кўчада кузатганидан асло фарқ килмасди. Ора-чора унга нимадир ишлаб топишга имкон берувчи топширикларни бажариб борарди. Сенска тога юк бандаргоҳида унга тарозибонга ёрдамчилик килишга йўл кўйиб берарди, бу ерда хукумат нозирларининг синчков назорати остида божхона кошидаги давлат юхоналарида уч юз фунтли шакарли коплар тахланарди. Гоҳо

алохида шошилинч ишда у отасига ёрдам берарди ва бунинг учун хак оларди. Фрэнк ҳатто мистер Дэлримпл билан шанба кунлари уницида ишлашга келишиб олганди, бирок шундан кўп ўтмай, у ўн бешга қадам кўйғанда, отаси йиллик маоши тўрт минг долларли бош газначи бўлди ва пештахта ортидаги иш тўғрисида, албаттa, энди гап бўлиши мумкин эмасди.

Худди шу вактларда Филадельфияга Сенека тоға яна ташриф буюриб колди, у янайам семириб, янала салобатли кўришар эди, у жиянига деди:

— Гап бундай, жиян, агар чиндан ишламоқчи бўлсанг, бошламасига мен сен учун бир яхши жойни асраб кўйибман. Биринчи йили маошсиз ишлайсан, аммо борли-ю, улдалаб кетсанг, мукофотлар олишинг мумкин. Иккинчи кўчадаги “Генри Уотермен ва К” фирмаси ҳакида эшигтганмисан?

— Ҳа, уларнинг илораси касрдалигини биламан.

— Ана шулар сени ҳисобчи килиб олишга рози. Улар дон олиб сотиш ва даллолчилик ишлари билан шугулланадиган маклерлар. Бир гал шу соҳада ишлагим бор дсан эдинг. Ўкув йили тугаганида, мистер Уотерменнинг оллига кир, мени айт, у сени ишга олади. Нимага келишганларнингни кейин менга хабар кил.

Сенека тоға энди уйланиб олган эди — пуллари билан у унча бой бўлмаган, аммо филадельфиялик бир иззатталабгиша хонимнинг юрагини забт этган эди. Шу никоҳ баҳонаси билан Каупервудларнинг муносабатлари, кўпчиликнинг фикрига кўра, жуда мустахкамланиши керак эмиш. Генри Каупервуд шахарнинг шимолий кисмига, Фрон-стритга кўчиб ўтишни ўйлаб юради, бу срлан дарёнинг улугвор манзараси кўриниб турарди, у ерла чиройли уйлар курилмоқда эди. Ўша вактлар бўйича — Фукаролар урушидан сал олдин — унинг тўрт минглик маоши хийла катта эди. Фаросатли ва эътиборли Генри Каупервул хеч качон жамғармаларини озгина бўлсада, таваккал ишларга сарфламасди ва ўзининг бежоғлилиги, хушёрлиги сабабли, унинг хамкаслари айтганидек, ўзи ишлаётган банкнинг вицे директори ёки ҳатто директори лавозимига кўтарилиши учун барча асослар бор эди.

Сенска төғанинг “Үотермен ва К”га нисбатан таклифини Фрэнк бошламаси учун мутлако түгри деб хисобларди. Шу боис у июнь ойида Иккинчи күчага равона бўлди ва уни ота Генри Үотермен очик чехра билан карши олди. Бундан ташқари, маълум бўлишича, йигирма яшарлик ўғил Генри Үотермен, ота Үотерменнинг укаси, эллик ёшлардаги Жорж Үотермен деган киши ҳам бор эди. Жорж Үотермен ишончли шахс бўлиб, барча битимлардан кўз-кулок бўлиб турар эди. Корхонага эллик беш ёшдаги ота Генри Үотермен бошчилик киларди. Зарурат туғилганда у шахар чеккаларидағи мижозларга чикиб кетар эди; укаси ўзи ҳал этолмаган масалаларда сўнгги сўзини айтиш унга қоларли ва янги битимларни ҳам у тузарди, шу боис шериклари ва хизматчилари уларни ҳаётга татбик этиш билангина андармон бўлишарди. Кўринишидан оғир табиатли, оёклари катта-катта, кориндоргина эди, иргиб чиккан кўзларининг атрофини ажин босган ва буйни кип-кизил мистер Генри Үотермен ўз ишига зийрак, етти ўлчаб бир кесадиган акли одам эди. Тугма аклилиги ва хушмуомалалиги туфайли у килган ҳар бир иш пухта ва самарали бўларди. Аммо йиллар ўз ишини килганди ва борди-ю фирма зарар кўрмайдиган бўлса, у ўғли билан жон-жон деб ҳамкорлик килишга тайёр эди.

Аммо бу тўғрида орзу килмаса ҳам бўларди. Отасидай одамшаванда, фахмли ва ишchan бўлмаган ўғил тижорат фаолиятига нисбатан нафратдан бошка ҳеч нарсани хис этмасди. Унинг ихтиёрига қолдирилган иш, шубҳасиз, йўкка чикиши тайнин эди. Буни кўриб, отаси куйинарди ва тижоратга кизиқадиган битта-яримта йигит топилиб колишига ва шу билан бирга ўғлини сикиб чикариб юборишига умид боғлар эди, хулласи калом, кичик шерик вазифаси билан қаноатланишга рози бўладиган одам керак эди унга.

Мана. Сенека Дэвиснинг тавсияси билан ёш Каупервуд келди. Мистер Үотермен унга танкидий кўз билан назар солди. Ҳа, ўйлади чол, бола маъқулгина. Бу боладан маънили иш чикиши мумкин. У ўзини хотиржам ва айни вактда ҳеч бир хаяжонга берилмай, тортинчоқлик килмай, мағрур тутарди. Унинг сўзича, гарчи лон даллоллиги ишларини миридан-сиригача билма-

са-да, у хисоб-китобларни юргизиши улдайларкан. Аммо у шу соҳага кизикар ва шунда омадини синааб кўрмокчи экан.

— Бу болакай менга ёкиб қолли, — деди укасига Генри Уотермен, эртагаёқ янги вазифаларини бажаришга киришиш хақида таклиф олган Фрэнк кетгандан кейин. — Унда нимадир бор! Бундай ёш, нишонга урадиган одам анчадан бери даргохимизга оёқ босмаганди.

— Ҳа, — уни маъкуллари акасидан ҳам озгинрок ва бўйчанрок, кора, ўйчан кўзлари хиёл хиралашган ва сийрак кора сочли Жорж, сочининг коралиги унинг тухумсимон бошидаги кални яна-да якколрок кўрсатиб туради. — Жуда ёқимли йигит экан. Қизик, отаси нега уни ёнига банкка олмади экан?

— Имкони бўлмагандир-да, — эътиroz билдириди aka Уотермен. — У ерда бор-йўғи ғазначи бўлиб ишлаши мумкинdir.

— Ҳа, тўғри айтасан.

— Нима ҳам дердик, синааб кўрайлик-чи. Менимча, у ҳар бир ишни дўнлиради. Кслажаги порлоқ йигитчанинг!

Генри Уотермен ўрнидан турди ва Иккинчи кўчага очилувчи катта эшик томон йўналди. Тонг куёшидан биноларнинг яхлит деворлари (улар орасида унинг идораси ҳам бор эди) тўсиб турган тош йўлдан эсаётган муздек ел, туёклар дупури, араваларнинг дўкир-дўкири, ивирсиган оломон – буларнинг барчаси унга хуш ёқарди. У йўлнинг нариги томонига кўз солди – уч ва тўрт каватли уйлар, уларпинг бари деярли кулранг тошдан курилганди. Уйларнинг ичидаги ҳам хаёт кайнарди. Генри Уотермен бир вактлар мана шундай гавжум жойда иш бошлини кўнглига соганидан Худога кайта-қайта шукурлар айтарди. Факат ўз вактида бу ерда яна бир неча ховлини сотиб олиб кўймаганига ачинарди.

“Мана шу ёш Каупервуд менбоп одам бўлиб чикса-ку, зўр бўларди-я. – кўнглидан ўтди чолнинг. – Кўплаб ортиқча ташвишлардан кутулар эдим”.

Атиги беш дакиқача давом этган сухбатдаёк бу боланинг ишибилармонлиги аён бўлганинига қойил қолмай илож йўқ. Умидлари рўёбга чиқишига Генри Уотермен энди деярли шубҳа килмасди.

## IV боб

Үша йиллари Фрэнк Каупервуднинг ташки кўриниши ёқимтой ва кўркам эди. Бўйи барвастагина – беш фунт ва ўн дюйм, слкалари кенг-кенг ва хушбичим, каттакон, чиройлик бошидаги қизғиши сочлари қалин ва жингалак-жингалак. Чакнок кўзлари маъноли бокарди, аммо пигоҳи ўткир бўлиб, ундан бир нарсанни билиб олиш амри маҳол эди. Фрэнк тез, снгил, дадил одимларди. У на тақдирнинг оғир зарбаларини, на тушкунлик аломатларини писанд этарди. У ҳали ҳеч қачон касаллик ё жудолик каби балолардан азият чесмаганди. Тўғри, атрофида бойроқ одамларни кўрарди, бирок у ҳам бойиб кетишидан ноумид эмасди. Факат бир мартагина у банкка берилган кичик векселнинг мудлатини ўtkазиб юборганда, отаси упинг шунаканги адабини берган эдики, у буни умрбод эсидан чи-кармайди.

– Тўрт оёқиаб эмакласам эмаклардимки, аммо векселимни қайтаришларига асло чидолмайман! – деди мистер Каупервуд.

Фрэнк ҳам шуни яхши англадики, бундай жазавали сўзларсиз ҳам кредитнинг канчалик аҳамияти катта эканлигини тушунса бўларди. Шу воқеадан кейин унга берилган вексел бирон марта ҳам на қайтарилди ва на унинг хатоси билан муддатлан кечикди.

Фрэнк энг ишбилармон хизматчи бўлиб чиқди, бунақасини “Уотермен ва К” савдо уйи ҳеч қачон кўрмаганди. Аввалига уни хисобчи ёрдамчиси сифатида, якинда ишдан бўшатилган мистер Томас Трикслер ўрнига дафтарлар ортига ўтказиб кўйинди, бирок икки хафта ўтгач, Жорж Уотермен:

– Каупервудни хисобчиликка ўтказсак, қалай бўларкан? Бизнинг Сэмсон умр бўйи имиллаб счолмайдиган нарсаларни у кўз очиб-юмгуича ҳал қилиб ташлаяпти, – деди.

– Яхши, Жорж, мен карши эмасман, аммо сен бу гани дуч келган жойда галираверма. Каупервуд узок хисобчи бўлиб колмайди. Кўрайлик-чи, балки у тез вакт ичида айрим ишларда менинг ўрнимни босар.

“Үотермен ва К” савдо уйининг хийла мураккаб ҳисобхонаси Фрэнк учун болалар ўйинидай бир гап эди. У ҳисоб дафтариши шунчалик осон ва тез англаб олар эдикни, унинг собик бошлиги Сэмсон факат койил қоларди, холос.

— Йўк, бу болакай хаддан ташкари шошма-шошпар экан, — деди у биринчи куниёк Фрэнкнинг ишига караб, бошка хизматчига. — У адамиб колади, ха, мени айтди дерсиз. Мен бу нақаларни биламан. Мана кўрарсиз, кредитлаштириш ва қайта ҳисоблаппилар бошлансин ҳали, қандай кунларга қоларкан у.

Мистер Сэмсоннинг кароматига карши ўларок Фрэнк адашиб мади. Бир ҳафта ўтмаёк у Үотермен фирмасининг молиявий ахволини хўжайнларнинг ўзларидан кўра ҳам яхшиrok биллиб олди. Ҳисобларни кимга юбориш керак, кайси туманларда битимлар энг кўп тузилади, ким яхши ва ким ёмон моллар етказиб берали — ҳаммасини беш кўлдай биларди, бу ҳакда йил бўйи бир кўтарилиб-бир тушиб турган нарх-наволар шундан гувоҳлик берали. Ўз тахминларини текшириш ниятида у катта дафтардаги қатор эски ҳисобларни караб чиқди. Ҳисобчиликка у фирма ҳаётини кай даражада кайд этгани ва акс эттиргани даражасигагина қизиқди. Бу ишда узок қолмаслигини у биларди. Буни вакт кўрсатади. Ҳозирча эса у биринчи галда, дон воситачилиги ишининг моҳиятини энг майда икир-чикиригача англаб етди. Хўжайнлар, тўғрироғи, уларнинг мижозлари канаканги зарар кўришаётгани унга маълум бўлди, чунки фирма факат воситачилик билан шуғулланарди, — консигнацияга келиб тушувчи молларнинг етарли даражада тез согилмагани, шунингдек, мол етказиб берувчилар, харидорлар ва бошка воситачи фирмалар билан алоқанинг яхши йўлга қўйилмагани шундай бўлган экан. Мисол учун, мижоз ҳатто ўсиб бораётган бозор нархи эмас, балки барқарор нархга караб мева ёки сабзавот ортган. Бироқ айни вақтда ўн одам шу ишни килган бўлса ёки бошка воситачиларда мол тўпланиб колса, нарх тезда тушиб кетган. Юк айланиши ҳеч качон барқарор бўлмаган. Фрэнкнинг миясига ўша захоти бир фикр келди, унга кўра ташки агент сифатида катта туркумдаги молни сотиш билан шуғулланиб, у фирмага каттагина фойда келтиради, аммо

вакти-соати келмагунча бу масалани күтариб чиқмасликка карор килди. Якин вакт ичидә хаммаси ўзидан-ўзи изга тушиб кетиши ҳам эхтимолдан холи эмасди.

Уотерменларнинг хар иккаласи – Генри ҳам, Жорж ҳам Фрэнк уларнинг хисоботларини яхши олиб бораётганини макташдан чарчашмаётганди. Унинг келишининг ўзиёк уларда хаммаси рисоладагидек кетаётганига ишонч пайдо қылганди. Кўп ўтмай Фрэнк бошлиғи Жоржнинг эътиборини айrim хисоботларнинг аҳволига қаратди, баъзиларини мувозанатлаштиришни, бошқаларини эса бутунлай ёпиб кўйишни тавсия этди, бу билан кекса жентльменга озмунча хузур баҳш этмади дейсиз. Бу йигитчанинг ишбилармонлиги вакти келиб унинг барча кийинчиликларини оркада қолдиришига шубҳа қилмасди; айни вактда унинг Фрэнкка меҳри бошқача товланиб бормоқда эди.

“Генри оғайни” йигитчани ташки ишларда синаб кўриш тарафдори эди. Фирманинг нақд захиралари хар доим ҳам буюртмачиларни қониқтира олмасликлари сабаб мол учун бошқа идораларга ёки бозорларга мурожаат килишта мажбур бўлар эдилар ва бу ишни одатда фирма бошлиғи бажаардиди. Бир куни эрталаб бозорда уннинг кўплиги ва доннинг камлигидан дарак берувчи ёрликлар келганида, – буни Фрэнк биринчи бўлиб пайқади, – ота Уотермен уни ўз кабинетига чорлади-да, деди:

– Фрэнк, вужудга келган кийинчиликдан кандай чиқиб кетиш хусусида бош котириб кўрсангиз дегандим. Эртага ҳаммаёғимизни ун босиб кетади. Туриб колган мол учун ҳақ тўлаёлмаймиз, бу орада эса нақд буюртмалар барча молни хазм килолмайди. Бизда дон етишмаяпти. Балки ортиқча унни маклерлардан биронтасига ўтказиш ва буюртмаларни ёпишга етарли дон ундириш йўлини киласиз?

– Уриниб кўраман. – жавоб берди Каупервуд.

Ўзининг хисобхона дафтаридан Фрэнк турли воситачи идораларнинг манзилларини билар эди. Яна маҳаллий мол бозори нималарга эга ва бу соҳада ишлайдиган у ёки бу воситачилар (даллоллар) нима таклиф килишлари мумкинлигини ҳам биларди. Вужудга келган дамланишни бартараф килиш тўғрисидаги топширик унинг кўнглидагидай бўлганди. Яна

тоза ҳавода бўлиш ва уйма-уй юришнинг мазасига нима ст-  
син! Идорада перони китирлатиб ўтириш ва дафтарлар узра  
мук тушиб, мөгор босиш унинг жонига тегиб кетганди. Кўп  
йиллар ўтиб, Фрэнк: “Менинг идорам – бу менинг каллам”, деганди.  
Ҳозир эса у энг йирик воситачилар олдига шошмоқда,  
уннинг ахволи қандайлигини аниклаб олмоқда, ўзида ортиб  
колган молларини у сўраган нархда тавсия этмоқда эди. Олт-  
миш бочка биринчи нав унни олишни хохловчилар борми? Ун  
зудлик билан (бошқача айтганда, икки кеча-кундузда) етказиб  
берилади. Нархи – бир бочкаси тўқиз доллардан. Хохловчи-  
лар топилмади. Шунда Фрэнк молни майда-майдалаб сотишни  
таклиф этди ва бу йўл муваффакиятли чиқди. Бир-икки соат  
ичидаёк бисотида бор-йуги икки юз бочка ун колди ва у колган  
унни таникли ишбилармон, унинг фирмаси билан савдо мун-  
носабати ўрнатмаган Жендермэн деган одамга таклиф килиб  
куришга жазм этди. Жендермен оппок жингалак сочли, дўм-  
бок юзли, чутири, киртайган кўзлари оғир қовоклари остидан  
айёrona бокиб турувчи йирик гавдали киши эди, у Фрэнкка ки-  
зиксиниб тикилиб турарди.

– Исми шарифингиз нима, йигит? – сўради у ёғоч ўриндик  
суюнчиғига ўзини ташлаб.

– Каупервуд.

– Демак, сиз Уотерменда хизмат қиласиз, шундайми? Ўзин-  
гизни кўрсатишга карор қилгансиз ва шунинг учун менинг  
олдимга келгансиз, тўгрими?

Жавобан Каупервуд жилмайиб кўйди, холос.

– Нима ҳам дердик, мен сиздан унни оламан. У менга аскот-  
тади. Чек ёзиб беринг.

Капервуд шоша-пиша хайрлашди-да, Жендерменнинг ол-  
дидан тўғри Уолнат-стритдаги маклерлик идорасига борди,  
унинг фирмаси бу идора билан иш олиб бораарди; у бозорда  
унга керакли донни бозор нархida сотиб олишни буюрди-да,  
уз идорасига кайтди.

– Тез уддалабсиз, – деди Генри Уотермен, унинг ахбороти-  
ни тинглаб. – Жендермен чолга икки юз бочка унни сотдингиз  
хамми? Жуда, жуда яхши. У мижозимиз эмасди, шекилли?

– Йўқ, сэр.

– Ҳа, агар сизнинг бунака ишларга суюгингиз йўқ бўлса, дафтарлар устида кўпам ўтирумайсиз.

Тез орада Фрэнк кўплаб маклерлик идоралари ва бозорда таникли бўлиб колди. У ўз хўжайнилари учун колдик молларни, керакли молнинг туйқис қўлга кирган туркумини сотиб олар, янги мижозларни сафарбар этар, ҳеч кутилмаган харидорларга майдо-майдо бўлакларга бўлиб, ортиб колган молларни ўтказар эди. Бу ишларни у хамирдан кил сугургандек осон бажаришини кўриб, Уотерменлар ёка ушлашарди, холос. Гапини жон-жон деб тинглашларига, дўстона алокалар ўрнатишга, янги савдо доираларига кириб боришга мажбур килишда Фрэнк алоҳида лаёкатга эга эди. “Уотермен ва К” савдо уйининг эски ўрнида янги булок кўз очганди. Мижозларга энди ҳаддан ташкари яхши хизмат кўрсатилаётган эди. Жорж энди савдони кизитиши учун Фрэнкни кишлоқ жойларга боришга ундан бошлади, чунки Фрэнк шахардан ташкарига тез-тез чикиб турар эди.

Рождество олдидан Генри Уотермен уласига шундай деди:

– Каупервудга яхши совга килишимиз керак. Ахир у маош олмайди-ку. Нима дейсан, беш юз доллар естармикан?

– Ҳозирги вактда бу катта пул, аммо, менимча, барча ишончимизни оклади ва ҳатто ундан ўтказиб юборди. У бамисоли дон воситачилик ишлари учун яратилгандай.

– Бу ҳакда унинг ўзи нима дейди? Эшитмалингми, у хурсандмикан?

– О, назаримда, у мутлако мамнун. Дарвоке, сен уни мендан кам кўрмайсан-ку.

– Ундиндай бўлса, шунга келишдик – беш юз доллар. Вакти келиб уни ишимизга шерик килиб олишимиз мумкин. Унда чинакам тижоратчи қобилияти бор. Мана шу пулни тўғрила-да, унга ҳар икковимиздан салом айтиб кўй.

Арафа куни Фрэнк келаётган байрам олдидан барча ишларни бадастур килиб қўйиш учун аллақандай ёрликлар ва хисобларни караб чиқаётганда, унинг столи олдига Жорж Уотермен келди.

– Ҳали ҳам ишлайпсизми? – сўради у пориллаб ёниб турган газчикроқ остида тўхтаб, тиришкок йигитга мамнун бокканча.

Ташқарида кош қорайиб қолғанди, аёз деразаларга нақшлар чизганди.

– Ҳа, охири қоғозларни күздан кечираёттгаң эдим, – жилмайиб жавоб берди Каупервуд.

– Бу ярим йилликда қандай ишлаганингиздан биз акам билан ғоят хурсандмиз. Сизга қайсиdir йўл билан миннатдорлигимизни изхор этмокчи эдик, шу боис беш юз доллар мукофотни кабул этишингизни сўрардик. Келаси йилдан эса биз сизга мунтазам маош тайинлаймиз – хафтасига ўттиз доллардан.

– Ғоят миннаторман сизлардан, – жавоб берди Фрэнк. – Бундай маош хаёлимга ҳам келмаганди. Бу менинг мўлжалимдан анча кўп. Ахир сизларда ишлаб, мен кўп нарса ўргандим.

– Етар. Сиз бу пулга арзийсиз ва бизда хоҳлаганингизча колишингиз мумкин. Биз сиздан жуда хурсандмиз.

Одатдагидек, Каупервуд очик чехралик ва самимият ила илжайиб кўйди. Унинг хизматларини очик-ойдин эътироф этишлари унга жуда наша қилди. Инглиз матосидан яхшилаб тикилган костюмдаги бу кувнок, истарали йигитга караб кўз кувонарди.

Кечкурун уйга кетишда Фрэнк у ишластган жойдаги иш ўзида нимани намоён этиши устида мулоҳаза юритди. Мукофот ва вაъда килинган маошга қарамай, унинг бу ишда узок қолиш нияти умуман йўқ эди. Ака-ука Уотерменлар уни яхши кўришади – бунинг таажжубланарли жойи йўқ. У гайратли ходим эди ва буни ўзи биларди. Ўзини майда хизматчилардан деб хисоблаш унинг етти ухлаб тушига кирмаганди, аксинча, вакти келиб бу тоифадаги одамлар унга ишлаши керак бўлади. Иш моҳиятига унинг бундай қарашида на жаҳл, на газаб ва на муваффакиятсизлик олдида кўркув бор эди. Ўз хўжайинларига у ишбилармонларнинг муайян бир тоифаси вакилларига қарагандек қаарди. Ҳудди катта ёшдаги одам боланинг камчиликларини кўриб тургандай, унга уларнинг заиф жойлари ва камчиликлари алайна-ошкор маълум эди.

Тушдан кейин киз ўртоғи Маржори Страффордникига отланар экан, Фрэнк отасига мукофот ва ваъда килинган маош ҳакида сўзлаб берди.

– Жуда соз! – суюниб деди отаси. – Сен мен ўйлаганимдан хам кўра кўпроқ муваффакият козонаяпсан. Демак, ўша ерда колдинг деса ҳам бўларкан-да?

– Йўк, қолмайман. Келаси йили мен улардан кетаман.

– Нимага?

– Тўгриси, бунга кўнглим чопмаяпти. Иш ёмон эмас, аммо мен кучимни жамғарма бозорида синааб кўрмокчиман. Бу менга кизиқрок.

– Агар олдиндан огоҳлантириб кўймасанг, бу хўжайнингга нисбатан беодобли бўлади деб ўйламайсанми?

– Мутлако. Мен барибир уларга керакман, – жавоб берли Фрэнк, тошойна олдида галстутини такиб, костюмини тўгрилар экан.

– Ойингга айтдингми?

– Ҳали айтганим йўк. Ҳозир уларнинг олдига бораман.

У ойиси ўтирган ошхонага кирди, унинг нозик елкаларидан кучоклади ва:

– Топинг-чи, ҳозир мен сизга нима гап айтмоқчиман? – деди.

– Билмасам, – жавоб берди она ўғлининг кўзларига меҳр билан бокиб.

– Мен бутун беш юз доллар мукофот пули олдим, келаси йилдан эса менга маош тайинланди – хафтасига ўттиз доллардан. Рождествога сизга нима совға киласай?

– Йўғ-е, наҳотки? Жуда яхши булибди-ку. Жуда-жуда хурсандман! Сени у ерда жуда яхши кўришса керак? Сен бутунлай катта лавозимларда ишлайсан. Кўзим етиб турибди.

– Ойижон, Рождествога сизга нима совға киласай?

– Ҳеч нарса. Менга ҳеч нима керакмас. Фарзандларим соғ-омон бўлса, бас.

Фрэнк жилмайди.

– Сиз айтганча бўлақолсин – ҳеч нима бўлса, ҳеч нима-да.

Аммо ўғли унинг учун, албатта, нимадир сотиб олишини она билиб турарди.

Чиқа туриб, Фрэнк остоңада бир зум туриб колди, синглисими белидан кучиб кўйди, кечрок келаман, кутманлар, деб

онасини огохлантириди ва Маржориникига ошиқди, у билан театрга тушишга келишиб кўйганди.

– Сенга Рождествога кандай совға олиб берай, Маржи? – сўради у нимкоронги даҳлизда кизни ўпар экан. – Мен бугун беш юз доллар олдим.

Киз эндиғина ўн беш ёшга тўлганди, унда кувлиқдан асар йўқ эди.

– Бу дунёда ўз йўлингни яхшилаб топиб ол, ҳаётдаги барча лаззатлардан баҳраманд бўл!

## V боб

**К**еласи йилнинг октябрида – бу унинг ўн саккизга тўлгандан кейинги ой, – Фрэнк дон воситачилик иши унга тўтри келмаслигига ишончи комил бўлгач (бу ҳақда Уотермен компанияси бўйича фикр килишига кўра), бу фирмадан кетишга ва “Тай ва К” банкир идорасига ишга киришга аҳд килди.

Мистер Тай билан Фрэнк ташки шартномалар бўйича “Уотермен ва К” агенти сифатида танишганди, у ларҳол йигитчага кизикиб колди.

– Хўш хўжайнингизнинг ишлари кандай кетаяпти? – оккўнгиллик билан сўради у.

Ёки бундай савол берарди:

– Хўш, векселлар портфелингиз ўсајитими?

Мамлакат бошдан кесираётган оғир вақт, кимматли коғозлар узлуксиз ишлаб чикариш, кулдорликка карши тарғибот ва бошка нарсалар одамларни келажакдан даҳшатта тушишга мажбур килмоқда эди. Гарчи нима учунлигини ўзи айтольмаса-да, Тайга ҳам бу йигитча билан муҳим масалаларда гаплашса буладигандек кўринмоқда эди. Унинг ёши ҳам барча масалаларни ҳал килишга унчалик тўғри келмайдигандек кўриниса-да, аммо йигит барча нарсани ҳал этишнинг уддасидан чиқарди.

– Ташаккур сизга, мистер Тай, ишларимиз ёмон кетмаяпти, – одатда шундай жавоб берарди унга Каупервуд.

– Мана күрасиз, – бир куни эрталаб Тай Фрэнкка шундай деди, – борди-ю, күлдорликка карши мана бу ташвикот тұхтамаса, биз ҳали күп азият тортамиз.

Айни шу вактларда бир келгінди кубалікка қарашли күлхұжайинидан тортиб олинған ва озод килиб юборилған зди, зеро, Пенсиљвания конунлари бүйіча штат ҳудудида пайдо бұлған ҳар қандай негр, йүл-йүлакай бұлса-да, озодликка чиқар зди. Бу вокеа катта ғалаён келтириб чикарды. Бир қанча одам хибс этилди, рұзномалар газабнок шовкин күтарди.

– Ишларнинг бундай тус олишига Жануб жим караб турарди деса ҳеч качон ишонмаган бұлардим. Бу бизнинг ишимизни алғов-далғов килиб юборди, бوشқа соҳаларда ҳам шундай булиши турған гап. Сизларга айтиб күйй, биз Жанубий штатларни тор-мор әзмегүнимизча үйишиңи тұхтатмаймиз.

Мистер Тай бу хикматли галини хиёл ирландча лаҳжада ирод килди.

– Ха, шунга бораяпти, – хотиржам жавоб берди Каупервуд.  
– Құлингдан ҳеч нарса келмайди ҳам. Негрлар, албатта, бу барча ғалаёнларга арзимайды, аммо ташвикот уларнинг фойдасыға давом этавсради. Сезгир одамлар тағин нима билан шуғулланишсін? Бизнинг Жануб билан савдомизға бу кучли зарар етказади.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, лекин ҳар томондан худди шу галларни әшитаяпман.

Ёш Каупервуд кетаёттанида мистер Тай бوشқа мижоз билан шуғулланды, бирок ҳадеганда уни молиявий масалалардаги үз мұлоқазаларининг теранлиғи ва жонлилиғи билан маҳлиә қылған йигитча ёдига тушаверди.

“Агар бу йигитча иш жойини үзгартырадың бұлса, уни менда ишлашға таклиф килиб күраман”, – ахд килди у.

Бир куни Фрэнк:

– Сиз биржада ишида бир күчиңгизни синааб күрмайсизми? Менда айнан биттә жой бүш, – деб колди.

– Жоним билан, – жілмайиб жавоб берди Каупервуд, ағтидан, ийиб кетиб. – Мен үзим сиздан шу ҳақда сүрамоқчи булиб юргандым.

– Нима ҳам дердик, модомики, менга ўтишга жазм килибизми, жой сизники. Истаган вактингизда келиб ишга киришаверинг.

– Мен хўжайнларимни олдиндан оғохлантириб кўйишим керак, – деди Фрэнк. – Сиз икки хафтача сабр килиб тура оласизми?

– Албатта. Шошаётганим йўқ. Ҳамма ишларингизни сарышта килиб олинг. Мен зинхор Уотерменларни кийин ахволга солмокчи эмасман.

Икки хафтагина ўтиб, Фрэнк Уотерменлар компанияси билан хайр-маъзур килди; унинг олдила очилган истикболлардан у заррача ўзидан кетмаётганди, факат шунга кизикиб колган эди, холос. Мистер Жорж Уотермен роса жигбийрон бўлди, мистер Генри эса бу соткинликдан ўзини каерга уришини билмай қолди.

– Мен эсам биз сизга ёкиб колганмиз деб ўйлаб юардим, – деди у. Каупервуд ўзининг карори ҳакида уни вокиф килганида. – Ё маошимиздан норозимисиз?

– Йўқ, мистер Уотермен, мен шунчаки биржа иши билан шуғулланмокчиман.

– Шунака денг. Афсус, минг афсус. Агар бу сизнинг манфатларингизга зарап егказадиган бўлса, мен сизни карорингиздан кайтармокчи эмасман. Ўзингиз биласиз. Аммо биз Жорж билан бирмунча муддатдан кейин сизни ўзимизга шерик килиб олмокчи бўлиб тургандик. Сиз бўлсангиз, хе йўқ-бе йўқ шартта ўрнингиздан туриб, хайр-хўш килиб кетмокчисиз. Ахир бизнинг ишимиизда, жин урсин, яхшигина пул ишлаш мумкин эди.

– Биламан, – жилмайиб жавоб берди Френк Каупервуд, – аммо бу иш менинг кўнглимдагидек эмас. Менинг бошка режаларим бор. Мен ўзимни дон-воситачилиги ишига бағишламокчи эмасман.

Мистер Генри Уотермен бир нарсани сира тушунмаётганди: модомики, Фрэнк бир ишда шунча муваффакиятларга эришар экан, нега бу соҳа уни қизиктирмайди? Боз устига у бир нарсадан хавфсиради – ёш йигитнинг кетиши фирма ишларига зарар келтирмасмикан?

Күп ўтмай Каупервуд шундай холосага келди, янги иш унинг кўнглидагидек экан – у ҳам енгил, ҳам фойдали. Агар бир бошдан келадиган бўлсак, “Тай ва К” фирмаси чиройли яшилтоб тош бинода жойлашганди – Учинчи кўчадаги олтмиш олтинчи уй, у ўша вактларда ва кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам маҳаллий молия дунёси маркази бўлиб колганди. Шунинг ёнгинасида факат Америкада эмас, балки ундан ташкарида ҳам машхур бўлган “Дрексел ва К”, Учинчи миллий банк, Биринчи миллий банк бинолари, шунингдек, жамғарма биржаси ва бошка шунга ўхшаган муассасалар жойлашганди. Яна йигирматача банк ва кичикрок биржа идоралари унга бақамти эди.

Асли бостонлик фирманинг бошлиғи ва мияси ҳисобланган Эдвард Тай бу мутаассиб шаҳарда илгарилаб ва бойиб кетган мухожир ирланднинг ўғли эди. Филаделфияга мистер Тайни олибсотарликнинг кенг имкониятлари етаклаб келганди. “Бу кулоғини динг килишни уddyалайдиган одам учун энг кулагай жой”, – хиёл ирландча лаҳжа билан у дўстларига шундай дер эди. Үзини ҳам айнан шундай одам деб биларди. Бу ўрта бўйли, унча семиз бўлмаган, сочига эрта ок тушган, кувнок ва оккўнгит, аммо айни вактда забти тор ва ўзига ишонган одам эди. Юкори лаби устида калта килиб кузалган ок мўйлаби диккайиб туради.

– Пенсилванияликлар Худонинг балоси, – кўчиб ўтгандан кўп ўтмаёқ у нолий кетди. – Сира нақд тўлашмайди, векселни зўрлаб ўтказишда пихини ёрган.

Ўша вактда Пенсилваниянинг, бинобарин, Филаделфиянинг ҳам кредити жуда паст турар эди. – Агар иш жанжалгача бориб етса, – дерди мистер Тай, – пенсилванияликларнинг бутун бир кўшини векселни тушликка тўлашни таклиф килишади. Роза икки аср яшаганимда, мен пенсилвания вексел ва мажбуриятларини сотиб олиб, бойиб кетган бўлардим. Тўғри, качондир келиб улар карзларини узишар, бирок, эй худойим, буни улар аччик ичакдай чўзиб юборишди-ку! Карзларининг лоақат фоизларини тўлаб кутилишгунча мен аллақачон очик мозорга кириб кетган бўламан.

У янглишмаётганди. Штат ва шахарнинг молияси ғоят ачинарли ахволда эди. Униси хам, буниси хам ўзига етганча бой эди, бирок эринмаган одам турли йўллар билан газнани кокиштириб олганидан штатдаги ҳар қандай янги ташаббуслар янги облигациялар чиқаришни талаб этар эди. Бу облигациялар ёки уларнинг тили билан айтганда, “мажбуриятлар” йиллик олги фоизни кафолатлар эди, бирок фоизларни тўлаш муддати келганда, шаҳар ёки штат газначиси уларга тақдим этиш санаси кўрсатилган муҳр босар эди ва мажбуриятлар бўйича фоизлар шу кундан нафакат номиналга, балки тўплашиб колган фоизларга кўшиб ёзилар эди. Бошқача айтганда, бу – фоизларнинг аста-секин тўпланиб бориши дегани эди. Накд пулга муҳтож одамларга бундан фойда йўқ ҳисоби, зеро, бундай “мажбуриятлар” гарови остида банклар нарх кийматининг етмиш фоизидан кўпроғини берар эдилар, “мажбурият”ларни эса олтин баҳоси бўйича эмас, балки юзини тўксондан сотилар эди. Албатта, уларни келажакни ҳисобга олиб сотиб олиш мумкин, лекин жуда узок кутишга тўғри келарди. Бу мажбуриятларни узил-кесил сотиб олишда тағин гирромлик ўйинлари бошланиб кетарди. У ёки бу “мажбуриятлар” “инсофли танишлар” кўлида бўлишини билиб, газначи фалон-фалон ракамлар – айнан унга маълум бўлганилари, тўланади деган хабарни эълон киласи эди.

Боз устига, Кўшма Штатларнинг бутун пул тизими ўшанда тўла тартибсизлик ҳолатида мавхум тартибни эслатувчи ҳолатга энди-энди ўта боилаганди. Кўшма Штатларнинг Николас Бидл асос соглан банки 1841 йилда узил-кесил тугатилди. 1846 йилда Кўшма Штатларнинг молия вазирлиги ўзининг газначилик тизимини ташкил этди. Сохта банклар шунчалик кўп эдики, унча катта бўлмаган саррофлик идораси эгаси беихтиёр равишда тўлашга кодир бўлган ва тўлашга кодир бўлмаган корхоналарнинг кўчма маълумотхонасиага айланиб колганди. Тўғри, ахвол оз-оздан яхшиланиб бормокда эди, чунки телеграф Нью-Йорк, Бостон ва Филаделфия ўртасидаги барча котировкаси алмашинувинигина эмас, балки маҳаллий биржамаклери идораси билан жамгарма биржаси ўртасидаги алокади.

ни ҳам осонлаштирганди. Бошқача айтганда, киска масофа-ларда амал қилувчи хусусий телеграф линиялари таомилга кира бошлаганди. Ўзаро ахборот алмашиш кундан-кунга тезлашиб, осонлашиб ва такомиллашиб бормоқда эди.

Темир йўллар аллақачон жанубга, шаркка, шимолга ва гарбга чўзилиб улгурганди. Аммо курслар автоматик кайдан ўтказилмасди, устига-устак телефон ҳам йўқ эди; Нью-Йоркда яқиндагина хисоб палатаси ҳакида ўйлаб колишиди, Филаделфияда у хали таъсис этилмаганди. Уларнинг ўрнига банклар ва биржа идоралари ўртасида югурдаклар бўзчининг мокисидай катнар эдилар; банк хисоб дафтarlари бўйича балансларни шулар чикарди, векселни алмаштираси ва хафтасига бир марта банкка қарздорлик бўйича узил-кесил хисоб-китоб учун ягона восита - олтин тангани ўтказиб турар эдилар, чунки ўша вактларда мустахкам давлат валютаси йўқ эди. Бугунги кунга битимлар тўхтатилгани ҳакида бонг урилганида, биржадаги танобийнинг ўртасида, худди Лондондагидек, "хисоб-китоб ходимлари" деб аталувчи йигитлар гуж бўлиб тўпландилар; улар турли-туман сотувлар ва харидларни бир-бирига солиштираси ҳамда жамлар, фирмалар ўртасидаги такрорий битимлар натижасида ўзаро тўланганларни хисобдан ўчирап эдилар. Хисоб дафтarlарига караб, улар бир кунда амалга оширилган битимларни: "Делавер ва Мериленд" "Бомонт" компаниясига сотди, "Делавер ва Мериленд" "Тай" компаниясига сотди, деб кичкириб эълон килардилар. Бундай усул фирмаларнинг хисобхонаси ишини енгиллашиб, тезлашиб ва битимларни жонлантиради.

Жамгарма биржасидаги жой икки минг доллар турарди. Якинда биржа кўмитаси жорий килган коидага кўра, битимлар кундузги соат ўн билан уч ўртасида тузиларди. Ўша кўмита шармандаларча олишувлар ўрнига маклерлар кўрсатадиган хизматлар учун катъий иш ҳаки белгилади. Коидани бузганлар каттик жазоланар эдилар. Бошқача айтганда, биржани мустахкамлаш учун турли чоралар кўрилар ва бошка маклерлар каторида Эдвард Тай ҳам келажакка катта умидлар боғлаётган эди.

Бу вактга келиб Каупервудлар оиласи дарёнинг шундок ёкасидаги, Фронт-стрит кўчасидаги кенггина ва яхши жихозланган ўзининг янги хонадонига келиб жойлашиб олганди. Уй тўрт қаватли бўлиб, олд деворларининг узунлиги йигирма беш фут келар, олдида ховли сахни йўқ эди. Бу срда Каупервудлар вакти-вакти билан турли тижорат соҳаларининг вакиллари учун унча катта бўлмаган зиёфатлар уюштиради. Генри Каупервуд улар билан уни бош газначи лавозимига бевосита якинлаштирган ўзининг йўлида учрашар эди. Бу жамоа назокату нафосати билан кўзга ташланмасди, аммо меҳмонлар ичиди Каупервудга ўхшаган шундай омадли шахслар – унинг банки билан ишга доир муносабатлар илинглик кичикрок корхоналарнинг хўжайинлари, мануфактура, чарм моллари, дон савдогарлари ва улгуржи баққоллар бўлар эди. Болалар ўзлари бир жамоа бўлиб олган эдилар. Мистер Каупервуд хам ахён-ахёнда черковга катнайдиган ўз танишлари учун кундузи чой ёки кечкурун зиёфат килиб берарди. Шунда Каупервуд дунёвий одам ролини ўйнашга харакат киларди, одатда бу шунга олиб келарди, у ўзини содда бир киёфага соларди-да, хотинининг меҳмонларини “келинг-келинг” деб кутиб оларди. Чунки у ўзини сарвикор ва жиддий тутишни ва чет тилда жавоб айтилмайдиган салом-аликларни тинглашни койил килиб кўярди, шу бонс бундай маросимлар кўпда унга малол келмас эди. Баъзи вактларда Каупервудларнида кўшик айтишар, гоҳида унча-мунча ракс тушишарди, кўп ўтмай меҳмонлар тушликка айтса-айтмаса келадиган бўлиб қолишдики, илгари сира бунақаси бўлмаган эди.

Шундай килиб, у янги уйдаги ҳаётининг биринчи йилида Фрэнк миссис Сэмил деган хоним билан танишиб колди ва унга парвона бўла бошлади. Унинг эрининг Учинчи кўча якинидаги Честнат-стрит кўчасида катта пойафзал дўкони бор эди. У ўша Честнат-стритнинг ўзида, факат сал нарида иккичи дўконни очишни кўнглига туғиб кўйди.

Бир куни кечқурун Сэмил хотини билан Каупервудлар-никига ташриф буюрди. Мистер Сэмил уйнинг хўжайини билан шаҳар наклиётининг яқинда пайдо бўлган тури – от кўшилган темир йўл ҳакида сухбатлашмокчи эди. Шимолий Пенсильвания темир йўл компанияси курган бир ярим миллик узунликдаги тажриба йўли яқиндагина фойдаланишга топширилган эди. Уиллоу-стритдан бошланиб, у Фронт-стрит ёкала Жермантоун-роудгача борар, ундан эса турли кўчалар билан “Кохоксинк станцияси” деган ном билан машҳур жойгача чўзилиб кетганди. Наклиётининг бу тури шаҳар бўйлаб юриб турган ва унинг савдо кисмида пиёдалар ҳаракатини жуда қийинлаштириб юборадиган юзлаб омнибусларни сикиб чиқариши керак эди. Ёш Каупервуд мана шу корхонага аввал-бошданок кизиқиб юрар эди. Темир йўл иши Фрэнкнинг жоп-дили деса бўларди, мана бу янги тури эса – алалхусус. Конка кизғин баҳсларга сабаб бўлди ва Фрэнк бошка шинавандалар билан биргаликда уни кўргани йўл олди. Вагоннинг кўриниши галати ва бесўнақайгина эди – узунлиги ўн тўрт фут, эни эса етти фут, баландлиги ҳам тахминан шунча, – у кичкина-кичкина темир гилдиракларга ўрнатилган бўлиб, омнибусга қараганда йўловчилар учун бекиёс кўп кулайлар тутди. Алfred Сэмил аллакачон кўнглида кўзда тутилаётган иккинчи йўлга пул кўйиш ҳакида ўйлаётганди, шаҳар хокимиятидан рухсат олингандан кейин бу йўл Бешинчи кўчалардан ўтиши керак эди.

Ота Каупервуд ушбу корхонага ажойиб келажакни мўлжаллаб қўйганди, ҳолбуки уни амалга ошириш учун каердан маблағ олишни у ҳам тушуниб етмасди. Фрэнк эса, бунинг акси, Бешинчи ва Олтинчи кўчаларнинг булажак темир йўллари акциялари рӯёбини Тай компанияси ўз зиммасига олса бўларди, деб ўйларди, башарти, шаҳар бунга розилик билдиrsa! У акционерлик жамияти ташкил этилган ва донаси паритетда, пировард-окибатда, юз долларга беш доллардан сотувга чиқариладиган акцияларни кўплаб чиқаришга тайёрланаётганини эшитди. Бу акцияларнинг каттагина кисмини сотиб олиш учун етарлича пули йўклигидан Фрэнк каттиқ афсусланди.

Бир ёқдан Лилиан Эмил Фрэнкнинг бошини айлантириб, ўзига асир килиб олганди. Ёш Каупервуд унинг нимасига учганини айтиш кийин, зеро, на жўшкинликда, на аклу фаросатда жувон унга тенг кела олар эди. Аёллар билан муносабатларда Фрэнк эпди бирмунча тажрибага эга бўлганди ва аввалгидек Маржори Стаффорд билан дўст эди. Шундай бўлса-да, Лилиан Сэмил гарчи на аклда, па хуснда бошкалардан устун бўлмаса-ла ва устига-устак, у эрли бўла туриб, Фрэнк бошқача ниятилар килишига имкон йўқ эса-да, уни ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонга соларди. Жувон йигирма туртга кирганди, бирок Лилиан бутун борлиги билан худди Фрэнк каби дуркун кўринарди. Гарчи Фрэнк бу вактга келиб бўйи етиб улгурган бўлса-да (беш фут ва ўн ярим люйм), жувон ундан бироз баланд эди. У оғир-вазмин бўлиб, унинг ички оламидан кўра гашки кўринишни кўпроқ жозибалор килиб кўрсатар эди. Жувоннинг кулранг калин сочлари пахмайиб турар, юзи оқиш ва ҳиссиз, лаблари пуштиранг ва киррабурун эди. Унинг кўқимтири кўзлари ёруғда гоҳ мовий, гоҳ кора бўлиб кўринарди. Ингичка ва бежирим кўллари кишиши ўзига тортмай қолмасди. У куйди-пишди ҳам, акли терапи ҳам эмасди, ҳаракатлари ҳам суст бўлиб, юрайми-юрмайми дегандай қадам ташларди. Каупервуд унинг жамолига шайдо эди. Ўша вактдаги энг олий гўзалликнинг тимсолини у шу жувонда кўради. “Қанчалик фаросатли, – ўйларди йигит, – канчалик малоҳатли, фазилатларини санаб адогига етмайсан”. Борли-ю, хогинликка кимни танлар эдинг деса, у ўзига, албатта, шу Лилианга ўхшаганини танлардим, дерди.

Аёллар ҳакидаги ўз мuloҳазаларида Каупервуд аклдан кўра хиссистга кўпроқ таянарди. Бойлик, обрў ва амрифармочиликка эришиш учун интилар экан, у, албатта, аёлнинг кўркамлигига, унинг жамиятдаги ўрнига ва шунга ўхшаш нарсаларга кўпроқ аҳамият берарди. Айни вактда эса чиройли бўлмаган аёллардан кўнгли канчалик бехузур бўлса, чиройли аёллар уни ўзига шунча мафтун этарди. Уйда ўзларини курбон қилган аёллар ва, дарвоҷе, эркаклар ҳакида кўп эшитганди, злари, ёки болалари, ёки умуман оиласига чуриларча солик меҳнаткаш аёллар тўғрисида, оғир дақикаларда бурч ва раҳимдиллик

түйгүси амри билан қариндош-уруглари ва ёки дүстлари учун жонбозлик күрсатган аёллар түгрисида эшиганды. Аммо неғадир бу гаплар унга таъсир килмас эди. У ҳаммани, ҳатто аёлларни ҳам очик-ошкора худбинга чиқаришни афзал биларди. Нима учунлигини у айтib беролмасди. Үзини ҳимоя килишга кодир бўлмаган ва ҳар қандай холатдан чикиб кста оладиган одамлар унга нодон ёки жуда нари борганда шўрлик бўлиб кўринарди. Еттинчи ҳукмни бузганлар ёки лоақал шундай килишда гумон қилинганлар олдида олий ахлоқлилик ҳакида қанчалик кўп гапирилди, саҳоватпешалик ва саришталик қанчалик ошириб-тошириб таърифу тавсиф қилинди, тақводорона даҳшат ичидаги қўллар осмонга қанчалаб марта кўтарилиди. Фрэнк бундай сұхбатларга жилдий карамас эди. Бошка йигитлар ҳам худди шундай қиласар эдилар. Тўғри, кўча аёлларини у ёмон кўтаради. Улар билан илакишиб, тубанлик ва ифлосликдан бошка хеч нарса орттирамайсан. Дастребки пайтларда “кувнок уйлар”нинг жимжимадор, тупори жилvasи унга ёкарди. Уларниңг уйлари ҳашамдор бўларди: қизил ёғочли мебел, кулинг ургулсин қизил дарпардалар, дидсиз, аммо қимматбаҳо ромчаларга солинган сувратлар ва энг аввало, соғлом ва кучли ёки бўлмаса ҳарис ва тепса-тебранмас уй эгаларининг ўзлари – хотинлар (Фрэнкнинг онаси таъбирича) эркакларнинг “йўлига кўз тикиб ўтиришарди”. Улар баданларининг ссрчидамлиги ва хирсга ўчликлари, ясама ноз ва карашма билан эркакларни олдинма-кетин кабул килиш қобилияти – булар бари бошда Фрэнкни таажжубга солар эди, аммо кўп ўтмай бу унда нафрат уйғота бошлади. Бунинг устига хотинлар гирт оми эдилар. Улардан пичокка илинадиган биронта сўзни эшитиш амри маҳол эди. Уларнинг кўлидан шундан бошка иш келмасди ҳам. У хаёлан қизғин туилардан кейин уларнинг эринибгина уйгонишларини, уйкуларини сал-пал кочирадиган жирканч қуйкани ва текин пулга чанқоқликни ўзича тасаввуринга келтирди. Навкирон бўлишига карамай, Фрэнкнинг ичи чирок ёкса ёримайдиган бўлиб колди. У кўпроқ ўзаро, нозик, ғалати, шахсий бўлган яқинликни хоҳлар эди.

Мана, Лилян Сэмпл пайдо бўлди, олийликнинг мавхум бир тимсоли холос. Шундай бўлса-да, унинг хотинлар ҳаки-

даги тасаввурини бойитди. Жувонда фохишахонадаги аёлларда бўладиган, кўпчилик томонидан зътироф этилган тушунча ва қарашларга зид келадиган ҳайвоний куч ва ўзбошимчалик йўқ эди – биргина шу нарсанинг ўзи Лилияннинг унга ёкиши учун кифоя эди. Янги соҳада унинг фаолиятини бирдан ўт олган алангадек ёритиб юборган мана шу кизғин күйларда ҳам жувон унинг хаёлида яшар эди. Зеро, Каупервуд боши билан шўнгиган биржа олами бугунги кунда бизга нечоғли ибтидоий бўлиб кўринмасин, унинг учун фусунга тўлиб-тошган эди. Учинчи кўчадаги маклерлар, уларниг агентлари ва хизматкорлар тўпланадиган жамгарма биржа танобийси ҳаммаси бўлиб бир юз элликтacha одам – зинҳор меъморий ёдгорлик эмасди – олтмиш фунт кенгликдаги оддий хона бўлиб, тўрт қаватли уйнинг тепадаги иккинчи қаватини ўз ичига олганди. Аммо Фрэнк бу танобийни кўриб, лол колди. Унинг деразалари баланд ва энсиз эди, кираверишининг шундоқ каршисида, гарбий деворда катта циферблатли соат осиглик эди, шимоли-шаркий бурчакда эса баланд ёзув столлари, стуллар ва телеграф аппаратларининг бутун бир галаси хирмондай уйилиб ётарди. Биржа фаолиятининг илк паллаларида танобийда стуллар катор-катор саф тортган бўларди, уларда акцияларнинг турфа таклифларига кулок солганча маклерлар ўтиришарди. Кейинчалик бу стулларни олиб ташлашди ва танобийнинг турли жойларига у ёки бу коғозлар каерда сотилишини кўрсатувчи устунчалар тиклашди (ёки полга белгилар чизишли). Шундай устунчалар гирдида шартномалар тузишга кизиккан одамлар тўпланар эдилар. Учинчи қават йўлагидан эшик омма учун бир амаллаб жиҳозланган камтаргина айвонга очиларди. Гарбий деворда улкан кора тахта осиглик бўлиб, унда Нью-Йорк ва Бостондан телеграф оркали келган акциялар котировкаси кайд этиб кўйиларди. Танобийнинг ўртасида пастак девор ортида расмий раиснинг ўрни жойлашганди, учинчи қаватнинг юкорисида эса, гарбий томонда яна бир кичик балкон бор эди – унга тезкор хабарлар учун биржа кўмитасининг котиби чикар эди. Жануби-гарбий бурчакда бир эшик бўлиб, у биржачилар турли-туман хисоботлар ва йиллик тафсилотлар билан танишадиган хонага очилар эди.

Агар Фрэнкка мухтож ва бундай одам унга фойда келтиришига ишонган Тай унинг учун жой сотиб олмаганда Каупервудни на маклер, на маклернинг агенти ёки ёрдамчиси сифатида ишга кўйишарди. Унинг баҳоси икки минг доллар бўлиб, у буни Фрэнкка қарз килиб ёзиб кўйди, шундан кейин баланд овозда уни ўз шерикларига таништирди. Бундай соҳта шерикчилик биржа коидаларига зид эди, аммо маклерлар ботбот шу усулни кўллар эдилар. Ёш шериклар ва гумашталарни масхара килиб, “саккизчилар” ёки “икки долларлик маклерлар” деб атар эдилар, чунки улар ҳар қандай майдага иш ҳаки ортидан югурап ва дуч келган одамнинг топшириги билан сотиб олар ва сотар эдилар. ўз ўрнида қилган ишлари ҳакида ўз фирмаларига ҳисобот берар эдилар. Ўзининг ажойиб қобилиятига қарамай, Фрэнк ҳам дастлабки пайтларда “саккизчи” саналарди ва биржадаги “Тай” компаниясининг мухтор вакили мистер Артур Райверс ихтиёрида ишлар эди.

Ўттиз беш ёшдаги Райверс ҳаддан ташқари ғайратли, кеслишган, хушбичим, соколи обдон киртишланган, калта килиб кузалган мўйлаби, ингичка кора кошлари ўзига ярашган жиддий ва силлик юзли одам эди. Боши ўртасидаги фарқ сочини қок иккига бўлиб турарди. Бақбакаси билинар-билинмас катланган. Райверснинг овози майнин, ҳаракатлари вазмин, хотиржам эди, у ҳамма вакт ва ҳамма жойда бирдек саришта эди. Аввалига шундай бир тажрибакор ишбилармон нима учун мистер Тайда хизмат килишини англолмай юрди, бирок ксайнчалик билдики, Райверс ишда иштироқчи экан. Тай ташкилотчи бўлиб, мижозларни идорада кабул қиласиди, Райверс эса биржада фирма вакили бўлиб, ташки алоқаларни олиб борарди.

Кўп ўтмай Фрэнк нима учун акциялар бир кўтарилиб, бир тушиб туришини англашга уриниш ортиқчалигини билди. Тай унга тушунтирганидек, бу, албаттла, қандайдир умумий сабаблар билан белгиланади, бирок уларни ҳисобга олишнинг деярли хеч имкони йўқ.

– Ҳар қандай сабаб биржада ваҳима келтириб чиқариши мумкин, – дерди Тай ваҳима билан. – Биржа мутлако алоҳида дунё, Каупервуд. Дунёда хеч ким уни сизга тушунтириб

бсролмайди. Мен акциядорлик жамиятлари қандай синганларини күрдим, ҳолбуки энг күзи пишган биржачи нима сабабдан шундай бүлганини айтиб беролмайди. Мен акцияларнинг осмони фалаккача күтарилиб кетганини күрдим. Ух, бу биржа миш-мишлари-ей! Бунака нарса шайтоннинг ҳам хаёлига келмайди. Одатда, агар акциялар тушиб кетса, демак, кимдир уларни биржага ташлаган ёки бўлмаса бозорда ялпи келишмовчилик содир бўлган. Борди-ю, акциялар күтарилса, демак, ё моливий ҳолат яхши, ёки кимдир уларни сотиб олаяпти. Бу аник. Ундан ташкари... Майли, барча икир-чикирлар билан сизни Райверс таништириб кўя қолсин. Сизни бир нарсадан огохлантириб кўйишим керак. Мени хеч качон заарга бошламанг. Бу идорамнинг ишончли одами кўлидан келиши мумкин бўлган энг оғир гуноҳ.

Шу гапларни айтар экан, Тай такаллуф билан, аммо маънодор жилмайиб қўйди.

Каупервуд тушунди, аммо... бу унга хеч қандай қўшимча маълумот бермади. Бу маккор дунё унга ёқарди. Унинг жўшкинилигига мос келарди.

Ҳар томондан минг турлик миш-мишлар таркалган эди – темир йўл ва конкалярнинг кенг микёсда курилишлари, янги ерларни ўзлаштириш, ҳукуматнинг божхона кийматларини кайта кўриб чиқиш Франция ва Туркия ўртасидаги уруш, Россия ва Ирландияда очарчилик ҳакидаги миш-мишлар эди. Биринчи трансатлантик кабсл ҳали ёткизилмаганди, чест элдан янгиликлар кам келар эди. Шундай бўлса-да, биржа майдонида Сайрус Филд, Уилям Вандербишт ёки Ф.Дрексл каби йирик молиячилар кўзга ташланиб турар, улар мўжизалар яратмокчи бўлар эди ва уларнинг фаолияти бу ҳақдаги турли-туман миш-мишлар каби биржа хаётида катта роль ўйнар эди.

Фрэнк ишнинг йўл-йўригини тез эгаллаб олди. Қиймат ошиши илинжида сотиб олган одамни “ҳўқиз” деб аташларини ҳам билди, борди-ю, шу маклер маълум кийматли қоғозларнинг катта туркумини сотиб олган бўлса, у тўғрида уни “кекирдагигача ботган” дейишарди. У сота бошлаганида эса, бу уни ўз фойдасини “рӯёбга чиқараётганини” англатарди, борди-ю,

маржаси тугаб колса, у "куйди"га чикарди. "Айик" деб акцияларини сотган биржачига айтиларди, акцияларнинг аксар кисми унда нақд бўлмас эди, нархи тушиб кеттудек бўлса, уларни арzon-гarovга сотиб олиш ва ўзининг сотув битимларини коплашини назарда тутган бўларди. Ўзида йўк қофозни сотгани учун у "курук" деб саналарди; мижозни қондириш ва чұнтакка солиб кўйиш учун ёки курсларнинг түсатдан күтарилишидаги заардан кутулиб колиш мақсадида у акцияларни сотиб олса, биржа лахжасида уни "у көтланаяпти" дейиларди. Буюртмаларни бажариш учун уларни илгари банд килган одамга қайтарганда олиши мумкин эканлиги маълум бўлса, у "бурчакка камаб кўйилган" холатга тушиб қоларди. Шунда ўз қарзини у ва бошка "курук" маклерлар кимматбаҳо молни сотган шахслар белгилагаи нархлар бўйича коплашига тўғри келарди.

Дастлабки пайтларда Фрэнкни ёш маклерларга хос билимдонликнинг сирли кўриниши завқлантиради. Улар гоят самимий эдилар. Уларнинг анча тажрибали ҳамкарабалари одатда ичимдагини топ бўлишарди. Ташкаридан ҳеч нарсадан бехабардек беғам ва қатъиятсиз кўринишга ҳаракат килишарди-ю, аммо худди йирткич балиқдек, ўлжасини таппа босишига тайёр туришарди. Бир лахза кечикишдими, тамом, имконият бой берилди дэяверинг: бошқа бирор илиб кетади. Уларнинг ҳар бири кичкина ён дафтарчаларни қўлидан сира туширмасди. Ҳар бирини ўз кўз кисиши одати, ўз гавла холати ёки кўл ишораси бўлиб, улар: "Бўлади. Оламан!" деган маънени билдиради. Гоҳо шундай туюлардики, улар ўз харид ва сотувларини деярли тасдиқламас эдилар – улар бир-бирларини шу кадар яхши билишарди. Аммо бу шундай бўлиб кўринали, холос. Биржада бирон сабаб билан жонланиш хукм суриб колса, у ерда биржачилар ва уларнинг агентлари кўплаб тўпланардилар, биржа суст ишлаган ва кузатувчилар ишида турғунлик кузатилган кунларда ҳам бундай бўлмасди. Эрталаб соат ўндаги бонг зарби ишлар бошланганидан дарак берарди, бир ёки бир неча компаниялар акциялари сезиларли тарзда күтарилиган ё тушган бўлса, у ерда галати манзарани кўриш мумкин. Элликтача ёки юзтacha одам баравар кичкирарди, кўлларини силкишарди, таклиф этилган ёки талаб килинган қофозлардан фой-

да ундиришіңа қаралат қилиб, оёғи қүйган товукдек үзларини хар томонға урап әдилар.

– “Н” ва “У”нинг беш юз донаси учун саккиздан беш бераман! – овоз берарди маклер – Райверсми, Каупервудми ёки бошқа биронтасими.

– Учу чоракдан беш юз! – шу нархда сотишиңа күрсатма олған агент жавобан кичкирарды, у кейіннөк керакли акцияларни сотиб олиш ва олинган буюртмаларни бажариш, боз устига гафовутда нимадир ишлаб колишіңа умид киларлы.

Агар шу нархдаги акциялар биржада күп бўлса, харидор, дейлик Райверс, үзининг “саккиздан беш”ида тураверарди. Бирок уни кизиктирувчи қоғозларга талаб ўсаётганини кўриб, у уларга “тўртлан уч” хам тўлаган. Борди-ю, устомон биржачилар Райверснинг у ёки бу акцияларининг катта туркумига буюртма олганига шубҳаланишса, улар олдинга чопиб ўтишига ва уларни лоакал “тўртдан уч” бўйича сотиб олиб, кейин уларниң ўзига кичикрок устама билан сотишиңа жон-жаҳдлари билан урингандар. Бу устомонлар, албатта, сезгири рухшунос бўлганлар. Уларниң муваффакияти Тайга ўхшаган бирорта йирик ишбилармондан вакил килинган у ёки бу маклернинг бозорга таъсир килиши ва унга, уларниң таъбирича, ўз харидларини тугатишдан олдин фойда билан “ўчирилиб олиш” имконияти бериш учун хийла катта буюртмага эгами-йўклигини пайқаш қобилиятига боғлик. Ракибнинг чангалидан ўлжани тортиб олиш учун бургут ана шундай хушёрлик билан пайт пойлайди.

Тўрт, беш, ўн, ўн беш, йигирма, ўттиз, кирк, эллик нафар одам, бъязи вактлари эса бутун бир оломон таклиф этиб ё ҳарид килиб, у ёки бу қоғоз кўтарилишидан фойдаланиб қолишга қаралат килган, бундай ҳолларда ўзига хос ғала-говур кўтарилиган ва шовкин кулокни коматга келтирада даражага етган. Айрим гурухлар бошқа қоғозлар олди-соттиси билан шугулланишида давом этишган, аммо мутлок кўпчилик куляй пайтни кўлдан чикармаслик учун үзининг ҳамма ишини пухта бажарип кўйган. Беш кўлни баравар оғзига тиккан, кийматларнинг кўтарилиши ва тушишини ўз фойласига оғдириш иштиёкли снган ёш маклерлар ва кларклар у ёкдан-бу ёкка чопар, шарт-

ли сонни билдирувчи бармоқларини юкорига күтариб, жазава-га тушганча қўлларини силкитар ва белгилар алмашар эди. Ет-тиёт бегона одамларнинг елкалари оша бурушган афтлари ва қўллари кўриниб турарди. Ҳамма қандайдир ғалати киликлар киларди – бирорлари билиб туриб қилса, бошқалари билмай туриб. Битта-яримтаси фойда келтирадиган нарҳдаги қоғозни сотиб олиш ё сотиш ниятини билдиргани ҳамон у қўллар, ел-калар ва бошларнинг бутун бир гирдобига шўнғиб кетарди. Аввалига булар бари – шу нарсаларнинг ички ва ташки томонлари ёш Каупервудни бутунлай ўзига ром килиб олди, чунки у оломонни, ғала-ғовурии севарди, бирок кўп ўтмай унинг ўзи иштирок этган саҳналарнинг ранг-баранглиги ва жўшкинлиги кўнглига урди ва у барча содирликларнинг ички маъносини чакишга киришди. Акцияларни сотиб олиш ва сотиш санъат, нозик маҳорат бўлиб, сал бўлмаса руҳий хиссиятни англатарди. Таваккаллик, мақсадли интилиш, сезирлик – муваффакият учун мана шу нарсалар керак эди.

Бирмунча муддат ўтгандан кейин у ўзига шундай саволлар бера бошлади: Хўш, бунда энг кўп пул топадиган ким бўлиб чикади? Маклерларми? Ҳеч ҳам унака эмас! Тўғри, улардан айримлари ёмон пул ишламайди, аммо уларнинг барчаси – буни Фрэнк тезда англаб колди – бамисоли ғафлатда колган баликни очқўзлик билан таъқиб килганча шамол эсиб турган томондан бостириб келган оч чағалайлар ёки бурон кушлари галасидан бошка нарса эмас. Уларнинг ортларида бошқалар турарди – улар илоннинг ёғини ялаган, хийлакорликда тенгиз одамлар эди. Улар – корхона ва бойликлари мана шу акцияларда мужассам бўлган йирик сармоядорлардир. Темир йўлларни лойиҳалаштирган ва кургаилар, конларни қазиганлар, тижорат корхоналари ва улкан фабрикалар яратганлар – мана шулардир. Тўғри, биржা ишлари учун улар маклерлар хизматидан фойдаланар эдилар, аммо барибир олди ҳам, сотди ҳам факат ёрдамчи ходисалар бўлиши мумкин ва шундай бўлиб келган – конлар, темир йўллар, ҳосиллар, тегирмонлар ва хоказолар асосийси бўлиб қолаверган. Накд маблагни тезроқ олиш мақсадида одатдаги сотув бўлмаган ёки маблаг сарфлаш мақсадида одатдаги харид бўлмаган бошка ҳамма нарса шунчаки бе-

жоксиз кимор ўйини, шу билан машғул одамлар эса ўйинчилар булиб қолаверган. Фрэнкнинг ўзи хам бор-йўғи ўйинчининг агенти эди, холос. Ҳозирча у ҳали бунинг аччиқ таъмидан тотганича йўқ, аммо унинг учун жумбоклар энди йўқ хисоби эди, у ўзининг кимлигини биларди. У “Уотермен ва К” да ишлаган вактидагидек касбдош оғайниларини хаёлан тасаввур килиши ни севарди: бирлари иродаси буш бўлса, иккинчилари нодонлар, учинчилари окиллар, туртингчилари эса тўпорилар булиб чикарди, аммо барчалари – ожиз бандалар, чалажон одамлар булиб, бирорлар кўлидаги агентлар, куроллар ёки ашаддий ўйинчилар эдилар. Ҳакиқий одам ҳеч қачон на агент, на бирорлар ихтиёридаги итоаткор ижрочи, на ўйинни олиб борувчи ўйинчи бўлади, ўзининг ё бошка бирорнинг манфаати учун ўйнаш-ўйнамаслигининг фарки бўлмасди; йўқ, бу тоифа одамлар уни, Фрэнкнинг хизматини килишлари керак. Ҳакиқий одам – сармоядор – бирорлар кўлида курол булиб колиши мумкин эмас. Унинг ўзи шунга муносиб. У яратувчи бўлмоғи лозим. У раҳбарлик килади.

Ўн тўқкиз ё йигирма ёшида Каупервуд мана шу нарсани беш кўлдай билди олганди, аммо бу паллада у ўз билимларидан амалий хulosи чиқариш учун тўла етилиб улгурмаганди. Шундай бўлса-да, унинг хам вакти-соати етиб келишига у қаттиқ ишонарди.

## VII боб

Ажабланарлиси шунда эдики, Фрэнкнинг мистер Сэмпл хотинига бўлган кизикиши зимдан ортиб бормоқда эди. Кунларнинг бирида уни уйларига таклиф этишганида Фрэнк бу таклифга жон-жон деб рози бўлди. Сэмпллар Каупервудлардан унча узок бўлмаган Фронт-стритда яшар эдилар. Жануб томонга караган чоккина равондан дарёнинг жозибадор манзараси кўриниб турарди; юкори каватдаги барча эшик-деразалар ярим доира шаклдаги майда ойначалар билан бе-затилганди. Ўнинг ички жихози Фрэнк ўйлагандек ҳашамдор эмасди. Гарчи мебел янги ва кўркам бўлса-да, жимжи-

мадорликлан асар ҳам йўқ эди. Суратларга келсак, нима ҳам дердик, бинойидек сувратлар. Китоблар бўлса, гапиришга ҳам арзимайди – Инжил, икки-учта урф бўлган роман, бир неча машхур баёзлар ва Сэмплга мерос бўлиб колган бир тўда эски нашрлар. Чинни буюмларга гап йўқ: бир-биридан ажойиб, нозик суратлар ческилган. Гиламлар ва гулкоғозлар яркирек тўқ рангда бўлиб, кўзга ярк этиб ташланади. Аммо Ли-лиян чинакамига позанин эди; унга кайси томондан туриб караманги, бирдай гўзал ва оғатижон кўринарди.

Жувоннинг фарзандлари йўқ эди, аммо бунга миссис Сэмпл айблор эмасди, у бола кўришни жуда хоҳларди. Агар киззик лавридағи ота-оналари гоҳ-гоҳ кариндош-уруглари ва кўни-кўшиниларидан айримлариникига кирди-чиқди килиб турганларини ҳисобга олмаганди, у одамлар билан кам учрашар эди. Лилианинг икки акаси ва опаси ҳам Филаделфияда туришарди, улар оиласи бўлиб кетишганди. Улар Лилианинг ўзига яхши жуфтлик топиб олган, деб ҳисоблашарди.

Гарчи мистер Сэмплга бажонидил турмушга чикқан бўлса-да, у зирни хеч качон чин дилдан севмаган эди. Сэмпл аёлда кучли эктирос уйғотишга кодир одамлар сирасидан эмасди. Ишчанлик ва ўта сариншалик унинг алоҳида ҳусусиятлари синаларди. Унинг поїафзал дўкони мактагулик бўлиб, замонавий хилма-хил молларга лик тўла бўларди, дўкон ичи ёргува фоятда покиза эди. Мистер Сэмпл баъзан гапга тушиб кетганида, поїафзал ишлаб чикариш, янги колиплар ва андозалар тўгрисида узок гапиради. Ушанда тайёр поїафзал – кисман, машинада тикилган буюмлар савдоси урфга кирганди, бирок у буюртмага ўлчаб тикадиган косиб этикдўзлар хизматидан ҳам бўйин товламасди.

Миссис Сэмпл ахён-ахёнда бироз китоб мутолаа килишни хуш кўтарди, бирок кўпинча чукур хаёлга толганлек тек ўтиради, хар холла унинг бу ўтириши зинхор чукур мутолаага берилганини билдирамасди. Лекин шундай онларда унинг ўн чиройига яна бир чирой кўшиларди, у қадимги фаришталар ҳайкатига ёки юонон ашулачилари иштироқчисига ўхшаб кетарди. Шубҳасиз, Каупервудга у худди шундай бўлиб кўринарди, зоро Фрэнк аввал-бошданок ундан сира нигохини узол-

мас, бунга қурби стмасди. Миссис Сэмпл унинг хайрат тұла нигохини сезиб турса-да, бирок бунга күпда эътибор бермасди. Азбаройи гаомилга хурматию ҳаёти эриннинг тақдиди билан абадий боғликистигига ишонганидан у тинч ва бесалва ҳаёт гаштини сурарди.

Фрэнк уларникига кела бошлаган дастлабки вактларда Лилиан у билан нима ҳақда гаплашишни билмасди. Лилиан мәжмонни очик чехра билан карши оларди, аммо сұхбат юки бутунлай эриннинг гарданига тушарди. Каупервуд дам сайин миссис Сэмплга карап, унинг чехрасидаги ифодани күзатарди ва агар жувон озгина фаросатли бүлганида бунинг замирида нима ётганини англаган бүларди. Яхшиямки, у фаросатли эмасди. Мистер Сэмпл мәжмон билан лутф ила сұхбатлашарди, бунинг сабаби, биринчидан, ёш Каупервуд сармоядорлик бобида хиёл күпрок сүзларди, одоб сакларди ва мулойим зди, иккинчидан эса мистер Сэмпл ўз бойлиги билан маңтанишни яхши күрарди. Фрэнк эса унинг назарида молиявий муваффакият тимсоли бўлиб кўринарди. Баҳор окшомларидан бирида учовлон айвонда ўтириб, у ёқ-бу ёқдан, яъники негрлар масаласи ҳакида, конка ва якинда авж олған молиявий вахима ҳакида (бу 1857 йилда бўлганди) ҳамда Фарбнинг тез ривожланиб бораётгани ҳакида гап сотар эдилар. Мистер Сэмпл жамғарма биржа тўғрисида батафсилрок билгиси келарди. Фрэнк эса, ўз томонидан, унинг пойафзал борасидаги ишлари ҳакида суриштиради, ҳолбуки сирасини айтганда, бундай нарсаларга у заррача кизикмасди. Сұхбат асносида у зимдан миссис Сэмплни кузатиб борди. Үзини канчалик дилбар, кувнок ва мафтункор тутади-я, ўйларди Фрэнк. Жувон унга печенье билан чой тутди. Бироздан сўнг чивинлардан кочиб, барчалари ичкарига киришди. Миссис Сэмпл роялга ўтирили. Соат ўнда Фрэнк хайрлашиб, чикиб кетди.

Шу окшомдан кейин ёш Каупервуд бир ё бир ярим йил мистер Сэмплдан ўзига пойафзал олиб юрди, гохила эса бир-икки оғиз гап сотгани Честнат Стратдаги дўконга шунчаки бир кириб ўтар эди. Бир куни Сэмров ундан Бешинчи ва Олтинчи кўчаларнинг шахардан рухсат олишга улгурган конка йўлининг акцияларини сотиб олса, калай бўларкин.

деб сўради – бу воеа биржада катта шов-шувга сабаб бўлганди-да. Каупервуд унга ўз мулоҳазаларини баён этди. Бу, шубҳасиз, фойда келтирадиган иш эди. Унинг ўзи беш доллардан юзта акция сотиб олганди ва Сэмпл ҳам ундан ўннак олишни астойдил маслаҳат берди. Аслида бу одам Фрэнкка мутлако бефарқ каарди, бирок гарчи у миссис Сэмплни кам кўрса-да, жувон унга ҳамон ёкарди.

Тахминан бир йилдан сўнг мистер Сэмпл дунёдан ўтди. Бу бевакт ўлим тасодифан рўй берди. Кеч кузда у шамоллаб колди, киши оёгини нам тортириб қўйганида ёки рутубатли хавода палтосиз кўчага чикканида содир бўладиган оддий касаллик. Хотини, қўйилг, борманг, деганига карамай, у барибир дўконга йўл олди. Ювош ва босик қўрингани билан у ўзига етганча кайсар ҳам эди ва ўз ишини деб жонини жабборга бераади. Якин келажакда эллик минг доллар эгаси бўлай-бўлай деб турганди ўз кўнглида. Бирдан ўпкаси шамоллаб, тўккиз кун кўрпа-тўшак килиб ётдию у дунёга кетиворди. Пойафзал дўкони бир неча кунгача очилмади, уйдан таъзиячилар ва черковдагиларнинг кети узилмади. Кейин Кэллоухил пресвитер черковида видолашув маросими бўлди (эр-хотин Сэмпллар бу ерга келиб туришарди) ва майит тупрокка қўйилди. Миссис Сэмпл аччик-аччик йиғлади. Оёги остидан чиккан ўлим уни каттик ларзага солди ва анча вактгача ўзига келолмай юрди. Акаси Дэвид Уиггин вактинча ишларни ўз қўлига олди. Марҳум васият ёзиб колдирмаганди, бирок мерос ҳакидаги масала ҳал бўлгач ва пойафзал дўкони сотилиб кетгач, миссис Сэмпл ўн саккиз минг доллардан кўпроқ маблаг олди, зеро, хеч ким унинг барча мулкка сўзсиз эгалик килишига монелик кўрсатмади. У ўша Фронт-стритда яшаб колаверди ва “Галати бева” деган ном ортлирди.

Мана шу воеалар вактида эндиғина йигирма ёшга кирган ёш Каупервуд ўзини анча фаол тутди. Мистер Сэмпл касал бўлиб ётганида у тез-тез келиб холидан хабар олиб турди. Дафи маросимида катнашди. Пойафзал ишини бир ёқлик килишда миссис Сэмплнинг акасига ёрдамлашди, дафи маросимидан кейин у икки марта бевани келиб кўрди-ю, кейин анча вактгача кўринмай кетди. Олти ойдан кейин у яна пайдо бўлди ва шун-

дан кейин хар хафта ўн кунда Лилианни кўргани келиб турди.

Такрор айтамиз: Лилиан Сэмплда у нимани топганини айтиш кийин эди. Балки унинг чиройли, оппок юзи уни ўзига мафтун этгандир, ё бўлмаса жувоннинг бефарқлиги унинг жўшкин табиатига олов ташлагандир. Жувонни бу кадар қаттик ва юракдан ёғириб қолганини унинг ўзи хам тушунтириб беролмаса керак. У Лилианни ўйласа, тинчини йўқотарди ва у тўғрида деярли гапирмасди. Унинг Лилианнинг олдига келиб туришини оиладагилар билар эдилар, аммо Каупервудлар бу вактга келиб, Фрэнкнинг ички кудрати ва аклига тан бериб бўлган эдилар. У хушчакчак, оккўнгил, кўпинча кувнок юради, унча кўп гапирмасди. У энди пул ишлаб топаётганини ҳамма биларди. У хафтасига эллик доллар маош олар ва маоши бундан кейин ҳам ошишига барча асослар бор эди. Филаделфиянинг ғарбий кисмида уч йил аввал сотиб олган бир нечта томоркалиқ ернинг нархи анча кўтарилган эди. Унинг конка йўлтарига сарфлари янгитдан ташкил этилган компанияларнинг у сотиб олган эллик, юз ва бир юз эллик долларлик акциялар шарофати билан кўпайди; кийин вактга карамай, бу қоғозлар сескин, аммо бир текис кўтарилиб борарди ва дастлабки беш долларлик кийматда энди ўн, ўн беш ва йигирма беш деб баҳоланар эди, вакти келиб эса улар паритет гача бориб етиши керак эди. Молия доираларида Фрэнкни яхши кўришарди, келажак унинг кўз ўнгига рангли бўёкларда жимжима киларди. Катталардай мушоҳада юритиб, у стук биржа ўйинчиси бўлмасликка карор килди. Энди у хисобвексл иши ҳақида, унинг кузатувларига кўра, хеч қанақанги таваккалдан холи нақл маблагни ўйлай бошлаганди. Ўз иши ва отасининг алоказалири туфайли Фрэнк кўплаб тужжорлар, банк арбоблари ва ултуржи савдогарлар билан учрашар эди. Улар ўз ишларини ёки лоакал ишларининг бир кисмини унга жон-жон деб топширишларини у биларди. “Дрексел ва К” ва “Кларк ва К” илораларида унга гоят такаллуф билан муносабатда бўлар эдилар, чараклаб чикиб келаётган банк күчши Жэй Кук эса унинг дўсти эди.

Фрэнк ҳамон миссис Сэмплнигига келиб туришни канда кильмаганди ва уницида тез-тез бўлиб тургани сайин жувон

унга күпрок ёкиб колмоқда эди. Уларнинг сухбати мароқин ва оқилона бўларди. У Лилянга шунаканги фойдали маслаҳатлар берардики, ҳагто жувоннинг кариндош-уруглари ҳам йигитга кулок солишарди. Аста-секин у жувонга ёка бошлади; одобли, вазмин ва маъкул Фрэнк Лилянга то ҳаммасини аник-равшан тушуниб етмагунча у ёки бу масалани куйиб-пишиб изоҳлар эди. Йигит унинг ишларини ўз ишидай кузатаётганини ва унинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлашга харакат килаётганини жувон ўз кўзи билан кўриб турарди.

— Кандай яхши одамсиз, Фрэнк, — деди бир куни унга Лилян. — Сиздан жуда ҳам миннатдорман. Сиз бўлмаганингизда нима килишиб билмасдим, рости.

Шундай дея у йигитнинг болаларча маъсумлик билан караб турган чиройли юзига караб қўйди.

— Кўйсангиз-чи, нималар деяпсиз! Менга шу нарса ёкади. Агар сизга ёрдамим тегмаса, мен нима деган одам бўлардим.

Йигитнинг кўзлари ёнимади, аммо кандайдир майин, илик нур йилт этгацдай бўлди. Миссис Сэмплнинг юраги тўликиб кетди: яхшиямки ёнида суняса бўладиган шундай одам бор.

— Нима бўлганда ҳам сиздан чин дилдан миннатдорман. Сиз менга кўп яхшиликлар килдингиз. Яна келиш; якшанбадами ёки истаган куни окшомдами. Мен уйда бўламан.

Фрэнк миссис Сэмплнигига танда қўйиб юрган айни шу кунларда тоғаси Сенека дунёдан ўтиб колди. Ундан ўн беш минг доллар пул колганди. Шу пуллар билан биргаликда Фрэнкнинг бисогидаги маблаг энди йигирма беш минг долларга етганди ва улардан кандай фойдаланишини у жуда яхши биларди. Мистер Сенеканинг ўлимидан кейин кўп ўтмаёк молия оламини ваҳима чулгади, у Фрэнкка маклерлик иши нечоғли ярамас иш эканлигини шундок кўрсатди-қўйди. Саноат оламида эса қаттиқ турғунлик бошланди. Эркин пуллар сийрак тортиб колди, бутунлай гойиб бўлди, деса ҳам бўлади. Издан чиккан саводдан ва мамлакатдаги умумий пул ахволидан кўркиб кетган сармоя яширин жойлар – банклар, тагхоналар, пайлоклар ва йигма идишларнинг энг тагига кириб кетганли. Мамлакат жарга учуб тушаётгандек бўлиб кўришмоқла эди.

Олдинда эса Жануб билан уруш очилиши ёки унинг бутунлай тўкилиб тушиши кутиларди. Асабий зўриқишиш бутун миллатни камраб олганди. Одамлар барча бойлигини бозорга чикариб кўймокла эди, ишқилиб нақс пул топишса бўлгани эди. Тай ўз идорасидан уч хизматчиши ишдан бўшатиб юборди. У иложи бўлган хар нарсадан тежашга харакат килар ва барча шахсий омонатларни муомалага кўяр эди, ишқилиб, когозга кўйилган сармоясини саклаб колса бўлгани. У уйи ва томорқалик срихулласи калом, ўзилаги бор нарсаларни гаровга кўйиб юборди. Ёш Каупервуд бир исча марта унга даллолчилик килди ва эвазига кўлдан келганча паказ олиш шарти билан акциялар боғламларини турли банкларга элтиб юрди.

— Билинг-чи, отангиzinинг банки мана бунга ўн беш минг доллар карз берармишан, — деди у бир куни Фрэнкка, “Филадельфия ва Уиллингтон” акцияларининг қалип боғламишини олар экан.

Фрэнк бир маҳаллар отаси уларни гоят салмоқдор леб атаганини эслади.

— Сирасини айтганда, бу жуда яхши когозлар, — иккиланнибгина деди отаси акцияларни кўриб. — Тўгрироги, улар бошка хар қандай вактда аскотиб колиши мумкин. Аммо хозир нақд пулшинг ахволи чаток. Биз ўз мажбуриятларимизни жуда кийинчилек билан тўлаб турибмиз. Дарвоке, мен мистер Кугел билан гаплашиб кўрай-чи (Кугел банк бошкармаси раиси эди).

Узок кутишга, узок сухбатлар қилишга тўғри келди. Охини ота Каупервул кайтиб келди-ла, Фрэнкка улар бундай ҳамкорлик олиб боришига кодир эмасликларини мъълум килди. Пулга бўлган талабни хисобга олганда, ўша вактда белгиланган дисконт — саккиз фоиз хаддан ташкари бефойда шартлар экан. Мистер Кугель рози бўлган такдирда ҳам ўн фоизли хисобдан онкол карзига рози бўлар экан. Фрэнк ўз ваколатнома берувчиси оллига кайтиб келди, бу гапни эшитиб, ваколат берувчининг тепа сочи тикка бўлди.

— Бу қандай гап, жин урсин, — газаб билан деди у. — нахотки бутун шаҳарда пул колмаган бўлса? Ахир бундай фоизлар

одамни хонавайрон килади-ку! Мен бунга чидолмайман. Ха, майли. Бу акцияларни кайта олиб боринг-да, менга пулларни олиб келинг. Аммо бу ҳеч нарсага ярамайли, ҳеч нарсага ярамайди.

Фрэнк тагин банкка йўл олди.

– Мистер Тай ўн фоизга рози, – хотиржам оҳангда дели у.

Тайга бетўхтов фойдаланиш ҳукуки билан ўн беш минг долларга кредит очилди ва у ўша захоти барча пулни у срдаги “тиркиш”ни бекитиш учун Жиард миллий банкига ўтказди. Шундан иш жунашиб кетди.

Ёш Каупервуд эса мамлакатнинг тобора оғирлашиб бораётган молиявий аҳволини кизикиш билан кузатиб борарди. Кулдорлик муаммоси, Жанубий штатларнинг чўкиб колиши ҳакидаги сұхбатлар, мамлакат фаровонлигининг умумий кўтарилиши ёки инқирозга учраши уни бу нарсалар унинг манфаатларига бевосита даҳл киладиган даражада ташвишга соларди. У ҳакикий сармоядор бўлишга ҳаракат кильмоқда, аммо энди биржа иши билан четдан туриб танишиб олгач, биржачи бўлиш ҳохишига шубҳа билан қарай бошлаганди. Мана бу вахима юзага келтирган шароитлардаги биржа ўйини фавкулодда таваккал билан чатишиб кетганди. Кўплаб маклерлар хонавайрон бўлди. Улар мистер Тайнинг олдига чопғанларида ва ундан уларнинг у ёки бу талабномаларини бекор килишни сўраганларида шўрлик уларнинг аянчли чеҳраларини мирикиб томоша килди. Ҳатто уйда ҳам зигирча ҳаловатимиз йўқ, дер эди улар. Уларни мукаррар ҳалокат кутмоқда, хотин, бола-чакалари кўчада колади.

Бу вахима, ҳар ҳолда Фрэнкка кўл келди – у астойдил шуғулланмокчи бўлган нарсасини аниқлаб олди. Энди унинг бисотида эркин маблаглар бор, у мустакил равишда иш кўра боштайди. Ҳатто мистер Тайнинг унга кичик шерик бўлиш ҳакидаги таклифи ҳам Фрэнкни йўлдан чалғитолмади.

– Сизда ажойиб иш бор деб биламан, – деди у ўз эътирозини изоҳлар экан, – аммо мен ўз хисоб-вексел идорамни очмокчиман. Биржа ўйинига ишониб бўлмайди. Кичиккина бўлса-да, ўз ишимни дунёдаги барча биржалардан афзал кўраман.

— Ҳали она сути оғзидан кетмаган ёш боласиз, Фрэнк, — эътиroz билдириди. — Мустакил фаолият учун олдингизда бир лунё вакт бор.

Пировардида у Тай билан ҳам, Райверс билан ҳам дўстона хайрлашди.

— Болакайнинг турган-битгани акл! — афсус билан дели Тай.

— Айтганини қилмай қўймайди! — тасдиклади Райверс.

Бундай кобилияти болани умримда кўрмаганман.

### VIII боб

Дунё Каупервуднинг кўзига кизил рангда кўринарди. У дошиқ бўлиб қолганди ва ўз ишини бошлаш учун бисотида пули ҳам бор эди. Конка темир йўлларнинг нархи тобора ортиб бораётган ўз акциялари остида у уларнинг киймат баҳосининг етмиш фоизини ола оларди. Зарурат туғилганда яна томорка ерини гаровга қўйиши ва шу тариқа мўмайгина пул топиши мумкин эди. У Жирард банки билан алоказаларни йўлга солиб олгацди, — Фрэнк директор мистер Девисон хузурига йўл олди ва вакти келиб у менга кредит беради деб хисобларди. Факат маблагни тез ишга тушиб кетадиган ва безарар фойдаланса бўладиган килиб жойлаштиришгина қолганди. Фрэнкнинг фикрича, ҳамон тармокланиб бораётган конка темир йўллари ажойиб фойда келтириши керак эди.

Бу вактга келиб Фрэнк ҳеч жойдан кидириб топиб бўлмайдиган от ва арава сотиб олди — бу нарса унга эллик долларга тушди, — ва миссис Сэмплни у билан бирга сайр килишга таклиф этди. Жувон аввалига кўнмади, бирок кейин рози бўлди. У аёлга ўз муваффакиятлари, режалари, унга осмондан тушгандай келиб қолган ўн беш минг доллар ва ниҳоят, ўзининг хисоб-вексел иши билан шуғулланиш нияти ҳакида сўзлаб берди. Миссис Сэмпл йигитнинг отасини келажакда Учинчи миллий банк вице-директори лавозими кутаётгани-

ни биларди ва боз устига Каупервудлар, умуман, унга ёкарди. Фрэнкниң унга бұлған муносабатини шунчаки дүстлик деб аташ мүмкін эмаслигини ҳам у англай бошлаганди. Кечаги болакай бугун әркакка айтаптанған ва у йигитчага мойыл бұлиб қолғанди. Бу унга деярли күлгіли туюлмоқда зди. Жұвон ундан катта, бесва, тинч, якранғ; якнасақ ҳаёт кечирмоқда зди. Аммо бу йигитчаниң оғзидан бол томиб изхор этган қайсарона, вазмин дил изхори уни хеч канаканги шарт билан йүлдан кайтара олмаслигини билдириб турарди.

Каупервуд үзини алдамаётғанди ва жувонга бұлған муносабатини ҳавойи деб үйламасди. Сулув Лилян жисму жон билан уни үзига ром килиб олғанди. Биронта ҳам бошқа аёл уни үзига бунчалик маҳлиә килолмаганди. Бунинг устига энди бошқа аёлларга қизикиши мүмкін ёки лозим деган үй унининг ҳаёлыға ҳам келмасди. Оила мұқаддаслиги ҳақидағи сафсатани у аллакачон миясидан чикариб ташлаганди. Миссис Сэмплнинг пулларига у тамаъ билан карамасди, бирок жувоннинг үз маблаги борлигини билған ҳолда шунга ишончи комил здики, жувоннинг фойдаси учунгина шу пулларни у мұомалата киритишга муваффак бўлажак. Фрэнк аёлни үзиники қилиб олишни интизорлик билан кутар ва ораларида бўладиган фарзандлар ҳақида гурур билан үйлар зди. Уни бегараз мұхаббат ила севишга жувонни уната олармекан, унинг күнглидан олдинги ҳаёти ҳақидағи хотираларини қувиб чикариб олармекан – йигит шуларни жуда-жуда билгиси келарди. Галати манманлик! Ҳатто галати бузуклик дейніш ҳам мүмкін.

Барча ҳадик ва шубхаларга карамай, Лилян Сэмпл Фрэнкнинг хушомадлари ва ғамхұрликларини кабул киларди, зеро үзи ҳам беихтиёр унга интиларди. Бир куни тунда ухлашга ёта туриб, у пардоғ столи оллиға борди ва тошойнада юзи, яланғоч слка ва күлларига разм солди. Қанчалик гүзәл у! Узун, кулранг сочларига разм соганила уни қандайдир хаяжоп камради. У ёш Каупервудни ҳаёлиға келтирди, бирок унинг күз үнгіда дархол мархұм Сэмплнинг қиёфаси намоён бўлди, – жувоннинг бадани жимирлаб кетди ва одамлар орасыда қанаканги гап-сўзлар бўлишини тасаввур қилиб, уятдан ерга кираёзди.

— Меникига тез-тез келадиган бўлиб колдипгиз, нега? — сўради у навбатдаги оқшомда уникига келган Фрэнкдан.

— Наҳотки ўзингиз билмасангиз? — ғудранди Фрэнк, ҳаммасини нигоҳи билан англатмокчи бўлган каби.

— Йўк!

— Ростдан билмайсизми?

— Нима десам экан... Билганим шуки, сиз мистер Сэмплнинг ва унинг хотини, менинг олдимга келар эдингиз. Аммо мистер Сэмпл энди йўқ.

— Аммо сиз борсиз-ку, — жавоб берди йигит.

— Мен?

— Ҳа. Сиз менга ёқасиз ҳам. Сиз билан ўзимни яхши хис этаман. Сиз-чи, ўзингизни бундай хис этмайсизми?

— Рости, мен ҳеч качон бу ҳакида ўйламаганман. Сиз мендан анча ёшсиз. Ахир орамиздаги фарқ беш ёш.

— Ёшимизда фарқ бор, — деди Фрэнк, — аммо бунинг аҳмияти йўқ. Бошка ҳамма нарсада хаётни сиздан кўра яхширок биламан. Ўзингиз ҳам бунга шубҳа қилмассиз? — кўшиб кўйди у майнин, катъий оҳангда.

— Ҳа, бу тўгри. Бироқ мен ҳам сиз билмаган кўп нарсаларни биламан, — дея ўзининг чиройли тишлигини кўрсатиб, аёл аста кулиб кўйди.

Кош корайиб колганди. Улар пешайвонда ўтиришарди. Пастда дарё сокин окарди.

— Эҳтимол, — деди Фрэнк, — чунки сиз аёлсиз. Эркак ҳеч качон аёлнинг нуктаи назарида тура олмайди. Мен эсам хаётнинг амалий жихати тўғрисида гапиргандим, шу маънода мен сиздан каттаман.

— Катта бўлсангиз-чи?

— Ҳеч нима. Сиз олдингизга нега келиб турганимни сўрадингиз, мана мен жавоб бердим. Қисман, албатта.

Йигит жим бўлиб колди ва нигохини дарёга каратди.

Миссис Сэмпл кўзини кўтариб меҳмонга каради. Йиллан-йилга тўлишиб бораётган унинг чиройли қад-комати энди ажабтовур эркак киёфасига кирганди. Катта-катта, тиник кўзлари билан қараганда, унинг чехраси қандайдир болалардек

маъсум кўриниб кетарди. Бу кўзлар тубида нелар яшириниб ётганини жувон билолмади. Йигитнинг юзи кип-кизил, қўллари унча катта эмас, аммо мушакдор ва кучли эди. Жувоннинг нозик, нимжон вужуди ҳатто узоқдан туриб ҳам йигитдан чиқаётган кувватни ўзига тортиб олаётганга ўхшарди.

– Менимча, бунака тез-тез келмаганингиз маъкул. Одамлар ёмон хаёлларга бориши мумкин.

У кўхлик аёллардай, дастлаб танишган пайтлардаги вазмин оҳангда гапиришга қарор қилди.

– Одамлар? – такрорлади Фрэнк. – Бу ёғидан хотиржам бўлинг. Одамлар биз тўғримизда уларга уқдирмоқчи бўлган нарсаларимизни ўйлашади. Мен билан бундай куруқ гаплашаётганингиз менга ёкмаяпти.

– Нима учун?

– Чунки, мен сизни севаман.

– Аммо сиз мени севмаслигингиз керак. Бу яхши эмас. Ахир мен сизга турмушга чиқолмайман-ку. Сиз навжувонсиз, мен эсам кариман.

– Етар! – катъий тарзда деди Фрэнк. – Бу нима bemazagarчилк! Сиз хотиним бўлишингизни истайман. Сиз буни биласиз ҳам. Яххиси, айтинг, қачон турмуш курамиз?

– Нималар деяпсиз ўзи? – деди жувон. – Умримда бунака гапларни эшитмагандим. Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Нима учун? – сўради Фрэнк.

– Чунки... чунки мен сиздан каттаман. Бу ҳаммага ғалати кўриниши мумкин. Бева колганинг ҳам кўп бўлгани йўқ.

– Оббо, кўп бўлгани, оз бўлгани – бунинг нима аҳамияти бор! – гижиниб деди йигит. – Сиздаги менга ёкмайдиган яккаю ягона нарса бу қачон қарамай: “Одамлар нима дейди?” – деб турганингиз. “Одамлар” сизнинг ҳаётингизни қуриб бермайдилар-ку. Албатта меникини ҳам. Энг аввал ўзингиз ҳакингизда ўйланг. Сиз ҳаётингизни ўзингиз тиклашингиз керак. Наҳотки сиз билан сизнинг хохишингиз ўртасида бошқаларнинг нималарни ўйлашига йўл қўйиб берсангиз?

– Менда айни шу хохиш йўқ-да, – жилмайиб йигитнинг гапини бўлди Лилиан.

Фрэнк ўрнидан турди, аёлга якин келди ва унинг қўзларига тикилди.

– Нима бўлди? – ҳаяжон ичида ва хиёл истехзоли оҳангда сўради Лилиан.

Йигит унга қараб тураверди.

– Нима бўлди деяпман? – такрорлари жувон тобора ўзини йўкотиб.

Уни кучмокчи бўлиб, йигит эгилди, бирок жувон ўрнидан турди.

– Йўқ, менга якинлашманг! – ёлвориб деди Лилиан. – Мен хозир ичкарига кириб кетаман-да, сизни бошқа даргоҳимга йўлатмайман. Бу даҳшат! Сиз аклдан озибиз! Мени тинч қўйинг.

Жувоннинг азбаройи жиддийлик билан айтган сўзлари Фрэнкни бўйсунишга мажбур этди. Бирок шу оқшомгагина, холос. Йигит тинмай келаверди. Бир куни чивиндан кочиб хонага киришди ва миссис Сэмпл яна унга, бошқа келманг, деб ялина бошлади, менга хушомад килаётганингизни кўриб ко-лишса, шарманда бўламан, деди, Фрэнк эса аёлнинг ҳарчанд каршилик кўрсаттанига қарамай, шартта уни кучоклаб олди.

– Бу нима килганингиз, бу нима килганингиз! Бас килинг! – деди жувон. – Ахир айтдим-ку сизга! Бу қанақа беодоблик! Ўпманг деяпман сизга! Вой ўлмасам!

Аёл Фрэнкнинг кучоғидан юлкиниб чиқди-да, зинадан ўз ётогига югуриб кетди. Каупервул аёлнинг ортидан эргашди. Миссис Сэмпл эшикни ёpmокчи бўлганида йигит куч билан эшикни очди, ёш жувонни яна маҳкам кучоклаб олди-да, ҳавога азод кўтарди.

– Бу нима килик! – кичкирди жувон. – Мен сизни танимайман ҳам, билмайман ҳам! Кўйиб юборинг деяпман мени, бўлмаса иккинчи марта бу ерга кадам босмайсиз. Кўйиб юборинг!

– Мен сизни кўйиб юбораман, эркатойим. Мен ўзим сизни пастта тушириб кўяман, – жавоб берди йигит, уни ўзига тортиб ва унинг юзидан чўлп-чўлп ўпа кетди.

Йигит халдан ташкари жазавага тушган ва сира ўзини бослмаётган эди.

Лилиан юлкиниб чикиш ва каршилик кўрсатишда давом этишига карамай, Фрэнк уни пастга меҳмонхонага кўтариб кирди-да, ўша-ўша маҳкам қучоқлаганча каттакон ўринлика чўкли.

– Ох! – хўрсинди жувон ва унинг кўйиб юбормаслигини англаб, ночор бошини унинг елкасига кўйди. Кейин, Фрэнкнинг юзида жиддий қатъиятни кўриб ва унинг жозиба кучини хис этиб, у жилмайди.

– Борди-ю, сизга турмушга чиксан, – хорғин оҳангда деди у, – нима деган одам бўламан? Отангиз, онангиз нима дейишади?

– Сизнинг хеч нарса дейишингизга ҳожат йўқ. Буни мен ҳал қиласман. Ҳаяжонланишнинг ҳам кераги йўқ. Қариндошлиларим хеч нарса демайди.

– Менинг оиласи-чи? – титраганча деди аёл.

– Уларнинг нима иши бор? Мен оиласигизга эмас, сизга уйланаман. Биз иккачамиз моддий жихатдан мустакилмиз.

Аёл янги-янги эътирозлар билдира бошлади, бироқ Фрэнк уларга янги ўпичлар билан жавоб қайтаарди. Унинг эркалашларига бўйсунмаслик мумкин эмасди. Мистер Сэмпл хеч качон бундай оташин тарзда муҳаббат изхор этмаган эди. Фрэнк жувонда илгари у билмаган хисларни уйготиб юборганди. Жувон ҳам кўркув, ҳам уятдан ёнмоқда эди.

– Хўш, шундай килиб, бир ойдан кейин турмуш курамиз-а?

– Жувон жим бўлганда шодон сўради йигит.

– Бу мумкин эмаслигини биласиз-ку! – энгашиб деди Лилиан. – Нега ҳадеб кистайверасиз! Бу ҳакда гапирмайлик бошка.

– Қачонлиги барibir эмасми? Эртами ё кечми, сен менинг хотиним бўласан.

Бошка, янги муҳитда у қанчалик мафтункор бўлишини Фрэнк кўз олдига келтириб бўлганди. На у, на унинг оиласи яшашни билар эди.

– Бир ойдан кейин сира иложи йўқ. Кутиш керак. Сиз ростдан ҳам шуни хоҳлаганингизга амин бўлганингизда мен сизга турмушга чикаман.

Фрэнк уни бағрига маҳкам босди.

- Мен буни исботлайман сенга, – шивирлади йигит.
- Бас килинг. Ҳамма ёғимни оғритиб юбордингиз.
- Ҳўш, қачон бўлмаса? Икки ойдан кейинми?
- Йўқ. Йўқ.
- Уч ойдан кейинми?
- Балки.
- Гап битта. Сен менинг хотиним бўласан.
- Аммо сен ҳали ёш боласан-ку.
- Бу ёғидан хотиржам бул. Қанака ёш бола эканимни билсан ҳали.

Жувонга янги очилган олам бўлиб кўринди ва ҳеч қачон ҳали одамлардай яшамаганини англади. Бу одамда шундай бир куч мужассам, унинг олдида шундай уфқлар очилмоқда эдик, эри буларни хаёлига ҳам келтирмасди. Ёш бўлишига карамай йигитча ҳам кўркинчли, ҳам ботир эди.

- Бўлти, уч ойдан кейин бўла колсин, – шивирлади аёл, йигит уни аста-аста аллалар экан.

## *IX боб*

**К**аупервл ӯзининг хисоб-вексел ишини Учитчи кўчадаги Колтмиш тўртинчи уйда чоккипа идора очишдан бошлиди ва кўп ўтмай унинг олдинги яхши йўлга кўйган иш билан боғлик алокалар кўчада колганига ишонч ҳосил килиб, боши кўкка етди. У тахминича нақд пулга муҳтоҷ бирорта фирмага мурожаат килар ва ё унинг векселини инобатга олишни, ё воситачилик асосида ӯзига олишни, йигитга олти фоиздан чиқаришни, истаган ҳар кандай мажбуриятларни тарқатишни таклиф этар эди; кейин у бу қоғозларни пулларини ишончли ишга кўйиш учун пайт пойлаган мижозга унча катта бўлмаган устама билан сотар эди. Отаси ёки танишларидан битта яримтаси вақти-вақти билан унга қандай иш тутиш кераклигини айтиб турарди. Мана шундай иккиёклама битимларда у одатда тўрт-беш фоиздан фойда кўрар эди. Дастребки йилдаёқ барча устама харажатлари хисобдан чиқариб ташлаган-

да, унинг бисотига накд олти минг доллар келиб тушганди. Бу жуда ҳам кўп эмасди, албатта, бироқ Фрэнк бу даромадни келажакда, унинг ўйлашича, катта фойда келтириши мумкин бўлган бошқа йўл билан кўпайтиришга харакат қиласади.

Фронт-стритдан биринчи, ҳали унчалик шошиб юрмайдиган конка ўтгунига қадар Филаделфия кўчалари тош йўлдан гумбурлаб юрувчи юзлаб рессорасиз омнибусларга тўлиб кетганди. Бироқ энди Нью-Йоркда, Жон Стефенгоннинг ғояси бўйича, икки изли йўл ётқизилганди, аввал-бошиданоқ ажойиб даромад келтирган Бешинчи ва Олтинчи кўчалардаги излардан ташқари (вагонлар бир кўчадан бир томонга қараб ва иккинчи кўчадан тескари томонга қараб юрар эди) кўплаб янги излар ё лойихалаштирилган ёки фойдаланишга топширилган эди. Илгари каналларни темир йўлларга алмаштиришга шошилганидек, шахар омнибусларни конкага алмаштиришга шошиларди. Баъзи бир одамлар, албатта, бу янгиликларга қаршилик кўрсатарди. Бундай холларда қаршилик кўрсатишни истисно килиб бўлмасди ҳам. Яккаҳокимлик ҳакида айюҳаннос сола бошлашганди. Хонавайрон бўлган омнибус эгалари ва ишсиз қолган хайдовчилар овозларини барадла кўйиб сўкинар эдилар.

Каупервуд конка темир йўлларининг истикболига қаттиқ ишонарди. Шу ишонч уни таваккал килишга ва барча эркин пулларни янги конка темир йўллари компаниялари чиқараётган акцияларга қўйишга ундарди. У ҳар доим ишнинг теварак-атрофидаги шароитлардан вокиф бўлишга интиларди, аммо бу гал бундай қилиш осон бўлмади, дастлабки излар ётқизилаётганда Фрэнк ҳали жуда ёш эди ва унча мохиятнинг ўзига ёриб кириш имконини бериши мумкин бўлган сармоядорлар даврасида дурустгина алоқаларга эга эмас эди. Бешинчи ва Олтинчи кўчаларнинг якинда ишга туширилган изи кунига олти юз доллар даромад келтираётганди. Филаделфиянинг гарбий кисмida янги из ва Иккинчи ва Учинчи кўчалардан, Релс ва Вайн, Спрус ва Пайн, Уран ва Катс, Ўнинчи ва Ўн биринчи кўчалардан ўтиши керак бўлган яна бир канча излар лойихалаштиримоқда эди. Бу изларни куриш ва молиялаштириш штатнинг конун йигилишида ало-

калари бўлган ва жамоатчиликнинг каттик норозилигига қарамай рухсат олишга муваффак бўлган кудратли сармоядорларнинг кўлида эди. Дам-бадам порахўрликда айбловлар кулокка чалинар эди. Шаҳар кўчалари – бебаҳо худудлиги ва шаҳар темир йўл компанияларига бир милига минг доллардан солик солиш лозимлиги кўрсатиб ўтиларди. Бирок асосий корчалонлар тўғри ва нотўғри йўллар билан керакли имтиёзларни олишга муваффак бўлган эдилар ва Бешинчи ва Олтинчи кўчалардаги излардан тушаётган даромадлар ҳакида эшишиб, кўпчилик одамлар акцияларни сотиб олишга шошилдилар. Улар ичиди Каупервуд ҳам бор эди; Иккинчи ва Учинчи кўчаларда янги излар ётқизилиши ҳакидаги хабар пайдо бўлиши билан у пулларни мана шу корхонага кўйди, бирмунча кейинрок Уолнат ва Честнат кўчаларидағи изларга ҳам навбат келди. Фрэнк мана шундай изларнинг згаси бўлишни мўлжаллай бошлади, аммо бу орзунинг ушалишига олиб борадиган аник йўлни у хозирча кўрмаётганди: унинг идораси ҳали Сармоядор Элдорадси эмас эди.

Айни шу паллаларда Фрэнкнинг миссис Сэмпл билан унаштирув маросими бўлиб ўтди. Тўй одмигина, ортиқча гала-ғовурсиз бўлди, – Фрэнк шундай бўлишини хоҳларди, бўлажак хотини ҳамон “одамлар нима деркин” деган вахимадан асабийлашарди. Фрэнкнинг оиласи ўғлининг бу ишини маъкул топишмади. Лилианнинг ёши ўғиллари Фрэнкдан катта, устига-устак бева эди. Бундан ташкари Фрэнк олдида порлок истикболлар очилмоқда эдики, у ўзига бундан яхшиrok жуфтликни бемалол топа оларди. Опаси Анна миссис Сэмплни етти ўлчаб бир кесадиган ва маккор аёл деб хисобларди, аммо бу, албатта, ундан эмасди. Ака-ука Жозеф ва Эдвардга бу ишлар ғоят марокли туюларди, аммо кимнинг тарафини олишни тузук-курук билишмасди: нима бўлганда ҳам миссис Сэмпл яхши хотин бўлган, унинг бисотида пул ҳам бисёр эди.

Октябрнинг очик бир кунида Фрэнк ва Лилиан Кэллоухил-стритдаги Биринчи пресвитерия черкови меҳроби олдида туришарди – кслин шу ерда никоҳдан ўтишни хоҳлаганди. Лилианни орка этаги узун оппок каштали кўйлакда кўриб,

Фрэнк ич-ичидан қоникиш хис этмокда эди – бундай либосни тикиш учун каштачилар неча ойлаб меҳнат килишган бўлса, ажаб эмас. Маросимла Фрэнкнинг ота-онаси, Сенека тоганинг беваси миссис Дэвис, Лилианнинг ака-ука ва опа-сингиллари ва бир нечта якин танишлари иштирок этишди. Фрэнкка шугина жамоа ҳам ҳаддан ташкари кўпдек бўлиб туюлди, аммо Лилианнинг хохиши шундай эди. Никоҳ вактида коп-кора сюртук кийган Фрэнк коматини тик тутиб турди – буни ҳам келин хоҳлаганди, – бирок маросим тугаши ҳамон тезда башибанг кўчалик костюмини кийиб олди. У ўз ишларини икки хафтага Нью-Йорк ва Бостонга бориб келишга мўлжаллаб ташкиллаштирган эди. Кечга якин улар поезга ўтиришди, беш соатдан кейин Нью-Йоркка етиб келишди. Одамлар орасида узок вакт ўзлари зўраки бефарқ тутиб юргандан кейин улар ниҳоят “Астор” отелидаги хонада танҳо қолишди Фрэнк хотинини кучогига босди.

– Кандай маза, ниҳоят, биз ёлғизмиз! – леди Фрэнк.

Лилиан унинг эҳтиросига йигитни ҳар доим мана шундай ҳаяжонга солиб келган латиф бир ибо ва ҳадик билан жавоб кайтарди. аммо энди бу ҳадик Фрэнкдаги хохиш билан йўғрилиб кетганди. Йигитча унинг ўзини, гўзал чехрасини, силлик кўллари-ю, нозик коматини томоша килиб, сира тўймасди. Улар тўхтовсиз гап сотар, эркаланаар, шахар кезар. ширин-ширин таомлар тановул килар ва манзаралардан лаззатланар эдилар. Фрэнк Нью-Йорк ва Бостоннинг молиявий марказларида бўлишга ошикарди. Бу иккала шахар уни тижорат салмоги билан ўзига тортарди. Биринчи шаҳарни кўздан кечириб, Фрэнк қачондир Филаделфия билан хайрмаззур киласманми, деб ўзидан ўзи сўради. У ерда Лилиан билан уни бекаму кўст баҳт кутмокда, кейинчалик эса, эҳтимол ёш Каупервудларнинг бутун бир зурриёдлари дунёга келар. У бор кучини аямай ишлайди ва кўп пул ишлаб топади. Ўзининг ва энди унинг ихтиёрига ўтган хотинининг маблаглари билан у тез орада ғоят бадавлат одам бўлиб колишига умид боғларди.

## X боб

Түй саёҳатидан кайтар эканлар, улар куршаб олган мухит латифлиги билан миссис Каупервуд миссис Сэмплга қаранды устун туришлигини фахмлади. Улар жувоннинг Фронт-стритдаги уйида вактинчалик яшаб туришга аҳд килишиди. Ўша нааллаларда уларни камраб олган барча нафосат жозибасига бўйсунган ҳолда Фрэнк никоҳ марсимидан кейин дархол мебел ва уй жихозлари услубига, тўғрироғи "услубсизлиги"га карши иш кўра бошлади ва уларнинг турар жойларини нафосат ва гўзаллик хақидаги ўз тушунчаларига, балоғатга етиш даврила табиий равишда ўзлаштирган тушунчаларига мувоғик жихозлашга изн беришларини илтимос килди. У ота-онасининг бекиёс дид билан беҳатилган кўплаб уйларини кўрганди. У вакtlарда Филаделфия кўчаларидан яёв ёки уловда ўтгандан янада маданийроқ ва гўзалроқ турмушга бўлган умумий интилишни хис этмаслик мумкин эмасди. Кўчаларнинг ҳар икки тарафида данғиллама ҳовли-жойлар саф тортганди. Одамлар боғ барпо этишга ружу кўйганди. Уйлар ёқалаб чаманзорлар барқ уриб турарди. Мистер Тай, мистер Ли, Артур Райверс ва бошқа таниш-билишларнинг уйларидаги жимжимадор, кимматбаҳо нарсалар бринч, мармар, дарпардалар, сувратлар, соатлар, гиламлар киши ҳавасини келтиради.

Фрэнк унча катта бўлмаган чиким билан ўзининг одмигина гўшасини шинам ва мафункор ҳовлига айлантириб олишга қарор килди. Масалан, ҳар иккала деразаси жанубий пешайвонга очиладиган, ўт-ўлан ва дарахт-буталар қоплаган, мистер Сэмпл мулкини кўшнининг еридан ажратиб турувчи деворгача чўзилиб кетган ўтлокзор кўриниб турадиган ошхонали янада кўркамроқ килиб олса бўларди. Ўткир учли кулранг ёғоч деворни олиб ташлаб, бута девор билан алмаштириш керак. Ошхона ва меҳмонхонани ажратиб турувчи деворни ўйиб, эшик очса ва чиройли дарпарда осиб қўйса бўлади, иккита чўзинчок дарча ўрнига "фонус" ўрнатиш мумкин, у срдаги ромбсимон ойнаванд, кўштавакали деразалардан ўтлокзорни мирикиб томоша килиш мумкин. Худо билсин,

қаёклардан түгланиб қолган, кисман Сэмпл хонадонидан, кисман Уиггин хонадонидан мерос қолган, кисман ўзлари ҳавас килиб сотиб олган барча эски такир-туқурларни чикариб ташлаш ёки сотиб, ўрнига янгиларини олиш керак. Фрэнк якинда ўкишни энди битирған Элсуорт деган бир меъмор билан танишиб қолғанды; улар дархол бир-бири билан тил топшишиб, ишга киришиб кетишиди. Уолтон ўйчан, вазмин, диди нозик, том маънодаги артистнамо киши эди. Честнат-стритда курилган уй хакида гап кетганида, – Элсуорт уни “дахшат” деб атади, – улар умуман санъатни, тұғрироғи, бунакаси Америкада йўқлигини мухокама қилишга ўтишиди. Фрэнк уйни қайта тиқлашга келганды у ўйлаганларини Элсуорт бошқалардан кўра дурустрок амалга оширади, деган гапни хаёлидан ўтказди. Бу тўғрида Лилианга оғиз очганида, хотини дархол рози бўлди, эрининг уйни қайта таъмирашга доир бошка барча режаларига ҳам у бир оғиз каршилик кўрсатмади.

Каупервудлар асал ойини ўтказишга жўнаб кетгандан кейин Элсуорт таъмирга мўлжалланган уч минг долларлик таҳминдан келиб чиккан холда ишга тушиб кетди. Улар қайтиб келгандан кейин уч хафта ўтгандагина иш ниҳоясига етди, аммо уй таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Фрэнк ўйлаганидек, “фонус” ям-яшил ўтлокзор устида осилиб турарди, ромбсимон ойнаванд деразаларга бринч илмоклар ўрнатилганди. Мехмонхона энди ошхонадан сурилма эшик билан ажратиб кўйилганди, унга Нормандиядаги тўй тасвири шойи дарпарда осиш мўлжалланганди. Ошхона қўхна инглиз эман мебеъи билан, меҳмонхона ва ётокхона эса Чиппендел ва Шератоннинг америкача нусхаси билан жиҳозланибди. Бир нечта сувбўёқ тасвиirlар деворларга зеб бериб турарди, унда-мунда Хосмер ва Паузрснинг бринчдан ясалган ҳайкал асарлари кўйиб кўйилганди. Поттернинг (бу ҳайкалтарошини ҳозир ҳеч ким билмайди) мармар Венераси ва яна бир канча, айтиш мумкинки, иккинчи даражали нарсалар хонага ажабтовур хусн бағишлиб турарди. Ялангоч Венерани кўриб, миссис Каупервед бироз хижолат торти – бу хонага Америкада урф бўлмаган оврупоча эркинлик руҳи бериб турарди, аммо индамай кўя

колди; нима бўлганда ҳам бундай безак кўзни яшнатади-ку, бундан ташкари, жувон ўзини бу борада билимдон деб хисобланмайди, буларнинг барини Фрэнк унга караганда яхширок билади. Оксоч ва ошпаз ёллашгандан кейин Каупервудлар унча катта бўлмаган зиёфатлар ўюштира бошлиши.

Бўйнига олахуржун тушган ҳар қандай одам никоҳдан кейин Фрэнкда содир бўлган энг майда ўзгаришларни ҳам англайди, зеро, ўзини Гименей занжири билан боғлаган ҳар қандай одам кайсиdir даражада рўзғор муҳити таъсирига тушиб қолади. Унинг феълидаги айрим хусусиятларга қараб, тахмин килиш мумкинки, тақдири азал унга одамшаванда, мўътабар фуқаро бўлишдек толе билан сарафroz этган, Фрэнк оилавий ҳаётга боши билан шўнғиб кетганга ўхшарди. Ғала-ғовурлардан, кўчадаги шовкиндан ва ишбилармонларнинг маҳаллаларига югур-югурлардан тин олгани у кечкурунлари буюк севинч ила хотини кошига кайтарди. Уйда уни моддий ва жисмоний фаровонлик туйғуси чулғаб оларди. Тушликка тузалган дастурхон, ёкиб қўйилган шамлар (Фрэнкнинг гояси), яшил ёки мовий шойи қўйлаги ергача тўкилиб тушган Лилиан – шу рангдаги қўйлакда бўлиши йигитта жуда ёкарди – йўғон-йўғон тарашалар чарс-чурс ёниб турган камин ва унга келиб ёпишган яна ўша Лилиан – булар барчаси унинг ҳали пишиб етилмаган тасаввурини асирикда сакларди. Олдин айтганимиздек, Фрэнк китобларга қизиқмасди, аммо ҳаёт, сувратлар, дов-дарахтлар, суюкли хотини билан жисмоний якинлик уни мураккаб молиявий ўйинлар банд этганига қарамай, унинг устидан ҳукмронлик килиб турарди. Бой, кувноқ, тўқис ҳаёт бутунлай уни мафтун этганди, у мана шуларга ўч эди.

Ёшдаги тафовутга қарамай, миссис Каупервуд айни вақтда унинг учун энг муносиб дўст хисобланарди. Аёл Фрэнкка жуда боғланиб колганди, эрининг ҳар бир хоҳишига “лаббай” деб турар ва у билан бирга хаёлларга берилишни севарди. Иккови ҳам фарзандли бўлишни хоҳларди ва кўп ўтмай у бу севинчли воқеани кутаётганини Фрэнкнинг қулоғига шивирлаб айтди. Илгари Лилиан зурёдсизлик сабаби менинг ўзимда деб ўйлаб юрарди, бирок ўзининг хато килганига амин бўл-

гач, у ҳам ҳайрон колди, ҳам суюнди. Унинг рўпарасила янги уфқлар – ажойиб келажак очилди, энди бу ёғидан хавотир олмаса бўлади. Ўзининг болага айланишини ўйлаб, Фрэнк севинганидан севинди. Жажжигина Каупервудни ўйлаганда, юраги гууррга тўларди. Кўп кунлар, хафталар, ойлар ва ҳатто йиллар – хеч бўлмагандга дастлабки тўрт-беш йилда уйга кайтиш, ҳовлида айланиб юриш, дўстларни зиёфатга чакириб туриш, хотини билан шаҳар кезиш, унга ўз режаларини тушуниши беҳад завқ багишларди. Хотини унинг мураккаб молиявий ўйинлари ҳакида хеч нарса тушуни мас ва эри ҳам тушун деб кисти-бастига олмасди.

Бирок, муҳаббат, Лилианнинг ажойиб бадани, унинг дудоқлари, майнин ҳаракатлари – булар барчасининг жозиба кучи ва тўрт йиллик турмушларидан кейин Худо берган мана бу икки фарзанд унда тўла коникиш пайдо қиласди. У ўғилчасини, кўзининг оку корасини тиззалирида тебратиб, дўмбок оёқчаларини томоша қилас, чакнок кўзларига тикилар, ғунчамонанд оғизасидан завқланар ва боланинг қандай дунёга келиши ҳакида ўйлаб кетар эди. Миссис Каупервуд биринчи ўғлида кўз ёрганида Фрэнк оғир дақиқаларни бошидан ке-чирганди, бунинг биринчи сабаби – хотини вахимага тушиб кетгани эди. Фрэнк хотинининг гўзал баданидан хавотирда эди, уни бой беришидан кўркарди ва бола дунёга келган куни эшик ортида турганча у, тўғриси, гарчи унча кучли бўлмаса-да, ҳакикий ташвиш нима эканини биринчи марта англади. – бунинг учун у ҳаддан ташкари оғир-босик, ҳаддан ташкари ўзи билан ўзи банд эди. Бирибир ҳам хотиним ўлиб колса нима киламан, ҳозирги баҳтли ҳаётим тамом бўлади, деган ўй уни даҳшатга соларди. Кейин эса юракни ларзага соловчи кичкирик ва кийкириклар эшишилди, ҳаммаси яхшилик билан тугаб, унга хушхабар етказдилар ва чакалокни бирров кўришга рухсат бердилар. Шу кунги кечинмалар Фрэнкнинг дунёкарашини кенгайтирди, ҳаётни чукуррок тушунишга туртки берди. Ҳодисалар замирида, худди ялтиратиб бўялган ёмон ёғочдай, фожиа яшириниб ётишига у яна бир карра амин бўлди. Ўғилча Фрэнк, кейинроқ эса мовий кўзли ва жингалак сочли кизалок Лилиан унинг фикру зикрини бу-

тунлай банд этди. Үз уйи, бундок караганда, ёмон нарса эмас! Ҳаёт үзи шунака тузилган – унинг асос негизи – уй.

Шу йиллар үзи билан келтирған майды-чуйладек бўлиб кўринувчи, аммо, сирасини айтганда, жиддий үзгаришларни бу срда муфассал тасвирлашнинг иложи йўқ. Улар шу кадар секинлик билан содир бўладики, худди тинч оқар сув каби кўз илгаб-илғамасди. Беш йил ичida Фрэнкнинг бойлиги анча кўпайди, арзимаган нарсадан бошлаганини назарда тутилса, бу, айникса, кўпроқ сезиларди. У Филаделфиянинг муттасил ўсиб борган сармоядорлар оламининг энг улдабурон вакиллари билан оз-оздан яқинлашиб олди (тижорат ишлари умумай яқинлашувга йўл кўйган даражада). Унинг иш вақтида мистер Тайникида ва биржада унга шаҳар бошкармаси ёки штат маъмуриятининг “сиёсатда қандини урган” оз ёки кўп даражадаги йирик арбобларнинг ажибу ғариб киёфаларига ва “Дрексел ва К”, “Клерк ва К” ва ҳаттоқи “Тай ва К” банк уйларининг вакиллари билан кўришгани Вашинтондан келган давлат микёсидаги арбобларга неча мартараб шама килган эдилар. Унга мальум бўлганидек, бу одамлар савдонинг машхур қадриятлари ва соҳаларида сўзсиз акс этиши керак бўлгац бўлажак конун ислохотлари ва иктисадий үзгаришлар ҳакида олдиндан боҳабар эканлар. “Тай ва К” идорасида ёш ходим Фрэнкни енгидан тортиб кўйди.

– Ҳозиргина хўжайиннинг хонасига ўтиб кетган одамии кўрдингизми?

– Ха.

– Бу Мэртаг, шаҳар ғазначиси. Мен сизга айтсам, у ўйин килаяпти! Барча ҳазина пуллари унинг ихтиёрида, үзи эса факат асосий маблағда ҳисобот беради, шунинг учун фоизлар унинг чўнтағига жарак-жарак келиб тушади!

Каунпервуд тушунди. Шаҳар ва штатнинг барча амалдорлари олибсотарлик билан шуғулланар эдилар. Ҳукумат ё ваколаг берган, ё бўлмаса кўйилмалар сакловчиси килиб тайнинланган муайян банклар ёки маклерлардаги шаҳар ё давлат маблағларини улар ўтказиб олар эдилар. Банклар бу кўйилмалар бўйича ҳазина вакилларидан бошка ҳеч кимга фоиз тўламас эдилар. Мана шу шахсларнинг маҳфий кўрсатмалари бўйича улар ха-

зина пуллари билан биржачиларни сиқиб құяр әдилар, улар эса пулларни “ишончли қозғалыс” жойлаштирадилар. Филаделфияда бутун бир тұда ҳаракат киларди: улушга шахар мэри, муниципалитетнинг бир канча аъзолари, хазинабон, полиция бошлиғи, жамоат ишлари бүйічә вакил ва бошқа амалдорлар кирада әдилар. Уларнинг шиори “құл құлни ювади” әди. Даставвал бундай “фаолият” Каупервуднинг қаттық нафратини көлтируди, аммо құплар унинг құз үнгіда бойиб кетди ва бу, афтидан ҳеч кимни ташвишга солмади. Рұзномалар тинмай фукаролик бурчи ва ватанпарварлық ғуури ҳакида жар солар әди, аммо мана бундай кильвириллар ҳакида лом-мим демасди. Бу ишларни килган одамлар эса ҳокимият тепасида қолаверар ва құпчиликнинг ҳурматига сазовор бұлар әдилар.

Құплаб банкирлар уйлари – улар доираси узлуксиз кенгайиб бораарди – Фрэнкни тұлов мажбуриятларини амалга ошириш ва векселлар бүйічә тұловларни үндериш учун ишончни козонған даллол деб ҳисоблар әдилар. У пул учун қаёкка мурожаат килиш кераклигини тезда англар әди, чамаси. Фойдалы таклифга ортиқча гап-сұзсиз “лаббай” деб жавоб беріши учун Фрэнк биринчи кунданок құлида хар доим нақд үйгірмә минг доллар пули бўлишни ўзига коида килиб олди.

Шундай килиб, у кўп ҳолларда “Ха, бўлмаса-чи, мен буни ўзимга оламан!” дея жавоб қайтара оладиган шароит яратиб олди ўзига. У ёки бу биржа муаммоларини олиб бориш учун унга илтимослар билан мурожаат килар әдилар. Үшанды Фрэнкнинг биржада ўз жойи йўқ әди, аввалига сотиб олишга шошилмади, лекин бу фикридан қайтиб Филаделфияда эмас, балки Нью-Йоркда хам жой сотиб олди. Мануфактура савдоғари, қатор векселларни сотишда ёрдам бергани Жозеф Зиммерман деган одам унга конка темир йўллари акцияларини ўзига олиб кўя колишни таклиф этди ва Фрэнк яна жамғарма биржасининг кунда-шундасига айланди.

Бу орада унинг оиласи ҳаёті хам ўзгарди, хотин, болачақалари билан муносабатлари яна хам мустаҳкамрок тус олди, бир-бирларига нисбатан иззату ҳурматлари ошди. Масалан, миссис Каупервуд, худди зрига ўхшаб, вакти-вакти билан ўз таниш-билишларини танқидий құз билан назардан

үтказишга мажбур бўларди. Мистер Сэмпл ҳаётлигига Лилианнинг яқинлари асосан чакана савдогарлар ва кичикрок бир неча улгуржи савдогарлар оиласидан иборат бўлар эди. Бундан ташқари, Лилиан ҳалиги Биринчи пресвитерия черковига бориб турувчи икки ёки учта хоним билан дўст тутинган эди. Аҳён-аҳёнда “бир пиёла чой” деган ўтиришлар ва оқшомлар уюштирас эдилар, уларда Лилиан эри билан бирга иштирок этар эди ёки улар биргаликда гоҳ Лилианнинг, гоҳ мистер Сэмплнинг қариндош-уруғлариникига наридан-бери бориб турар эдилар. Каупервудлар, Уотерменлар ва ўша даражадаги бошқа оиласалар умумий хира манзарада ажралиб турган баҳтиёр одамлар эдилар. Энди ҳаммаси ўзгарганди. Ёш Каупервуд Лилианнинг қариндош-уруғларига ҳадеганда қизикавермасди, улар ҳам ўз навбатида, Лилиандан ўзларини торта бошлаган эдилар, бунга эса, уларнинг назарида, ўхшамаган никохни баҳона қилиб кўрсатишарди. Фрэнкнинг оиласи улар билан илгаридаи илик қариндош-уруғчиллик ришталари билан узвий боғлик эди. Энг асосийси, у бир қанча чинакамига таникли шахсларнинг эътиборини козонишга муваффак бўлганди. Факат ишларни муҳокама қилиш учун эмас, зоро, бу унинг рухиятига мутлако тўғри келмасди, – Фрэнк банкирларни, турли корхоналарга пул кўйган бадавлат одамларни ва ҳозирги ҳамда келажакдаги мижозларни меҳмонга чақириб турарди. Скуплекил, Уиссахикон дарёлари соҳилларида ва бошқа кўплаб жойларда шахарорти ресторонлари жойлапган бўлиб, якшанба кунлари у ерларда кўришиб туришни ёқтиради. Фрэнк ва Лилиан тез-тез Сенека Девиснинг бевасиникига, ҳакам Кейченникига борар эдилар. Таникли ҳукуқшунос Эндрю Шарплесс, шахсий муҳтори Харпер Стежер ва кўплаб бошқа обрули кишиларникига қадам ранжида қилиб турарди. Хоҳ аёл ё эркак бўлсин, уларни билганлардан биронтаси ҳам Фрэнкнинг савмий дўстлигига шубҳа килмасди. Фрэнк ўйлагани-ўйлаган эди, аммо бу унинг ҳаётдан лаззатланишига халақит бермасди.

Унинг илк ва энг эзгу армонларидан бири рангтасвир эди. У табиатни жондан севар, аммо ўзи билмаган ҳолда уни мусавирининг тасвирида кўпроқ кўзга ташланади, деб хисобларди, буни қонун ва сиёсий воқеалар мъиносини бошқалар

оркали яхширок англанишига ўхшатарди. Лилиан рангтасвирга у кадар кизикиш билан карамасди, бирок Фрэнк хам барибир одам, кизикса кизикибида-да, деган хаёлда барча кўргазмаларга у билан бирга борар эди. Азбаройи хотинига муҳаббатидан Фрэнк унда маънавий лаззат уйғотишга хараткат киларди, бирок миссис Каупервуд, гарчи ўзини рангтасвир шайдосидай килиб кўрсатишга уринса-да, аслида бу ҳакда ҳеч нима билмас ва бефарк эди: бу соҳани у икки дунёда хам тушуниб етолмаса керак.

Болалар Лилианнинг кўп вактини оларди. Аммо Каупервуд бунга парво килмасди. У Лилианда ҳайратомуз ва олий дараҷада муносиб меҳрдан баҳраманд эди. Шу билан биргаликда Лилианлаги совукконлик, ўйноки табассум ва ҳатто дунёдаги ҳамма нарсага локайдлик унга хуш ёкарди. Улар ана шундай турли тоифадаги одамлар эди! Ўзининг иккинчи турмушини у биринчи гајдагидек кабул килди, – унинг учун бу фикр ва туйгулардаги ҳар канакангি иккиланишларнинг барча имкониятини истисно этувчи жиддий вонса эди. Фрэнкка турмушга чиккач, у шовқинли дунёда яшамоқда эди, бу дунё ҳеч бўлмаганда молиявий жиҳатдан ўзгаришлар, тасодифий ва аклини тонг колдирувчи ифлосликлардан иборат бўларди. Фрэнк хотинини севар, аммо унинг борлиғини тўғри баҳолашга ҳаракат қиласди. У Лилианни беш йилдан бери биларди. Аммо у ҳакда нимани била олди? Биргаликдаги ҳаётларининг дастлабки йилларидағи ёшлик жўшкинлиги уни кўп нарсалардан кўз юмишга мажбур этарди, аммо энди, хотини бугунлай ўзиникига айланганда...

Шу паллаларда, ниҳоят, Шимол ва Жануб ўртасидаги уруш аста-аста яқиңлашиб келмоқда эди. Ниҳоят, уруш эълон килинди хам, у одамлар аклини шунчалик шошириб кўйдики, ҳамма нарса унинг каърига маҳв бўлгандек туюларди. Аввалига акл бовар килмас ишлар бўлди. Кейин кўп кишилик ва шиддатли намойишлар бошланди, кўчалярда тартибсизликлар хукм сурарди; Жон Браун колдикларининг можароси бўлди; буюк ҳалқ раҳнамоси Линcolnнинг Спрингфилддан (Иллинойс штати) Вашингтонга ўтиб кетаётib, Филаделфияга ке-

лиши, бу ерда у касамёд этиши ва президентлик вазифасини бажаришга киришиши керак эди; аввал Булл-Ренс остонасида, сўнг Гёттеборг остонасида жанг бўлди. Каупервуд бу вактда йигирма беш яшар айтганидан қайтмайдиган навкирон йигит эди; у кулликка қарши тарғибот инсонийлик нуктаи назаридан тўла асосланган бўлиши хам мумкин, ҳатто айнан шундай хам, аммо тижорат учун ҳаддан ташкари хатарлидир, деб биларди. У Шимолнинг ғалаба қозонишини истарди, аммо унинг ва бошқа сармоядорларнинг иши орқага кетишини хам биларди. Унинг ўзи жанг килишга орзуманд эмасди – ўзини билган одам учун бундай бемаъни иш бўлмаса керак. Бошкалар жанг қиласверсин, дунёда кўксини ўкка тутиб беришга тайёр камбағал, содла-баёв ва тентаклар тўлиб-тошиб ётибли: улар буйрукка бўйсуниб, ажал комига кириб кетишдан бошласига ярамайди. Унга келгандан, ўз ҳаётини у муқаддас деб билар ва бутунлай оила ва ишбилармонлик маиғаатлари учун дунёга келганман, деб санаради. Эсида, бир куни ишчилар ишдан уйларига қайтмокда эдилар, тор кўчалардан бирида кўк мундирли ёлловчиларнинг кичик бир гурухи шахдам одимлаб бораради. Ноғоралар гумбури, Кўшма Штатларнинг хилпираган байробги – булар бари, албатта, бир мақсадни кўзлар эди: локайд ёки иккиланаётган фукарони талвасага солиш, то мувозанати ва ҳушини йўқотгунча элсектр кувватида адабини бериш ва мамлакатга кераклисан, деб миясига куйиш, уйжойи, ҳогин ва бола-чакаларини хам унутиб, гурухга бориб қўшилишга мажбур этиш керак эди, вассалом. Фрэнк кетиб бораётган бир ищчининг қозончасини аста силкитиб кўйганини кўриб қолди ва афтидан, у ўз меҳнат кунининг бу тарика ниҳоясига этишини хаёлига хам келтирмаганди, сўнг бирдан тўхтади-да, якинлашиб келаётган гурухнинг кадам товушларига кулок тутди, аскарлар унинг ёнига стиб келишганида эса бироз тараддулданиб, уларга анковсираб разм солди ва бирдан сафнинг охирига кўшилиб. тантанавор тусда ёллаш маскани томон одимлаб кетди. “Бу ишчи нимани хавас килиб колдийкин?” – ўйлади Фрэнк. – Нима учун ўзгалар амрига бу қацар осон бўйин эгли? Ахир у урушга кетмокчи эмасли-ку?

Унинг башарасида ҳали мой ва курум доғлари бор эди; йигит йигирма беш ёшларда бўлиб, кўринишидан металл куювчи ёки чилангар эди. Фрэнк гурух кўча муюлиши ортида кўздан йўколгунча унинг ортидан қараб қолди.

Жанговар рухнинг бундай кутимаганда уйғониши нақадар ажабланарли! Фрэнкка одамлар ногора ва карнайлардан бошка ҳеч нарсани эшлишини, муздек пўлат милтикларни слкага қўйиб, фронтга йўл олган минглаб аскарлардан бошкасини кўришни, уруш ва уруш янгиликларидан бошка ҳеч нарсага кизикишни истамаётгандек туюлмоқда эди. Шубҳасиз, бу тўлкинлантирувчи, ҳатто улуғвор, аммо уни бошдан кечираётгандар учун фойдасиз туйғу эди. У ўзини ўзи курбон килишга чорларди, Фрэнк эса буни тушунмасди. Борди-ю, у урушга борса, уни ўлдиришлари мумкин, шунда унинг кўтаринки туйғуларидан нима фойда? Йўқ, яххиси, у пул тўплайди ва сиёсий, ижтимоий, молиявий ишлар билан шуғулланади. Ёлланма гурух ортидан кетган шўрлик нодон, – йўқ, нодон эмас, у уни бундай атамайди! Шунчаки ўзини йўқотган бечора ишчи, – Худонинг раҳми келсин унга! Уларнинг барчасига Худонинг раҳми келсин! Нималар бўлаётганини улар чиндан ҳам билмас эдилар!

Бир куни у Липколнни кўришга муваффак бўлди – алпон-талпон қадам ташлаб юрувчи, дароз, суяги бузук, кўринишидан оддий бу одам Фрэнкда ўчмас таассурот қолдирди. Совук ва булатли феврал тонги; уруш давридаги буюк президент эндинга ўзининг халқка тантановар мурожаатини туғатганди, унда у штатларни боғлаб турувчи ришталар таранг тортилиши мумкин, аммо узилиб кетмаслиги керак, деган эди. У машхур бино, америка озодлиги ниш урган Мустакиллик даргохидан чиқиб келганида унинг чехраси ғамгин ва ўйчан эди. Каупервуд штат зобитлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, изкуварлар ва кизикувчан, ҳамдардлик кайфиятидаги халойик курсаган поддерядан чиқиб келган президентдан кўзини олмасди. Лилияннинг ғайриоддий, хунуккина чехрасига диккат билан тикилганча у бу шахснинг ҳайратомуз поклиги ва ички улугворлигини чукур хис этди.

– Мана ҳакикий инсон! – ўзича деди Фрэнк. – Қандай ажойиб одам! – Президентнинг ҳар бир харакати уни лол кол-

дирмоқда эди. Линcolnнинг экіпажига ўтираётганига караб туар экан, у: “Ана у, қоидалар күшандаси, собик вилоят оқловчиси. Нима ҳам дердим, оғир күнларда тақдир ўзи сараф-роз этган уни” – деб ўйларди.

Линcolnнинг киёфаси узок вактгача Фрэнкниң күз ўнгидан кетмади ва уруш вакти мобайнида неча марталаб мухотиб бўлди. Ёруғ дунёning ҳақиқий буюк инсонларидан бирини кўришга мушарраф бўлганига у каттиқ ишонарди. Уруш ва сиёсий фаолият Фрэнкни маҳлиё этмаса-да, у гоҳо укаси ҳам, буваси ҳам нечоғли мухим эканини биларди.

## XI боб

Уруш давом этаётган бир пайтда Каупервуд учун чинакам йирик ишда ўзининг сармоядорлик қобилиятини намоён этиш имкони пайдо бўлди. Бутун мамлакат, штат, шаҳар бу даврда пулга қаттиқ мухтожликни бошдан кечирмоқда эди. 1861 йил июн ойида конгресс йигирма йил давомида тўлаб бориладиган ва эгаларига йиллик етти фойздан фойда келтирадиган облигациялар кўринишида эллик миллион долларлик ички заём чиқаришни тасдиклади; ўз навбатида штат тахминан ўша шартларда уч миллионга заём чиқаришга руҳсат берди. Биринчи заёмни Бостон, Нью-Йорк ва Филаделфия сармоядорлари сотишиди. Каупервуд бунда иштирок этмади. У ҳали бу ишни яхши билмасди. Рўзномаларда у молия эгалари, унга шахсан ёки номлари таниш одамлар “мамлакат ёки штатга ёрдам кўрсатиш бўйича” энг мақбул тадбирларни мухокама килиш учун йигилишлар чакириш ҳақида ўқирди. Улар Фрэнкни бундай йигилишларга тақлиф этишмасди. Аслида, у ўшалар орасида бўлишни жуда-жуда истарди. Бу вактда у иш муваффақияти учун кўпинча бадавлат кишининг бир сўзигина кифоя килишини англаб етганди, на пул, на кафолат, на аник таъминот – ҳеч нарса керак бўлмасди, факат унинг сўзи керак эди, холос. Бирон-бир иш атрофида агар “Дрексел ва К”, “Жей Кук ва К”

ёки “Гулл ва Фиск” яширингани ҳакида миш-мишлар юргудек бўлса, бу энди ишончсиз деб саналарли! Ёш филаделфиялик Жей Кук ажойиб иш килди: Дрексел билан шерикликда у штат чикарган заёмни ўтказиш мажбуриятини зиммасига олди ва уни номинал бўйича сотди. Кўпчиликнинг фикрича, заём факат юзига тўксон доллар билан таркатилиши мумкин эди. Кук бу фикрга кўшилмади. У, ўз штати учун гуурланиш ва фукароларнинг ватанпарварлиги заёмнинг майдага банклар ва хусусий шахслар орасида сотилишига ёрлам бериши мумкин деб хисобларли, бинобарин, ёзилиш суммаси чикариш суммасини ҳатто ошиғи билан коплади. Бундан кейинги воеалар Кукнинг ҳисоб-китоблари тўғрилигини тасдиклади ва бу унинг ишбилармонликдаги обрўсини оширади. Каупервуд шунга ўхшаш нимадир килишини хоҳларди, аммо у Кукка ҳасад килмаслик учун анчайин омилкор эди, у ҳар доим лалиллар ва аниқ имкониятлардан келиб чикар эди.

Пенсивланияга имкони борича кўп пул зарурлиги аникланганди, ярим йилдан кейин унинг гали стиб келди. Таксимлаш бўйича штат қўйган аскарларни кийинтириш ва бокиш керак. Бундан ташкири, катор мудофаа тадбирларини ўтказиш ва кўшимчасига яна хазинани тўлдириш зарур эди. Конунчилик йигилиши узок муҳокамалардан сўнг, ниҳоят, йигирма уч миллион долларга ички заём чикаришга карор килди. Сармоялорлар доирасида заёмни сотиш кимга топширилиши ҳакидаги масала кизгинг муҳокама килинди – биринчи галда Дрексел ва Жей Кук компаниялари тилга олинди.

Каупервуд бунинг устида узок ўйлади. Борди-ю, бу катта заёмнинг бир кисмини сотиш ваколатини қўлга киритгудек бўлса, – унинг хам алокалари унча кўп бўлмаганидан заёмни бутунича олишга қурби етмасди, – у биржа маклери обрўйини анча кўтариб олган ва айни вактда талай пулга эга бўлган бўларди. У канча микдордаги пулни ўзига олиши мумкин? Ҳамма гап шунда. Ундан ким облигацияларни сотиб олишга тайёр? Отасининг банкими? Эҳтимолдан узок. “Уотермен ва К” ми? Озгина микдорлаги пулга сотиб олиши мумкин. Ҳакам Китченми? Ҳа! У хаёлила у ёки бу мулоҳаза билан – шахсий дўстликлари важидан, ройиш феъллиги, ўтмишлаги

хизматлари учун миннатдорлик түйгуси ва хоказолар туфайли у мана шу етти фоизли облигацияларнинг кандайдир микдорига ёзишилари мумкил бўлган корхона ва хусусий шахсларни бирма-бир ўрганиб чика бошлади. Фрэнк ўз имкониятларини хомчўт килиб кўрди, айрим дастлабки “ишловлар”дан кейин у, ҳар эҳтимолга карши, агар Филаделфиянинг мутьтабар сиёсий арбоблари заёмнинг мана шу улушини тақдим этишга ёрдамлашиб юборишса, бир миллион долларлик облигацияларни жойлаштира олиши маълум бўлади.

Эдвард Мэлия Батлер деган одамга Фрэнк энг кўп умид боғлаётган эди, унинг сиёсий оламда кўзга ташланмайдиган, аммо ғоятда ишончли алокалари бор эди. Батлер пудратчи эди, канализация кувурлари ва сув кувурлари ётқизиш, пойдеворлар кўтариш, кўчаларга тош териш ва хоказолар бўйича ишларни бажарар эди. Узок ўтмишда, Каупервуд у билан танишгунига кадар Батлер кўрка-писа ва таваккал килиб чикиндини чиқариб ташлаш пудратини олди. Шаҳар у вактда ҳали кўчаларни мунтазам тозалашни билмасди, чекка жойларда ва айрим эски қашшоклар турадиган туманларда бунинг айникса иложи йўқ эди. Уша пайтда ёш бўлган камбағал ирландиялик Эдвард Батлер иппни сарқитларни текинга тўплаши ва йиғишириб олишдан бошлаганди, улар унинг чўчка ва кора молларига емиш бўлар эди. Кейинчалик у бу хизматлар учун нимадир тўлашга тайёр одамлар борлигини билди. Кейинрок эса маҳаллий арбоб, муниципалитет аъзоси ва Батлернинг ошнаси – улар иккови ҳам католик эди, – бу барча ишга янгича нуктаи назардан қарай бошлади. Батлерни чикинди йигиш бўйича расмий пудратчи килиб тайинласа, қалай бўларкин? Бу максад учун муниципалитет хар йили йиллик ассигнация ажрата олар эди. Батлерга йигирма-ўттизистача чикинди фургонларини ёллаш имкони берилади. Боз устига, шаҳарда бошка ҳеч канака чикинди йигувчи колмайди. Ҳозир улар бор, албатта, бирок Батлер ва муниципалитет ўртасидаги расмий шартнома ҳар канака ракобатга барҳам беради. Пудрат билан иш кўрганларни авраш ва тинчлантириш учун бу ғоят серунум ишдан келувчи фойданинг бир улушидан воз кечишига тўғри келади. Сайлов вактида баъзи тапкилотлар ва айрим кучларни пулдан сикиб

кўйиш керак бўлади, аммо бу кўркинчли эмасди, гап унча катта бўлмаган пул микдорлари устида кетмоқда эди. Шундай килиб, Батлер ва муниципалитет аъзоси Патрик Гевин Комисский гапни бир жойга кўйиб, иш бошлаб юбориши (сўнгиси сир, албатта). Батлер энди чикинди фургони билан ўзи кўчама-кўча юрмасди. У қўшни уйда яшайдиган, Жимми Шихен исмли абжир бир ирланд болани ёллади ва у унга ҳам ёрдамчи, ҳам бошқарувчи, ҳам хисобчи бўлиб хизмат кила бошлади – хуллас, ҳар бир ишда унинг суяги йўқ эди. Кўп ўтмай Батлер иилига тўрт мингдан беш минг долларгача ишлаб топа бошлади, – илгари ўлиб-тирилиб базўр икки минг доллар топарди, – шаҳарнинг жанубий чеккасидаги бир ғиштили уйга кўчиб олди ва болаларини мактабга берди. Миссис Батлер совун пишириш ва чўчқа боқишдан кутулди. Шу вактдан бошлаб омад муттасил Эдвард Батлерга кулиб боқадиган бўлиб қолганди.

Илгари у на ёзишни, на ўкишни биларди, энди бўлса у ажабтовур саводини чикариб олганди. Мистер Комисский билан бўлган сухбатларидан унга маълум бўлдики, пудратларнинг бошка шакллари ҳам бор экан, масалан, канализация, сув кувурлари ётқизиш, газ магистраллари ўтказиш, кўчаларга тош териш ва ҳоказолар. Бундай ишларга Эдвард Батлердан бошқа яна кимнинг ҳам кўзи учиб турибди? У кўплаб муниципалитет аъзолари билан таниш эди. У улар билан пивохоналарнинг хилватдаги хоналарида, шанба ва якшанба кунлари шаҳар бошликлари уюштирадиган сайру саёҳатларда, сайловолди кенгаш ва мажлисларида учрашар эди, зоро, шаҳар саховатидан ҳузур килганча унга пул билангина эмас, балки маслахати билан ҳам ёрдам бериши керак эди. Шуниси кизикки, Батлер кўп ўтмай бенуксон сиёсий сезгириликка эга эканини намоён этди. Кишининг токка боришини айтиш учун у унга бирров караб кўйса бўлгани. Унинг хисобчилари, бошқарувчилари ва котибларидан кўплари муниципалитет ёки конунчилик йиғилиши аъзолари бўлиб кетишиди. Сайловларда у олдинга сурган номзодлар, одатда, кокилмасдан ўтиб кетар эдилар. Аввалига у муниципалитетга унинг гумаштаси ўз номзодини кўйган туманда, кейин ўз сайлов участкасида, сўнг партиясининг, албатта, вигларининг шаҳар йиғилишида

эътибор козонди ва ниҳоят, уни мустакил сиёсий ташкилотнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлаши.

Муниципалитетда аллакандай сирли кучлар унга ишлар эди. Унга йирик-йирик пурратлар тегарди, у барча савдо-сотикларда иштирок этарди. Чиқинди йиғишиш ишлари ҳакида у ўйламай кўйганди. Мистер Батлернинг тўнгич ўғли Оуэн конунчиллик йигилишининг аъзоси ва отасининг шериги эди. Иккинчи ўғли Кэлем шаҳар сув таъминотида хизмат килар ва у ҳам отасининг ишларига карашар эди. Катта қизи, ўн беш ёшли Эйлин ҳам Жермантаундаги авлиё Агата монастирлик пансионида ўқир эди. Оиласи Филаделфиянинг жанубий кисмидан Жирард-авенюга, зодагонлар маҳалласига яқинрок жойга кўчиб ўтганди, у ерда жўшкин “дунёвий” хаёт илдиз отиб ултурганди. Батлерлар сара доирага мансуб эмас эдилар, бирор оила бошлиғи, қарийб ярим миллион “турувчи” эллик беш яшар пурратчининг сиёсий ва молиявий дунёда кўплаб дўстлари бор эди. Унинг ўзи ҳам илгариги “йўнилмаган таёк” эмас эди, балки тўладан келган, юзи кизгиш, хиёл корайган деса ҳам бўлади, сочига ок оралаган, кулранг кўзли, елкалари кенг ва ўмрови баланд одам эди – гирт ирландиялик деяверинг; бой ҳаётий тажриба унинг юзига хотиржам, донишмандона ва англаб бўлмас ифода бағишлиб турарди. Катта-катта қўл ва оёклари у ҳам инглиз сурупидан тикилган ажойиб костюм ва сарик ботинка киймаганидан дарак берарди, аммо унда “садалик”дан асар ҳам колмаганди, у ўзини ғоятда мағрут тутарди. Тўгри, Батлер ўша-ўша ирландча лаҳжада гапирса-да, бирор гаплари ҳар доим жонли, сертакаллуф ва ишончли чиқарди.

У биринчилардан бўлиб конкали темир йўл курилишига кизиқиб қолганди. Каупервуд ва бошқа кўплар каби бу ишнинг келажаги катта деган тўхтамга келганди. У сотиб олган акциялар ва байларнинг фойдаси энг яхши далолат бўлиб хизмат кильмокда эди. Батлер энди маклерлар орқали иш тутмокда эди, чунки бу корхоналарга уларни ташкил этиш даврида киришга ултурмаган эди. Ҳар бирининг олдида ажойиб истиқболлар очилаётганини ҳисобга олиб, у барча конкали темир йўл компа-

нияларининг акцияларини сотиб олганди, бирок у кўпроқ бир ёки икки из назоратини бутунлай ўз кўлига олишни истарди. Шу ниятига мувофик у ишончли, қобил ва унинг кўрсатмаларини тўла-тўкис адо этадиган, унга буюрилган ҳамма нарсани койил килиб дўндирадиган йигитни кидиради. Кимдир унга Каупервудни тавсия этди ва у хат билан уни ҳузурига чорлади.

Каупервуд дарҳол лаббай деб жавоб кайтарди, чунки Батлер, унинг ишдаги муваффакиялари, алокалари ва обруйи ҳакида кўп бор эшиганди. Феврал ойининг аёзли тонгларидан бирида Фрэнк унинг ҳузурига йўл олди. Кейинчалик у бу кўчани бир неча бор эсга олди – кенг гиштии йўлаклар, кор коплаган тош йўл, ялангоч, ковжирок дараҳтлар ва фонусли симёғочлар. Батлернинг уйи янги бўлмаса ҳам – сотиб олгандан кейин уни таъмирдан чикарганди – ўз даври меъморчилигининг дурустгина намунаси эди. Узунлиги эллик фут тўрт каватли бу уй кулранг оҳактошдан тикланганди; катта эшикка тўртта кенг-кенг ок зинадан кўтарилади. Оқ часпакли деразалар кенг пешток шаклида эди. Ичкаридан уларга турли дарпардалар осилганди ва тўрлар орасида элас-элас кўзга ташланиб турган қизил печакгулли мебел совук ва корли кўчадан қандайдир шинам кўринарди.

Башанг кийинган ирланд оқсоҳ хотии эшикни очди: Каупервуд ичкарига кирди-да, унга ўзининг ташрифномасини тутди.

– Мистер Батлер уйдами?

– Айтолмайман, сэр. Ҳозир билиб бераман, чиқиб кетган бўлсалар керак.

Бир неча дакиқадан кейин Фрэнкни юкорига олиб чиқишиди. Батлер уни кўпроқ идорага ўхшайдиган хонасида қабул килди. У срда ёзув столи, ёюч ўринидик, қандайдир чарм копламали мебел ва китоб жавони бор эди. Бу барча буюмлар шундай пойинтар-сойинтар килиб терилгандики, на идорада ва на турар-жой хонасида мебел бу тарика жойлаштирилмасди. Деворда сувратлар осиглик эди; бири – мойбўёқла чизилган бўлиб, қандайдир акл бовар килмас даражада эди – коп-кора ва маъюс, иккинчисида – чапланган қизил ва яшил рангларда баржа сузиб кетаётган канал тасвиrlанганди ва

нихоят, бир қанча қариндош-уруғ ва дўстларнинг унча ёмон ишланмаган фоторасмлари. Каупервуд икки кизалокнинг ажойиб, хисёл ранг берилган сувратига эътибор каратди. Биттасининг сочиmallаранг, иккинчисиники эса қизғиш эди, ҳар нечук ипакдай майин бўлиши керак. Булар кельт наслидаги ёқимтой, соғлом ва кувнок қизлар эди; улар бошларини бир-бирига деярли текизиб туришарди, кўзлари томошабинга тик бокарди. Фрэнк уларга яхшилаб караб олди-да, бу, хойнахой, хўжайнинг қизлари бўлиши керак, деган тұхтамга келди.

– Мистер Каупервудмисиз? – уни қарши олди Батлер; у унли товушларни қандайдир чўзиб талаффуз киларди, умуман, бу одам секин ҳаракат киладиган, жилдий, ўйчан эди.

Фрэнк унинг ёмғир ва шамолдан чиниккан эски эман дарахтидай маҳкам, кучли гавдасига эътибор берди. Юzlари таранг эди, умуман, унинг бутун қад-қомати тик ва келишган эди.

– Ха, – жавоб берди Фрэнк.

– Сизда бир ишм бор эди – акциялар сотиб олиш бора-сида ва менинг идорангизга борганимдан кўра ўзингизни бу ерга чакириб кўя колганим маъқул деб билдим. Бу ерда биз юзма-юз ўтириб гаплаша оламиз, қолаверса, менинг ёшим ҳам ўтиб қолган.

У кўзларини хиёл кисиб, меҳмонга разм солди.

Каупервуд жилмайди.

– Хизматингизга тайёрман, – одоб билан жавоб берди у.

– Ҳозирги вактда мен биржада айрим конкали темир йўллар акцияларини кўлга киритишга кизикиб турибман. Тафсилотни сизга кейинпроқ тушунтириб берарман. Бирон нарса ичасизми? Бугун эрталабдан ҳаво совук.

– Миннатдорман сиздан, мен ҳеч качон ичмаганман.

– Ҳеч качон? Гап виски ҳакида кетганди, бу хизилакам галмас! Аммо нима бўлганда ҳам бу – мактовга сазовар нарса. Менинг ўғилларим ҳам ичкиликни оғизларига олишмайди ва бу мени кувонтиради. Хуллас, гап бундай, мен биржада бироз акцияларни кўлга киритмокчиман, аммо сизга тўғрисини айтиб кўя қолай, менга сизга ўхшаган дангалчи бир йигит тошиш ҳаммасидан муҳим, токи мен барча ишларни у оркали бажарай. Ўзингиз биласиз, бир иш албатта бошқасини эргап-

тириб келади, – шундай дея Батлер бир вактнинг ўзида меҳмонга ҳам синовчан, ҳам илтифот билан караб кўйди.

– Мутлако тўғри, – унинг гапини маъқуллади Каупервуд, уй эгасининг нигоҳига жавобан ёкимли жилмайиб.

– Хў-ўш, – ўйчан деди Батлер ё Каупервудга ё ўзига-ўзи мурожаат килганча. – Уддабурон йигитгина менинг ишларимда фойда берган бўлар эди. Менинг иккита ўғлим бор, ёмон болалар эмас, аммо мен уларнинг биржада ўйнашларини истамайман, истаганимда ҳам улар буни эзлармиди, йўқмиди. Бирок гап аслида бунда ҳам эмас. Мен умуман бандман ва ҳам сизга айтганимдай, ёшим ҳам ўтинкираб колган. Ўзимни кўтариб юрсам ҳам катта гап. Ёнимда муносиб бир йигит бўлсами (дарвоке мен сизнинг ишингиз ҳакида ҳаммасини билиб олдим), у бай ва заёмлар бўйича менга турли майдачуида топширикларни бажариб туради – бундан ҳар иккаламиз ҳам курук қолмасдик. Ўз маблагини ишга тикишни хоҳлайдиган ёш-яланглар у ёки бу масала бўйича мендан тез-тез маслаҳат сўраб туришади, шунинг учун...

У жимиб колди ва меҳмонга шигов солмокчи бўлгандек, Каупервудни нима кизиктирастганини ва ишбилармонлар оламидаги обру ва тижорат алокалари ҳакидаги бу сухбат уни япа-да кўпроқ шайлашини билган ҳолда деразага карай бошлиди. Бу ишларда асосий нарса садокат, уддабуронлик, ишнинг кўзини билиш ва сир саклаш эканини англаш учун Батлер унга имкон берди.

– Нима ҳам дердим, модомики, менинг ишимни ўрганиб чиккан экансиз... – деди Фрэнк сўзларига ўшандай ёкимли табассум билан зеб бериб, аммо гапини охиригача айтмади.

Мана шу бир оғиз гапдан Батлер қудрат ва ишончни хис этди. Йигитнинг сабрлилиги ва ўзини тута олиши унга ёқди. Каупервуд ҳакида у кўплардан эшитганди (энди фирма “Каупервуд ва К” деб аталарди, “компания” эса ғирт ясама эди). У биржа ва бозоршинг ахволига доир яна бир канча саволлар берди, унинг темир йўллар ҳакида хабари борлигини билди ва режа Тўккизинчи, Ўнинчи. Ўн бешинчи ва Ўн олтинчи кўчаларнинг конка излари акцияларидан иложи борича кўпроқ сотиб олиш ва бу ишни енг ичидаги бажаришдан иборат эди.

Акцияларнинг бир кисмини биржга, яна бир кисмини алоҳида ушлаб турувчилар оркали сотиб олинар экан, бунда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш керак. Батлер конун чикарувчи органларга маълум тазийк ўтказиш ва ҳозирги сўнгги масканлар учун йўлларни давом этдиришга рухсат олиш борасида лом-мим демади, иш бошланиш вақти келганда темир йўл концернларининг энг йирик акционерлари ота ёки ўғил Батлерлар хисобланиши ҳакидаги хабар билан уларни танг колдирмокчи эди – узокни кўзлаб тузилган бу режа охир-оқибат бу излар бутунлай Батлер хонадони қўлига ўтиб қолишига қаратилганди.

– Сиз билан ҳамкорлик килишдан баҳтиёр бўлардим, мистер Батлер, сиз кандай хоҳласангиз, ўша тарзда, – деди Каупервуд. – Элбурутдан менда катта иш бор деб айтмайман, бу ҳали биринчи одимлар. Аммо яхши алоказалар бор менда. Нью-Йорк ва Филаделфия биржаларида мен ўз жойимга эга булиб олганман. Мен билан ишлашга тўғри келган одам, менимча, ҳар доим натижалардан хурсанд бўлган.

– Сизнинг ишингиз ҳакида мен баъзи нарсаларни биламан, – тақрорлади Батлер.

– Жуда соз. Мен сизга керак булиб колсам, сиз идорамга киришингиз мумкин ёки хат ёсангиз, ўзим олдингизга келаман. Мен сизга ўзимнинг маҳфий кодимини хабар киламан, бинобарин, сиз ёзган ҳамма нарса каттиқ сир булиб қолажак.

– Бўпти, бўпти! Энди биз бу ҳақда бошқа гапирмаймиз. Якинда яна кўришамиз ва ўшанда менинг банкимда сизга маълум микдордаги пулга кредит очилади.

У ўрнидан турди ва деразага қаради. Каупервуд ҳам жойидан турди.

– Бугун ҳаво зўр бўлди, шундай эмасми?

– Ажойиб!

– Хуллас, вакти келиб биз сиз билан яна-да якинрок булиб коламиз.

У Каупервудга қўлинни узатди.

– Мен ҳам шундай ўйлайман.

Каупервуд ташкарига йўл олди ва Батлер уни катта эшиккача кузатиб қўйди. Шу пайт қўчалан ёш, юzlари кизил, мо-

вий кўзли, қалпоги тилларанг сочларини ёпиб турган оч кизил пелеринали киз югуриб кирди.

– Вой, дада, сизни ағдариб юбораёздим.

Киз отасига, шу билан бирга Каупервудга ҳам очик чехралик ва самимият ила жилмайиб кўйди, унинг гуручдай майда тишлари яраклар, лаблари эса ғунчадек эди.

– Бугун эрта кайтибсанми? Бутун кунни ўтказиб келарсан, деб ўйлагандим.

– Шундай килмокчи эдим, аммо фикримдан қайтдим.

Киз кўлларини ҳар томонга силкитганча тўғрига юриб кетди.

– Шундай килиб, – давом этди Батлер, кизи кўздан ғойиб бўлгач, – бир-икки кун сабр киласиз. Хайр!

– Хайр!

Сармоядорлик фаолиятининг олдинда очилган истикболларидан суюнганча Каупервуд зинадан пастга тушди ва бирдан кўз олдига ҳозиргина кирган кирмиз юзли киз келди – ёшликининг жонли тажассуми! Унинг кўнгироқдек овозидан ўн беш ё ўн олти яшар луркун киздаги тароват ва қувноқлик мана мен леб туради. Ой деса ой, кун деса кун дегулик бир фаришта! Унинг бутун вужудила хаёт нафаси уриб туради. Қачонлир бир ёш йигитга насиб этувчи хилкат, бу ҳам етмагандай унинг отаси уни ҳализамон бойитиб юбораман деб туриби ёки ҳен бўлмаганда унинг бойиб кетишига ёрдам бермокчи.

## XII боб

Эдвард Мелия Батлерга Каупервуд қарийб икки йилдан кейин, агар унга чиқарилган засмнинг бир кисмини таркатиш тоширилгудек бўлса, мен анча юкори мавкега эга бўла олишим мумкин, деб ўйлаганда мурожаат килди. Эҳтимол, Батлернинг ўзи ҳам облигациялар пакетини сотиб олишдан манфаатдордир, уларни жойлаштиришда Фрэнкка ёрдам бериш ўзи бир гап. Бу вактга келиб, Батлер Каупервудга чиндан

мехр күйиб колганди ва Каупервуднинг дафтарларида кимматли коғозларнинг йирик эгаси деб кайд этилганди. Каупервудга ҳам бу тӯладан келган, басавлат ирландиялик ёкар эди. Батлер ҳаётининг бутун тарихи ҳам марокли эди. У Батлернинг хотини билан ҳам танишиди – жуда ҳам семиз, тепса тебранмас бир аёл экан. У ақили хотин бўлиб, юзакичиликка сира токати йўқ эди ва ҳалигача ўчкобошида ивирсиб, кора козонни кайнатишдан кўнгил узолмаганди. Фрэнк Батлернинг ўғиллари – Оуэн ва Кэлем, қизлари – Нора ва Эйлин билан ҳам танишиб ултурганди. Эйлин дегани бу бир йил аввалги кишида унинг биринчи ташрифи чоғида зинада дуч келган ўша киз эди.

Каупервуд Батлернинг ўзига хос кабинет идорасига кирганида, у срдаги камин ёкимли ёнарди. Баҳор эшик кокиб колган бўлса-да, кечкурунлари ҳали совук эди. Батлер меҳмонга олов ёнилаги чукур чарм ўриндикка бемалол ўтириб олишни таклиф этди ва қулоғим сизда дегандай, тинглашга чоғланди.

– Ҳа-да, бу чакки нарса эмас! – деди у Каупервуд гапини тутгатгач. – Бундай нарсаларни сиз мендан кўра яхширок биласиз. Ўзингиздан колар гап йўқ, мен сармоялор эмасман. – деся ўзини оклагандек, жилмайиб кўиди.

– Мен факат бир нарсани биламан – бу обрў ва ҳомийлик масаласи, – давом этди Каупервуд – “Дрексел ва К” ҳамда “Кук ва К” Гаррисбергда алокаларга эга. У ерда уларнинг манфатларини кўриклаб турувчи ўз одамлари бор. Штатнинг бош прокурори ва ҳазинабони билан улар оғиз-бурун ўшишишади. Борди-ю, мен хизматимни таклиф этгудек ва ҳатто заёмни жойлаштириш мажбуриятларини зиммамга ола билишимни исбот этгудек бўлсам, бу ишни барибир менга топширмайдилар. Бунакаси энди бўлаётгани йўқ. Мен дўстларимнинг кўллаб-куватлашларига, уларнинг обрўсига суюнишм керак. Бундай ишлар кай тарика дўндирилишини ўзингиз биласиз-ку.

– Улар ҳамирдан кил сугургандек бажарадилар буни, – деди Батлер, – кимга мурожаат қилиш лозимлигини билганингда, албатта. Мисол учун Жимми Оливерни олайлик, – у озми ё кўпми бундай ишлардан хабардор бўлиши керак.

Жимми Оливер ўшанда округ прокурори бўлиб, вакти-вакти билан Батлерга кимматли маслаҳатлар бериб турарди. Бахтли тасодиф туфайли у яна штат хазинабони билан ҳам дўстлашиб олганди.

- Заёмнинг канча кисмини мўлжалляпсиз?
- Беш миллионини.
- Беш миллион! – Батлер ўриндикда каддии ростлади.
- Нималар деяпсиз, бўталоғим? Ахир бу жуда катта пул-ку! Шунча облигацияларни каерда жойлаштирасиз?
- Мен беш миллионга ариза ёзаман, – босиклик билан уни тинчлантириди Каупервуд, – аммо олишга факат бир миллионни оламан, аммо бундай ариза менинг обрўйимни оширади, бозорда обрў ҳам ҳисобга олинади.

Батлер енгил нафас олиб, ўзини ўриндик суюнчиғига ташлади.

– Беш миллион! Обрў! Ўзингиз эса атиги бир миллионини оласиз, шундайми? Нима ҳам дердик, унда бошка гап! Ўйлашга, ростини айтсан, чакки ўйламагансиз. Шунча пулни, харкалай, топса бўлади.

У кафти билан иягини артди ва оловга тикилди.

Шу куни кечқурун Батлерникidan кета туриб, Каупервуд унинг алдамаслигига ва ўзининг бор имкониятларини ишга солишига шубҳа килмаётганди. Шу боис у бир неча кун ўтиб, уни шаҳар хазинабони Жулиан Боулга рўпара килганларида, бунинг нимани англатишини у равшан англади ва заррача ажабланмади. Жулиан Боуд ўз навбатида уни штат хазинабони Ван-Настренд билан таништиришга ва Каупервуднинг аризаси куриб чикилишидан кўз-кулок бўлиб туришга ваъда берди.

– Ўзингиздан колар гап йўқ, – деди у Каупервудга, Батлернинг уйидаги кўришув пайтида, – банкдаги нияти бузук одамлар ғоят кудратли. Уларга ким бошчилик килишини биларсиз. Улар заём чиқариш ишига чет одамлар сукулиб киришини истамайдилар. Мен уларнинг ўша ердаги, тепадаги (у Гаррисберг штати пойтахтини назарда тутарди) вакиллари Трейс Рэлихен билан сухбатлашган эдим, у заём билан боғлик ишга ҳеч кимнинг аралashiшига токат киломаймиз. деди. Сиз, бу ерда,

Филаделфияда бошингизга озмунча ташвишларни сотиб олмайсиз, башартики, максалингизга етсангиз, чунки булар жуда кучли одамлар. Заёмларни қаерга жойлаштиришни күз остига олиб күйганмисиз, йўкми?

– Ҳа, олиб күйганман, – жавоб берди Каупервуд.

– Нима ҳам дердик, менинчя, ҳозир энг яхшиси – тилга маҳкам бўлиш. Ариза бераверинг – карнайчидан бир пуф. Ван-Ностренд губернаторининг розилиги билан уни тасдиклайди. Губернатор билан, ўйлашимча, тил топишсак керак. Тасдик олганингизда, сиз билан, хойнаҳоӣ, катта сухбат куришни хоҳлаб колишса, ажаб эмас, аммо бу ёғи энди ўзингизга хавола.

Каупервуд ўзининг англаб бўлмас табассуми билан жилмайиб кўйди. Бу сармоя дунёси йўллари бунча чигал бўлмаса! Худди ер остидаги тубсиз горга ўхшайди! Озгина зийраклик, озгина мўлжал, озгина омад – вакт ва тасодиф – ҳамма ишни асосан мана шулар бир ёклик қиласи. Жиллақурмаса, унинг ўзини олайлик: кўнглида сармоядор бўлишга иззати нафсини кондириш хохишини, бошка ҳеч нарсани эмас, факт шундай хохишини хис этдию, бу ёқдан штаг хазинабони ва губернатор билан ораларида муносабат пайдо бўлиб турибди. Улар унинг ишини шахсан қуриб чиқадилар, чунки буни унинг ўзи талаб килганди. Ундан обрулирок бошка ишбилармонлар заём улушида худли шундай хукукка эга эдилар-у, аммо улар шу хукуқдан фойдаланишга журъат килмагандилар. Жасорат, ташаббус, улдабуронлик – айтган билан тугамайди, ҳа, яна омад деган гап ҳам бор.

Кета туриб, Фрэнк “Кук ва К”, “Дрексел ва К” компаниялари унинг уларга ракиб сифатида чикканини билиб, ҳайрон бўлишлари ҳакида ўйларди. Уйда у иккинчи қаватга кўтарилиди, бу ётоқхона ёнидаги чоккина хона бўлиб, уни кабинет қилиб олганди. У ерда ўқув столи, ўтда ёнмайдиган жавон ва чарм ўриндик бор эди, у ўз захираларини текшира бошлади. У жуда кўп нарсаларни ўйлаб олиш ва тарозига солиши керак эди. У шартнома тузган ва кўркмай хисоб-китоб килса бўлаверадиган шахслар рўйхатини яна бир карра караб чиқди.

Бир миллион долларга облигацияларин жойлаштириш уни күпда ташвишга солмасди; унинг хисоб-китобича, у умумий миқдордан икки фоиз, яъни йигирма минг доллар ишлаб олиши керак эди. Борди-ю, иш ўнгидан келса, у Жиранд-авенюда, Батлердан сал нарида бир ховли-жойни сотиб олишга карор килди, балки ундан ҳам маъкулроги, ер сотиб олади-да, уй куришни бошлиб юборади. Ер ва уйни гаровга қўйиб, курилишга пул топади. Отасининг иши ҳам ҳозир унча ёмон костмаянти. Балки у ҳам шу қатордан уй кураг, шунда улар ён кўшини-жон кўшни булиб яшар эдилар.

Идора шу йили, заём муомаласидан қатъи назар ўн минг доллар бериши керак эди. Фрэнкнинг конкага кўйган кўйилмаси эллик минг долларга етган булиб, йилига олти фоиздан фойла келтирмоқда эди. Уларнинг ҳозирги уйда давлат заёмлари облигацияларида ва Филалслфиянинг гарбий кисмидаги кўчмас мулкдаги хотинининг мулки яна кирк минг долларни ташкил этарди. У бой одам эди, аммо тезда бундан ҳам бойиб кетишни мўлжаллаб юради. Энди факат оқилона ва совук-коилик билан ҳаракат килиш керак. Агар заём муомаласи муваффакиятли ўтса, у буни яна-да йирикрок миқёсда такрорлаши ҳам мумкин, чунки бу охиригি чиқариш змасди-да. Яна бироз ўтириди-да, у чирокни ўчириди ва ухлаб колған хотинининг ёнига йўл олди. Энага болалар билан зинанинг нариги ёғидаги хонани банд этган эдилар.

— Ана кўрдингми, Лилиан, — деди у хотини уйгониб, унга томон ўгирилганда, — назаримда мен сенга айтган заём иши энди авжида, жойлаштириш учун мен бир миллионни ана оламан, мана оламан деб турибмай. Бу йигирма минг фойда келтириди. Агар ҳаммаси муваффакиятли ўтса, биз Жиранд-авенюда ўзимизга уй қурамиз. Вакти билан у энг яхши кўчалардан бирига айланади. Коллеж — ажойиб кўшни.

— Бу зўр бўлади, Фрэнк! — деди хотини ва Фрэнк каравот четига келиб ўтирганида, унинг кўлидан силади. Аммо гапининг оҳангода кандайдир шубҳа бор эди.

— Биз Батлерлардан эҳтиёт булишимиз керак. У менга жула яхши муомала килди ва бизга бундан кейин ҳам фойласи те-

гиши мумкин, албатта. У иккаламизни вакт топиб, уникига боришимизни айтди, бу таклифни эътиборсиз колдириб бўлмайди. Унинг хотини билан ширин мумалада бўл. Эри истаса, мен учун кўп иш килиши мумкин. Ҳархолда унинг икки кизи бор. Биз уларни бутун оиласи билан меҳмонга таклиф килишимиз керак бўлади.

— Уларни, албатта, меҳмонга чакирамиз, — ҳозиржавоблик билан деди Лилиан. — Мен якин кунларда миссис Батлернинг хузурига бораман ва уни мен билан сайр килишга таклиф этаман.

Батлерлар ҳархолда ёш авлодга мансублигини, юзаки дабдабани хуш кўришларини, ўзларининг келиб чикишлари ҳақидаги сұхбатларга кулоклари динг бўлишини ва пул, уларнинг тушунчасига кўра, барча камчиликларни хаспўнлаб юборишнига ишонишларини Лилиан аjlакачон билиб олганди.

— Кария Батлер ўзига еғганча иззат-нафсли одам, — деганди бир гал Каупервуд, — аммо миссис Батлер... у ҳам, ҳаркатай дуруст, аммо жудаям солда. Оккўнгил ва меҳрибон аёл.

Фрэнк хотинига яна Эйлин ва Нора билан ҳам такаллуф илиа мумалада бўлишини илтимос килди, чунки ота ва она Батлерлар кизлари билан жудаям фахрланадилар.

Бу вактда Лилианнинг ёши ўттиз иккода, Фрэнкни эса — ийгирма еттида эди. Икки болани туғиш ва уларни катта килиш унинг ташки кўринишини бир кадар ўзгартириб юборганди. У олдинги кўхлилиги ва латофатини йўқотган, бироз озганди. Унинг сўлғин тортган чехраси Россети ва Берн-Жонс сувратларидаги хотинлар чехрасини эсга соларди. Соғлигининг ҳам путури кетганди: болаларга қараши ва сўнгги вактларда ошқозон катари аломатларининг пайдо бўлиши унинг мадорини куритганди. Асаб тизими издан чиккан ва вакти-вакти билан хуруж килиб турадиган хафаконликдан азият чекарди. Каупервуд буларнинг барини кўриб турарди. У хотинига олдингидай кувноқлик ва эътибор билан қарашга харакат киларли, бироқ кўпни кўриб, кўзи пишиганидан эртами, кечми дардманд хотини унинг кўлига қараб колишини тушунмасдан иложи йўқ эди. Ҳамдардлик ва меҳрибонлик улуғ иш албатта, аммо эхти-

рос ва майл сакланиб колиши керак – уларни йўкотиш ҳадда ташқари аччик бўлади. Энди Фрэнк тез-тез ёш, дуркун ва гулгул очилиб юрадиган кизларга карайдиган бўлиб қолганди. Ўз-ўзидан равшанки, инсоф ваadolатга, ахлокий қоидаларга риоя килиш хар жиҳатдан мақтовга сазовор иш, аммо хотининг дардманд бўлса-чи... умуман, одам ўз хотинига умрбод боғлаб кўйилганми? Наҳотки у биронта ҳам хотин зотига қараёлмаса? Борди-ю, бошка биттасига кўнгил берса-чи? Фрэнк бўш вактларида шундай нарсалар устида кўп фикр юритар эди ва булар бари у қадар даҳшатли эмас деган тўхтамга келди. Агар фош бўлишдан кўркмасанг, ҳаммаси жойида. Факат жуда-жуда эҳтиёткорлик билан қадам босиш керак. Ҳозир, хотининг каравоти четида ўтирас экан, шу фикрлар тагин унинг миясига келди, чунки кундузи у Эйлин Батлерни кўрган эди: Фрэнк меҳмонхона бўлмасига ўтиб кетаёганида, Эйлин рояль жўрлигила кўшик айтарли. Эйлин патлари рангин қушчага ўхшарди, тез-тез ва шодон нафас оларди. Мукаммал ёшлик!

“Дунё кизик яратилган-да” ўйлади Фрэнк. Аммо бу фикрини дилининг тубида саклар, уни хеч кимга ошкор килишни истамасди.

Заём билан муомала хийла кизикарли натижаларга олиб келди: тўғри, Фрэнк ўзининг йигирма минг, ҳатто ундан кўпроқ долларини ишлаб олди ва қўшимчасига Филаделфия ва Пенсильвания штати сармоядорлари дунёсини ҳам ўзига каратди, бирок барибир ҳам заёмни тарқатишига тўғри келмади. Машҳур бир филаделфиялик хукуқшунос идорасида штат ҳазинабони билан кўришди ҳам, у ерда ҳазинабон ўзининг Филаделфияга ташрифлари вактида одатдаги ишлари билан шуғулланар эди. У Каупервуд билан ғоят сертакаллуф муносабатда бўлди – шундан бошка иложи йўқ эди унинг – ва Гаррисбергда шундай ишлар уюштирилишини тушунтирди. Сайловолди кампаниялари учун маблағлар йирик сармоядорлардан ундириларди. Уларнинг штат палатаси ва сенатида ўз гумашталари бўлгувчи эди. Губернатор ва ҳазинабон, албатта, ўз билгандарича иш тутар эдилар, аммо обрў, дўстлик, жамоатчилик таъсири ва сиёсий иззатталаблик деган омил-

лар мавжудлиги ҳакида эслашларига тұғыр келарди. Йирик ишбилармоналар күпинча пинхоний корпорация уюштириб оладилар - бу, үз-үзидан равшапки, унчалик хосиятли нарса әмас. Аммо бошқа томондан улар исташса-исташмаса йирик заёмлар чиқариш өнімдегі қонуний кафиллар хисобланишади. Айникса, хозирғи мана бунака вактларда штат улар билан яхши муносабат ўрнатышга мажбур әди. Чunksи Каупервуд бир миллион долларлик облигацияларни жойлаштириш учун ажайиб имкониятларга әга булиб турибди, айнан шундай міндорға у даяво килаётгани боисидан унинг илтимосини кондирмаса бұлмасди. Аммо Ван-Ностренд унга бошқа таклиф киритмокчи әди. Борди-ю, заём сотувчи сармоядорлар гурухи йүк демаса. Каупервуд маълум товон учун (у күзде туттган ҳалиги фойда баробарида) уларға ён бериш ҳакидаги аризаси тасдиқланғандан кейин заёмни жойлаштиришдаги үз улушыга рози бұлармикан? Бир канча сармоядорлар ҳам шундай хохишни билдиришди. Уларға каршилик күрсатиш хатардан холи әмасди. Улар Каупервуднинг обрүйини күтариши керак бўлган беш миллион долларлик аризага мутлако қарши әмас әдилар. У бир миллион жойлаштиришини истаганда ҳам улар бунга қарши ҳеч нарса демайдилар. Аммо улар битта кўлда йигирма уч миллионнинг ҳаммасини яхлит сотишни үз зиминаларига олишни истайдилар: ана шунда иш жўялироқ бўлур әди. Шунда Каупервуднинг заёмларини тарқатишда иштирок этишдан воз кечгани ҳакида жар солишига ҳожат қолмайди. Борди-ю, Каупервуд бошлаган ишини охиригача етказган бўлса, зафар төжини бошига босгириб кийиб олишига улар заррача каршилик күрсатмайдилар. Битта ёмон томони шундаки, бу ёмон одатга айланиб колиши мумкин. Унинг изидан борувчиilar топилиши ҳеч гап әмасди. Бироқ борди-ю, ён бергани учун тор сармоядорлар доирасидаги хусусий манбалардан ҳак олғач, унга тазыйек ўтказилған әди ва у заёмларни жойлаштиришда иштирок этишдан воз кечганди, деган мишишлар тарқалгудек бўлса, келажакда ҳеч ким бу ишга кўл урмай кўяди. Борди-ю, Каупервуд унга кўйилған бу шартларга рози бўлмаса, турли кўнгилсизликларга гирифтор бўлиши

хеч гап эмас. Масалан, ундан онкол қарзларни тўлашни табаб этиш. Кўлгина банкларда бундан кейин у билан эҳтиёт бўлиб м uomала қиладиган бўлиб колишади. Унинг мижозларини у ёки бу йўл билан чўчишилари мумкин.

Каупервуд тушунди. Ва... рози бўлди. Ёруғ дунёнинг талай зўравонларини қаршисида тиз чўктириш – шунинг ўзи унинг учун катта гап эмасми! Хуллас, у хақда гапирмаган одам қолмади, унинг пима эканини тушунишди. Жуда яхши, жуда соз! У ўзининг йигирма мингини ёки тахминан шунчасини олади-да, жуфтакни ростлаб колади. Хазинабон ҳам ўзини қўйгани жой тополмай колганди. Бу унинг ғоят мушкул ахволдан чиқиб олишига ёрдам берганди.

– Сиз билан кўришганимдан хурсандман, – деди у. Умуман, учрашганимиздан хурсандман. Бу ерларга янаги сафар келганимда олдингизга, албатта кираман ва биргалиқда тамалди киламиз.

Хазинабон унинг ул-бул ишлаб олишига имкон берувчи одам билан м uomала қилаётганини сезиб турарди. Каупервуднинг синчковлигига гап йўқ, юзидан эса акс ёғилиб турарди. Идорасига қайтиб келгач, у губернатор ва бир канча таниш ишбилармонларга ёш сармоялор ҳакида сўзлаб берди.

Сотиш учун заём таксимлаш, нихоят, тасдикланди. “Дрексел ва К” фирмаси раҳбарлари билан хуфёна музокаралардан сўнг Каупервуд улардан йигирма минг долларни олди ва уларга бу ишда иштироки учун ўз хукукини ҳавола этди. Энди унинг идорасида вакти-вакти билан янги шахслар кўзга ташланадиган булиб колди, улар орасида Ван-Ностренд ва аввал тилга олиб ўтганимиз, Гаррисбергдаги бошка сиёсий гурух вакили Тэрэнс Рэлихен бор эди. Бир куни ресторанда нонушта килаётниб. Фрэнк губернатор билан танишиб колди. Унинг исми рўзномаларда тез-тез кўрина бошлиди, жамоатчилик кўзи олдилда у тез ўсиб борарди.

Ёш Элсуорт билан бирга Фрэнк ўзининг янги уйи лойихасини ишлаб чикишга синг шимариб киришиб кетди. Мисли кўрилмаган уй кураман, деди у хотинига. Энди улар катта-катта базми-жамшидлар уюштиришларига тўғри келади. Фронтстрит улар учун ҳаддан ташкари тинч кўча. Фрэнк эски уйини

сотиш ҳақида зълон берди, отаси билан маслаҳат килди ва у ҳам күчиб ўтиш ниятида эканлигини билди. Ўғилнинг муваффакияти отанинг ишдаги обрўсига яхши таъсир кўрсатмокда эди. Банк директорлари кундан-кунга у билан сертакаллуф бўлиб бормоқда эдилар. Келаси йилин банк идораси раиси Кугел искеъфога чикиши мўлжаллаб юрибди. Ўғли билан ўтказган ажойиб молиявий муаммолари ва шунингдек, узок йиллик хизмати туфайли кекса Каупервуд мана шу лавозимга лойик деб топилди. Фрэнк унинги банкида йирик заёmlар килар ва, бинобарин, йирик пул кўювчи ҳам эди. Эдвард Батлер билан унинг ишбилармонлик алоқалари ҳам ғоят ижобий баҳоланганди эди. Фрэнк банк раҳбарларини уларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайдиган маълумотлар билан таъминларди. Шаҳар ҳазиниабони ва штат ҳазиниабони шу банкка қизика бошлишди. Ота Каупервуд кўз олдига идора раисининг йигирма минг долларлик маошини келтира бошлаганди ва бунинг учун кўп жихатдан у ўғлидан миннатдор бўлиши керак эди. Иккала оила ўртасидағи муносабатларни бундан яхширок тасаввур килиш мумкин эмасди. Анна, у йигирма бир ёшга тўлганди. Эдвард ва Жозеф кўпинча окшомларни акасининг уйидаги ўтказишарди. Лилян деярли ҳар куни кайонасидан ҳабар олиб турарди. Каупервудлар ўртасида биронта ҳам оиласидаги янгилик кизгин мухокамадан ўтмай колмасди ва охири уйларни катор килиб куришга аҳд килинди. Ота Каупервуд ўғлининг ўттиз футли томоркаси ёнидан эллик фуғли томорканни сотиб олди ва улар биргаликда икки чиройли ва шинам иморатни тиклашга киришишиди. Уйларни бир-бири билан пешайвон бирлаштириб туриши, ёзла очик бўлиб, кишила ойнаванд килиниши кўзда тутилганли.

Уйнинг олд девори пардози учун Филаделфияда кенг расм бўлган яшил гранит танланди, аммо мистер Элсуорт бу тошга кўзни яшнатадиган кўриниш беришни ваъда килди. Ота Каупервуд курилишга стмиш беш минг доллар сарфлашга карор килди (унинг бисотидаги бойлик икки юз эллик минг доллар эди). Фрэнк эса эллик минг доллар сарфлашга таваккал килди, бу пулни у гаров хисобига олди. Айни вактда у ўз идорасини ўша Учинчи кўчада-ю, сал жануброқда жойлашган алоҳида бинога олиб ўтишни кўз остига олиб қўйганди. У ерда

олд деворининг узунлиги йигирма беш фут келадиган бир уй сотилишини эшитиб қолди, түгри, уй эски бўлса-да, аммо унга кора тоғдан пардоз берилса, жуда ҳам маҳобатли иморатга айланарди. Фрэнк хаёлан данғиллама ойнаванд иморатни кўз олдига келтирди, ойналардан ички деворларнинг ёғоч пардозлари кўриниб турарди, эшикларда ёки уларнинг ён томонларида зархал ҳарфлар билан “Каупервуд ва К” деб ёзилган лавҳа кўзга ташланиб туради. Элас-элас бўлса-да, худди уфқдаги шафакдай, келажаги унга аник-таниқ кўринмоқда эди. У боийиб кетади, жуда ҳам бойиб кетади!

### XIII боб

**К**аупервуд ҳаётий муваффакиятлар йўлидан узлуксиз олға харакат килиб турган бир вактда бош кўтариб чиқсан Жанубга карши бошланган уруш ниҳоясига етмоқда эди.

1864 йилнинг октябр ойи. Мобилнинг олиниши ва “үтиб бўлмас ўрмонзордаги жанг” ҳам ҳеч кимнинг хотирасидан ўчиб улгурмаган. Грант Питсбург остоналарида турарди, жанубликларнинг донғи кетган генарили Ли ўзининг барча стратегик ва жангчилик қобилиятини ишга солиб, ахволни кутқариш учун сўнгги ажойиб ва умидсиз уринишларни амалга оширади. Масалан, баъзида бутун мамлакат Виксбергнинг йиқилишини ёки Потамак дарёсида турган қўшиннинг музafferар хужумини кутган, бу орада Ли эса Пенсильванияга бостириб кирган ўша узок ва зерикарли дамда акциялар нархи шиддат билан тушиб кетди ва бозор каттиқ инкиroz ҳолатига тушиб қолди. Шундай дақиқаларда Каупервуд ўзининг барча найрангини ёрдамга чакирди ва қандайдир кутилмаган ва ҳалокатли хабарлар туфайли бор ишлаб топганини сувга уриб кетмаслиги учун ҳар лаҳзада хушёр туришга мажбур бўлди.

Унинг Иттифоқ яхлитлигини сақлашни талаб этувчи ватанпарварлик туйғуларидан қатъи назар урушга нисбатан шахсий муносабати шундан иборат эдики, бу хонавайронлик

ва кимматга тушувчи корхонадир. Эндиликда Атлантика океаныдан Тинч океанигача ва Канада қорликларидан Мексика қўлтиғигача ястанган Кўшма Штатларни қадрламаслик мумкин эмаслигини англамаслик учун миллий ғуурдан у қадар маҳрум бўлиб колган эмасди. 1837 йилда туғилган Каупервуд мамлакатнинг худудий яхлитлигига (агар Аляскани хисобга олмаса) қандай эришганига гувоҳ эди. Унинг ўсмирик пайтарида АҚШ испанлардан сотиб олинган Флорида билан бойиб олганди; Адолатсиз урушдан кейин Мексика 1848 йилда Мексика Техасни ва ундан ғарбга томон бўлган худудни бой берди. Олис шимолий ғарбда Англия ва Кўшма Штатлар ўртасидаги чегара можаролари, нихоят, бир ёклик бўлди. Ижтимоий ва молиявий масалаларга кенг карайдиган одам бу воқеликлар аҳамиятини чукур тушунмаслиги мумкин эмасди. Нима бўлганда ҳам, улар бундай кенг давлатда яшириниб ётган чексиз тижорат имкониятларини англашга мажбур этар эди. У ҳар бир тадқик этилмаган ирмоқда, вилоятнинг ҳар бир кариҷ ерида бенихоя пул топиш манбаларини кўзда тутган молиявий найрангбозликлар ёки хаёлпарамастликлар сирасига кирмас эди; бирок мамлакат ҳажмиишнинг ўзиёқ улкан имкониятлардан дарак берарди, уларни Фрэнк умид килганидек, ҳар канаканги тажовузкорликдан тўсиб қолиш мумкин эди. Океандан оксангача чўзилиб кетган худуд, агар Жанубий штатлар Шимолий штатлардан воз кечгудек бўлишса, бой берилиши мумкин бўлган катта бойликларни бағрида яшириб ётарди.

Айни вактда негрларни озод килиш муаммоси Каупервудга жиддий бўлиб кўринмасди. У болалигидан шу ирқ вакилларини кузатиб келарди, уларнинг фазилатлари ва нуксоналарини хисобга оларди, у буларни туғма деб билар ва уларнинг тақдирини шулар ҳал киласи деб ўйларди.

Масалан, у негрларга айни вактдаги меъёрдан ортиқ даражада аҳамият берилишига зинҳор ишонмасди. Нима бўлганда ҳам, уларнинг олдида ҳали узок ва оғир кураш ётибди, унинг качон нихоясига етишини эса яқиндаги авлодлар билмайди. Улар учун озодлик талаб этувчи назарияга қарши Фрэнкнинг заррача зътирози йўқ эди, бирок жанубликларнинг бойлиги

ва иктисадий тузумига килинган тажовузларга улар бор кучи билан каршилик қўрсатмасликлари кераклиги сабабини хам кўрмаганди. Албатта, айrim ҳолларда кора танли қулларга ёмон муомала қилишлари афсусланарли иш. У бу масалани кайта кўриб чикиш керак, деб биларди, бирок кора танлиларнинг ҳомийлари олиб борган ҳалиги курашда хеч канаканги жиддий ахлокий сабабни кўрмаганди. Жуда кўпчилик эркак ва аёлларнинг аҳволи мамлакат конституцияси ҳимоя қилишига карамай, қулларнинг аҳволидан яхши эмаслигини англарди. Рухий қуллик, рухи ва жисми заифлар қуллиги хамон мавжуд эди-да. Каупервуд Сэмнер, Гаррисон, Филиппс ва Бичерларнинг нуткларини кизикиб кузатиб борарди, аммо хеч қачон бу муаммони ўзи учун ҳаётий муҳим муаммо деб ҳисобласди. У солдат булишга ёки солдатларга буйруқ беришга асло ишкибоз эмасди ва нотиклик истеъодига хам эга эмасди; ҳатто сармоядорлик соҳасида хам баҳслар олиб боришига фаросати етавермасди. Уни факат унинг учун фойдали бўлган нарсагина қизиқтиради ва бутун фикру-зикри фойдага каратилганди. Унинг ваганидаги биродаркушлик уруши унга фойда келтириши мумкин эмасди. Гарчи кўплар учун оғир синовлигини билса-да, баланд ҳарбий соликлар солишга жон куидиравермасди. Ўлимлар ва мусибатлар ҳакидаги хикоялардан у қаттиқ таъсиранарди, аммо, афсуски, инсон ҳаёти ана шундай ифлосликлардан холи эмас ва ундаги бирон нарсанни ўзгартиришга унинг курби етмайди! Кунда-кунда ҳарбий гуруҳларнинг келиб-кетишларини кузатар, жанг майдонидан ёки лазаретлардан кайтган кир-чир, озиб-тўзган, жанда кийимли ва касалванд одамлар тўдаларига ҳар кадамда дуч кслар экан, у ўз йўлидан кетиб борарди; унинг уларга ичи ачир эди, холос. Бу унинг кўнглидаги уруш эмасди. У бунда иштирок этмасди ва факат бир нарсани биларди – ватанларвар сифатида хам, сармоядор сифатида хам у бу урушнинг тамом булишидан ўюят хурсанд бўларди. Уруш хонавайронлик келтирувчи, фожиали, мусибатли уруш эди.

Кунлар бирин-кетин ўтиб борарди. Бу вакт ичидаги ҳокимият маҳаллий органларида сайлов бўлиб ўтди ва шахар хазинабо-

ни, солик вакили ва мэр алмаштирилди. Бирок Эдвард Мэлия Батлер, афтидан, олдинги мавкеидан фойдаланишда давом этарди. Батлерлар ва Каупервудлар ўртасида узвий дүстлик ўрнатилди. Гарчи турли динга эътиқод қилишса-ла, миссис Батлер Лилиан билан апок-чапоқ эди; иккала хотин аравада бирга сайр килар, лўконларга бирга борар эди; тўғри, миссис Каупервуд ўзининг катта ёшлаги дугонасига бир кадар жилдий рок муносабатда бўларди ва унинг саводсизларча нутки, ирландча лаҳжаси ва тўпориларча дидидан хиёл нокулай ахволга тушарди, ўзининг ҳам худди шундай плебей зотидан келиб чикқанини унтар эди. Бирок, бошка томондан, у бу аёлнинг гоят меҳрибонлиги ва самимийлигидан ҳам кўз юмолмасди. Егани олдида, емагани кетида бу аёл одамларга яхшилик килишни яхши кўрарди. Лилиан ва унинг болаларининг кўнглига карап ва эркалар эди.

“Биз билан бирга овкатлангани келиш эсингиздан чиқмасин-а!” (Батлерлар фаровонликнинг шундай ларажасига етган эдиларки, бунда кеч овкатлашиш таомилга кирганди). Ёки: “Эртага тагин менсиз сайрга чикиб кетманг!”

“Тан-жони соғ бўлгир, Эйлиидай киз бор экани дунёда!” Ёки: “Шўрлик Норагина шу кунларда нимадандир хафа кўринади”. Бирок инжик, феъли тез, ўзига бино кўйган ва кибрли Эйлин миссис Каупервуднинг ғашига тегар, гоҳо жаҳлини чикаради. Эйлин энди ўн саккиз ёшда эди ва унинг бутун вужудида қандайдир киши кўзини кўйдирувчи жозиба акс этиб турарди. Унинг киликлари болаларга ўхшарди, гоҳо шўхлик килишни яхши кўрарди ва монастирда тарбия олганига қарамай, унинг эркини заррача бўғишларига тоқат қилолмасди. Бирок шунда ҳам Эйлиининг мовий кўзларида унинг очик ва самимий калбини ифола килиб турувчи майнин шуъла порлаб турарди. Ўзлари айтганидек, ки ўзларни “меҳрибон католик” килиб тарбиялашга ҳаракат килишар экан, Эйлиининг отопаси ўз вақтида унинг учун Жерментаундаги авлиё Тимофей черкови ва монастирлик мактабини танлашгаңди. Эйлин у ерда католик ақидапарастлиги ва расм-русумлари билан танишди, аммо улардан ҳеч нима тушуна олмади. Бирок унинг

хотирасида куйидагилар махкам үрнашиб колганди: деразалари хира ялтираб турувчи эхром, баланд ок меҳроб ва унинг хар иккала томонида эгнига олтин юлдузлар жимжима килиб турган мовий ридо кийган, боши атрофида гулчамбари бўлган ва кўлида асо тутган авлиё Иосиф ва биби Мария ҳайкаллари. Ҳар қандай католик эхромларини-ку, кўяверинг, умуман, эхром кўзни кувонтиради ва рухга ором бағишлади. Ибодат чоғида эллик, ҳатто ундан кўпроқ шамлар нурига тўлган, руҳнийлар ва хизматкорлар эгнидаги сербурма либослар туфайли янада улуғворрок ва савлатлироқ кўринган меҳроб, ридолар ва кўлқопларнинг ранг-баранг ва чиройли кашталари кизга ёкар ва уни ўзига маҳлиё киласди. Айтиш жоизки, уни хар доим улуғворлик ўзига тортар, ёркин расмларни жондан севар, “мухаббатга мухаббат билан карашни ёқтиради. Эйлин кичик ёшиданок хеч качон нарсалар моҳиятининг туб магзини чакиб ўрганмаганди, аниқ билимларга кизикмасди.

Юкорида айтилган гаплар тўлалигича Эйлинга тааллукли деса бўларди. Бу вактга келиб у анча хиссиётли шахсга айланниб улгурган эди, дейиш унча тўғри келмасди. Хулли шу нарсалар ҳали унда ниш урганича йўқ эди. Дон ҳадеганда хосил беравермайди. Зиёратгоҳ, черковни атиги бир нечта чирок ғира-шира ёритиб турган шанба окшомлари, патернинг ваъзлари, у фарз килган риёзат ва панжарали деразадан шивирлаб айтилган истигфорлар уни галати ҳаяжонга соларди. Уни ўз гуноҳлари даҳшатга солмасди. Осий бандаларга мунтазир дўзах Эйлинни чўчитмасди. Виждон кийналиши унинг етти ухлаб тушига кирган эмасди. Черковга судралиб келадиган ва тасбех ўғирганча дуоларни минғирлаган чол ва кампирлар унинг учун хочнинг муқаддаслигини билдириб турувчи ёгоч санамларнинг ўзига хос сафидаги киёфалардан ўзга нарса эмасди. Айникса, ўн тўрт-ўн беш ёшларда тавба-тазарру килиш, ўз ваъзларини: “Ана шунака, менинг шайдо бутагинам...” деб бошловчи руҳоний овозига кулок солиш унга ёкарди. Бир кариб-чуриган, монастир пансионинин ўкувчи кизларига ваъз ўқийдиган француз патер ўзининг оккўнгиллиги ва мулойимлиги билан айникса, Эйлиннинг юрагини эзиди.

юборарди. Унинг дуолари самимий янгради, киз шошиб ва пала-партиш ўкийидиган дуолардан ҳам самимийрок бўларди. Кейинрок унинг фикру зикрини авлиё Тимофей черковининг ёш патери ота Давид эгаллаб олди. У жингалак соchlари манглайига тушиб турадиган, пастерча кулохини олифталарча бошига кўндириб оладиган қизил юзли бараваста одам эди; якшанба кунлари у қўлларини дадил ва тантанавор силкитиб, табаррук сувни қавмларга сепа-сепа скамейкалар оралиғидан ўтиб келарди. У истиғфорларни кабул киларди ва Эйлин миясига келган куфрана фикрларни гоҳо шивирлаб такрорлашни яхши кўради, бу билан руҳонийнинг унинг тўгрисида нималарни ўйлаётганини илғашга харакат киларди. Минг истаб-хоҳлагани билан у пастирда илохий ҳукмрон вакилини кўришга муваффак бўлолмасди. Ота Давид ҳаддан ташқари ёш, ҳаддан ташкари одатдаги одам эди. Ўзи ҳакида хузур билан сўзлаш ва кейин эса тавбасига таянган гуноҳкор киз кўринишида эшик томон йўналиш учун қилган харакатида кандайдир маккорлик, жizzакилик ва менсимаслик бўларди. Авалиё Агата мактабида у “кийин” тарбияланувчи хисобланарди, зеро кўп ўтмай, меҳрибон сингиллари сезишича, бирорвлар амрига бўйсуниш учун у ҳаддан ташкари кувноклик, ҳаддан ташкари сергайратлик киларди.

— Бу мисс Батлер, — деди бир куни мураббия она Эйлиннинг бевосита мураббияси бўлмиш ҳамшира Семиронияга, — ерга урсангиз осмонга сапчиди. Агар усталик билан иш тутмасангиз, у бошингизга не кунларни солмайди. Менимча, унинг баъзи киликларига чидашингизга тўғри келади. Нима бўлганда ҳам, ундан кўп нарсага эришасиз ҳали.

Шундан бўён ҳамшира Семирония Эйлиннинг қош-ковига қарамайдиган бўлиб колли, баъзи вактларда эса хатто кўра-била туриб ножуя иш килишига йўл кўйиб берарди. Бирок рохибанинг бунда ҳам иши ҳар доим ўнгидан келавермасди — кизалок отасининг бойлигидан ва ўзининг бошқалардан устунлигидан каттиқ ғуурланарди. Тўғри, баъзан унинг бирдан уйга боргиси келиб коларди ёки у мураббия ҳамширадан тасбехига кора ёғоч хочли ва Исонинг кумуш тасвири

туширилган йирик мунчоклар ўтказиб беришини илтимос киларди – пансионда бу зүр хурмат саналарди. Бу ва шунга ўхшаган имтиёзлар шанба куни кечкурун монастир ерларида сайр килишга, гуллардан хохлаганча узишга, бир нечта оргикча кўйлакка эга бўлишга, такинчоклар такишга рухсат унга мукофот тарзида тақдим этиларди, ишқилиб у синфда ўзини тинч тутсин, тинч юрсин ва паст овозда гаплашсин (кўлидан келганча, албатта!), чирок ўчирилгандан кейин бошка кизлар хузурига бориш учун йўлкаларга чикиб кетмасин ва у ёки бу мураббия ҳамширага азбаройи меҳри жўш урганидан уни қаттиқ кучоклаб, бўғиб кўймасин. Эйлин мусикани севарди ва гарчи унда рангтасвир бобида ҳеч кандай салоҳият бўлмаса-да, шу касб билан шуғулланишни жон-дили билан истарди. Китобларга, айникса, романларга ҳам кизикарди, аммо уларни қаердан олишни билмасди. Қолган ҳаммаси – грамматикани, ҳусниятни, ҳунармандчиликни, диний қонунларни ва бутун жаҳон тарихини ўлгудай ёмон кўради. Яхши овоз чикириш коидалари, бу ҳам, албатта, кўнгилга урмайдиган нарса. Унга ўргатишгани етти букилиб таъзим қилиш ҳам ёқарди ва у ота уйига кайтиб боргач, меҳмонларни кандай кутиб олиши ҳакида ўйларди.

Эйлин ҳаётга қадам кўйиши билан маҳаллий жамиятнинг алоҳида катламлари ахволидаги барча нозик тафовутлар уни хаяжонга сола бошлаганди; у отасининг бошқаларда кўрганидек, данғиллама ҳовли-жой куриб олишини ва унга жамият томон йўл очишини жуда-жуда истарди. Унинг бу хохиши рӯёбга чикмади ва энди у бутун фикру-зикрини қимматбаҳо такинчокларга, миниладиган отларга, шоҳона араваларга ва, албатта, кўплаб кийим-кечакларга эга бўлиши мумкин бўлган нарсаларга каратганди. Улар истикомат килаётган уйда катта зиёфатлар уюштириб бўлмасди ва Эйлин ўн саккизга кириб-кирмаёқ лат еган иззат-нафс одобини бошдан кечириб ўтирибди. У бошқача ҳаётга орзуманд эди! Аммо орзулари ушалиши учун у нима килиши керак?

Эйлиннинг чиройли безак буюлари, жавоҳиротга тўла хонаси бетокат ва кибрли одамдаги нуксонларни ўрганиш учун

намуна бўлиб хизмат килиши мумкин эди – туфлилар, чулкилар, ичкўйлаклар ва кечлик лиbosларни Эйлин goх-гоҳидагина кияр эди. У атири-упаларнинг барча русумларидан боҳабар эди (холбуки уларнинг унга сира аҳамияти йўқ эди) ва атириларни ҳам, упаларни ҳам чексиз микдорда сотиб олганди. Унда саришталикка ҳавас йўқ эди, балки ҳамма нарсасини баравар кўз-кўз килишни севарди. Хонасидаги бехисоб эшик ва дераза пардалари, майда-чуйда безак буюмлари ва сувратлар уйдаги бошка барча жихозлар билан асло ҳамоҳанг эмасди.

Эйлинни Каупервуд асов отга ўҳшатарди. Кизни у онаси билан кўпинча дўконларни айланиб ёки отаси билан аравада бирга сайр килиб юрганида учратарди ва у билан сухбатлашганида киз ўзини энсанни қотганга солишини кўриб кулгиси кистар ва завқланарди.

– Эй худойим-ей, ёруғ дунёда яшаши ҳам жонга тегиб кетди!  
– дерди киз, аслида ҳаётнинг ҳар бир лахзаси унинг учун эзгу шодликка тўлиб турган бир паллада. Каупервуд кизнинг руҳий моҳиятини ўзича тўғри тавсифлаб олганди: бутун вужудидан ҳаёт булоги жўш уриб турган, ҳаёлида севгидан ва севги ўзи билан олиб келадиган ҳамма нарсадан бошка ҳеч вако йўқ бир киз. У кизга бокканида унга шундай туюлардики, гўё табиат кандайдир жисмоний жихатдан энг олий хилкатни яратишга жазм килган-у, ҳар жихатдан мукаммал мана шу киз вужудга келгандай. Якин орада бир толен порлок йигит келади-да, уни ўзи билан олиб кетади, деган ўй кечди унинг ҳаёлидан. У насиб этган ўша йигит кизни ўзидаги саклаб колиш учун биситидаги бор ширин сўзларни ишга солиб, уни кафтида асралашга мажбур бўлади.

– Мана бу тирмизак киз бутун дунё отанинг чўнтагида деб ўйлади, – деди бир куни Лилиан эри билан сухбатлашиб ўтирганида. – Гапларини эшлитиб, шундай хаёлга борасанки, гўё Батлерлар насли ирланд киролларига бориб такалармиш! Унинг мусика ва санъатга бўлган кизикиши масхарабозликдан бошка нарса эмас.

– У тўғрида бундай каттик гапирмасанг бўларли! – сиполик билан уни тиҷчлантириди Каупервуд (бу вактда Эйлин унга

жуда ёкиб қолганди). – Созни яхши чалади, овози ҳам чакки эмас.

– Шундайку-я, лекин унда дид деган нарса йўк. Каёқдан ҳам бўлсин? Отаси билан онасининг ахволини кўр – шуларнинг кизи-да!

– Тўғрисини айтсам, унда мен ҳеч канака ёмон нарсани кўрмаяпман, – сўзида туриб олди Каупервуд. – Кувноқ киз, хусни ҳам ёмон эмас, тўғри, у ҳали она сути оғзидан кетмаган кизалок ва бироз такаббур ҳам, аммо ундаги бу нарсалар ўтиб кетади. Энг асосийси – у нодон эмас – сергайрат.

Эйлин унга жуда мойил эди ва буни Фрэнк биларди. У кизга ёкарди. Киз уларникига келганида рояль чалиб, кўшик айтишни севарди, шуни айтиш керакки фақат Фрэнк борлигида кўшиқ айтарди. Фрэнкнинг дадил, шахдам одимлашлари, кучли гавдаси ва хушбичим боши – ҳаммаси кизни ўзига маҳлиё этарди. Шунча дали-гулилигига ва саркашлигига карамай, киз гохида унинг олдида кўйдай ювош бўлиб қоларди. Бирок, одатда, йигитнинг хузурида у айниқса қувноқ ва мафтункор бўлиб кетарди.

Дунёдаги энг бессамар иш – бу одам феълини аник белгилаш. Ҳар бир одам зиддиятларнинг бутун бир тугуни, истесь-додли шахс тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу бонс Эйлин Батлерга узил-кесил таъриф беришнинг асло иложи йўк. Гарчи сайқал топмаган ва ибтидоий бўлса-да, унда, шубҳасиз, акл бор эди, шунингдек, вакти-вақти билан унга замондош бўлган жамият карашлари ва шартлари билан жиловлаб кўйилган, табиий равишда ижобий жиҳатда намоён бўлган феъл-атвор соҳибаси ҳам эди. У эндинигина ўн саккизга кадам кўйган ва Фрэнк Каупервуддек одамга мафтункор кўришар эди. Унинг бутун вужудидан илгари ҳеч бир аёлда учрамайдиган ва ҳеч қачон уларнинг биронтасидан билиб туриб талаб этмаган нарса – қувноқлик ва шод-хуррамлик ёғилиб турарди. У қачонлардир билган киз ё аёллардан биронтаси бундай тутма хаётий кучга эга эмас эди. Унинг заррин сочлари тўлқин-тўлқин бўлиб, манглайи узра солланар ва кўнғирок бўлиб, боши оркасига тушиб турарди. Бурнининг бежиримли-

гини айтмайсизми, учи тўғри тушиган, катақлари кичик-кичик, ҳаяжон ва ҳайрат тўла кўзлари катта-катта. Каупсрвудга, айникса, унинг мана шу мойил кулранг кўзлари кўпроқ ёкарди. Унинг пардоzlари беихтиёр канизакларнинг билакузуклари, сирғалари ва кўкрактуморларини эсга соларди, холбуки, Эйлин бунақа нарсаларни умрида такмаганди. Кўп йиллар ўтгач, Эйлин тирнок ва кафтларига жон-жон деб хина кўярдим, деб айтганди унга. Вужуди соғлом ва кучли Эйлин эркаклар унинг ҳакида нима деб ўйлашларига ва бошқа аёлларга киёсан у уларга қанақа кўринишига қизикарди.

Фойтуналарда сайр килиш, Жирард-авенюдаги башанг ҳовлида яшаш Каупервудларникилек уйларда бўлиш – булар бари унинг учун у қадар муҳим эмасди; бироқ айни ўша йилларда киз ҳаётнинг маъноси мана шундай имтиёзлардангина иборат эмаслигини тушунарди. Шу нарсалари йўқ одамлар ҳам яшаб юрибди-ку.

Барибир ҳам бойлик ва бошқалардан устунлик унинг бoshини айлантиради. Рояль олдида ўтирадими, сайру томошаларда бўладими ё ўзини тошойнага солиб турган бўладими, у ўзининг гўзаллигини, мафтункорлигини ҳис этиб турарди, эркаклар учун бу нимани англатишни ва аёлларда қанақанги ҳасад ўти ёкишини биларди. Гоҳо камбағал, сийнаси текис ва кўримсиз қизларни кўрганида, уларга раҳми келиб кетарди; бъязида эса унинг ҳуснига ёки жамиятдаги мавкеига ракобат килишга жазм этган биронта киз ё аёлга нисбатан унда англаб бўлмас нафрат аланга оларди. Шунакаси ҳам бўлардики, Четнат-стритдаги ҳашамдор дўконларда ёки паркдаги сайрда, отда ё фойтунда кетаётганда таникли хонадоннинг қизлари Эйлин билан кўришганларида бизлар киммиз-у сен кимсан дегандек, бурунларини кўтариб олишарди. Шундай учрашувлар чогида ҳар икки тараф бир-бирига еб кўйгудек бўлиб қаарарди. Гарчи олий жамиятнинг хунасасифат жентльменлари уни заррacha ўзига тортмаса-да, Эйлин шу жамиятта ёриб киришни ўлгудек ёқтиради. У ҳакиқий эркакни орзу киларди. Ҳар замон-ҳар замонда унинг нитохига “муносиб”дай кўринган йигитлар ташланиб қолади, аммо булар одатда отасининг танишлари,

майда сиёсий арбоблар ёки маҳаллий конун чиқарувчи кенгашнинг унинг ижтимоий поғонасидан куйирокда турувчи аъзолари бўлар эди, шу боис улар киз учун тез ахамиятини йўқотар ва меъдасига уради. Қария Батлер жамиятдаги чинакам сара одам ким эканлигини билмас эди. Аммо мистер Каупервуд... у ана шундай сара, кучли ва вазмин бўлиб кўринди; миссис Каупервудга караб туриб. Эйлин унинг хотини жуда баҳтлии бўлса керак, деб ўйларди, кўпинча.

## XIV боб

“Каупервуд ва К” фирмаси бошлиги Каупервуднинг ажотиб заём муомалаларидан кейин тез олга силжиши охир-пировардида ахлокий, молиявий ва кўплаб бошқа жихатларда унинг ҳаётига анча кучли таъсир килган одам билан юзма-юз бўлишига олиб келди. Бу янги шахар хазинабони Жорж Стинер бўлиб, бошқалар қўлида ўйинчок эли, айнан иродасининг бўшлиги сабабидан ҳам у ўзини муҳим шахс деб чоғлар эди. Бу лавозимга тайинлангунича Стинер кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича майда сугурта агенти ва комиссиянери бўлиб ишларди. Унга ўхшаган бундай одамлар ҳар камада минглаб учарди – уларда на хушёрликдан, на чинакам зеҳндан, на кашфиётчилик салоҳиятидан, на бирор лаёкатдан ном-нишон бор эди. Бутун умри давомида бир марта ҳам жўяли бир фикр айтотган эмас. Тўғри, уни ҳеч ким ёмон одам деб айттолмасди. Ташқи кўринишидан у кандайдир тажанг, нурсиз, нимадандир норозидек бўлса-да, аммо бу унинг руҳий киёфасини белгилай олмасди. Кўзлари сув рангига ўхшаб, қулрангга мойил кўк, сочи оппок ва сийрак, лаблари шалвираган ва ифодасиз. Стинер баланд бўйли одам эди, нақ олти фут келарди, елкалари кенг-кенг, бирок хушкомат эмасди. У бироз буқчайиб юрарди, корни хиёл олдинга осилиб тушган. Гашлари нукул барчага таниш соҳаларга тегишли бўларди – рўзномалар ҳакида, куруқ хангомалару тижоратга оид гий-

батлар. Танишлар ва кўни-кўшнилар у билан ёмон муомала-да бўлишмасди. Уни ҳалол ва яхши одам деб билишарди ва у ўзи аслида шунака ҳам эди. Хотини ва тўртала фарзанди ҳам одатда шунака одамнинг хотини ва фарзандлари қандай бўлса, ўшандай туссиз ва камсукум эди.

Шулар барчасига қарши ўлароқ – сиёсий ва айнан сиёсат нуктаи назаридан – Жорж Стинер вактингачалик жамоатчилик диккат марказида бўлиб қолди, бунга Филаделфияда ярим асрдан бери амал килиб келган маълум сиёсий услублар имкон яратди. Биринчидан, Стинер хукмрон партиянинг сиёсий қарашлари йўлини тутди; шахар кенгаши аъзолари ва унинг округи раҳбарлари уни ишончли одам деб билар эдилар, айникса, сайловолди компаниясига овоз тўплаш вақтида бу одам жуда иш берди. Икинчидан, биронта пичокқа илингудек фикр айта олмаганидан нотик сифатида ҳеч нарсага ярамаса-да, баққоллар, темирчилар ёки кассоблар кайфиятини билиш учун уни уйма-уй юришга юбориш мумкин эди; у ҳар ким билан дўстлашиб кетаверарди ва натижада сайловининг қандай ниҳояга стишини олдиндан аниқ айтса бўлаверарди.

Ўша вактларда шаҳарнинг сиёсий тақдирин Кўшма Штатларнинг сенатори, Марк Симпсон десган одам, Эдвард Мэлия Батлер ва бой кўмир савдогари ҳамда молия ишбилармони Генри Молленхаўэр кўлида эди. Уларнинг ихтиёрида агентлар, гумашталар, чакимчилар ва хуфия шахсларнинг бутун бир штаби бор эди. Сиёсий пайрангларнинг шовқинсиз ишлайдиган машинасидаги митти ғилдирак Стинер ҳам шулар сирасига киради.

Бундай одамнинг бошка шаҳарда хазинабон бўлиб ишлashinga ҳеч кимнинг кўзи етмасди, аммо Филаделфия аҳолиси ўзининг маҳаллий ишларидан ташкари дунёдаги ҳамма нарсага бепарвою бегам қарарни билан ажralиб турарди. Битта-яримта одамни ҳисобга олмаганда ахолининг кўлчилиги ўз сиёсий қарашларига эга эмасди. Сиёсат ишбилармонлар сулоласини сотиб олишга қаратилган эди. Лавозимлар кўрсатган хизматларига мукофот тарзida у ёки бу шахслар у ёки бу гурухлар ўртасида таксимланарди. Бундай “Сиёсат”нинг охири нима билан тугашини ким билиб ўтирибди дейсиз!

Шундай қилиб, вакт ўтиши билан Жорж Стинер аввал муниципалитет аъзоси, сўнгра ўз округи раҳбари, ва ниҳоят, муниципалитет раиси, шахсий хаётда эса – тош майдалаш ва ғишт заводи эгаси бўлган Эдвард Стробик кўзи ўнгидга persona grata бўлиб қолди. Стробик сиёсий раҳбарларнинг шу учлиги ичida энг пих ёргани ва йиртқичи Генри Молленхауэрнинг гумаштаси эди. Молленхауэр ғаразгўйлик билан муниципалитетдан бирор нарса ундирганида, Стробик унинг кўлида итоаткор курол бўлиб хизмат киларди. Молленхауэр кўрсатмаси билан Стинер муниципалитетта сайланган эди, у буюрилган одамга итоаткорлик билан овоз берганида, уни йўл бошкармаси мудирига муовин килиб қўйишди.

Шу срда у Эдвард Мэлия Батлер нигоҳига тушди ва унга майда-чуйда хизматлар кўрсата бошлади. Бир мунча муддатдан сўнг Батлер бошчилигидаги республикачилар партиясининг сиёсий кўмитаси шаҳар хазинабони лавозимига ювош, итоаткор ва айни вактда беҳад содик одам керак, деган карорга келди; шу тарика Стинернинг исми сайлов бўйлестенида пайдо бўлди. Гарчи ажойиб ҳисобчи бўлса-да, Стинер молия масалаларини ҳал этишда нўнок эди; аммо қурдатли ҳукмдор кўлида тайёр курол бўлган ҳукуқ маслаҳатчиси Риган истаган вактда унга фойдали маслаҳат бера олмасми? Шундай қилиб, Стинер номзодини ўтказиш хамирдан қил суғургандек битди. Номзодлар рўйхатига тушиш сайланган билан баробар эди. Филаделфияга энг аввало ҳалол шаҳар бошқаруви зарурлиги ҳакидаги сийкаси чиқкан жумлаларни бир неча ҳафта зерикарли оммавий йигинларда тутилиб-сutiлиб, ғулдираб юргандан кейин Стинерни расман лавозимга сайлаб қўйишди. Бор гап шу.

Жорж Стинернинг маъмурий ва сармоядорлик қобилияти бу лавозимга канчалик мос келиш-келмаслиги ҳакидаги масала, сирасини айтганда, агар шаҳарлар ичida Филаделфия ўша даврда энг омадсиз молиявий тизим ёки түғрироги, шу нарсанинг бутунлай йўқлигидан кийналмаганда, хеч кандай аҳамият касб этмасди. Гап шундаки, солик вакиллиги ёки хазинабонга шаҳарга қарашли маблағларни шаҳар ташқарисида-

ги пўлат сандикларга тўплаш ва саклаш хуқуки бериларди, бу маблағлар шаҳарга даромад келтиришини ҳеч ким талаб ҳам килмасди. Тилга олиб ўтилган мансабдор шахсларга лавозимдан кетиш вакти келганда факат асосий маблагни қайтариш мажбурияти юкланарди, холос.

Шу тарика тўпланган ёки ҳар қандай манбадан олинган маблагларнинг шаҳар газнаси пўлат сандикларида дахлсиз саклашини кўзда тутилмаганди. Бу пуллар ўсишга бериб юборилиши, банкларга депозиттага қўйилиши ёки хусусий корхоналарни молиялаштиришда фойдаланиши мумкин эди, ишқилиб, асосий маблаг қайтарилса бўлгани. Ўз-ўзидан маълумки, бундай молиявий сиёsat расман тасдикланган эмасди, аммо у ҳакда сиёсий доиралар ҳам, матбуот ва йирик сармоядорлар ҳам билар эдилар. Бунга қандай килиб нукта қўйиш мумкин эди?

Эдвард Мэлия Батлер билан амалий алоқага киришиб, Каупервуд ўз ихтиёри биланми ё билиб-билмайми, ифлос ва тубан найранглар гирдобига тушиб колди. Етти йил муқаддам "Тай ва К" идорасини тарқ этар экан, у биржадаги ўйинларда ҳеч қачон қатнашмасликка онт ичганди. Энди бўлса, яна шу ишга бош кўшиб ўтирибди, тагин янада кўпроқ иштиёқ билан, зеро, у энди ўзига, "Каупервуд ва К" фирмасига ишлаетган эса-да, янги мижозлари – тобора унинг хизматига ошикарётган кудратли олам вакилларининг хохишини кондириш иштиёқида ёнарди. Майли, кўп бўлмаса ҳам бу одамларнинг барчасида пул бор эди. Уларнинг барчаси четдан маълумотлар тўплар ва Каупервудга улар учун у ёки бошқа акцияларни гаровга сотиб олишни топширас эдилар, чунки унинг исми кўплаб сиёсий арбобларга таниш эди ва у анча ишончли одам деб хисобланарди. У шунака эди ҳам. Шу пайтганча у олиб-сотарлик килмас, биржада ўз хисобига ўйин ўйнамас эди. Ҳатто аксар шу йиллар мобайнода биржада бирон марта ҳам ўз исми билан иш тутмаганини, ўзгалар топширикларини бажариш билан чекланиш коидасидан бир қадам чиқмаганини ўйлаб, ўзига тасалли берарди. Мана, энди унинг хузурига биржа ўйнига бутунлай менгзаб бўлмаса-да, мохиятан ундан сира фарқ килмайдиган таклиф билан келиб ўтирибди.

Шу ерда бир гапни айтиб ўтиш керак бўлади, фуқаролар урушидан анча олдин ва уруш вақтида Филаделфияда ғазнада нақд маблағлар етарли бўлмаган чоғда шахар мажбуриятлари деган нарсалар чиқариш одати бор эди, бошқача айтганда, бу муддатли сумма миқдори ва хазинабон фикрича, шахар бу мажбуриятларни качон сотиб олиши ва тўлашига боғлик равишда гоҳо бир ой, гоҳо уч ой, баъзан олти ойда ўтадиган йилига олти фоизлик ўша векселнинг ўзи эди. Бу ҳам майда савдогарлар, ҳам йирик пулратчилар билан тўлов ишлари олиб боришнинг одатдаги усули хисобланарди. Бирок нақд пул бўлмаган ҳолда бириичи бўлиб шахар муассасалари етказиб берувчилари бу векселларни юзга тўқсон ҳисобидан ҳисобига олишларига тўғри келарди, бошқалари эса муддат ўтгунча бу нарсаларни кутиб туриш ва ушлаб туриш имконига эга бўлишарди. Бундай тизим, албатта, майда савдо одами учун бориб турган зарар эди, аммо йирик пулратчилар ва банкир идоралари учун бу фоят манфаатли эди, зоро, шаҳарнинг бу мажбуриятлар бўйича ўз вақтида тўлашига заррача шубҳа бўлиши мумкин эмасди, уларнинг йилига олти фоизлик мутлак ишончлилиги бўлган жойда ажойиб сумма эди. Майда савдогарлардан мажбуриятларни бир долларини тўқсон центдан сотиб олар экан, агар кутиб туриш имконига эга бўлсалар, банклар ва маклерлар пиорварлида мўмайгина пул ишлаб олар эдилар.

Аввалига шаҳар хазинабони, афтидан, ўз ҳамشاҳарларидан хеч кимнинг заарар кўришини хоҳламади – эҳтимол, ўшандагазнада ҳақиқатан ҳам тўлов учун нақд маблағ бўлмагандир. Бирок кейинчалик бу мажбуриятларни чиқариш хеч ўзини окламади-окламади, зоро, шаҳар хўжалигини тежамлирок юритиш мумкин бўлгандир. Бирок бу вақтга келиб бу мажбуриятлар, буни тасаввур килиш қийин эмас, маклер идоралари эгалари, банкирлар ва йирик олиб-сотарлар учун катта фойдалар манбаси бўлиб қолган эди ва шундай уларни чиқариш шаҳар молия сиёсати томонидан муттасил кўзда тутиб келинарди.

Аммо бу ишнинг тескари томони ҳам бор эди. Ўзи учун энг кўп фойдали бўлган холатдан фойдаланиш учун йирик банклар, мажбуриятларни тутиб турувчи яна “ўз одами” бўли-

шы керак, яны шаҳарнинг сиёсий раҳнамолари билан яхши муносабатда бўлмоғи лозим; бошқача айтганда, у нақд пулга муҳтож бўлиб қолганида ва у ўз мажбуриятлари билан шаҳар газнасига келгандা, улар бўйича хисоб-китоб қилиниши мумкин бўлмаган. Бироқ у уларни хукмдор суолага яқин турувчи биронта банкир ёки маклерга ҳавола килгудек бўлса, унда бошқа гап! Шаҳар газнаси мажбуриятларни тўлаш учун зудлик билан маблағ қидириб қоларди. Ёки бўлмаса, агар бу маклер ёки банкирга ўз-ўзидан равшанки, “ўзиники”га маъқул бўлса, уч ойга бсрилган ва сотиб олишга қаровчи векселларнинг амал килиш муддати яна кўп йилларга чўзилган ҳамда улар бўйича илгаригидек йилига олти фойздан тўлаб борилган, ҳолбуки, шаҳар уларни тўлаш учун маблағга эга бўлган. Шаҳар газнасини хуфия ва жинойи йўл билан талаш ана шу тарзда давом этган. “Пул йўқ!” – бу қоида барча қилвирилларни ҳам хаспушлаб турган. Кенг омма ҳеч нарсани билмаган. Касрдан ҳам биларди? Рўзномалар етарлича хушёрлик кўсатмасди, чунки уларнинг кўпчилигини ўша хукмдор суолола ўз томонига оғдириб олган бўларди. Озгина сиёсий мавқега ҳам эга бўлган одамлар ичдан бу сунистеъмолликларга қарши астойдил ва содик курашчилар илгари суримасди. Уруш давомида йилига олти фойздан тўлаб борилувчи тўланмаган шаҳар мажбуриятларининг умумий миқдори икки миллиондан ортик долларгача ўстган ва иш жанжалига айланган. Бундан ташкари, маблағ кўювчилардан айримлари ўз пулларини кайтариб олишини талаб этишни ўйлаб қолганлар.

Мана шу муддати ўтиб кетган карзларни қоплаш ва ҳаммаси яна “ўрага сичқон тушли, гулдур-гуп” бўлиши учун шаҳар хукмдорлари юз долларлик номинал билан фойзли сертификатлар кўринишида таҳминан икки миллион долларга (суммани алоҳида аниқ айтиш талаб этилмаган) заём чиқаришга карор килганилар, сертификатларни кисм-кисмлаб, олти, ўн икки ва ўн саккиз ойда сотиб олиш мумкин бўлган. Сотиб олиш учун амортизация фонди ажратган сертификатлар очик сотувга қўйилган, улардан тўпланган пулларга аллақачон муҳлати ўтиб кетган мажбуриятларни сотиб олиш

кўзда тутилган, сўнгги вактларда бу кўпгина нохуш талкинлар пайдо бўлишига олиб келди.

Бу барча хатти-харакатлар охир-окибат биттасидан тортиб олиб, бошқасига тўлашга олиб келиши мутлако равшан. Аслида хеч канаканги муддати ўтган мажбуриятларни сотиб олиш ҳакида гап бўлиши мумкин эмасди. Ҳамма гап шундан иборат эдики, ўша сулола сармоядорлари илгаригидек шахар ғазнасини кокиштириш билан овора бўлганлар: сертификатлар “кимга жоиз” бўлса юзга тўксон ва ундан ҳам камига сотилган, бунга шаҳарнинг карз бериш кобилияти пастлиги туфайли уларни очик бозорда сотилаётгани баҳона килиб кўрсатилган. Кисман шундай бўлган ҳам эди. Уруш якинда тугаганди. Пулнинг қадри баланд эди. Агар тўксон долларлик шахар заёми сертификатлари тақдим этилмаса, сармоядорлар истаган жойда анча баланд фоизларни ола билганлар. Бирок шахар маъмуриятига дахлдор бўлмаган ва унинг фаолиятига ҳушёрлик билан муносабатда бўлган бир гурӯх сиёсатчилар, шунингдек, катор рўзномалар ва сиёсатдан четда турган айрим сармоядорлар мамлакатда ваташпарварлик рухининг умумий кўтарилиши таъсири остида заёмни альпари усулида жойлаштиришни талаб эта бошлаганлар. Шу боис заём чикариш ҳакидаги карорга тегишли банд киритишга тўғри келган.

Ўз-ўзидан маътумки, бу ҳол заём сертификатини тўксон доллардан олиш илинжида юрган сиёсатдан ва сармоядорларнинг махфий келишувларини чиппакка чиқарди. Маблаг такчиллиги туфайли уларнинг сотиб олмаган шаҳарнинг муддати ўтиб кетган мажбуриятларида туриб қолган ўз пулларини у ёки бу тарзда кириб-киртишлаб олмоғи керак эди. Биргина йўли қолганди – биржани миридан-сиригача биладиган маклер топиш. Янги шахар заёмини тарқатишга киришган бу маклер унинг хўжакўрсинга маблаг сарфлаётгандек килиб кўрсатган ва шу тарика сертификатларни бир донасиши юз доллардан четга сотган бўларди. Кейинчалик эса, агар заёмнинг қадри тушиб кетса, (бу эса мукаррар эди) улар сертификатларни истаганча сотиб олар ва дастлабки куляй холдаёк уларни номинал киймат билан тўплаш учун шаҳарга тақдим эта оларди.

Айни шу вактда шаҳар хазинабони лавозимига ўтирган ва бундай мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун ертарлича молијавий кобилиятга эга бўлмаган Жорж Стинер озмунча ташвиш чекмади. Кўплаб эски шаҳар мажбуриятлари соҳиби, эндиликда пулларини Farbdagi истикболли корхоналарга кўйиш учун уларни олмокчи бўлган Генри Молленхауэр Стинер хузурига, шунингдек, шаҳар мерига ташриф буюрди. Симпсон ва Батлер билан биргаликда у “катта учлик” таркибига кирап эди.

— Мана бу муддати ўтиб кетган мажбуриятлар муаммосини бир ёклик килиш вакти келди, — деди у. — Менда улар жуда кўп тўпланиб колди, бошқаларда ҳам. Биз чурк этиб оғиз очмай, узок вакт шаҳарга ёрдам бердик, аммо энди ишга киришмасак бўлмайди. Мистер Батлер ва мистер Симпсоннинг ҳам фикри шундай. Янги заём сертификатларини жамгарма биржасида муомалага кўйиб ва шу тарика пулларни ишга солиб бўлмасмикан? Чаккои маклер уларни паритетгача олиб бориши мумкин.

Тарифдан Стинер ҳаддан ташкари хурсанд эди. Молленхауэр одамлар орасида камдан-кам кўринар ва бирон фойдаси бўлсагина шундай киларди. Энди у шаҳар мэри ва шаҳар кенгаси раиси хузурига ҳам ташриф буюрди, худди Стинер билан бўлганидек, улар билан сухбатда ўзини сипо, мағрут ва жиддий тутди. Ахир кечагина улар унинг оёғи тагида ўралашиб юрган югурлаклар эмасмиди?

Молленхауэрнииг нима учун Стинерга кизикиб колганини ва уникига килган ташрифи ва ундан кейин хазинабоннинг хатти-харакатлари нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини аниқлаб олиши учун тасвирланмиш воқеалардан олдинги сиёсий вазиятга бир назар ташлаш керак. Гарчи Жорж Стинер маълум даражада Молленхауэрнинг гумаштаси ва шотири бўлган бўлса-да, бирок уни сиртлангина биларди. Тўгри, у Стинерни бир неча марта кўрганди ва у ҳакда бир нималарни эшигтанди. бирок унинг номини номзодлар рўйхатига киритишга ўз якинларини Стинернинг “мўмин болакай” эканига, ҳеч қаҷон буйруқдан бўйин товламаслигига, ҳеч кимга ортиқча ташвиш келтирмаслигига ва ҳоказоларга ишонтириб, кўндири-

гандан кейингина рози бўлди. Молленхаузер илгарилари ҳам бошқа махаллий ҳокимиятларда шаҳар ғазнаси билан алокани узмаган эди, аммо шу кадар эхтиёткорлик килар эдики, ҳеч ким уни чув тушира олмасди. У сиёсий оламда ҳам, сармоядорлар оламида ҳам хаддан ташкари таниқли шахс эди. Шундай бўлса-да, Батлерми ё Симпсонни үйлаб гопган режадан у пинагини ҳам бузмади: сиёсий ва тижорат дунёсидан қўйилган шахслар ёрдамида шаҳар ғазнасидан нима бўлса шуни ими-жимида, шовкин-суронсиз сўриб олавериш режаси. Шундай килиб, биз тасвирластган воқеалардан бир неча йил олдинрок шу максадда маҳсус агентура ташкил этилган эди: шаҳар кенгаши раиси Эдвард Стробик, шаҳарнинг ўша найтдаги мери Эйс Конклин, олдерменлар Томас Уайкрофт, Жейкоб Хармон ва яна ташай одамлар. Улар турли-туман сохта номлар остида, шаҳар хўжалиги учун аскотиши мумкин бўлган ҳамма нарса билан савдо киладиган – тахталар, тош, темир, пўлат, цемент ва ҳоказо ва ҳоказолар – фирмалар туздилар, ўз-ўзидан равшанки, мазкур номлар ортида яширингандар учун бу катта-катта фойдалар келтиради. Бу эса шаҳарни ҳалол ва виждонли пурдатчилар кидириб топиш ташвишидан ҳалос киласди.

Каупервуд ҳакидаги бундан кейинги хикоя шундай “фирма”ларнинг камида учтаси билан боғлиқ бўлганидан, улар фолиятига кискача таъриф бериб ўтмок лозим бўлади. Уларга Молленхаузернинг энг ғайратли гумаштаси Элвард Стробик бошчилик киласди; бу ўттиз беш ёшлиардаги, озғин, корасоч, коракўз, шоп мўйловли, чаккон, юлдузни бенарвон урадиган одам эди. У олифталарча ва дид билан кийинарди – йўл-йўл шим, ок жилет, кора визитка ва шойи цилиндр. Оёғидаги хаддан ташкари бежамдор пойафзали ҳар доим ялтираб туради.

Хамкасабалардан иккитаси, мистер Томас Уайкрофт ва мистер Хармон бундай ёкимли ва кўркам кўринишга эга эмас эдилар. Кўпчилик ичida ҳамманинг энсасини котирадиган Хармон молиявий масалаларда дурустгина укувли эди. Ўзининг тунд кўринишига қарамай, барваста ва малласоч, кўнгир кўзли бу одам фаросатлигина ҳам эди ва ҳар доим унча йирик бўлмаган ва жиноят кодекси нуктаи назаридан анча хавфсиз бўлган ҳар қандай фирибгарликка бош кўшишга тайёр туради.

Ушбу фойдали, аммо нимиззатлы учликнинг сўнгги аъзоси. баланд бўйли, захил, ғамғин ва бўзранг чехрали, кўзлари ичига чукур ботган Томас Уайкрофт ташки кўринишдаи хунуккина бўлса-да, аклдан Худо берганди. Асли куювчи бўлган бу одам сиёсий фаолиятга тасодифан тушиб колганди. Стинер каби у ҳам фойдали бўлишнинг улдасидан чикарди. Стробик бошлигидаги турли-туман ва хийла ўзига хос ишлар билан шугулланувчи учликда иштироки туфайли у унча-мунча бойлик орттирганди, бу ҳакда куйнда сўз юритамиз.

Молленхаузер гумаштағари ташкил этган фирмалар муниципалитетининг эски таркибидаёк гўшт, курилиш ашёлари, фонус симёғочлари, шағал – хуллас, шаҳар хўжалигига талаб этилиши мумкин бўлган ҳамма нарса билан савдо-сотик киларди. Шаҳар топширган пудратни йўқ килиб бўлмайли, аммо уни олиш учун аввал шаҳар бошкармаси аъзоларидан биронтасининг томогини ёглаш керак бўларди, бунинг учун эса пул зарур эди. Фирма корамолларни сўйиш ёки фонус симёғочларини куйиши билаш ўзи шуғулланиши асло шарт эмасли. У факат бу ишни ташкил этиши, савдо патенти олиши, шаҳар бошкармасидан товар етказиб беришга пудратни тўғрилаши (бу ҳакда, албатта, Стробик, Хармон ва Уайкрофт жон куидиришади), кейин эса пудратни күшхона ёки куйиши заводи згаларига ишониб топширишлари керак, улар талаб этилган нарсани етказиб берадилар, воситачи фирмага фойданинг тегишли улушини ажратадилар; бу улуш, ўз навбатида, Молленхаузер ва Симпсонга таксимлаб берилади ёки кисман ҳавола этилади. Буни улар бошкарадиган сиёсий клуб ёки бирлашма эҳтиёжларига яхши ниягда берилган садака деса бўлади. Булар бари жуда жўн ва ҳаддан ташкари ноконуний бажарилади. Күшхона эгаси ёки куйиши заводи ўзи пудрат ололмас ва буни орзу ҳам килолмасди. Айни вактда шаҳар ғазнасини юритиб турган ва унча баланд бўлмаган фоизга күшхона эгасига ёки куйиши заводига мол етказиб беришни таъминлаш ёки пудратни бажариш учун зарур пулни карзга берган Стинер ёки биронга бошка одам на факат ўзининг бир ёки икки фоизини олиб чўнтағига урган (унинг издошлари шундай килар эди-

лар-да), балки яна фойдадан ҳам мўмайгина улуш олишган. Бош ёрдамчи сифатида Стинерга "узлари"дан бир ювош ва сир саклай биладиган одамни тавсия этиши. Хазинабонга Молленхауэр фойдасига иш туваётган Стробик, Хармон ва Уайкрофтларнинг асло дахли йўқ эди, ҳар замонда бир замон деганларидек, шаҳардан олинган маблағнинг бир кисмини мутлако кўзда тутилмаган нарсаларга ишлатар эдилар. Унинг иши шуларга пул карз бериб туриш эди.

Лескин кўрайлик-чи, бу ёги қандок бўларкин. Стинер шаҳар хазинабонлигига номзод килиб рўйхатга олингунга қадар Стробик – сирасини айтганда, шу лавозимни эгаллашда унинг қўлдошларидан бири (бунинг конунга хилофлиги шундок кўриниб турибди, чунки Пепсильтвания штати конституциясига кўра биронта ҳам расмий шахс бошқасининг қўлловчиси бўлиши мумкин эмас) – унга шама килиб айтдики, унинг сайланишига ҳамкорлик – конунга зид бўлган нарсани зинхор талаб этмайдилар, аммо у расамади билан иш тувиши, ошиб-тошиб кетган шаҳар бюджетларига каршилик кўрсат-маслиги, кискача айтганда, туз ичган тузлуғига тупурмаслиги керак. Яна икки карра икки тўртдай килиб шуни тушунтириб қўйишдики, у лавозимини бажаришга киришгани ҳамон унга ҳам устидан унча-мунча насиба келиб туша бошлайди. Олдин айтиб ўтганимиздек, Стинернинг бутун умр косаси окармай келарди. Сиёсатдонлик билан шуғулланувчи одамлар моддий жихатдан ўзларини ўнглаб олганларини у кўрди, суғурта ишлари ва кўчмас мулк савдоси агенти ўларок у эса қўл учida кун кўради. Майда сиёсий гумаштанинг боши сира оғир ишлардан чикмайди. Бошка сиёсий арбоблар шаҳарнинг янги туманларида данғиллама ҳовли-жойлар тиклаб олишди. Нью-Йорк, Гаррисберг ёки Вашингтонга қўнгилочар саёҳатлар уюштирадилар. Ёзги мавсумда улар хотинлари ёки жазманлари билан шаҳар ташқарисидаги отелларда дилхушлик килидилар, унга эса шўх-шан тақдир даврасига олиб киравлигидан йўл ҳамон ёпик эди. Бу барча имтиёзлар унинг хаёlinи банд этиши турган гап ва у тиришқоғлигидан мамнун эди. Охири унинг ҳам егани олдида, емагани кетида бўлар-ку.

Молленхауэр унинг хузурига келиб ва шаҳар заёми нархини паритетгача кутариш зарурлиги ҳакида ўз фикрини айтганда – ҳолбуки бу сухбат Молленхауэр Стробик ва бошкалар оркали хазинабон билан кўллаб-кўлтиклаган муносабатларга бевосита дахл килмаса-да, – Стинер хўжайнининг амрона овозини эшишиб, ўзининг сиёсий хушомадгўйлигига имзо кўшишга шошилди ва муфассалроқ маълумот олгани Стробик томон отилди.

– Менинг ўрнимда бўлганингизда нима килар эдингиз? – сўради у Стробикдан. Молленхауэр хазинабоннинг олдига борганини у биларди, аммо бу тўғрида унинг ўзи гап очишини пойларди – Мистер Молленхауэр заёмнинг биржада муюмала-да бўлишини ва паритетгача чиқарилишини, яъни бир сертификати юз доллардан кетишини хоҳлашини айтди!

На Стробик, на Хармон, на Уайкрофт очик бозорда тўксон долларга баҳоланаётган шаҳар заёми сертификатлари биржада юздан сотилишига кандай эришишни билар эди, бирок Молленхауэринг Эблер Сангстэк деган котиби Стробикка ёш Каупервудга мурожаат килишни эслатди: нима бўлганда ҳам у билан Батлер иш олиб бормоқда. Молленхауэр эса, афтидан, бу ишга ўзининг шахсий маклерини жалб этишга ундамаётганди, Каупервуднинг олдидан бирров ўтилса нима килибди.

Фрэнкнинг Стинер хузурига киришига таклиф олиши ана шу тарика рўй берди. Унинг хонасига киргач ва унинг ортида Молленхауэр ва Симисон турганидан бехабар ҳолда у бу яноклари чиққ одамга, унинг ғалати бурилган оёғига бир қарашдаёк молиявий ишларда хазинабон гирт болакай эканини англади. Оҳ, бутун турт йил давомида унинг қошида маслаҳатчи, унинг ягона маслаҳатчиси бўлсами!

– Салом, мистер Стинер, – деди Каупервуд мулойим ва мийигида жилмайиб, у сўрашгани қўлини узатганда. – Сиз билан танишганимдан хурсандман, албатта.

Нимадан кийналаётганини узок ва эринмай Каупервудга хикоя килди. Гапни узоқдан бошлаб, дам-бадам тутила-тутила олдинда турган кийинчиликлардан кандай қўрқаётганини тушунтириб берди.

— Менинг тушунишимча, асосий вазифа шундан иборатки, мана шу сертификатларни алпарида муомалага киритиш лозим. Мен уларни истаган гурӯҳларда ва сиз хоҳлаган суръатда чикара оламан. Ҳозирги вактда мен икки юз минг долларлик киска муддатли мажбуриятларни тӯлашга етарли пулни ишлаб олмокчиман, кейин эса — омадга қараб.

Каупервуд ўзини соппа-соғ, аммо уни тинчлантиришларини каттиқ истаётган, бунинг учун катта ҳак беришга тайёр bemорнинг имкониятларини тикилаётган шифокор киёфасида хис этди. Жамғарма биржасининг ўйлаб чиқилган айёрликлари унга кундай равshan эди. Борди-ю, заём муомаласи сўзсиз унинг қўлига тушгудек бўлса, борди-ю унинг шаҳар манфаатлари йўлида иш тутаётганини сир саклашга муваффак бўлинса ва ниҳоят, борди-ю, Стинер унга биржада “хўқиз” ролини бажаришга, яъни амортизация фонди учун сертификатлар сотиб олишга ва айни вакғда пул киймати ошганда уларни чакконлик билан сотишга йўл қўйиб берса, ҳатто энг кўп миқдорда чиқарилганда ҳам ажойиб натижаларга зришади. Аммо у якка ўзи иш тутмоғи ва ўз агентларига эга бўлмоғи керак. Унинг миясида режалар пайдо була бошлиди, бепарво биржачиларни пасайтириш ўйинини ўйнашга қандай мажбур килиши керак: уларни ушбу заём сертификатлари муомалада тўлиб-тошиб ётганига ва уларни истаган вактда сотиб олишлари мумкинлигига ишонтира билиш керак, холос. Кейин уларнинг хушлари жойига келади-да, заёmlарни олиш мумкин эмаслигини кўрадилар, сабаби, барча сертификатлар унинг, Каупервуднинг қўлида бўлади-да! Аммо у ўз сирини дарров оча колмайди. Ҳе-йўқ, зинҳор-базинҳор! У сертификатлар кийматини паритетгача ошириб боради, кейин эса уларни сотувга кўяди. Ўшанда у ҳам бу ишда анча-мунча нарсалик бўлиб қолади! Булар барчаси ортида шаҳарнинг ўша сиёсий раҳнамолари яшириниб турганини ва Стинернинг ортида яна-да акллирок ва мухимрок одамлар турганини Каупервуд билмаслиги асло мумкин эмасди. Аммо бундан нима чикади? Стинер оркали унга мурожат килиб, улар ниҳоятда эҳтиёркорлик ва айёрлик билан иш тутганлар! Эҳтимол унинг Каупервуднинг номи маҳаллий

сиёсий доираларда салмокқа зга булаётгандир? Бу эса келажакда унга озмунча нарсалар вайда килмайди.

— Шундай килиб, мистер Стинер, — деди у хазинабоннинг гапларини тинглаб ва якшо йилларда у шаҳар заёмининг кайси кисмини муомалага кўймокчи эканлигидан викиф бўлгач. — Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўришим учун менга бир ё икки кун керак.

— Албатта, албатта, мистер Каупервуд! — хозиржавоблик билан рози бўлди Стинер. — Шошадиган жойим йўқ. Аммо бирон-бир тўхтамга келганимиз захоти менга хабар килинг. Айтгандай, кайси ҳайъатни ижарага оласиз?

— Биласизми, мистер Стинер, фонд биржасида биз, маклерлар, риоя қилишимиз шарт бўлган маълум нарх меъёри мавжуд. Бу — облигациялар ёки мажбуриятлар номинал кийматининг чорак фоизи. Тўғри, мен катор сохта битимлар тузишга мажбур бўлиб қолишим мумкин. Айнан канча битимлар эканлигини мен сизга кейинрок тушунтириб бераман, аммо бунинг учун мен сиздан ҳеч нарса олмайман, башартики гап орамизда колса. Сиз учун мен кўлимдан келган ҳамма нарсани киламан, мистер Стинер, бунга шубҳа килмасангиз бўлади. Аммо менга ўйлаб олишга бир-икки кун вакт берасиз.

Улар бир-бирининг кўлини кисиб кўйгач, тарқалдилар: Каупервуд олдинда йирик молиявий муомала турганидан мамнун бўлса, Стинер ишонса бўладиган одам топилганидан ўзида йўқ шод эди.

## XV бооб

**Б**ир неча кунлик мuloхазадан кейин Каупервуд ишлаб чиқкан режани тижорат ва сармоядорлик ишларига ушча-мунча фаҳми стадиган ҳар бир одам тўлиқ тушунади. Энг аввало хазинабон шаҳар маблағларини Каупервуд идорасида депозитга кўйиши керак. Шундан кейин шаҳар маблағларини Каупервуд иктиёрига топшириши ёки бўлмаса уни ўз дафтарлари бўйича

кредитга киритиши, шаҳар заёми сертификатларининг муайян партияларини, бошламаси учун икки юз минг долларни олиш хукуки тақдим этилиши лозим, чунки айнан шунча суммани тезда реализация килиш маълум бўлар эди, шундан кейин Каупервуд ушбу сертификатларни муомалага кўйиншини ва уларни паритеттгача олиб бориш чораларини кўришини зиммасига олади. Шунда шаҳар хазинабони уларни баҳолаш рўйхатига киритиш ҳакида арзнома билан бетӯхтов фонд биржа кўмитасига мурожаат килади. Каупервуд эса бу арзномани кўриб чиқишини тезлаштириш учун ўзининг бор обрўйини ишга солади. Тегишли рухсатнома келгандан кейин Стинернинг барча сертификатларини ўша оркали ва факат ўша оркали таркади. Шундан кейин Стинер унга амортизация фонди учун Каупервул канча сотиб олиш зарур деб хисобласа, ўшанча сертификатларни сотиб олишга изн беради, токи уларнинг нархи паритеттгача кутарилсин. Заём сертификатларининг талай кисми муомалага кўйиб юборилгандан кейин бунга эришиш учун уларни каттарок гурухларда яна сотиб олиш зарур бўлиб колиши мумкин ва бирмунча муддатдан кейин яна сотувга кўйилади. Сертификатларни факат номинал бўйича сотишни талаб килувчи қонунга маълум даражада қарши боришга тўғри келади, бу соҳта ва дастлабки битимлар то сертификатлар паритетга етмагунча хисобга олини майди, дегани эди.

Каупервуд Стинерга бу режа кўп афзаликларга эга эканини тушунтириб берди. Сертификатлар охир-окибат у ёки бу тарзда паритеттгача кутарилиши боисидан ҳар қандай одам каби Стинерга ҳам заёмли реализацийасини энг бошида арzonга сотиб олгани ва уларни нархи кўтарилигунча саклаб тургани халакит бермайди. Каупервуд Стинерга ҳар қандай суммага жонжон деб кредит очади, бунинг учун Стинер улар билан ҳар ойнинг охирида хисоб-китоб килиб туриши керак бўлади. Бунда ҳеч ким ундан сертификатларни албатта сотиб олишини талаб килмайди. Каупервуд унинг хисобини маълум, мўътадил маҳомга, дейлик, ўн моддагача олиб киради, шундай килиб, Стинер пул энди чўнтағимда деб хисоблай олади. Тушунмаган одам учун номаътум бўлган бундай усульнин тажрибали бир-

жачи беш күлдай билади. Иш бир одам ёки муайян одамлар гурухининг бевосита назорати остида бўлган қадриятларга дахл килганда, биржада азалдан энг хилма-хил тузоклар кўллаб келинган. Бу усул кейинчалик “Ири”, “Стандарт Ойл”, “Мис”, “Шакар”, “Бугдой” ва бошка акцияларда қўлланганнидан заррача фарқ килмаган. Ҳали ёш биржачи хисобланган Каупервуд биринчишардан бўлиб бундай ишилар қандай амалга оширилишини англаб етганди. Унинг Стинер билан биринчи учрашуви вактида у йигирма саккиз ёшда эди. У билан охирги марта ҳамкорлик килганда у ўттиз тўрт ёшда эди.

Ота-бала Каупервудлар хонадонлари учун уйлар куриш ва “Каупервуд ва К” банкирлик биноси олд десворини таъмиглаш жадал суръатлар билан давом этарди. Идора олд девори илк флорентия услубида тикланганди, у деразали бўлиб, юкори томон ингичкалашиб борар, нафис ўймакори устунлар оралиғида накшин кўйма эшик бор эди, карнiz кўнгир оҳактошдан ясалганди. Бу унча баланд бўлмаган, аммо нафис ва улугвор эшик ўртасида маҳорағ билан зарб килинган ингичка, нафис кўл ёник машъалини кўтариб турарди. Элсуорт Каупервудга қадимда Венецияда бундай қўлни саррофлар дўконидаги лавхаларда тасвирилаганлар, бирок энди бу тамганинг ластлабки маъноси унтутилиб кетганини айтди.

Хона ичкарисига ялтирок ёғочдан парлоз берилган эди, ёғоч тўсин унга безак бўлиб хизмат килган. Суйри, чўзинчок, тўртбурчак ва доирасимон майда ўйма накшли, шиша кўзли деразалар чаракларди, улар кўзни яшнатувчи суврат бўйлаб жойлаптирилганди. Газ шохчалар рим шамлонларидан намуна олиб ясалганди, идора пулат сандиги эса бeszак бўлиб хизмат қилганидан кишини ажаблантиради: у идора тўридаги мармар супачада турарди ва унинг локланган кумушранг сиртида зарҳал ҳарфлар билан “Каупервуд ва К” деб ўйиб ёзилганди. Юксак дид билан безатилган бутун хона айни вактда гуркираш, салобат ва мустахкамликдан дарак бериб турарди. Бино тайёр бўлганида, Каупервуд уни кўздан кечириб чиқди ва мамнун холда Элсуортин мактаб қўйди:

— Менга ёқди! Бу жуда гўзал. Бу ерда ишилаш ҳузур. Агар ҳовли ҳам шунака чикса, бу жуда зўр бўларди!

— Макташга шошилмані, улар ҳали тугалланмаган! Шунга карамай, сиз мамнун бұларсиз деб үйлайман, мистер Кау-первуд. Ҳажми унча катта бұлмаганидан уйинің из борасида озмунча бош қогиришимга түгри келади. Отангизининг уйини куриш анча осоп кечади. Лекин сизники...

Шундай дея у вестибюл ва каттау кичик меҳмонхона бұлматарини тавсифлашга тушиб кетди, у уларни шундай жойлаштирган ва пардозлаган әдикі, ҳажми унча катта бұлмаса-да, улар апчы кенг ва лаблабали күринарди.

Күрілиш ніхоясига етганда маълум бұлдикі, ҳар иккала уй чинданам ғоят таъсирчан, антика әди ва құшниларнинг жүн хөвліларига сира үхшамасди. Уларни йигирма фут энлик-даги яшил майсазор ажратиб турарди. Тюдорлар мактабидан ниманидир олган меъмор кейинчалик Филаделфия ва бошка америка шаҳарларидаги күплаб хөвліларни ажратиб турган жимжимадорликдан воз кечганди. Айникса кенг, пасгак, хасис безакли аркларда жойлашған әшиклар чиройли әди, учта ойнаванд дарча гайриоддий шаклда ясалғанди, битгаси иккінчи қаватда Фрэнкнинг хонаси ёнида бұлса, иккитаси пастда, ота уйининг деворида жойлашғанди. Ҳар иккала уйнинг пастки қаватида кишки боғлар барпо этилғанди — улар бир-бирига карама-карши жойлашғанди, умумий сағннинг ўртасида эса диаметрні сакқиз фут ксладиган ок мармар фаввора бұлиб, ундағы мармар хайкалча устидан сув жилдираб тушиб турарди. Баланд, туйнуклари бор, яшилтоң-кулрант әшикли девор билан куршалған бу сахн бутунлай яшил барқут майса билан қолланғанди ва юмшоқ яшил гиламни эслатарди. Уй тикланған ғишт махсус гранит рангидә пиширилған бұлиб, устидан мармар коплаб чикилғанди. Энг аввалдаёк айтиб үтганимиздек, ҳар иккала уйни кишде ойнавандлаб қўйиладиган яшил устунли айвон туташтириб турарди.

Энди Элсуорт аста-секин хоналарни турли даврларга мос қилиб пардозлай ва жихозлай бошлаганди, бу Фрэнк Кау-первуднинг бадиий дидини ривожлантиришда катта аҳамият касб этди ва санъатнинг буюк дүнёси ҳақидаги таассуротини кені айтириб юборди. Бу жиҳатдан унинг учун Элсуорт билан

мъеморчилик ва мебел услугуб ва хиллари, ёғочнинг турли хиллари, накшларнинг ишлатилиши, тўқималарнинг пишиклиги, парла ва дарпардашлардан тўғри фойдаланиш, мебелларга фанер коплаш ва паркетнинг хилма-хил турлари ҳакидаги узундан-узок сухбатлар ғоят ибратли ва қадрлидир. Мъеморчилик билан бир каторда Элсуорт яна бозак санъатини ўрганди ва америка ҳалқининг бадиий диди ҳакидаги масаласи ҳакида кўп мулоҳаза юритди: бу дид, у тасаввур килганидек, вакт ўтиши билан ғоят ривожланиб кетиши керак. Ўша вактда шахар ташқарисидаги вилланинг оддий уй билан романча усулда бирикиб кетиш ҳоллари азбаройи қўплигидан унинг кўнглига зигир ёғдай урганди. Қандайдир янги нарсанинг вакти келганди. Бу янги нарса қанака бўлишини хали унинг ўзи билмасди, бироқ уни ҳалитдан кувонтирган нарса шу эдикি, Каупервудлар учун лойиҳалаштирган уйлар антика, оддий ва кўзга ёқимли ташланадиган эди. Шу сифатлари туфайли улар кўчанинг қолган барча кисми мъеморчилиги фонида якъол ажралиб турарди. Элсуорт фикрича, Фрэнк уйининг пастки қаватида куйидагилар жойлаштирилган эди: емакхона, танобий, киншки боғ ва тамаддихона, шунингдек, асосий вестибюл, ички зинапоя ва унинг тагидан кийимишлгич жойи; иккинчи қаватда кутубхона, катта ва кичик меъмонхона бўлмалар. Каупервуднинг иш кабинсти ва Лилианнинг гуслхона билан туашшиб кегувчи пардозхонаси, дид ила жихозланган учинчи каватда болалар хонаси, хизматкорларнинг хоналари ва меъмонлар учун бир неча ҳужра жойлашганди.

Элсуорт Каупервулни мебел, портьер, сервант, жовончалар, пардоз-андоз қугилари ва энг ноёб шакллардаги рояллар нусхалари билан таништириди. Иккаласи биргаликда ёғочга ишлов бериш турлари ва унинг хилма-хил навлари: кизил, кирмизи, ёнғоқ, инглиз эмани, клён. "Куш кўзи"ларин мұҳокама қилди. Элсуорт "буль" мебелини тайёрлана канака маҳорат талаб этилиши ва унинг Филаделфияда канчалик максадга мувофиқигини тушунтириб берди: бринч ёки тошбака нусхалари офтоб ва намлиқдан тоб ташлаб юборади, кейин эса шишиб, ёрилиб кетади. У яна пардозлаш турларининг айримлари мураккаб-

лиги ва кимматлиги ҳақида хам сўзлади ва пировардида катта меҳмонхона учун зарҳал мебелни, кичиги учун гобелен намоёни, ошхона учун француз ренессансини, бошка хоналар учун эса – “куш кўзи”ни (бир жойда зангори бўлса, яна бир жойда табиий рангда), шунингдек, ўймакори енгил ёнғок мебелни тавсия этди. Портъерлар, гулкоғозлар ва гиламлар, унинг айтишича, мебел копламаси билан уйгуналашиб кетиши керак, аммо ранглар бир-бирига жудаям ўхшаб қолмаслиги лозим.

Элсуорт яна учбурчак шаклдаги роялга буюртма бериши тавсия этди, чунки тўртбурчаги мунг уйғотади. Каупервуд сеҳрлангандай унинг оғзига тикилиб колганди. Унинг кўз ўнгидаги данғиллама, шинам, чиннидай уй гавдаланган эди. Агар уйида сувратлар бўлишини хоҳласа, улар зарҳал ўймакори ромларга солинган бўлиши керак; борди-ю, у бутун бир суратлар уйини ташкил этмокчи бўлса, унинг тагидан кутубхонани жойлаштириш мумкин, китоблар эса иккинчи каватда кутубхона ва кичик меҳмонхона оралигига жойлашган кагта меҳмонхонага териб кўйилади. Кейинчалик, Фрэнкда рангтасвирга чинакам муҳаббат пайдо бўлгач, у шу фикрни рӯёбга чикаради.

Шу вактдан бошлаб унда санъат ва бадиий буюмлар, сувратлар, бриңч, ўймакори майда безак буюмлар ва хайкалчаларга жонли кизиқиши уйғонди ва ўзининг янги уйидаги жончалар, қутичалар, столчалар ва этажеркаларни шулар билан тўлдириб ташлади. Филаделфияда шу хилдаги чинакам нафис нарсаларни топиш умуман кийин эди, дўконларда эса мутлако бўлмасди, тўғри, кўплаб хусусий уйларда узок саёҳатлардан келтирилган безак буюмлари мўл-кўл бўларди, бирок Каупервуднинг ҳозирча шаҳардаги “энг яхши оиласлар” билан алоқалари оз эди. Ўша вактларда икки америка ҳайкалтароши: Пауэрс ва Хосмер машхур эди, Фрэнкда уларнинг асарлари бор эди, аммо Элсуортнинг айтишича, бу санъатдаги энг сўнгги ютуклар эмасди ва у қандайdir қадимий ҳайкалдан нусха сотиб олишни маслаҳат берди. Охири Каупервуд Торвалдсен ишлаган Давиднинг калласини сотиб олишга муваффак бўлди, бундан у ниҳоятда ҳаяжонга тўлди, яна Хант, Сюлли ва

Хартнинг пейзажларини сотиб олди, улар қай даражададир замонавийлик руҳини бағишиларди.

Бундай уй, шубҳасиз, ўз эгаларида яхши таассурот қолди-рарди. Биз ўзимизни тураган-жойларимиз таъсиридан ташқарида ва ҳатто юкорида турадиган индивидуумлар деб биламиз: бирок улар ва бизнинг ўртамиизда кўз элас-элас илғайдиган алока мавжуд, шунинг таъсирида шу даражадаги буюмлар бизнинг кандалигимизни билдириб турганидиск, биз ҳам уларни шундай билдириб турамиз. Одамлар ва буюмлар ўзаро бир-бирла-рига ўз афзалликларини, дидларини ва кучларини кўз-кўз ки-либ туради, худли бўзчининг мокисидек, гўзаллик ёки унинг тескариси биттасидан бошқасига ўтиб тураверади. Ипни узиб, одамни у мансуб бўлган ва ўрганиб қолган нарсасидан маҳрум этиб кўринг-а, кўз олдингизда ё бир омадли, ё омадсиз одамнинг кўримсиз киёфаси намоён бўлади, у тўрсиз ўргимчакка ўхшаб колиб, то унинг ҳукуки ва имтиёзлари ўзига кайтарилмагунча ўргимчаклик хусусиятига эга бўла олмайди.

Янги уйи кад кўтара боргани сайин Каупервуд ўзини одамдай ҳис килмоқда эди, шаҳар ҳазинабони билан кутилмаганда юзага келган муносабатлар эса Елисей омад даласидаги ланг очик эшик бўлди. У гижинглаган сағриндор, сайис ва арава-каш абзалларини обдон ялтиратиб тозалаган кўш отли арава-да шаҳар ичидан кетиб борарди. Элсуорт ҳар иккала хонадон ўртасида фойдаланиши учун янги уйлар ортидаги кўчада кенг отхона қурганди. Фрэнк хотинига янги уйга кўчиб ўтишлари билан “виктория” олиб беришни ваъда килди – ўша вактларда усти очик ва пастак тўрт ғилдиракли аравани шундай атар эдилар, – ахир уларнинг юришлари кўп бўлади-ку. Биз окшом зиёфатлари берамиз, деди у. чунки у дўстлар даврасини кен-гайтириши керак бўлади. Синглиси Анна, укалари Жозеф ва Эдвард билан зиёфатлар чоғида иккала уйдан фойдаланадилар. Нима учун Анна ўзига ажойиб жуфтлик топмас экан? Умид киладики, Жо ва Эдни ҳам ўзларига муносиб кизларга уйлантириб кўяди, чунки тижоратда улар кўп нарсага эриша олмасликлари ҳазирданоқ маълум бўлиб колди. Аммо улар ҳам олма пиш, оғзимга туш, деб қараб ўтиришмас.

– Ё булар сенинг кўнглингга тўри келмадими? – сўради Фрэнк зиёфатлар хакидаги сухбатдан сўнг.

Лилиан эринчоклик билан жилмайиб қўйди.

– Ўрганиб кетарман, – жавоб берди у.

## XVI боб

**Х**азинабон Стинер ва Каупервуд ўртасида битим тузилганидан кейин кўп ўтмай уларнинг фикрларини рӯёбга чиқариш учун мураккаб сиёсий-молиявий машина ишга тушиб кетди. Ўн йил ичида тўланадиган олти фоизли сертификатлардаги икки юз минг доллар шахар бошқаруви дафтари бўйича “Каупервуд ва К” банкирлик идораси хисобига ёзиб қўйилди. Каупервуд тўқсон доллардан ортиқ нарх бўйича заёмни унча катта бўлмаган кисмларда таклиф эта бошлади, бунда у маблагни бундай жойлаштириш катта фойда келтиради, деб турли йўллар билан одамларнинг кулогига куяр эди. Сертификатлар киймати тобора ортиб борарди ва Фрэнк уларни янада каттароқ микдорда сотар эди, шу тарика улар юз долларгача кўтарилди ва икки юз минг доллар – икки минг сертификат кичик-кичик кисмлар билан охиригача таркалиб бўлди. Стинер мамнун эди. Унга қарши ва донаси юз доллардан сотилган икки юз сертификат унга икки юз минг доллар наф келтирди. Бу ноконуний, гирром йўл билан ишлаб топилган наф эди, бирок Стинернинг виждони унчалик кийналмасди. Унда виждоннинг ўзи бор эди дейсизми? Стинер баҳли келажак иштиёкида ёнарли.

Шу тарика Каупервуднинг кўлида канақанги кўзга кўринмас, қудратли куч тўпланиб колганини тўла англаб етиш кийин эди. У бор-йўғи йигирма тўккиз ёшли эканини унутмаслик керак. Акциялар, сертификатлар, облигациялар ва накл пуллар кўриниши остида шашка ёки шахмат тахтасида дона сурган одамдек бемалол катта-катта микдорлаги бир-бирига “уриб” ўйнаётгани истеъодли сармоялорни кўз олдингизга келтиринг.

Яна шахмат сирларини чукур эгаллаган мохир шахматчини тасаввур килинг – таxтага орка ўгириб ўтирганча у бараварига ўп түрт ўйинчи билан шахмат ўйнайды, галма-галдаң қандай юриш кераклигини тушунтириб боради, барча таxталардаги тоштар жойлашувини эслаб қолади ва, албатта, охирида ютиб чиқади, тұғри, ўша вактда Каупервуд хам у қадар мохир эмасди, бирок бу киёс барибир мутлако мос келарди. Пулни пул билан қандай ўйнаш кераклигини унга юраги айтib туарди, – у пулларни бирор жойда нақд депозитда сақтай олар ва айни вактда қарзға беріб фойдаланарди хам, күпгина бошка жойларда айланма ческлар учун база килиб құярди. Бу муаммоларни ҳар тарафлама ўйлаб, изчил амалға ошириш натижасыда у әнди биттасини унинг күлига келиб тушган дастлабки мікдоридан ўн, гоҳо эса йигирма баравар ортиғига сотиб олиш кобилятиға эга эди. Каупервуд савки табиат ила күтариш ё пасайтиришлеск ўйин қоидаларини ўзлаштириб олғанди. Кун-бакун, йилма-йил шаҳар сертификатлари кийматини ўз билгича пасайтириш ва күтариш йүлларини аник билибгина колмай (албатта, ҳазинабон ўз таъсирини ўтказиша давом этса). шу заём ёрдамида банкларда илгари етти ухлаб тушига кирмаган бундай кредит билан олдиндан уннің розилигини қандай олишни хам дүндирарди. Юзага келган вазиятдан энг биринчиларидан бұлиб отасишиңг банкidan фойдаланди ва Фрэнкка кредитни кенгайтириб күйди. Маҳаллий сиёсий раҳбарлар ва ишビルар монлар Молленхауэр, Батлер, Симпсон ва ҳоказолар уннің муваффакиятларига амин бұлиб, шаҳар заёмини олиб-сотарлікка күйиб юбориши. Шахс сифатида бұлмаса хам шаҳар заёми чикаришдаги ишларни қойилмаком адo эта оладиган одам сифатида Каупервуд Молленхауэр ва Симпсонға маълум эди. Каупервудга мурожаат килиб, Стінер ғоят оқилона иш килибди, дейиши үлар. Жамғарма биржаси қоидалари барча битимлар кун охирига кеслиб яқунланишини ва эртаси кун охиригача баланс қилинешини талаб этар эди: бирок янги ҳазинабон билан келишув Каупервудни бу қоидага риоя килишдан күткариб коларди ва заём чикариш билан боғлик барча битимларда хисобот бериш учун унинг ихтиёрида ҳар доим кейинги ойнинг биринчи кунигача гоҳида роса ўттис кун вакт бұларди.

Боз устига, буни аслида хисобот деб ҳам бўлмасди, зеро, барча коғозлар унинг кўлида қоларди. Заём миқдори жуда катта бўлганидан Каупервуднинг бисотила колган пуллар миқдори ҳам катта бўларди, трансфертлар ва баланс маълумотлари олган нарсалар эса ой охирига келиб, қурук гапга айланиб қоларди. Фрэнк олиб сотарлик килиш, карз (ссуда) билан таъминлашда уларни ҳар кандай банкда депозитда саклаш ва шу тариқа улар устидан расмий кийматининг етмиш фоизигача накд пул олиш максадида шахар заём сертификатларидан фойдаланиш имконига тўла эга эди ва буни вижданни кийналмасдан бемалол бажаарарди. Шу йўл билан топилган, ой охирига келибгина хисобот бериладиган бу пуллардан Каупервуд бошка биржа муаммоларида фойдалана оларди, бундан ташқари, улар янги-янги пул миқдорларини банд этиш имконини берарди унга. Унинг захиралари энди чексиз равишда кенгайганди, – уларга факат вакт ҳамда унинг гайратию топқирилиги чегара бўлиб турарди. Бу корхона Каупервуд учун соғин сигир бўлиб колганини шахар раҳбарлари ҳатто тасаввур ҳам эта олмасди, зеро, унинг аклу заковати ўткирлигига шубҳа килмас эдилар. Шахар мэри Стробик ва бошқалар билан олдиндан музокарапар олиб бориб, Стинер Каупервудга йил давомида шахар бошкармаси дафтари бўйича барча икки миллионлик заёмни ўтказишини айтди, Каупервуд жавобан чурк этмади – ҳаяжон унинг оғзиға тамба урганди. Икки миллион! Тағин бу пулларни ўз билгича тасарруф килади! Уни молия маслаҳатчиси бўлишга таклиф этишди, у маслаҳат берди ва бу маслаҳат инобатга олинганди! Ажойиб! Каупервуд виждан азобидан кийналишга мойил одамлардан эмасди. У ўзини ҳалол сармоядор деб биларди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Стинернинг шахар маблағларини ҳар кўйга солиши конкали темир йўллари назорати ҳакидағи масалада махаллий юхолар билдирган фикрга хеч кандай дахл килмасди; бу масала шахар молиявий ҳаётида янги ва ҳаяжонга солувчи босқични ўзида намоён этарди. Унга етакчи сармоядорлар ва сиёsatдонлардан кўпчилиги, масалан, Молленхауэр, Батлер ва Симпсонлар кизикиб колган эдилар ва бу ерда якка-якка, ҳар кайси ўз боши билан жавоб бериш шарти

билан харакат килар эдилар. Бу гал улар ўртасида тил бириктириш бўлмади. Тўгри, бу масалага чукуррок кириб бориб, улар эҳтимол, чет шахснинг аралашувига йўл қўймасликка қарор килган бўлишарди. Бироқ унда Филаделфияда конкали темир йўл излари шунчалик оз эдики, кейинчалик бўлганидек, конкали темир йўлларнинг йирик бирлашмасини яратиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Шундай бўлса-да, Стинер ва Каупервуд ўртасидаги битимдан дарак тошиб, Стробик Стинернинг ҳузурига келди ва унга ўзининг янги гоясини баён этди. Каупервуд туфайли уларнинг ҳаммаси озмунча нарсага эга бўлишмайди, энг аввал Стробик билан Стинернинг қўйин-қўнжилари гўлади. Ундай холда уларнинг, тўғрироғи, Стинернинг маҳфий вакили сифатида Каупервуд билан биргаликда унга ва Стинерга нима халакит беради? Зоро, Стробик бу ишда конкали темир йўл изларидан бирининг кўпроқ акцияларини сотиб олишга ва унинг устидан ўз назоратини ўрнатишда ошкора иштирок этишга журъат қиломасди. Кейин эса, агар Стробик муниципалитетдан янги излар ётказиши рухсат ололса, бу излар барибир унинг қўлида бўларди. Тўғри, Стробик сал нарига бориб Стинерни сикиб чиқаришни қўнглига тугиб қўйганди. Бу ёги энди ўшанда маълум бўлади. Ҳозирча эса кимдир тайёргарлик ишини ўтказиши керак, хўш, шу ишни Стинер бажарса нима килибди? Айни вактда Стробик бундай “иш” каттик эҳтиёткорликни талаб этишини тушунарди, зоро, унинг шефлари, албатта, ҳар доим шай туришади ва борди-ю, улар унинг ўз шахсий манфаати учун бундай ишга илакишиб колганини билиб қолишиша, улар уни сиёсий фаолиятини давом эттириш имконидан маҳрум килиб қўядилар, ахир факат шунинг оркасидан кун кўриб юрибди-да. Шуни унутмаслик керакки, харакатдаги шахар изларидан бирига эгалик килиб олган ҳар кандай ташкилот, масалан, компания йўлни узайтиришга рухсат олиш ҳакида муниципалитет олдига арзнома билан чикиш ҳуқуқига эга. Бу шахар ободончилик фойдасига бўлар эди ва шу боисдан арзнома инобатга олинарди. Бунинг устига Стробик бир вактнинг ўзида конкали темир йўл акционери ва шахар мэри бўла олмасди. Каупервуд Стинер фойдасига хусусий тарзда иш тутса, бу бошқа гап!

Шуниси диккагга сазоворки. Стинер Стробик номидан Каупервудга баён этиб берган бу режа шахар амалдорлари-га нисбатан Фрэнкнинг нуктаи назарини тубдан ўзгартириб юборди. Каупервуд Эдвард Батлер билан факат хусусий тарзда унинг агенти бўлиб иш олиб борганига ва яна унинг Моллен-хауз билан ҳам. Симпсон билан ҳам бирон марта учрашмаганига карамай, у барибир шахар заёмларини муомалага кўйиб, аслида уларга ишлаётганини фахмлаб турарди. Бошка томондан, Стинер унинг хузурига келиб, конкали темир йўллар акцияларини сотиб олишни енг ичидатаклиф килганида, унинг ўзини тутишидан Фрэнк тушундиди, бу иш тоза иш эмас ва Стинернинг ўзи ҳам муддаосини қонунга карши деб билади.

– Айтинг-чи, Каупервуд, – гап бошлади шахар ҳазинабони, у бу иш ҳакида биринчи марта сўз очган ўша тонгда (улар Олтинчи ва Честнат кўчалари муюлишида, шахар бошкармасининг кўхна биносида ўтирап здилар ва катта унум тушишини олдиндан кўрган ҳазинабон хузурбахш кайфиятга берилганди). – муомалада биронта кўхна темир йўл қофозлари йўкми? Уларни сотиб олиш, кейинчалик эса етарлича нақд пул тушганида шу йўлни кўлга олиш мумкин бўлармиди.

Бундай қоғозлар борлигини Каупервуд биларди. Унинг тез ишлайдиган мияси уларда қандай имкониятлар яширинганини аллақачон сезган эди. Омнибуслар аста-секин йўқолиб борарди. Конканинг энг яхши йўллари эгаллаб олинганди. Шундай бўлса-да, кўчалар ҳам етарли эди, шахар эса кунлаб эмас, соатлаб ёйилиб борарди. Ахолининг ўсиши келажакда катта истикболлардан дарак берарди. Ҳозирда мавжуд киска излар учун ҳар қандай нархни тूлаш ва таваккал килиш мумкин, – башартики яна-да гавжумрок ва бойрок туманларда йўл ёткизилиб, кутиб туриш ва кейинчалик уларни узайтириш имконияти бор бўлса, Каупервуднинг миясида кейинчалик “сўнгсиз силсила” ёки “мақбул коида” деб аталган ғоя пайдо бўлди. у куйидаги лардан иборат эди: тўлов катта муддатли у ёки бу мулкни сотиб олиб, сотовчини каноатлантиришгина эмас, балки меҳнати учун, ўзини тақдирлаш учун ҳам кифоя киладиган акциялар ёки облигациялар чикариш, шу йўл билан бошка худди шун-

дай корхоналарга сарфлаш мүмкін бўлган кўплаб маблағларни сотиб олиш ҳакида гапирмаса ҳам бўлади, кейин эса шуларга асосланиб, янги акциялар чиқарилаверади, бу эса яна сўнгиз равишда давом этаверади! Кейинчалик бу одатдаги иш усули бўлиб колди, аммо ўша паллада бу янгилик эди ва Каупервуд ўз ғоясини маҳфий саклаб турди. Шундай бўлса-да, Стинер у билан гаплашганида, у суюниб кетди, зоро, конкали темир йўлларини молиялаштириш унинг эзгу орзуси эди ва у бир гал уларни қўлга киритгач, бу ишни бемалол жўнаштириб юборишига шубҳа килмасди.

— Ҳа, бўлмаса-чи, Жорж, — вазминлик билан жавоб берди у, — икки-учта шундай из борки, пул бўлса, вакти келиб дурустгина маблағ ишлаб олса бўлади. Биржала кимдир ҳалемай уларпинг акциялари пакетларини таклиф этмокчи бўлиб турганини илғаб колдим. Биз шу акцияларни сотиб олишимиз керак, кейин кўрамиз: балки эгаларидан яна битта-яримтаси ўз пакетини сотишини ўйлаб колар. Ҳозир менга Грин-стрит ва Коутс-стрит излари энг мағбаатли таклиф бўлиб турибди. Агар бисотимдан мана шу ишга аста-сскинлик билан сарфлаш учун уч юз-тўрт юз минг доллар пулим бўлганида, мен ишни бошлаб юборган бўлардим. Темир йўл назорати учун акционерлик маблағининг қандайдир ўттиз фоизи талаб этилади. Акцияларнинг кўпчилиги хеч качон умумий йигилишларда бўлмайдиган ва овоз беришда қатнашмайдиган майда эгалар ўртасида сочилиб кетган. Йўл назоратини тўла қўлга олиш учун, менимча, икки юз ёки уч юз минг доллар бемалол етарди.

Шу усул билан Каупервуд вакти келиб қўлга олиш мүмкін бўлган яна бир изни тилга олди.

Стинер ўйланиб қолди.

— Бу жуда катта пул! — иккиланиб дели у. — Бўпти, бошка вакт яна гаплашиб кўрамиз, — шундай деди-да, у маслаҳатлашгани Стробикнинг олдига йўл олди.

Бу ишга сарфлаш учун Стинернинг икки юз ё уч юз минг доллари йўклигини Каупервуд билар эди. Бунча пулни бир йўл билангина топиш, яъни фоиз ҳисобига шахар газнасидан олиш мүмкін эди. Аммо бир ўзи бундай ишга журъат килиши

амри маҳол эди. Унинг ортида кимдир турибди – бу Молленхаузер, Симпсон ёки бўлмаса Батлернинг ўзидан бошка ким хам бўларди. Агар бу ерда ҳам “учлик” енг ичида куроллантиrmаса, Каупервуд Батлернинг бу ишга бош кўшишига унча ишонмасди. Бунга ажабланмаса бўлади. Сиёсий раҳбарлар ҳар доим шахар газнасини ўмариб келганлар ва Каупервуд хозир бу ишда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳакидагина ўйлаётганди. Борди-ю, Стинернинг найранги муваффакият козонгудек бўлса, унга қандай хатар таҳдид солиши мумкин? Борди-ю, барбод топгудек бўлса, у нимага сунади? Аммо бу ҳолда ҳам Каупервуд фақат агент сифатида иш тулади! Боз устига, билардики, бу пулларни Стинер фойдасига ишлатар экан, ахвол кўнгилдагидек давом этиб турса, унинг ўзи бир қанча излар устидан назорат қилиш хукукини қўлга кирита оларди.

Хаммадан ҳам якинда унинг янги уйи ёнидаги Ўн еттинчи ва Ўн тўккизинчи номли кўчаларда ёткизилган изга қизқомоқда эди у. Бирон жойда узоқ ушланиб колганида ёки фойтунда кетишни хоҳламаганида Каупервуд баъзан шундан фойдаланарди. Из кизил ғиштили уйлар қад кўтарган икки гавжум кўчадан ўтарди ва вакти келиб, шахар кенгайганда, шубҳасиз, жуда сердаромад бўлиши керак. Аммо ҳозирча у ҳаддан ташкари киска. Мана шу изни қўлга киритиб, уни Батлер, Молленхаузер ёки Симпсон излари билан боғласа – бу изларни уларнинг номларига ўтказиб олгач, – ўшанда конун чиқарувчи мажлисдан курилишни бундан кейин ҳам давом эттиришга рухсат олса бўлади. Фрэнк Батлер, Молленхаузер, Симпсон ва унинг ўзи кирадиган концернни кўз олдига келтира бошлаганди. Мана шу таркибда улар хоҳлаган нарсага эриша оладилар. Аммо Батлер саҳоватпеша эмасди. У билан гаплашиш учун қўлда салмоқли дастак бўлиши керак. У бундай усульнинг жозибадорлигини ўз кўзи билан кўрмоги керак. Бундан ташкари, Каупервуд конкали темир йўллар акцияларини сотиб олишда Батлернинг агенти эди ва борди-ю, айнан мана шу из бундай фойдани ваъда килаётган экан, Батлер, табиийки, унинг акцияларини нима учун энг аввало унга таклиф

этимаганини сұраб колиши мүмкін. Яхиси, то йўл чиндан хам унинг, Каупервудники бўлмагунча сабр килиш керак, деган тўхтамга келди Фрэнк. Шунда иш бошқача бўлади: шунда бу Батлер билан сармоядор билан гаплашгандай гаплашади. Унинг кўз ўнгидаги шахар темир йўлларининг бутун бир тармоғи гавдаланли, уни бармок билан санаарли ишбилармонлар назорат қиласи, Каупервуднинг бир ўзи назорат қилса, нур устига аъло нур.

## XVII боб

**В**акт ўта бориши билан Фрэнк Каупервуд ва Эйлин Батлер бир-бирларини яқинрок била бошлишди. Тобора бошидан ошиб-тошиб бораётган ишлари билан мудом банд бўлганидан у ўзи хоҳлаганчалик зътибор карата олмаётганди, аммо ўтган йилда кизни тез-тез кўриб турарди. Эйлин ўн тўккизнинг устидаги булиб, бўй етиб колган ва карашлари яна-да мустақил-рок була бошлаганди. Масалан, уй қурилиши ва жихозланишида яхши ва ёмон диднинг фарқига бориб колганди.

– Дадажон, наҳотки биз ҳар доим мана шу молхонада яшаймиз? – дея бир куни кечкурун бутун оила ластурхони устидаги жам бўлганида у отасига мурожаат қиласи.

– Бу уйнинг нимаси ёмон экан, билсак бўладими? – деди Батлер, у чет одамлар бўлмаганида салфеткани ёқасига кистириб, столга капишиб ўтиради. – Онанг иккаламиз кўнгилдагидек яшаб турибмиз.

– Оббо дадажон-ей, шу ҳам уй бўлдими, кўриб турибсиз-ку! – гапга аралашди Нора; у ўн сттига кирганди ва у ҳам дангалликда опасидан колишмасди, бирок у ҳаётни камрок биларди. – Ҳамма шундай деяпти. Атрофга каранг, бир-биридан ажойиб уйлар.

– Ҳамма айтаяпти! Ҳамма айтаяпти! Хўш, кимлар экан ўша “ҳамма”, билсам бўладими? – деди киноя билан Батлер

хисёл гижиниб. – Менга, масалан, бу уй ёкади. Ҳеч ким бу ерда мажбуран яшаётгани йўқ. Хўш, кимлар экан ўша “ҳамма”, айтинглар-чи? Менинг уйимнинг нимаси ёмон экан?

Уй ҳакидаги масала биринчи марта кўтарилаётгани йўқ эди ва унинг муҳокамаси ҳар гал шунга олиб келардикি. Батлер ирландчасига мийғида кулиб кўярди-да, сукутга чўмарди. Бирок бу окшом мийғида кулиб кўйиши иш бермади.

– Уйимизнинг ҳеч нарсага арзимаслигини ўзингиз биласиз, дадажон, – жиддий деди Эйлин. – Нега жаҳлингиз чикали? Уй эски, хунук, ифлос! Мебелларининг шалоги чикиб ётиби. Мана бу рояль эса – эски матоҳ, аллақачон чикариб ташлаш керак эди. Мен энди уни чалмайман. Каупервудни-кида эса, масалан...

– Уй эски бўлиб колибдими? Ана, холос! – деди Батлер, азбаройи газабини босолмаганидан унинг ирландча лаҳжаси яна ҳам бўртиб. – Ифлос эмиш, ё тавба! Хўш, мебелимизнинг кайси бирининг шалоги чикиб ётиби? Кўрсат, қайси бири?

У кизининг Каупервулларга киёсини пучга чикариш учун енг шимарган ҳам эдики, орага миссис Батлер тушди. Бу тўладан келган, кенг юзли ирланд аёли бўлиб, кулранг кўзлари ҳар доим кулиб турарди, энди кўзлари нурсизланиб, малла сочларига оқ оралаганди. Юзининг чап томонида, пастки лаби ёнида катта холи бор эди.

– Болалар, болалар, – деди она (тижорат ва сиёсатдаги муваффакиятларига карамай, мистер Батлер унинг учун ҳамон гўдак эди). – Нега уришяпсизлар! Бас килинглар. Отангизга помидорни узатиб юборинглар.

Овкатланиш чогида ирланд оксочи хизмат киларди, бирок шунга карамай таомлар қўлма-қўл узатиларди. Стол узра оқ мармар шамдон кўринишидаги ажи-бужи килиб бўялган ўн олти газ шохли кандил паст осилиб турарди – бу Эйлиннинг бадиий дидига яна бир ҳакорат эди.

– Ойи, неча марта айтдим сизга “уришманлар” деган сўзни тилга олманг деб! – ялингандамо деди Нора, у онасининг нутқидаги нуксонларга токат килолмасди. – Бопка ундей килмайман деб сўз берган эдингиз-ку.

– Онага кандай гапиришни ўргатадиган сен ким бўлиб колиссан! – тутакиб кетди Батлер кизининг бу шарттакилигидан. – Шуни қулогингга куйиб олгинки, ойинг бу гапларни айтганида, сен дунёга келганинг йўқ эди. Агар бу умр бўйи чўрилардай меҳнат килмаганида, сен мана бунака килпанглаб, кийшанглаб юрмасдинг ҳам! Эсингда бўлсин бу гапим, эшитдингми? Сенинг ўша мингта дугонангии онангнинг изига олмайман, билдингми, ху бетгачопар бўлмай кет!

– Ойи, эшитдингизми, дадажоним мени нима деяптилар? – ўзини қўркиб кетган ва хафа бўлганга солиб. Нора ойисининг ортига яширинди ва пик-пик йиғлай бошлиди.

– Эдди! Эдди! – ёзгирик билан эрига деди миссис Батлер. – Нора, кизалоғим, ахир ўзинг биласан-ку, дадажонинг унақа ўйламайдилар. Шундайми?

Она “чакалоғи”нинг бошидан эркалаб силаб кўйди. Кизининг таънасини у заррача кўнглига олмаганди.

Батлерининг ўзи ҳам кенжা кизини бетгачопар деб атаганидан пушаймон эди. Аммо бу болалар – астағфиурлло! – нак кескирдагингга келтириб юборишади. Ахир инсоф билан айтганда, бу уйнинг нимаси ёмон экан?

– Шу дастурхон устида шовкин кўтарғанларинг ёмон-да, – деди Кэлем; у фарки кия очилган коп-кора сочини силлик тараган, мурти сабза урган чиройли йигитча эди. Буриниңнинг ўртаси хисёл бўртник бўлиб, кулоклари бироз диккайиб турарди, аммо ўзига етганча жозибадор ва ақлли эди.

У ҳам, Оуэн ҳам уйнинг ростдан беўхшовлигини ва жихозлари қўполлигини кўриб турарди, аммо оталари ва оналарига бу ердаги ҳамма нарса азиз эди, оиласда тинчлик-хотиржамлик бўлиши учун эса улар барчасига чидаб, сукут саклашни афзал билишарди.

– Биздан гариброк одамлар ҳам данғиллама уйларда яш-ეтганини кўриб, бизнинг мана бу гариб кулбада турганимизга чидолмайман. Аллакандай Каупервуд ҳам...

– Бунча “Каупервуд”лаб колдинг! Каупервуддан бошка гап куриб кетдими? – кичкирди Батлер, кенг, кип-кизил юзини ёнида ўтирган Эйлин томон буриб.

– Каупервуд бор йўғи сизнинг агентингиз, ўша ҳам биздан яхши яшайди!

– Каупервуд! Каупервуд! Уларнинг номини эшитишга токатим йўқ! Келиб-келиб мен Каупервулдан ибрат олиб колибманми! Уларнинг уйи ҳашаматли бўлса, менга нима? Бўлса ундан нарига! Мспинг уйим – бу менинг уйим! Менга шу ерда яшаш ёқади! Шунча йил яшаб, сифиб келган одам, энди сиғмай колдимми? Агар бу ерда яшаш сенга ёқмаса, ўзинг яхши билласан, мен сени ушлаб турганим йўқ. Қаёкка кетсанг кетавер! Мен бу ердан бир қадам жилмайман!

Арзимаган сабаб билан оиласда мана шунаقا айтишувлар бўлганда, Батлернинг кўлларини хотини ва болаларининг бурни тагида дўқ уриб ўйнатадиган одати бор эди.

– Ҳали ҳам кетаман бу ердан, турмайман! – жавоб берарди Эйлин. – Худо хоҳласа, бу ерда бир умр колиб кетмасман!

Унинг кўз ўнгига Каупервудларникидаги меҳмонхона, кутубхона ва пардозхона жонланиб кетди – Аннанинг айтишига караганда, улар якинда ишловдан чикиб бўларкан. Каупервудларникидаги зарҳал накшли, қизил ва кўк лок билан коплаб чикилган мафтункор, учбурчак роялни айтмайсизми! Уларнинг ҳам шунака ажойиб нарсалари бўлса, нима қилибди? Улар ўн баравар бой бўлишса кераг-ов. Аммо, у жонидан яхши кўрадиган отажониси эскичага муккасидан кетган одам эди. У ҳақда одамлар ҳам топиб айтишган – йўнилмаган ирланд пудратчиси. Унинг бойлигидан ҳеч кандай фойда йўқ эди! Эйлиннинг мана шундан жони чиккани-чикқанди: ҳам бой бўлиб, ҳам замонавийчасига, нафосатли яшаш яхши эмасми! Шунда улар... Эх, бекорга асабийлашгандан нима фойда! То у ота-онасига боғлик бўлар экан, у эскича яшашга мажбур. Факат сабр килиш керак бўлади. Бундан кутилишининг биргина йўли бор – ўзи хоҳлаган йигитга турмушга чикиш. Аммо бундай йигитни у қаердан топади?

– Бўпти, бутунча етар ади-бади килгандаринг! – муроса-соzlик билан деди вазмин ва бардошли миссис Батлер. Эйлиннинг нимага жигибийрони чикаётганини у жуда яхши билиб турарди.

– Яхши уйимиз бўлса, бунинг нимаси ёмон ўзи? – ҳамон паст тушгиси келмасди Эйлин.

– Ҳеч бўлмаса, шу уйимизни бошқатдан курсак, – шивирлади Нора онасига.

– Жим бўл! Ҳар нарсанинг ўз вакти-соати бор, – жавоб берди миссис Батлер Норага. – Мана кўрарсан, качон бўлмасин шундай қиласиз ҳам. Ҳозир эса, бор, дарсларингни кил. Кўп жавраб юбордиларинг!

Нора турди-ла, хонадан чиқиб кетди. Эйлин жим бўлиб колди. Унинг отаси шунака кайсар, гапга кирмайдиган одам. Аммо барибир у зўр! Галирган гапларидан пушаймон килдиromoқ ниятида у лабларини шиширди.

– Бўпти, етар, – деди Батлер, ҳаммалари дастурхондан тургач; у кизи ундан жаҳли чикаётганини ва бир нима билан тасалли берниш кераклигини тушуниб турарди. – Қани, бир роялда куй чалиб бер-чи, факат кувнокрогидан бўлснн!

У кизининг истеъоди ва усулини намоён этадиган, уни ҳайратга соладиган сершовкин, ўйноки куйларни яхши кўради. Унга берган тарбияси зое кетмаган: Эйлин мана шунака кийин куйларни тез ва маҳорат билан ижро этарди!

– Истасанг, ўзингта янги рояль сотиб олишинг мумкин. Дуқонга бориб, танла. Менга шуниси ҳам яхши, бирок сенга ёкмагандан кейин на илож.

Эйлин отасининг кўлинни енгил кисиб қўйди. Отаси билан баҳсласиб нима барака топарди? Бутун уйни, бутун оилавий муҳитни ўзgartириш талаб этилганда битта янги рояль нима берарди? Шундай бўлса-да, у Шуман, Шуберт, Оффенбах, Шопендан куйлар ижро этди, чол эса хона бўйлаб у ёқдан-бу ёкка юрар ва ўйчан жилмаярли. Баъзи нарсаларни Эйлин чинакам эхтирос билан ва таъсирчан ижро этарди, зоро, ўзининг жисмоний кучига, ғайрат ва шижаотга тўлиб-тошганига карамай, кизгина жуда нозик хис этар эди. Аммо отаси буни заррача пайқамас эди. У кизига, дуркун, бардам, мафтункор Эйлинга қарап экан, унинг ҳаёти канака бўлиши ҳакида ўйларди. Биронта бой одам унга уйланади, ишбилармонлик лаёкати кўриниб турган одобли, жуда ҳам бой йигит бўлади у, ота эса пуштикамаридан бўлган боласига бир дунё пул колдиради.

Янги уйга кўчиб кириш муносабати билан Каупервудлар катта зиёфат уюштиришди: аввалига меҳмонлар Фрэнкниң тўпланишлари, кейин эса, ракс тушгани ота Каупервуднинг дабдабалирок ва қенгрок уйига ўтишлари керак эди. Унинг пастки каватида катта ва кичик меҳмонхоналар, рояль турган хона ва қишки боғ жойлашганди. Элсуорт бу хоналарни шундай режалаштирган эдикি, уларни концертлар, ракслар ёки ракслар оралиғидаги ҳордиқлар учун старли кенг-ковул битта танобийга айлантиrsa бўларди, хуллас, меҳмонлар кўп келганда юзага келган зарурий массаллар учун мўлжалланганди. Ота-бола Каупервудлар қурилишнинг аввал-бошидаёк ҳар иккала уйдан биргаликда фойдаланишни кўзда тутишганди. Ҳар иккала хонадонга ўша-ўша кирчилар, оксоchlар ва боғонлар хизмат киларди. Фрэнк болаларига энага таклиф килди. Аммо ҳамма нарсада ҳам бемалолгарчилик эмасди: масалан, қарол ўз мажбуриятини Генри Каупервуднинг камердинси мажбурияти билан кўшиб юборганди, овқатланиш чогида гўштни у тўғради, бошка хизматкорларга бошчилик киларди, заруратига қараб гоҳ у, гоҳ бу уйда ишларди. Умумий отхона сайис ва кучернинг ихтиёрида эди, бир вактнинг ўзида икки арава керак бўлиб қолганида эса, уларнинг иккovi ҳам аравага чикиб оларди. Хуллас, бу хўжаликнинг кулай ва тежамли тизими эди.

Зиёфатга тайёргарлик кўришни Каупервуд фавқулодда муҳим масала деб қаарди, зоро, ишбилармонлик нуктаи назаридан сара одамларни таклиф этиш зарур эди. Шу боис узок мuloҳазалардан кейин Фрэнк уйида бошланиб, сўнгра ота Каупервуд уйига кўчириладиган зиёфатга олдиндан рўйхатга киритилган барча одамларни таклиф этишга карор килинди, улар ичиде мистер ва миссис Тай, Стинсерлар, Батлерлар, Молленхаузлар ва янада сара доиралар вакиллари, масалан, Артур Райверс, миссис Сенека Дэвис, Тренор Дрейк хотини билан, ёш Дрекселлар ва Кларклар бор эди – Фрэнк буларни танир эди. Бу дунёвий одамларнинг қадам ранжида

этишларига Каупервудларнинг кўзи етмасди, аммо барибир уларга таклифнома юбориш лозим эди. Кеч окшомда янада мўътабаррок кишилар келиши кўзда тутилганди; бу иккинчи рўйхатда Анна, миссис Каупервул, Элвард ва Жозефнинг танишлари ва Фрэнк мўлжаллаган барча одамлар қайд этилганди. Иккинчи рўйхат “асосий” деб хисобланарди. Жамиятнинг каймоги, ёшларнинг юзи, хуллас, илтимос, тазйик ёки ундов йўли билан таъсир этиш мумкин бўлган ҳамма таклифномага ё ха, ё йўқ, деб жавоб бериши керак эди.

Кундузги ва окшомги зиёфатларга Батлерларни, ота-оналари ва болаларни таклиф этмаслик мумкин эмасди, гарчи чол-кампир Батлерларнинг келиши у қадар кўнгилли бўлмаса-да, Фрэнк уларни очик-оидин яхши кўрарди. Фрэнк тўғри ўйлаганидек, хатто Эйлин Анна ва Лилианга уларникида тўпланган жамоа учун у қадар мос эмасдек кўринмокда эди: рўйхатни муҳокама қилишганида улар бу қиз ҳакида талай гапларни гапиришиди.

— Қанақадир довдирроқми-ей, — деди Анна келинойисига, гап Эйлин исмига тақалганида. — Ўзини, Худо билсин, ким деб чоғламайди, бу ҳам етмагандай, одамга ўхшаб ўтириб-туришни ҳам билмайди. Аммо отасига гап йўк! Ҳа-а!.. Шунақа дадажоним бўлганида, оёқларига бош урар эдим!

Ўзининг янги пардозхонасидағи ёзув столида ўтирган миссис Каупервуд кошини хиёл кўтариб, деди:

— Биласанми, Анна, мен туриб-туриб Фрэнкнинг иши мени мана шундай одамлар билан дўстлашишга мажбур килганидан жуда афсусланаман. Миссис Батлер... эй Худо, аёл деган ҳам шунақа бўладими! Тўғри, оккўнгилгина-ю, лекин турган-битгани жаҳолат! Эйлин эса мишики бир қиз. Эркатойлиги дунёга сиғмайди. У бизнигига келди демагунча роялга ўтиради, тағин уйда Фрэнк бўлганида келади. Унинг ўзини қандай тутиши билан иши бўлмайди-ку, аммо Фрэнкнинг ғашига тегса керак. Чалған куйлари ҳам қанақадир шайтончалиш. Одам мазза килиб тинглайдиган нарса чалганини сира кўрмаганман.

— Менга унинг кийиниши ҳечам ёқмайди, — ўша оҳангда жавоб қайтарди Анна. — Аллақаёқдаги шалон-шулуплар-

ни эгнига илиб олишига ўлайми! Якында мен уни аравани ўзи хайдаб, саир килиб юрганини күрдим. Афсус, сен күрмадинг-да уни! Ўзинг ўлаб кара: энли кора жиякли түккизил “зуав” нимчаси, каттакон қизил патли ва қошгача тушиб турған қизил тасмали шляпа. Сайрга топган кийимини қара! Гердайиб юришини кўрсанг. Кўллари-чи! Кўлларини кандаи ушлаб турганини кўрсатайми, мана бунақа, панжасини хиёл эгиб олибди! – Анна Эйлинни эрмаклаб кўрсатди. – Узун-узун сарик қўлкоп, бир кўлида юганини ушлаб олган, яна бир кўлида камчин. Дарвоқе унинг ўзи отни ҳайдаганида, ўқдай учириб кетади, хизматкори Уильям эса ёнида лўкиллаб борали. Ҳа, кўрмаганинг чакки бўлди-да. Эй Худойим-ей, янток ўзини бօг айлар, деганлари шу бўлса керак! – Анна нафрат ва киноя билан хиринглади.

– Барибир ҳам уни таклиф килмасак бўлмайди; таклиф килмасдан бошка иложимиз ҳам йўқ. Лекин мен унинг ўзини тутишини тасаввур қилаяпман: бурунчасини чўччайтириб, гердайиб хонада у ёқдан-бу ёкка юрганини кўраман ҳали!

– Одам дегани ҳам шунака калондимоғ бўладими, – уни кувватлади Анна. – Менга Нора ёқади! У чиройлирок ҳам. Ўзини сира катта олиб, кеккаймайди.

– Тўғри, тўғри! Жуда топиб айтдинг.

Қизиги шундаки, айнан Эйлин ҳамманинг зътиборини ўзига тортар ва гайри оддий хатти-харакатлари билан кизикиш уйғотарди. Қайсилир даражада улар қиз ҳақида ҳакконий фикр юритар эдилар, бу ҳар ҳолда Эйлиннинг ҳакикатан ҳам гўзал аклу фаросатда атрофдагилардан анча устун бўлишига халакит бермасди. Ўзига етганча калондимоғ Эйлиннинг ич-ичидан ўзи билдириласликка харакат килган камчиликлари билан мактаниши бирорларнинг зътиборини тортса, кўпчиликни ранжитарди. Одамлар унинг ота-онасини зодагонлар жамияти учун номуносиб санашлари (бу бесос эмасди) ва қизни ҳам шундай деб ўйлашлари Эйлиннинг газабини келтиради. Йўқ, у хеч кимдан кам эмас! Мана, масалан, жамиятда тез олға чикиб олган ва кобилиятли Каупер-вуд буни тушунади. Вакт ўтиши билан Эйлин у билан якин

бўлиб олди. Йигит ҳар доим у билан ширин муюмила қилар ва очилиб-сочилиб гаплашарди. Фрэнк уларникига ҳар келганида ёки қиз билан ўз уйида учрашганида, йигит у билан бирга шакаргуфторлик қилиш найида бўларди. Бундай пайтда у қизга яқинроқ борарди-да, унга қувноқ ва дўстона бокарди.

– Хўш, ахволларингиз қалай, Эйлин? – сўарди у ва шодликдан чақнаган кўзларини унинг кўзига тикарди. – Отангиз яхшимилар? Онангиз-чи? Отда сайр қилдингизми? Бу яхши. Мен бугун сизни кўрган эдим. Сиз жуда дилбар кизсиз.

– О, нималар деяпсиз, мистер Каупервуд!

– Рост, сиз худди эртаклардагидай сохибжамолсиз! Худди амазонкаларни ўзи. Заррин соchlарингизни узоқдан танийман.

– Йўк, сиз менга бундай демаслигингиз керак! Мени кскайтириб юборасиз, бусиз ҳам ота-онам мени такаббурсан деб койийдилар.

– Уларнинг гапига кулоқ солманг! Сизга айтдим-ку, жуда ҳам мафтункорсиз деб, ёлғони йўк. Дарвоке, сиз ҳар доим мафтун этасиз кишини.

– Ростданми?

Қиз баҳтиёргилан чукур “оҳ” тортиб кўйди. Юзлари ялъял ёнди. Мистер Каупервуд билиб туриб галиради. У ҳамма нарсани билади, у шунака кучли одам! Кўплар унга ҳавас килади, шу жумладан, қизнинг отаси ва онаси ҳам, ҳатто мистер Молленхаузэр ва мистер Симпсон ҳам ҳавас килали деб эшитганди. Уйининг чиройлилигини, идорасининг шинамлилигини айтмайсизми! Аммо, энг асосийси, унинг хотиржам кайфияти жўшиб турган ғайратини бир маромга солиб турарди.

Шуидай килиб, Эйлин билан синглисига таклифнома келди, ота-она Батлерларга жуда одоб билан зиёфат сўнгтидаги рақс асосан ёшлар учун уюштирилиши айтилди.

Каупервудникига одам кўп йигилди. Мехмонлар дам-бадам бир-бирига таништирилар эди. Мезбонлар ўта камтарлик билан Элсуорт ўз олдида турган вазифаларни қандай уддалаганини тушунтирас эди. Мехмонлар усти ёпик айвон бўйлаб кезишар ва ҳар иккала уйни томоша қилар эдилар. Таклиф

Этилгандарнинг кўпчилиги азалдан бир-бири билан таниш эдилар. Улар кутубхона ва ошхоналарда мулойим сұхбатлашар эдилар. Кимдир асқия айттар, кимдир шеригини слкасидан кокар, бошка бир гуруҳда кувнок латифагўйлик кетарди, кеч тушиб, қош корая бошлаганда эса меҳмонлар уй-уйларига тарқалдилар. Эйлиннинг эгнидаги кўк духоба пеляринкали, жимжимадор бурмали зангори шойи костюм кенг расм бўлганди. Кора-қўчкил сунъий орхидей билан безатилган баланд тульяли кўк духоба шляпа уни қандайдир ғалати ва важоҳатли килиб кўрсатарди. Унинг заррин соchlари шляпа остидан турмаклаб кўйилганди, бир ўрим соч эса елкасига тушиб турарди. Эйлин, ҳозир кўриниб турганидек, у қадар журъатли, саркаш қиз эмасди, аммо одамлар уни айнан шунака деб ўйлашларини истарди.

– Бугун жуда очилиб кетибсиз, – деди Каупервуд кизнинг ёнидан ўтиб кетаётганида.

– Кечкурун бундан ҳам очилиб кетаман! – жавоб берди Эйлин.

Енгил одимлаб, викор билан ошхона томон юриб ўтди-да, қиз эшик ортида кўздан яширинди. Миссис Каупервуд билан гаплашганча Нора онаси билан ушланиб колди.

– О, уйларингиз мунча чиройли! – ҳайрат билан деди миссис Батлер. – Мени айтди дерсизлар, сизлар бу ерда баҳтли хаёт кечирасизлар! Эдди ҳозир биз яшаб турган уйни сотиб олганида, мен шартта юзига бундай дедим: “Биласанми, Эдди, бу уй биз учун уй эмас, эхром деявер, Худо ҳаки!” Хўш, у менга нима деб жавоб берди лейсизми? “Нора, – лейди у, – бу дунёда ҳам, у лунёда ҳам сенинг кўнглингга ёқадиган нарсани топиб бўлмайди!” Шунлай лейли-да, лабимдан чўлпиллатиб ўтиб кўяди! Ўзингиз ўйлаб каранг, гавдаси девдай-у, ўзини худди ёш боладай тутади!

– Бу азбаройи сизга меҳри зўрлигидан, миссис Батлер, – жавобан деди миссис Каупервуд, гапларини бирор эшитиб қоладигандек, асабий аланилаганча.

– Ойим шунака хикоялар айтишни яхши кўрадилар, – гап котди Нора. – Юринг, ойи, ошхонани кўрамиз!

- Илоё янги уйлар изли-күтли келсин сизларга. Мен умрим бўйи камлик кўрмадим ўзимизнинг уйимизда. Мен хам сизларга шуни раво кўраман, чин қалбимдан тилайман!

Шундай дся миссис Батлер самимий жилмайганча алпон-талпон юриб хонадан чиқди.

Кечки соат етти билан саккиз ўрталарида Каупервудлар бутун оила жам бўлиб, овқатнинг чангини чикара кетиши.

Соат тўккизда яна меҳмонлар кела бошлаши, бирок бу энди ялт-юлт кийинган ёшлар оломони эди, сиёхранг, каймокранг, кизғиши ва пуштиранг кўйлакдаги кизлар дур шолларини ва кенг доломанларини коп-кора костюм-шим кийган йигитлари кўлларига шопша-пиша ташлаши. Изгиринли кўчада уй олдига келган фойтуналарнинг эшиклари дам-балам карсиллаб очилиб-ёпилар эди. Миссис Каупервуд эри билан ва Анна меҳмонларни танобий эшиги тагида кутиб олар, чол-кампир Каупервуд ўғиллари Жозеф ва Элвард билан уларни танобийнинг чеккасида карши олар эдилар. “Сўлғин атиргул” рангидаги кўйлакда Лилиан очилиб кетганди, кўйлагининг ўмизи тўртбурчак шаклда чукур тушган бўлиб, тагидан ажойиб тўр блузкаси кўриниб турарди. Унинг кад-комати ва юз-андоми ҳамон латофатли эди, бирок бир неча йил мукалдам Фрэнкни асир этган назокату нафосат энди кўзга ташланмасди. Ўарчи хунук деб аташ мумкин бўлмаса-да, Анна Каупервуд жозибадор ҳам эмасди – ўзи муштдеккина, корачадан келган, бурни дўнг бўлиб, кора кўзлари безовта бокарди. Чехрасидан инон-ихтиёри ўзидалиги, тутган жойидан кесадиганлиги, аклилиги ва афсуски, одамларга нисбатан бироз кажфеълиги акс этиб турарди. У ғоят дид билан кийишганди. Ялтироқ пистончалар кадалган кора кўйлак унга жуда ярашганди, корачалигига қарамай, сочига такиб олган кизил атиргул ҳам ўзгача зийнат берарди. Аннанинг дўмбок кўл ва елкалари нафис, ёкимли эди. Кийғоч кўзлари, шахтли харакатлари, сўзларидаги зеҳндорлик ва топкирлик унга маълум жозибадорлик бағишларди, ҳолбуки унинг ўзи айтишича, булар барчаси бир пулга киммат: “Эркакларга кўғирчоклар ёқади!”

Мана шу ёшлар оломони билан бирга опа-сингил Батлерлар – Эйлин ва Нора ҳам пайдо бўлди. Эйлин укаси Оуэннинг кўлига кора тўрдан килишган юпқа шол ва кора шойи доломанини ташлади. Норага хушқад, гавдаси таранг, кулиб турувчи ёш ирланд йигити Кэлем ҳамроҳлик килганди, унинг бутун авзойидан келажакда таникли ишбилармон бўлиб етишиши мана мен леб турарди. Нора оқ шойидан тикилган, тўпикчаларини аранг беркитиб турган, хиёл калта кўйлакда эди, оқ-кўкиштоб гуллар ва жажжи-жажжи капалакнусха тугунчалар тўр волан криполинга жуда мос тушганди. Белидан энли лолагул тасма такиб олган бўлиб, соchlарини ҳам худди шундай тугунчалар билан турмаклаб қўйганди. Ҳаяжонли, кўзлари чакноқ Нора бошқача кўринарди.

Унинг ортидан кулранг пистончалар билан қопланган кора атлас кўйлакда синглиси изма-из келарди. Унинг дўмбок, чиройли кўллари ва слкалари очик бўлиб, кўкраги ва оркасидаги корсаж имкон қадар пастга тушиб турарди. Қад-комати келишган Эйлиннинг сийнаси баланд, сонлари ҳам лорсиллаган бўлиб, айни дамда нафис ҳам эди. Чукур учбурчак шаклда ўйиб тикилган корсажи, кўйлагига зеб бериб турган кумушранг тарам-тарам йўлини кора тўқима тўр уни янада мафтункоррок килиб юборганди. Кизнинг кизгиш, тўла ва силлиқ бўйнилаги кора ёкут маржон ўзгача товланар, мошдек кора хол унинг оқи окка, қизили кизилга ажраб турган юзида янада яқколрок кўзга ташланарди. Заррин соchlарини манглайи узра тўлкин уриб турар, иккита килиб ўрилган орка сочи бўйнига осилиб тушган тўр халтачага турмаклаб қўйилганди, енгил сурма тортилган қошлари соchlарининг гайриоддий рангидан ажralиб турарди. Мехмонлар орасида Эйлин бир қадар киши ғашини келтирадиган киёфада кўринарди, аммо бу унинг ясан-тусанидан эмас, балки юрагидан тошиб чиқаётган ҳаётий кучнинг таъсиридан эди. Ўзини ҳаммадан бошқача килиб қўрсатиш укуви Эйлин учун ўзининг ҳам жисмоний, ҳам руҳий ёркинлигини сўндириш учун хизмат киларди. Аммо ҳаёт уни ҳар доим тўғри қарама-қарши ҳаракатлар томон сургаб келарди.

– Лилиан!

Анна астагина келинойисининг билагидан туртди. Унинг аламини келтирган нарса, бу Эйлин ҳам кора кўйлак кийиб, улар икковидан гўзалрок бўлиб кўрингани эди.

– Кўриб турибман, – эшитилар-эшитилмас овозда жавоб берди Лилян.

– Кайтиб келдиларингми? – мурожаат қилди у Эйлинга. – Кўча роса совук бўлса керак?

– Тўгриси, пайкамадим. Уйларингиз бирам яхшики, нимасини айтай! – У ёқимли нурга тўла хонага ва меҳмонларга кўз югуртириди.

Нора аллақачон Анна билан гап сотишга тушиб кетганди.

– Биласизми, энди бу кўйлакни эгнимга иломасам керак деб ўйлагандим! Ярамас Эйлин сира менга қарашиб юборай демайди!

Эйлин тезгина Фрэнк онаси билан гашлашиб турган жойга ўтиб кетди. У этак тўрини ушлаб турган кўлидан атлас тасмани тушириб юборди ва уни шошмайгина тўгрилай бошлади. Ўзининг тугма кажфеъллигига карамай, кўзларида илтижо ва ихлос ифодалари пайдо бўлди, текис тишлари яраклаб кетди.

Ҳар канакангги зотдор жониворни тушунганидек, Каупервуд уни яхши тушуниб турарди.

– Гўзаллигинизни таърифлашга сўз тополмайман! – шивирлади у кизнииг қулогига, гўё улар ўртасида икковигагина маълум қандайдир эски муносабатлар мавжудлек. – Сиз бошдан-оёқ олов ва кўшиксиз!

Бу ибора унинг оғзидан қандай чикканини унинг ўзи ҳам билмасди. Унда шеъриятга ҳавасининг ўзи йўқ эди. Олдиндан бундай дейишга тайёргарлик кўрмаганли, бирок вестибиолда Эйлинга кўзи тушгани ҳамон унинг барча фикр ва туйғулари асов отдек иргишлий кетганди. Бу киз пайдо бўлиши билан у бсихтиёр тишларини кисиб, кўзларини юмиб олди. Барча мушаклари ўз-ўзидан тарангглашди, Эйлин яқинлашиб келгани сайн унинг чехрасида катъият, мардонаворлик, жилдийлик пайдо бўлар эди.

Бирок ўзларини танитишга, раксга ёзилишга муштоқ йигитлар ўша захоти иккала она-сингилни курсаб олишди ва Каупервуд бирмунча вакт Эйлинни кўздан йўкотди.

## XVIII боб

**Х**аётдаги хар қандай ўзгаришлар уругини аниклаш кийин, зеро, у инсоннинг ўзида чукур иллиз отган бўлади. Миссис Каупервуд ва Аннага бал ҳакида сўз очиштари хамонок Эйлин отасининг шунчалик бадавлат бўлишига қарамай, унда энди ўзининг ҳам кимлигини кўрсатиб қўйиш истаги пайдо бўлди. У кўриниши керак бўлган жамият одатда ўзи айланиб юрган жамиятга қараганда беziён даражада тамтарокли ва талабчан эди. Бундан ташкири, Каупервуд унинг учун энди жуда катта аҳамият касб этар ва уни ўйламасдан туришга мажбур этадиган нарсанинг ўзи йўқ эди лунёда.

Бир соат олдин Эйлин кийимларини алмаштираётганда йигит сира унинг кўз ўшидан кетмади-кетмади. Эйлин асосан уни деб ўзига пардоз-андоз берарди. Фрэнк унга синовчан меҳр билан бокиб турган сонияларни хеч унотолмасди. Бир куни у кизнинг кўлларини мактади. Бугун эса, “очилиб кетибсиз”, деди ва кизнинг кўнглидан бутун оқшомда уни яна-да осон мафтун этаман, ўзимнинг ростдан ҳам оғатижон эканимни кўрсатиб қўяман, деган ўйлар кечди.

Кечкурун соат саккиздан тўккизгача Эйлин тошойна олдиди ўтириди, кайси кийимларимни кийисам экан, деб мулоҳаза қилиди ва соат тўккиздан чорак ўтганида ниҳоят, тап-тайёр бўлди. Унинг ҳапқат ва бесунакай кийим жовонининг иккита тошойнаси бор эди, учинчи тошойна кийимхона эшигига ўрнатилганди. Эйлин мана шу тошойна олдиди тураркан, ўзининг ялангоч кўл ва елкаларини, шамшоддек коматини томоша киларди, гоҳ чап елкасидаги чуқурчага, гоҳ жавохир ва юрак кўринишилаги кумуш илгаклар қадалган боғичларга ўйчан тикиларди – бугун шу либосда боришга карор килган эди у. Корсестни аввалига унча каттиқ боғлашнинг сира иложи бўлмади ва Эйлиннинг оксоҷ Кетлин Келлидан жаҳли чикди. Кейин бутун диккат-эътиборини турмагига қаратди ва то сочларини бир ёклик килмагунча озмунча овора бўлмади. Эйлин кошларига сурма тортди, соchlарини авайлаб пахмайтири – бемалол тургани ва манглайига соя тушириб тургани маъкул.

Нардоз қайчиси билан кора пластирдан доирачалар киркди-да, уларни юзига ёпишира бошлади. Охири керакли катталиктаги хол ва унга мос жой ҳам топилди. У бошини у ёқдан-бу ёкка буар, турмакланган сочи, сурма тортилган кошлари, чукурчали елкаси ва холлари кандай кўринишига ўзича баҳо бериб чикди.

О, унга битта-яримта эркакнинг ҳозир кўзи тушганлами! Аммо кимниң? Бамисоли кўркиб кетган сичкондай, бу фикр шу заҳоти қайта ишига кириб кетди. Шунчалик шўх-шацод бўлишига карамай, Эйлин хаёлидаги ягона ўзиники бўлган эр-как ҳакидаги фикрдан каттик кўркарди.

Кейин у кўйлак танлашга киришли. Кеглин унинг олдига кўйлаклардан нақд бештасини ёйиб ташлади; бу нарсалар келтирадиган кувонч ва фахрни Эйлин якинда билди, холос, ва ота-онасининг рухсати билан бутунлай ясан-тусанга берилди. У заррин, каймокранг тўрли ва этакли, сирли ялтираб турувчи ёкут кўзчалар тикилган шойи кўйлакни айлантириб каради-да, бир четга кўйиб кўйди. Сунг ок ва кора йўл-йўл шойи кўйлакни ҳузур килиб томоша кила бошлади, ок ва кора йўллар бир-бирига кўшилиб, мағункор суррангга айланарди, аммо ҳар канча жозибалор кўринмасин. барибир охирида ундан ҳам воз кечди. Кизниң олдига ёйиб ташланган либослар ичидаги кизлранг сийнабанд, ок шойи бурмали кўйлак бор эди, яна бири дабдабали, каймокранг атлас кўйлак ва нихоят, ялтирок тангачали кора кўйлак. Эйлин мана шу охиргисини ташлади. Тўғри, аввалига балки шунакаси мос келар, деб каймокранг кўйлакни кийиб кўрди, бирок сурмали коши ва холи унга хил тушмаслиги билиниб колди. Шунда у кумушранг кизил тангачали кора шойи кўйлакни кийди ва оғарин! Унинг барча шубҳалари бирдан тарқади. Соғларини ишвали қоплаб олган кумушранг тўр унга дарҳол ёқди. Тўрли безаклар ўшанда энди-энди расм бўла бошлаган эди, эскилиқпаратлар тан олмагани бу бежок Эйлинни ҳаяжонга солди. Бу кора кўйлакнинг сирли шитирлаши кизниң баданини жимирлатиб юборди, у каддини ростлади ва бошини хиёл оркага ташлади, кўйлак унга жуда ярашган эди. Унинг талаби билан оксоҳ хотин корсетни кисиброк

бөглагач, у күйлак баринни күтәрди-да. билагига ташлаб олди ва яна тошойнада ўзини күра бошлади. Барыбир тағиіп нимадир етишмаётғандай эди. Бұлмаса-чи! Бүйинга бир нима так-маса бўларканми. Қызыл маржонми? У жудаям жүн кўринади. Бир тизим дурми? Бу ҳам тўғри келмайди. Унда яна онаси совға қылган, кумуш камончага терилган майда жавохирли мунчоқ ва миссис Батлернинг ўз бисоти бўлмиш олмос шодаси бор эди, бирок униси ҳам, буниси ҳам унинг либосига тўғри келмасди. Охири у ўзининг қора ёкут мунчогини эслаб колди, бу унга сира ёкмай ксларди, буни қарантки, ҳар нарсанинг ўз ўрни ва вакти бўларкан! Қора мунчоқ узра унинг даҳани янада оппокрок, янада нозикрок ва силликрок кўринар эди! У мамнун холда қўли билан бўйнини силаб қўйди, қора тўрли мантильосини келтиришни буюрди ва устидан астари кизил, узун қора шойи доломанини ташлаб олди – ясан-тусан нихоясига етганди.

У келганида ракс танобийиси оламга тўлган эди. Эйлин у ерда кўрган йигит ва кизлар унга жуда кизиқ туюлди: уни дархол муҳлислари қуршаб олишди. Йигитлар орасидаги энг уддабурон ва журъатлилари бу кизда кандайлир эҳтиросли лаъват, кайнок севинч яшириниб ётганини дархол хис этишди. Асалга ёнирилган оч пашшатлардай улар Эйлинни ўртага олишди.

Бирок унинг йигитлар рўйхати тез тўла бошлагач, кўнілидан агар мистер Каупервуд билан ракс тушишни хоҳлагулек бўлса, унинг учун битта ҳам ракс колмаса керак, деган ўй кечди.

Сўнгги меҳмонларни карши олар экан, Каупервуд жинслар ўртасидаги муносабатлар канчалик нозик ва мураккаб нарса экани тўғрисида фикрлай бошлади. Икки жинс! Ўзаро бу муносабатлар бирон-бир конунга бўйсунишига у ҳаргиз ишонгиси келмасди. Эйлин Батлерга караганда ушинг хотини сўлгин, кўхлигини йўқоттан эди, яна ўн йилдан кейин эса у бўнинг оллида карияга айланади.

– Ҳа-ҳа, Элсуорт бу икки уйни боплаб курди, биз кутгандан ҳам ошириб юборди! – дерди Каупервуд ёш банкир Генри Хейл-Сэндерсонга. – Тўғри, уларни бир-бирига кўшиб юбориб, уста ўз ишини анча енгиллатган, лекин менинг уйимни

куришда у яхшигина тер тўқди. чунки ҳажм жихатидан уйим ихчамрок эди-да. Отамнинг уйи кенгроқ. Элсуорт мени каталакка тикиб кўйди, деб ўзим ҳам очик айтаман!

Ота Каупервуд меҳмонлар ғала-ғовуридан яширинишга имкон топганидан хурсанд бўлиб, ошналари билан ўзининг дангиллама ҳовлисидаги ошхонага йўл олди. Унинг ўрнини Фрэнк эгаллади – ўзи ҳам шуни хоҳлаб турганди. Энди у Эйлин билан ракс тушишга муваффак бўлиши мумкин. Хотинининг ракс тушишга кўпла хуши йўқ эди, бирок бир гал уни ҳам таклиф этиб кўйиш керак бўлади. Ҳов анави с尔да миссис Сенека Девис унга караб жилмаяяпти – Эйлин ҳам, жин урсин, шунакаям сулувки! Бир култум сув билан ютиб кўя колсанг!

– Ҳамма раксларингиз эгаларини топиб олгандир? Бир кўрсам майлими рўйхатни?

Фрэнк Эйлиннинг олдига келиб тўхтади ва киз унга мовий мукова ва заррин монограммали жажжигина дафтарчани узатди. Танобийда оркестр янгради. Ҳадемай ракс бошланади. Девор ёкалаб ва хурмолар ортидан аллақачон зарҳал курсилар терилиб кўйилганди. Фрэнк кизининг кўзларига боқди – бу кўзларда ҳаяжон, завқ ва хаётга интиқлик мана мен деб турарди.

– Ҳаммаси тўлиб бўлиди-ку! Яна бир қарай-чи. Тўккиз, ўн, ўн бир. Нима ҳам дердим, менимча, етарли. Майли, мирикиб ракс тушмасак тушмабмиз-да. Менга оқшом яхши ўтса, шу ҳисоб!

– Учинчи раксда андак шубҳа бор. Назаримда ниманидир чалкаштириб юбордим. Агар йўқ демасангиз, шуни мен сизга колдиришим мумкин.

Эйлин жўрттага шундай дсётган эди. У ҳеч нарсани чалкаштиргмаганди.

– Сиз, афтидан, мана бу йигитингизга унчалик кизикмайпиз, – деди Фрэнк ва хиёл кизарди.

– Йўқ.

Эйлин ҳам чидаб туролмади. – Зўр! Ракс эълон килинганда, мен сизни топиб оламан. Сиз – бебаҳосиз. Аммо мен сиздан кўркаман.

У кизга бир кур синовчан караб кўйди-да, у ердан кетди. Эйлиннинг кўкси кўтарилиб-туша бошлади. Бунака дим ҳавода баъзан нафас олишинг шундай кийин бўлиб кетадики!

Ракс вактида Фрэнкка аввал хотини, кейин миссис Дэвис ва миссис Уолтерлар жуфтлик бўлишди – у Эйлинни ахён-ахёндагина кўриб коларди ва хар гал қиздаги кудрат, гўзаллик ва шиддаткор ғайрат унинг юрагини қувюк хисга тўлдириб юборарди – Эйлиндаги бу фазилатлар олдила айникса, мана бу окшомда, у бутунлай ожиз колганди. Бу ҳам ўн гулидан бир гули очилмаган бир киз! Турган-биттани ссхр-жоду! Хотини бу кизнинг шаънига қанаканги маломатларни ёғдирмасин. Фрэнк бошка хар қандай аёлга караганда унинг тўгри, фаол, шубҳалардан холи табиатига Эйлин кўпроқ мос келишини хис этиб туради. Киз анча содла – буни Фрэнк кўрмаслиги мумкин эмас, – аммо бошка томондан кизни кўп нарсани тушунишга ўргатиш учун унча кўп меҳнат талаб этилмайди. Киз унда жуда катта тассурот колдирганди – гарчи бўйлари тенг бўлса-да, жисмоний маънода эмас, балки маънавий маънола. Ҳаётни ссиш Эйлишининг қон-конига сингиб кетганди. Ракс тушар экан, Эйлин аксар кўзларини чакнатиб, оғзини хиёл очиб ва табассум ила яркираган оппок тишларини кўрсатиб унинг ёнидан ўтиб кетар эди ва Каупервудни хар гал унга нотаниш бўлган кучли хаяжон туйғуси камраб оларди: у тинимсиз киз томон интиларди. Эйлиннинг бутун вужуди, хар бир харакатидан тароват ёғиларди.

– Хўш, нима бўлди, Эйлин, кейинги раксингиз бўш эканми? – сўради у, учинчи навбат боштанишидан олдин кизнинг олдига бориб.

Эйлин хозиргина ракс тушиб булиб, шерик йигити билан катта меҳмонхонанинг тўрдаги бурчагида ўтиради, меҳмонхонанинг мум суртилган паркети ойнадай ялтилларди. Махорат билан кўйиб чиқилган бир нечта хурмо дарахти бу бурчакни денгиздаги форга ўхшатиб юборганди.

– Мени кечирасиз, деб умид киламан, – одоб билан кўшимча килди Фрэнк, Эйлиннинг шерик йигитига хурмат билан муружаат этиб.

– Албатта, – жавоб берди йигит ўрнидан туриб.

– Ҳа, бу ракс бүш экан, – деди Эйлин. – Келинг, мана шу ерда ўтира турмиз; тезда бошланиб колади. Сиз карши эмасмисиз, ишқилиб? – сұради қыз олдинги шеригидан ва шириң жилтамайиб күйди.

– Раҳмат! Сиз билан вальсга тушиб, роса маза килдим!

Йигит кетди. Каупервуд кизнинг ёнига келиб ўтиреди.

– Янглишмасам, бу Ледокснинг ўғли бұлса керак? Сиз у билан қандай ракс тушганингизни күрдим. Сиз, афтидан, ракс тушишни севар экансиз.

– Ұлгудек севаман.

– Мен ўзим хакимда бундай деёлмайман. Ҳолбуки бу түгри, марокли машғулот. Ҳаммаси ким билан ракс тушаётганингга боғлик. Миссис Каупервуд ҳам ракс тушишни күнда ёкгирмайди.

Лилиан тилга олиниши билан қыз беихтиёр ўзини ундан устун ҳис этди.

– Назаримда, сиз жуда яхши ракс тушар экансиз. Мен ҳам сизни кузатиб турғандым.

Кейинрок Эйлин шу сұzlари учун ўзини койиди. Нима бүлганды ҳам бунақа шошқалоқлик килмаслиги керак зди.

– Ростдан-а? Сиз мени кузатиб турғанмидингиз?

– Ҳа.

Азбаройи хаяжонланғанидан Фрэнкнинг фикрлари чалкашиб кетди. Эйлин беихтиёр упинг ҳәстиға бостириб кирмокда зди – түғрироғи, агар йигит йўқ демаса, бостириб кирган бўларди; шу боис Фрэнкнинг сұzlари қандайдир журъатсизрок чикаётганди. У нима десам экан, деб ўйланиб колди, уларни оз бўлса ҳам яқинлаштира оладиган сўзларни кидирди-ю, аммо тополмаётган зди. Айтадиган гаплари эса жуда кўп зди.

– Сиз жуда муруватли экансиз, – деди йигит анча узок сутдан кейин, – кизик, мени кузатишингизга нима туртки берди?

Фрэнк унга енгил, киноя билан қараб кўйди. Яна мусиқа янгради. Раккослар жойларидан кўтарила бошлашди. Фрэнк ҳам турди.

Каупервуд ўз саволига жиддийрок маъно беришни ўйла-наётганди, аммо хозир Эйлин унга жуда якин, у билан ёнмаён турганида у кизнинг кўзларига тикилиб каради ва муло-йим катъийлик билан кайта сўради.

– Бунинг учун сизга нима туртки берди?

Улар хурмолар тагидан чикишди. Ўнг кўлини Фрэнк унинг белидан айлантириб олди. Чап кўли билан эса кизнинг чўзилган ўнг кўлини кафтма-кафт ушлаб олди. Эйлиннинг чап кўли йигитнинг слкасида ётарди, киз унга қапишиброк туриб олган ва униг кўзларидан кўзини олмасди. Вальснинг куюнли оҳангига монанд айланишганда, киз ундан нигохини олди-да, Фрэнкнинг саволига жавоб бермасдан, ерга тикилди. У капалакдай снгиш харакат киларди. Худди киздан электр токи келиб ургандай, Фрэнк ҳам кандалайдир енгиллик хис этди. Фрэнк кизнинг бадани ёпишган кора кўйлагидаги кумушранг-кизғиш тангачаларнинг йилтиллашлари, бўйни ва заррин соchlари унинг ақслини бутунлай ром килиб кўйганди. Кизнинг нафасидан дуркунлик, ёшлик уфурар ва йигитга чиндан ҳам ажойиб туюлмоқда эди.

– Саволимга ҳали ҳам жавоб берганингиз йўқ, – эслатди Фрэнк.

– Мусиканинг гўзаллигини каранг!

Йигит унинг кўлини кисиб кўйди.

Эйлин хуркибгина кўзларини кўтариб, унга каради: шунча кувноклиги, дали-гулилиги билан қиз ундан кўрқади. Фрэнк бу ерда хозир бўлганлар ичиди энг аъюси. Ракс тушиб, у билан ёнмаён турган айни паллада йигит унга ҳайратомуз даражада кизик туюлмоқда эди, аммо асаблари дош бсролмади ва қиз оркасига қарамай кочиб кетишини хоҳлаб колди.

– Нима ҳам дердик, йўқ бўлса, йўқ-да, – йигит хиёл кинояли жилмайиб кўйди.

Шундай гапириш, ўзининг пинхоний туйгусига, унга бўлган тийиксиз мойиллигига шама қилиб, ғашига тегиш кизга ёкишини Фрэнк фаҳмлаб колганди. Аммо бундай изҳор охири нимага олиб келарди?

– Шунчаки кандай ракс тушар экансиз деб қараган эдим, холос, – бироз курук охангда жавоб берди Эйлин.

Ораларидә рўй берган нарсадан қўркиб кетган киз ўзини қўлга олишга харакат қилди. Фрэнк бу ўзгаришни сезди-да, жилмайиб кўйди. У билан ракс тушиш қанчалик ёқимли! Раксда шунчалик нафосат бўлади деб у хеч качон ўйламаганди!

– Мен сизга ёқаманми? – кутилмаганда сўради Фрэнк, оркестр жим бўлиши билан.

Саволдан Эйлиннинг аъзойи бадани бўйлаб титрок югуриб ўтди. Ёқасидан ичига ташлаб юборилган муз парчаси ҳам уни бу қадар кучли титратмаган бўларди. Савол ножуядай туюлганди, бирок ундаги маъно хар кандай ножуяликдан мосуво эди. Эйлин бирдан кўзларини кўтарди ва Каупервудга тикилиб қаради, бирок унинг нигоҳига бардош беролмади.

– Ҳа, албатта, – жавоб берди киз овозидаги титрокни бошишга харакат килиб; мусика тиниб, энди йигитдан нари кетиш мумкинлигидан ўзича суюниб кўйди.

– Сиз менга шунчалик ёқасизки, – тан олиб деди Каупервуд, – мен ҳам сизга озгина бўлса-да, ёкишимни билишим жуда керак.

Йигитнинг овозида ҳам илтижо, ҳам назокат ва ҳатто мунг бор эди.

– Ҳа, албатта, – такрорлadi киз, уни қамраб олган карахтликни силкиб ташлаб. – Сиз буни биласиз ҳам.

– Сизнинг менга ишонишингизни билмоғим керак, – ўша оҳангда давом этди Фрэнк. – Менга мен билан очиккасига гаплашадиган одам керак. Илгари бу тўгрида ўйламасдим, аммо энди бу нарса менга зарур. Қанчалик латофатли эканингизни биласизми?

– Кераги йўқ, – унинг гапини бўлди Эйлин. – Мен ундаи кил... Эй худойим, мен нима килаяпман.

Киз у томон яқинлашиб келаётган йигитни кўрди-да, давом этди:

– Мен ундан кечирим сўрашим керак. Бу раксни унга ваъда килгандим.

Каупервуд тушунди-да, у ердан кетди. У исиб кетган, асаблари таранг эди. У хиснаткорона иш қилиб кўйганини ёки жиллакурмаса шул нарсани ўйлаганини тушуниб турарди. Ижтимоий ахлок конунига кўра, бундай иш тутишга унинг ҳакки йўқ эди. Атрофдаги ҳамма – унинг отаси, масалан, ота-онаси, ёки улар мухитидаги ҳар қандай вакил тушунганидек, бу белгилаб кўйилган месъёларга бутунлай зид келар эди. Бу меъёrlар зимдан тез-тез бузилиб турса-да, улар ҳар доим ўз кучида қолаверади. Бир куни, ҳали мактабдалик вақтида синфдошларидан биттаси кизни номусига теккан одам ҳақида гап кетганида бундай деганди:

– Бундай килмайдилар!

Бўлар иш бўлди, аммо шу гаплардан кейин Эйлиннинг киёфаси мудом унинг кўз ўнгидан кетмайдиган бўлди. Гарчи бу нарса унинг ижтимоий ва молиявий аҳволини дабдала қилиб ташлаши ўша заҳоти міясига келган бўлса-да, у барабирикандайдир ғалати кизикиш билан ўзи била туриб, ўйлаб-жўйлаб, энг ёмони – иштиёқ билан ўзида эҳтирос оловини ёкканини кузатиб борар эди. Вакти келиб унинг ўзини күйдириб кул килиши мумкин бўлган оловни пуфлаш ва боз устига моҳирлик илига ва кўра-била туриб пуфлаш!

Юзи ингичка, ёш, кора сочли хукукшунос талабанинг гапларига Эйлин ўзини слепигич билан елпиб, эринибгина кулок соларди. Узокдан Норага кўзи тушгач, киз йигитдан кечирим сўради-да, опасининг олдига борди.

– Ис, Эйлин! – деди Нора. – Кидирмаган жойим колмади сени. Қаёқда эдинг?

– Ракс тушлим, албатта. Бошка қаерда ҳам бўлардим, сенингча? Наҳотки танобийда мени кўрмаган бўлснг?

– Йўк. кўрмадим, – норози оҳангда жавоб берди Нора, гўё гап жуда мухим нарса устида кетаётгандай. – Ҳали бу ерда узок қолмокчимисан?

– Охиригача, ҳар холда. Дарвоке, кўрамиз-да.

– Оуэн соат ўн иккода уйга кетишини айтди.

– Кетса кетаверсин! Мени битта-яримтаси кузатиб қўяди. Хурсандмисан, ишқилиб?

– Жуда! Эх, сенга кайси бирини сўзлаб берсам экан? Охирги рақс вактида мен бир хонимнинг кўйлагини босиб олдим. Унинг шунаканги жаҳли чиқдики! Менга еб қўйгудек каради ўзиям!

– Бўпти, ҳечкиси йўқ, жонгинам, кўрқма, у сени еб қўймайди. Ҳозир каёкка бораяпсан?

Эйлин опаси билан ҳар доим бироз ҳомийларча охангда гаплашарди.

– Кэлемни топишим керак. Кейинги павбатда у мен билан рақс тушиши лозим. Унинг кўнглида нима гап борлигини биламан: у мени ташлаб, жуфтакни ростлаб қолмокчи, аммо тушини сувга айтсин!

Эйлин жилмайди. Норага гап йўқ. Бунинг устига аклдан Худо берган! Ахир ҳамма гапдан хабари бўлганида, у нима деб ўйларди? Эйлин орқага бурилди – уни тўртинчи йигит кидиради. Қиз ўша заҳоти у билан кувнок гап сота кетди, ўзини бемалол тутиш кераклиги бир зум ёдидан чикқани йўқ. Бирок қулоклари остида ҳамон ўша кўндаланг қўйилган: “Мен сизга ёқаманми?” – деган савол ва унинг журъатсиз, аммо ҳакқоний равишда: “Ха, албатта!” деб берган жавоби жаранглаб турарди.

## XIX боб

**Э**хтироснинг авж олиши – ўзига хос ҳодиса. Катта акл эгаларида, шунишгеск, таъби нозик одамларда эхтирос кўпинча келажакдаги нарсасининг маълум фазилатлари билан мақтанишдан бошланади, дарвоке барибир бу фазилатлар сўнгсиз шартлар билан эътироф этилади. Фаросат билан яшовчи одам, худбин ўзининг “мен”и билан ғоят оз иш килади-да, ўзи жуда кўп нарсани талаб этади. Шундай бўлса-да, хоҳ эркак ё хоҳ аёл бўлсин, ҳаётни севадиган одамга бундай худбин шахс билан ҳар томонлама алокада бўлиш унинг бошига жуда кўп ташвишларни солади.

Каупервуд онадан энг аввало фаросатли худбин бўлиб туғилганди, ҳолбуки унинг бу хоссаларига қайсиdir даражада одамларга хайрихонлик ва муросасизлик билан муносабатда бўлиш эш бўлиб кетганди. Худбинлик ва аклий манфаатларнини устунлиги, бизнинг ўйлашимизча, санътнинг турли соҳаларидаги фаолиятга яхши таъсир кўрсатади. Сармоядорлик фаолияти – ўша санъат, оқил ва худбин одамлар хатти-харакатларининг энг мураккаб йигиндиси. Каупервуд ўз табиатига кўра сармоядор эди. Ҳаётнинг моддий жиҳатини эсдан чикариб, табиат мўъжизалари, уларнинг гўзаллиги ва мураккаблиги олдида аграйиб қолиш ўрнига у фикрининг ўткирлиги шарофати билан ўзининг узлуксиз молиявий ҳисоб-китобларига зарар етказмасдан борликдаги гўзал нарсалардан ҳам аклий, ҳам хиссий лаззат олишдек баҳтли қобилиятга эга бўлганди. Аёллар ҳакида, ахлок ҳакида, яъни гўзаллик, баҳт, тўқис ва ранг-баранг ҳаётга ташналик билан узвий боғлиқ бўлган нарсалар ҳакида мулоҳаза юритар экан, даққиёнусдан колган бир хотинлилик ғоясига шубҳа билан қарай бошлади, замирида мавжуд ижтимоий тарз-тарикани саклаб қолишга интилишдан бошқа бирон-бир бошқа маъно йўқ деб ҳисобларди. Нима учун шунча одамларнинг фикри айнан мана шунга, битта хотин бўлиши ва то ўла-ўлгунча унга вафодор бўлиб қолиш мумкин ва керак, деган нарсага келиб тўхталади? Бу саволга у жавоб тополмасди. Ўшанда Европада роса кўп гапирилган эволюция назариясининг нозикликлари устида бош котиришга ёки тегишли тарихий латифаларни ёдга солишга унинг тоб-тоқати йўқ эди. Бунга унинг сира вакти бўлмасди. Бундан ташқари, бу ғоянинг мутлақо яроксизлигини исботловчи ҳолатлар ва мижозлар маташувларини у неча бор кўрган эди. Эр-хотинлар ўла-ўлгунча вафодор бўлиб қолмаганлар, минглаб ҳолларда эса вафодорлик кўрсатган бўлишса-да, ниятлари пок бўлмаган. Ақл шиддаткорлиги ва журъати, баҳтли тасодиф – баъзи одамларнинг ўз оиласиий ва ижтимоий заарлари ўрнини қоплашга ёрдам берган нарсалар шулар; бошқалар эса ўз омилиги, онгизлиги, камбагаллиги ёки шахсий жозибаси йўклиги важидан нурсиз, бемаъни ҳаёт кечиришга маҳкум бўлганлар.

Дунёга тасодифан келиб қолиш, ички эрксизлик ёки топкирлик уларни ёузлуксиз азоб-укубат чекишига ёки аркон, пичок, ўқ, захар ёрдамида бошка холатларда гўзал бўлиши мумкин бўлган жирканч ҳаётлан кутулиш йўлини кидиргандар.

“Мен ҳам ўлимни афзал билардим”, ҳаёлан леди Каупервуд, рўзномада камбағал, тўшакка михланиб колган ва шунга қарамай тангу тор кулбада шарти кетиб, парти қолган ва табиики, у ҳам бемор хизматкор хотин кўлида ўн икки йил ёлғиз яшаган одам ҳакида ўкиб. Юрагига сукилган тўр тўкиш иннаси унинг ёруг дунёдаги азоб-укубатларига чек кўйган. “Куриб кетсин бунака ҳаёт! Ўн икки йил! Нега касаллигининг иккинчи ё учинчи йилида шундай килиб қўя қолмаган?”

Бу ерда ҳам ҳамма нарса кундай равшан – бунга ҳар қадамда исботлар учрайди – барча кийинчиликларни аклий ва жисмоний куч ҳал қиласди. Ахир саноат ва сармоядорлик магнатлари шу ҳаётнинг ўзида билган нарсаларини қила оладилар ва килмокдалар-ку! Каупервуд бунга неча марталаб амин бўлди. Боз устига, конун ва ахлоқ леган нарсаларга риоя этувчи бу барча бало-батарлар – матбуот, черков, полиция ва биринчи навбатда кўнгилли насиҳатгўйлар куйи табақаларда заррача иллатни кўриб колсалар, айюханнос солиб, дунёни бузадилар, гап Батлер тўғрисида кетганда эса елкаларини қисиб, пусиб коладилар, куч-куввати бор одамга шамолни ҳам раво кўрмайдилар, аммо у салгина кокилдими, тамом, ҳеч нарсадан тап тортмай, андиша-пандишани йиғишириб, ўшанга ташланадилар. О, ўшанда қанақанги шовкин-суронлар кўтарилемайди, барча кўнгироклар баравар бонг уради! Қанақанги сурбетларча ва тубан сўзлар айтилмайди! “Бу ёкка, бу ёкка келинглар, ҳай яхшилар! Қаранглар, ана, ўз кўзларингиз билан кўринглар, ҳатто жамиятнинг олий катламларида ҳам гуноҳкорга қанақанги жазо берилмайди!” Шуларни ўйлар экан, Каупервуд жилмайиб кўйди. Қандай риёкорлик! Қандай иккиюзламачилик! Аммо дунё ўзи шундай тузилган ва уни тузатиш Фрэнкнинг кўлидан келмайди. Ҳамма нарса ўз йўлидан бораверсин! Унинг вазифаси – ҳаётда ўз ўрнини топиш ва уни тутиб қолиш, ҳар қандай синовга бардош бериш ва унинг чин мохияти кетидан туша

оладиган одамшавандалик ва вазминлик билан обрў козониш. Бунинг учун куч керак. Ўткир зехи хам. Унда униси хам бор, буниси хам бор. "Мен хошишларни биринчи ўринга кўяман" – Каупервуднинг шиори ана шундай эди. У буни омад кетидан чопувчилар орасидан жой олиш учун жангга отланаётгандар кўтариб олган таҳтага кўркмай ўйиб ёзиб кўя оларди.

Бирок ҳозир Эйлин билан бундан кейин қандай муомала килиши кераклигини обдон ўйлаб олиши ва бир тўхтамга келиши керак эди; дарвоқе, кучли ва бир максадли одам ўларок Каупервуд бу масалада хам ўзининг мутлако мустакиллигини саклаб колди. Унинг учун бу у ҳар куни дуч келадиган мураккаб молиявий муаммолардан кам фарқ килувчи муаммо эди. Унга бу муаммони ечини қийин эмасдек туюларди. Нима чора кўриш керак? У хотинини ташлаб, Эйлин билан кета олмасди, бунга шубҳа йўқ. Уни ҳаддан ташкари кўп ришталар чирмаб олганди. Жамоатчилик фикри олдида кўркувгина эмас, балки ота-она ва бола-чакалтарга муҳаббат, шунингдек, сармоядорлик билан боғлик мулоҳазалар уни маҳкам ушлаб турар эди. Бундан ташкари, у буни хоҳлашига ўзининг кўзи етмаётганди. У кундан-кун авж олиб кетаётган ўзининг ишбилармонлик манфаатлари билан иш олиб бориш ниятида хам эмас, аммо айни вактда хе йўқ-бе йўқ Эйлиндан воз кечишини хам ўйламаётганди. Кизда тусатдан пайдо бўлган туйғу унга ҳаддан ташкари кўп севинчи ваъда киларди. Миссис Каупервуд энди уни на жисмонан ва на руҳан кондира оларди ва бу унинг Эйлинга мойиллигини оқлашда етарлича дастак бўлиб хизмат киларди. Нимадан қўркиш керак ўзи? У бу холатдан ўзига сув хам юктирмай чикиб кета олади. Бирок дақика сайин унга тутган йўли тобора чалкашиб бораётгандек, Эйлин эса анча хавфсиз ахлокий йўлда тургандек кўринмоқда эди ва шу нарса уни кўпроқ сукутга чўмдириб, ўйга толдиради. Зоро, энди у кизга бутунлай ошик бўлиб колганда ва у юрагининг ичичидан тошиб келаётган бир курратли туйғу битта йўлини танлашини каттик туриб талаб килмоқда эди.

Хотини тўғрисида ўйлар экан, Каупервуд хам ахлокийгина эмас, балки моддий маънода хам шубҳаларга чулған-

ган зди. Гарчи Лилиан бева қолиб, унинг шиддаткор ёшлик тазийига бардош беролмаса-да, лекин Фрэнк кейинчалик англаб етдики, хотини ижтимоий ахлок қоидаларига риёкорона риоя этувчиларнинг учига чикканларидан экан, унинг муздек, кордек тозалиги хўжакўрсингагина экан. Аслида уни маъюс шаҳвониятнинг энкинлари қамраб оларди. Йигит яна бир нарсага амин бўлдики, Лилиан вакти-вакти билан вужудини қамраб олуви ва ихтиёридан маҳрум этувчи эхтиросдан уялиб кетарди. Бу Каупервудни ранжитарди, зоро, у кучли, хукмфармо эди ва ҳар доим максад сари тикка борарди. Албатта, у тўғри келган-келмаган одамга Лилианга бўлган туйғуларини тушунтириб ўтирмокчи эмасди, аммо нима учун улар юзма-юз бўлганда ўз муносабатлари хақида чурк этмасликлари, бир-бири билан жисмоний якинлик хақида гапирмасликлари керак? Тилда бошқаю амалда бошқа бўлиши кимга керак? Тўғри, аёл ўзича унга содик эди – ювошлиги, совукконлиги, фактат акл кучи билан иш тутишлиги, боз устига, оркага қайрилиб қарап экан. онда сондагиларни хисобга олмаса, у хотинини бошқача тарзда эслай олмасди. Аёл тушунганидек, бурч туйғуси унинг Фрэнкка бўлган муносабатида катта роль ўйнар эди. Бурчини у ҳамма нарсадан устун кўярди. Кейин “одамлар нима деркин”га навбат келди, ундан кейин лавр руҳи нимани талаб қилса, ҳаммаси бўлди. Эйлин, аксинча бурч одамига ўхшамасди ва ундаги жўшкинлик, равшанки, унинг шарттакиликларни менсимасликка мажбурларди. Бошқа қизлар каби хулк-атвор қоидалари, шубҳасиз, унинг қулогига куйиб бориларди, аммо у очик-ойдин улар билан хисоблашишни истамасди.

Кейинги уч ойда улар яна кўпроқ якин бўлиб қолишли. Қизнинг қалбини тўлдирган туйғуларга ота-онаси ва одамлар кандай муносабатда бўлишларини яхши тушунган Эйлин барабири бигта нарса ҳакила каттик ўйлар ва ҳамон битта нарсани зўр бериб хоҳларди. Энди у анча чукур кетиб, килмиши билан бўлмаса-да, фикру ўйлари билан обрўйини тўкиб бўлгач, Каупервул унга янада фусункор бўлиб кўринмокда эди.

Йигит жисмоний жозибаси билан эмас – кучли эхтирос бундай чекловни билмайди, – балки ботиний яхлитлиги билан уни хаяжонга солар ва шам парвонани ўзига тортганидай, у хам кизни ўзига маҳлиё килгани-килган эди. Унинг кўзларида эхтирос ихтиёрий равишда пасайтирилган бўлса-да, аммо барабир кучли ва кизнинг тасаввурича, хамма нарсадан кудратли олов яллигланиб турарди.

Хайрлашаётуб, у кизнинг кўлидан туттандада, Эйлинни электр токи ургандай бўлди ва ажралишгача киз йигитнинг кўзига тик қараш нечоғли қийин бўлганини эслади. Гоҳ-гоҳ бу кўзлардан қандайдир вайрон этувчи кувват отилиб чиқарди. Кўп одамлар, айниқса эркаклар, унинг совуқ нигоҳларига базур бардош берар эдилар. Уларга караб турган бу кўзлар ортида зимдан кузатиб турган, аммо ҳеч нарсани назардан қочирмайдиган яна бир жуфт кўз бордек туюларди уларга. Каупервуд нима ҳакида ўйлаётганини ҳеч ким тополмасди.

Кейинги ойларда Эйлин унга янада кучлирок илакишиб колди. Бир куни кечқурун у Каупервудлариникида рояль чалиб ўтирганида Фрэнк пайт пойлаб туриб – худди шу вақтла хонада ҳеч ким йўқ эди – эгилди-да, кизни ўшиб олди. Дераза паралари орасидан аёзли, корли кўча ва милт-милт килиб турган газ фонуслар кўриниб турарди. Каупервуд уйга эрта қайтиб келди ва Эйлиннинг куй чалаётганини эшитиб, рояль турган хонага кириб борди. Эйлин кулранг, шарқ усулида жимжимадор сарик ва кўк кашталар тикилган тивит кўйлакда эди. Кўйлакка хамранг килиб, бунга ҳам сарик ва кўк рангдаги патлар қадалган кулранг шляпа бошида, – булас барчаси кизнинг бир хуснига ўн хусн кўшиб юборганди. Тўртта ё бешта, харҳолда жуда кўп – опал, зумрад, ёкут ва олмос кўзли узуклар ялт-юлт килар ва уларнинг ёғдулари клавишлар узра югуриб юрган бармокларда акс этар эди.

Фрэнк ичкарига кириб келди ва киз унинг келганини билди, ўтирилиб караб ўтиrmади. Каупервуд унинг яқинига келди ва Эйлин жилмайиб, кўзларини йигит томон кўтарди, кизнинг кўзларидаги Шуберт келтирган орзумандлик мутлако бошка ифода билан алмашди. Каупервуд бирдан эгил-

ди-да, лабларини кизнинг лабларига босди. Ипакдай майин мўйлов қитигини келтириб, кизнинг аъзойи бадани жимир-лаб кетди. Эйлин чалишдан тўхтади, сийнаси тез-тез кўта-рилиб туша бошлади; киз ҳар канча кучли бўлмасин, аммо унинг нафаси бўғилди. Юраги оғир болгадек гурс-гурс урарди. Киз: “Вой”! ёки “Керак эмас!” демади, балки ўрнидан турди, дераза томон кетди ва пардани хиёл кўтариб, ўзини кўча-ни томоша қилаётганга солди. Бундай катта баҳтдан у ҳадс-май хушдан кетиб коладигандек бўлиб туюлди.

Каупервуд тезгина унинг ортидаи борди. Эйлинни белидан кучоклаб, кизнинг оқарган чехрасига, тиник, нам кўзларига ва чўғдек лабларига бокди.

– Сен мени севасанми? – шивирлади Фрэнк; азбаройи эҳтироснинг зўридан унинг бу саволи жиддий ва амрона садо берди.

– Ҳа! Ҳа! Ўзинг биласан-ку буни!

Йигит юзини унинг юзига қўйди, киз эса қўлларини кўтарди-да, унинг сочларини силай бошлади. Қизга бўлган севги-си, уни ўзиники деб билиш кувонч туйгуси Фрэнкнинг бутун вужудини қамраб олди.

– Мен сени севаман, – деди у ўзи айтган сўзлардан ўзи хайратда колгандек. – Мен буни тушунмаган эдим, аммо энди ту-шундим. Қанчалик яхисан! Ақлдан озай деяпман.

– Мен ҳам сени севаман, – жавоб берди киз. – Мен ўзимни кўйгани жой тополмай колганман. Биламан, бундай килмасли-гим керак эди, лекин... оҳ!..

Эйлин қўллари билан унинг бошини чангллади ва тиниб кетган нигоҳини унинг кўзларидан узмай, лабларини йигитнинг лабларига босди. Кейин у бирдан четланди-да, яна кўча-ни томоша кила бошлади, Каупервуд эса меҳмонхона тўрига караб кетди. Улар бутунлай ёлғиз эдилар. Фрэнкнинг бошида кизни яна бир ўпсаммикан, деган савол айлана бошлаганди, эшикда Нора кўринди – у Линнанинг хонасида эди – унинг ортидан миссис Каупервуд юриб келарди. Яна бир неча дакикадан кейин Эйлин ва Нора уйга кетишли.

## XX боб

Мана шундай узил-кесил ва мукаррар дил изхоридан ке-  
йин Каупервуд ва Эйлин, табиийки, яна кўпроқ якин-  
лашишлари керак эди. Диний тарбия олганига қарамай, Эйлин  
ўз эҳтирослари билан кураша олмасди. Кўпчилик томонидан  
эътироф этилган диний карашлар ва тушунчалар унинг учун  
ўзини тутиб туришига асос бўлолмасди. Кейинги тўккиз ё ўн  
йил ичидаги унинг тасаввурида аста-секин ошик йигит қиёфаси  
юзага келмоқда эди. Бу кучли, чиройли, софдил, омадли, кўз-  
лари тиник ва юзларидан кон томган ва айни вактда сезгир, эп-  
чил, ҳастни Эйлиннинг ўзидан кам севмайдиган одам бўлишини  
керак. Кўплаб йигитлар унга қармок ташлаб кўришди. Унинг  
орзусидаги йигитга энг кўп тўғри келгани авлиё Тимофей чер-  
ковидаги Давид ота эди, аммо у рухоний бўлиб, уйланмаслик  
онти билан чандиб ташланганди. Гарчи бир-бирларининг туй-  
гулари ўртасида сир бўлиб колмаган бўлса-да, улар ҳеч қачон  
бир оғиз гаплашиб кўрмаган эдилар. Кейин Фрэнк Каупервуд  
пайдо бўлди. у тез-тез учрашувлар ва сухбатлар туфайли  
аста-секин қизнинг орзусидаги энг олий ошик рамзига айлан-  
ди. Саёра қўшга интилгандай, қиз унга томон талпинарди.

Агар айни вактда қарама-карши кучлар ҳаракатга келгудек  
бўлса, ким билсин, охири нима билан тугарди буларнинг бари.  
Гоҳо шундай бўладики, бундай туйғулар ва муносабатлар туб-  
дан бир-бири билан кесишади. Ҳар қандай феъл-атвор қайси-  
дир даражада юмшайди, ўзгаради, аммо унга таъсир ўтказа-  
диган кучлар жуда ҳам катта бўлиши керак. Кўпинча кўркув  
кудратли тутиб турувчи асосга айланади, бу диний ва ахлоқий  
тасаввурлардан келиб чиккан кўркув бўлмаса ҳам, моддий за-  
рар олдидаги кўркув бўлиши мумкин; аммо бойлик ва жами-  
ятдаги мавқе, одатда, уни ўйкка чиқаради. Пул бўлса, чангальда  
шўрва деганлари аслида шу бўлади!

Эйлин ҳеч нарсадан кўркмасди. Каупервуд на ахлоқий, на  
диний мулоҳазалар билан ҳисоблашишга ўрганганди. У қизга  
каар экан, бир нарсанни ўйларди: қандай килиб одамларни ал-

лаб, обрўйига путур стказмасдан киз билан ишкій лаззатлар сурса. У Эйлинни бутун борлиги билан севарди.

Иш юзасидан у Батлерларникида тез-тез бўлиб турар ва хар гал Эйлинни кўради. Киз билан изхори дил килишгандан кейин биринчи бор келганида, Эйлин создирмайгина унишг олдига келди, кўлини кисиб кўйди ва кайнок лаблари билан ўпид олди. Кейинги гада, Фрэнк кетишга чоғланиб турганида киз бирдан ларпарда ортидан чикиб келди.

— Севгилим!

Кизнинг овози майин ва илтижоли эди. Каупервуд ўгирилди ва эҳтиёт бўл дегандай унинг отаси хонаси томон ишора килди.

Аммо Эйлин кўлларини йигит томон чўзганча жойидан кимир этмай тураверди; Фрэнк шошиб унга якинлашди. Кизнинг кўллари бирдан унинг бўйнига чирмалди.

— Шунаканги сен билан бўлгим келаяптики!

— Мен хам! Ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Ҳозир ўй-хаёлимда факат шу!

Йигит кизнинг кучогидан бўшанди-да, чикиб кетди, киз эса дераза олдига югуриб бориб, унинг ортидан карай бошлади. Фрэнк шу якин-атрофда турганидан яёв кетиб борарди ва Эйлин анчагача унинг кент елкалари, самбитдай кад-коматидан кўзини узолмади. Унинг тез-тез, шахдам одимлашини кўринг! Мана буни ҳакиқий эркак деса бўлади! Унинг Фрэнки! Киз уни ўзиники деб биларди энди! Дераза олдидан кетиб, Эйлин рояль олдига чўкди ва то тушлик бўлгунга кадар қандайдир куйларни ўйчан чалиб ўтириди.

Чапдаст ва маблағдан кисилмаган Фрэнк Каупервул учун кийин ахволдан чиқиш катта меҳнат талаб килимасди. Ёшлигида, у турли “ёғлик жойлар” кетидаш чопиб юрганида ва кейинчалик ҳам, уйланганидан сўнг саховатнинг тор йўлидан бурилиб кетган ҳоллар кўп учарди, у бузуклик йўлида фойдаланадиган барча айёрликлар ва гайриконуний йўлларни миридан-сиригача ўрганди. Ўша вактда ярим миллион ахолиси бўлган Филадельфия шаҳрида ошик-маъшуқларни кизикувчан

нигохлардан яширишга тайёр иккинчи даражали меҳмонхоналар анчагина эди. Яна у ерда маътум пулга учрашув ўтказишга рухсат берадиган кўриниши хашамагли ҳовлилар ҳам бор эди. Яши ҳаст туғилишидан саклаб колувчи воситаларга келганда, Каупервуд улар ҳакида аллақачондан бери биларди. Эҳтиёткорлик ва хушёрлик унинг шиори эди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди, зоро, Каупервуд тезда таникли ва бообру шахсга айланганди. Эйлин эса эҳтироси уни қаёкка олиб кетаётганини англаб етмасди, англаганди ҳам элас-элас; бу майлнинг чегараси каердалигидан у бехабар эди. Эйлин муҳаббатга ташна эди, у эркалашларини, паҳ-паҳлаб яхши кўришларини хоҳларди – ундан у ёғи билан унинг иши йўқ эди. Унинг ўйлари сичконга ўхшарди: коронгу бурчакдаги индан бошини чиқаради-да, ҳар канака товушдан кўркиб, кайта лип этиб инига кириб кетади. Каупервуд билан боғлик ҳамма нарса унга гўзал кўринарди. У ҳали йигитнинг ўзи хоҳлаганидек севишига ишонганича йўқ; аммо ўша кун келади! Эйлин унинг хотини шаънини поймол килаётганини тушунмасди, негадир унга бундай эмасдек тюларди. Борди-ю. Фрэнк уни, Эйлинни ҳам севса, миссис Каупервуд нима йўқогади?

Бебошлиқ ва эҳтиросдан келиб чикувчи бундай ўз-ўзини алдашни нима деса бўлади? Биз ҳар қадамда унга дуч келамиз. Эҳтиросни тийиб бўлмайди, табиатда кичкина одамзот борлигидан ташкарида содир бўладиган ҳамма нарса шундан гувоҳлик берадики, табиат унга нисбатан бефарқ экан. Эҳтирос туфайли берилган жазоларни биласиз: камоклар, касалликлар, хонавайронликлар ва касодгарчиликлар, аммо шу нарсани ҳам биласизки, булар ҳаммаси инсон шахсиятининг азалий интилишларига таъсир килмайди. Наҳотки унинг учун максадга етишишга интилувчи шахснинг туткич бермас хоҳиш-иродаси ва курдатилан бошка конунлар бўлмаса? Борди-ю, шундай бўлса, тўғри-да, аллақачон буни каттаю кичик ҳамма билиши керак эди! Биз ўшанда барибир олдингидай иш туттан бўлар эдик, аммо жиллакурса илоҳининг бандалар ишига аралашуви ҳакидаги ярамас рӯйларни ўзимиздан сокит килар эдик. Ҳалқ сўзи – Ҳак сўзи.

Шундай килиб, улар ниҳоят, учрашдилар, юзма-юз ўтириб, ажайиб соатларни бирга ўтказа бошлиши. Эйлинда авж олган эхтирос алангаси шундай учрашувлар билан боғлик кўркув ва катта таваккални унтишга мажбур килярди. Унинг уйидаги ҳеч ким кўрмаган тасодифий бир дақиқалик учрашувлардан кейин улар шахар ташкарисида хуфёна кўришувларга ўтиши. Каупервуд боши айланиб, барча ишини ташлаб кўядиган одамлар таифасидан эмасди. У тўсатдан бостириб келган эхтирос ҳакида канча кўп ўйлагани сайин бу эхтиросни ишларга, унинг оқилона мушоҳадаларига ёриб киришига йўл қўймаслик карори шунчалик катъиляшиб борарди. Идора иши ундан эрталаб соат тўккиздан тушки учгача каттик кўз-кулок бўлиб туришни такозо этарди. Аммо у ишга берилиб кетиб, одатда, у срда соат беш яримгача кум-тош булиб ўтиарди. Бунга эхтиёж бўлмагани сабабидан унинг хафтада икки марта уч яримдан беш ярим ёки олтигача бўлмаслиги ҳадеганда кўзга ташланавермасди. Эйлиннинг хар куни тўрт яримдан беш ё олтигача ёлғиз ўзи бир жуфт тўрик йўргада сайр килиши ёки отаси унинг учун Балтимордаги таникли аспжаллобдан сотиб олиб берган отда юриши одат тусига кирганди. Каупервуд ҳам кўпинча арава ва отда сайр килгани боис уларнинг бир-бирига узок шахар ташкарисида. Уиссаҳикон дарёси буйида ёки Скайкилд йўлида учрашув тайинлашлари кулай эди. Якинда барпо этилган боғда мудрок ўрмондагидан колишмайдиган хилват бурчаклар бор эди. Тўғри, йўлкаларда ҳар доим таниш-билишлардан битта-яримтасини учратиш мумкин эди, аммо ростга ўхшаган ёлгон баҳона гопиш қийин эмасди! Дарвокс, бунга хожат ҳам колмасди: бундай тасодифий учрашув ҳеч кимда шубха ўйғотмасди.

Бу ишқ достони аввалига ана шундай бошланди – ошикона алжираш, ўзаро қасамёдлар, жиддий, ҳал қилувчи кадам ҳакида лом-мим демаслик ва қўшимчасига яшил либосга бурканётган дараҳтзор тагларида отда маза килиб айланиш. Янги эхтирос Каупервудда у шу пайтгача билмаган хаёт кувончини ўйғотди. У Фронт-Стритга бориб, Лилиани кўриб юрганларида, ундан суюклироқ асл йўқ эди дунёда ва ўшанда у ўзини

бехад бахтиёр хисобларди, бирок ўша вактдан буён ўн йилча вакт ўтган бўлиб, булар бари унутилиб кетганди. Никоҳдан кейин у хеч канака эхтиросга берилмаган, хеч канаканги узок алокада бўлмаган эди, бирданига ҳе йўқ-бс йўқ ишбилармон-ликдаги ажойиб ютуклар куюни ичиди – Эйлин, калби ҳам, жисми ҳам ёш, эхтиросли орзуларга тұла киз пайдо бўлди! Фрэнк ҳар кадамда шуни кўриб турарди, шунчалик далиғули бўлишига карамай, йигит чарх уриб юрган хисоб-китобли ва бағритош дунё ҳакида киз хеч нарса билмайди. Отаси унга кўнгли хоҳлаган нарсани олиб берарди, онаси ва укалари, айникса, онаси уни кўп эркалатарди, синглиси уни ер-кўкка ишонмасди. Эйлиннинг кўлидан бирон ёмон иш келиши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Нима бўлганда ҳам у ғоят ақлли ва ҳаётда хаммадан ўзиб кетиш иштиёки билан тўлиб-тошганди. Модомики, олдинда бахти ҳаёт эшиги очилаётган ва тез орада уни ҳар жихатдан ўзига мосу хос ва ёкимли йигит билан аҳд-паймонли никоҳ кутаётган экан. Такик ҳакида ўйлашига на ҳожат?

– Турмушга чикқанингда, Эйлин, бизнинг ҳаётимиз бошқача бўлиб кетади, – дерди унга ҳар гал онаси. – Бутун уйни, албатта, таъмирлаб, қайта тиклаймиз, балки ундан олдинрок килармиз буни. Мен ўзим Эддини тезлайман, истамаса, ўзим киришаман. Бу ёғидан хотиржам бўл.

– Шу ишларга ҳозирдан киришилса яхши бўларди, – жавоб берарди Эйлин.

Батлер одатдаги қўпол эркалатиш билан кизининг елкасинга қоқиб кўярди-да:

– Хўш, топдингми уни? – деб сўрарди.

Ёки:

– Қалай, деразанг тагига келиб, ивирсиб юрмаяптими?

Агар кизи: “Йўқ”, – деб жавоб берса, чол бундай дерди:

– Парво қилма, топасан ҳали, куйинма, бундан баттарла-ри ҳам бўлади! Аммо сен билан ажрашишим осон бўлмайди, кизим! Ота уйида хоҳлаганча яшашинг мумкин, аммо эсингда бўлсин: ихтиёринг ўзинг билан, ҳар дакикада бизникига кайтиб келавер.

Эйлин унинг пичингларига зътибор килмасди. У отасини севарди, аммо у айтган гаплар унинг мэъдасига тегиб кетганди. Худонинг берган куни шу, гарчи бирдек ёкимли бўлса-да, бир-биридан фарқ килмасди бу кунлар.

Аммо фусункор баҳор кунларида яшил лиbosга бурканга-ётган дараҳтлар остида у нечоғли эҳтирос ила Каупервуднинг эркалашларидан масту мустағрик бўлмасди! У йигитга ўзини бу тунлай баҳшида этиш онлари якин колганини билмасди, зоро, хозир йигит уни факт ширин сўзлар билан эркалаб, ўз муҳаббатини изхор килмоқда эди. Ҳар лаҳзада йигитни шубҳалар камраб борарди. У ўзига эрк бергани сайнин бу нарса унга табиийдек туюлмоқда эди, бирок жўмардлигига бориб, барин-бир бир куни у Эйлинга уларнинг эҳтиослари нимага олиб бориши мумкинлигини рўйирост айтди. Киз шунга розими? Нима килаётганини у тушунадими? Дафъатанига Эйлин чўчиб тушди ва ўланиб колди. У ўзининг кора амазонкаси ва заррин соchlари узра наридан-бери суриб қўйилган шляпасида калта хивчин билан оёғига урганча Фрэнкнинг олдида тураркан, унинг сўзлари ҳакида ўйларди. Нима килаётганингни ўзинг биласанми, деб сўради йигит. Булар бари уларни нимага олиб боришини ўйлаётпими? Киз уни чиндан ҳам севадими? Улар отларини қалин бутазорда, катта йўлдан ва шўхоқар анхордан йигирма қадамча нарида колдиришди, киз отлар яхши боғланганми, йўклигини кўришга интилаётгандек бўлиб, энди Фрэнкнинг олдида турарди. Бирок кизнинг кўзлари отда-ю, хаёли бошқа ёқларда эди. У Каупервуд ҳакида, костюм унга канчалик ярашгани ҳакида ва бу дакикалар нечоғли гўзаллиги ҳакида ўйлар эди. Унинг чавкар оти накадар ажойиб-а! Якинда кулок очган япрок уларнинг бошлари узра ҳарир яшиллик билан чирмашиб кетган. Чор атроф ўрмон эди, аммо у иккаласига гўё яшил тангачалар қадаб тикилган парда ортидан кўрининиб тургандек эди. Кулранг тишларни аллақачон юпка тўс коплай бошлабди, бурилиб оқаётган арик тишимсиз шаллирарди, дараҳтларда илк баҳор күшлари чуғур-чугур киларди.

– Азизим, – деди Каупервуд, – нималар бўлаётганини биласанми ўзи? Мен билан учрашиб нима килаётганингни хеч ўйлаб курдингми?

– Ҳа десам ҳам бўлади!

Киз оёгига хивчин билан уриб кўйди-да, ерга каради, кейин кўзларини кўтарди ва япроқлар орасидан мовий осмонга карай бошлади.

– Менга кара, жонгинам!

– Қарамайман!

– Кара деяпман сенга, кабутарим, сенга бир гап айтмокчи-ман!

– Мени қийнама, Фрэнк! Қарай олмайман.

– Йўқ, карайсан, қарашинг керак!

– Йўқ дедим-ку, йўқ!

Йигит унинг кўлларини ўз кўлларига олди, киз ортга чекинли, бирок ўша заҳоти яна унга яқин келди.

– Қани, энди кўзларимга кара-чи.

– Йўқ, карай олмайман!

– Кара дедим, Эйлин!

– Йўқ, кўлимдан келмайди! Мени тинч кўй! Нима сўрасанг, ҳамма саволишта жавоб бераман, аммо ўзингга қарашга мажбур килма мени.

Фрэнк аста унинг юзидан силади. Кейин қўлини кизнинг слкасига кўйди ва киз унга бошини эгди.

– Кувончим менинг, кандай гўзалсан! – деди йигит ниҳоят. – Сендан воз кечишига кучим стмайди. Нима килишим лозимлигиши билардим, сен ҳам, эҳтимол, биларсан. Аммо мен иложисизман! Сен менини булишинг керак. Барибир ҳам, агар буни билиб қолишса, иккевимизга ҳам яхши бўлмайди. Сен гапимни тушуняпсанми?

– Ҳа.

– Укаларинг билан таниш эмасман, лекин қўринишларидан чакки одамларга ўхшамайди. Улар сени жуда яхши кўришади.

– Кўрганда кандок!

Фрэнкнинг сўнгти сўзлари кизнинг хиёл иззат-нафсига тегиб кетди.

– Бу ерда нима бўлаётганини билиб қолишсами, менинг куним битди дсявер. Нима деб ўйлайсан, агар улар билишса, нима килган... хуллас, агар бориб-бориб бир нима бўлиб қолса?

Қизнинг нафис юзига тикилганча Фрэнк жимиб қолди.

- Лекин ҳеч нарса бўлмайди! Факат жудаям ҳаддан ошиб кетмаслигимиз керак.
- Эйлин!
- Сенга қарамайман дедимми, қарамайман! Овора бўлмай кўя кол! Ундай килолмайман.
- Эйлин! Жиддий гапирайсанми?
- Билмайман. Мендан ҳеч нарса сўрама, Фрэнк!
- Наҳотки шу билан тўхтатиб кўя қолмаслигимизни тушунмасанг? Йўқ, сен тушуниб турибсан! Бу охири эмас. Агар борди-ю...

Бир текис, хотиржам оҳангда йигит унга тақиқланган учрашувлар йўсунини тушунтира бошлади.

– Ишимиз тескари кетиб, сиримиз фош бўлганда ҳам сен кўркмасанг бўлаверади. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Шунда, албатта, бизга яхши бўлмайди. Миссис Каупервуд ҳеч қачон ажрашишимизга розилик билдиrmайди – икки дунёда ҳам! Борди-ю, ҳаммаси мен ўйлагандай кетса, борди-ю, бир миллион доллар ишлаб тополсам, мен ҳозирок ҳамма ишимни йигиштириб кўйган бўлардим. Бир умр ишлаш ниятим йўқ зинҳор. Ҳар доим ўттиз беш ёшимда ҳаммасига нукта кўйишни ўйлаб келганман. Бу вактга келиб, бисотимда тузуккина пул бўлади. Кейин саёҳат килишни бошлайман. Бироқ яна бир неча йил сабр килишимга тўғри келади. Агар сен эркин бўлганингда... агар ота-онанг тирик бўлмаганида (шуниси кизикки, бу кинояли шамаларни эшишиб туриб ҳам Эйлин пинагини бузмади), бошка гап эди.

Фрэнк жимиб қолди. Эйлин ҳамон оёғи остидан шалдираб оқаётган арикка ўйчан тикилиб турарди, хаёли эса узокларда – денгизда, улар иккаласини кирғок томон олиб кетаётган яхтада эди, кирғоқда эса қандайдир номаълум сарой кад кўтариб турибди, унда Эйлин ва Фрэнкдан бошка ҳеч ким бўлмайди. Унинг ярим юмук кўзлари оллидан мана шу баҳти дунё сузигб ўтмоқда эди; худди сеҳрлангандай, у Каупервуднинг сўзларини зеҳнига жойларди.

- Ўлай агар, бошка йўлни кўрмаяпман! Аммо мен севаман!  
— У қизни ўзига каратди. — Мен сени севаман, севаман!  
— Ҳа, ҳа! — хаяжондан титраб жавоб берарди Эйлин. — Мен ҳам сени севаман! Мен ҳеч кимдан кўркмайман.

— Ўнинчи кўчада уй ижара олдим, — деди йигит сукутни бузиб, улар эгарга ўтиришганда. — У ҳали жихозланмаган, аммо гап бунда эмас. Мен бир хотинни мўлжаллаб кўйганман, уйга караб туради.

- Ким экан у?
- Ғалати бева хотин, эллик ёшларда. Ақлли, жуда ёқимли, кўпни кўрган. Мен уни эълондан топдим. Ҳаммаси тахт бўлгандан кейин унинг олдига борасан-да, шу уйни кўрасан. У билан кўп илакишиб колишингга тўтри келмайди. Гоҳ-гоҳда, розимисан?

Йигитнинг саволига жавоб бермай, Эйлин хаёлга толганча кетиб борарди. Ишнинг кўзини билади, ўз мақсади сари оғишмай ҳаракат килади!

- Борасанми? Ҳеч нарсадан хавотир олма. У билан бемалол танишишинг мумкин. Унга тўла ишонса бўлади. Борасанми унинг олдига, Эйлин?

— Ҳаммаси тайёр бўлгандан кейин айтарсан, — деди қиз охири.

## XXI боб

Эҳтирос инжикликари! Ҳийла-найранглар! Густохликлар!  
Ишк меҳробига килинган курбонликлар!

Жудаям кўп вақт ўтмади, Каупервуд айтган, ишкий сирни пинҳон тутишга мўлжалланган бошпана тайёр бўлган эди. Уйга афтидан якинда оғир жудоликка учраган бир бсва хотин каарар эди. Эйлин тез-тез у ерда бўла бошлади. Мана шундай вазиятда ва ана шундай ҳолатда уни маъшуғи ихтиёрига бутунлай бахшида бўлишга унатиш катта меҳнат талааб этмасди,

зеро, кизгинанинг бўронли, сўкир хиссиятга ортиқ каршилик кўрсатишга мадори колмаганди. Унинг гунохини қайсиdir даражада севги ювиб турарди ва ҳакиқатан ҳам унга ёруғ дунёда мана шу одамдан бошқа ҳеч ким керак эмас эди. Унинг барча ўй-орзулари, унинг барча хис-туйгулари бир шу одамга қарашли эди. Унинг кўз олдида келажак манзаралари намоён бўла бошлади, ўшанда Эйлин ва Фрэнк қандайдир тарзда абадулабад бир жон-бир танга айланади. Ўтгиз беш ёшга тўлганида йигитнинг бисотидаги маблағ бир миллион доллар бўлганида миссис Каупервуд ўлмайди ёки Фрэнк хотинини ташлаб, Эйлиннинг оллига кетиб қолмайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳаммаси бир амаллаб йўлга тушиб кетади. Табиатнинг ўзи унга шу одамни олдиндан ато этиб кўйган. Эйлин унга сўзсиз ишонади. Фрэнк, сенга ўзим қарайман ва сенга шамолни ҳам раво қўрмайман деганида, киз унинг гаплари ростлигига қилча шубха қилмаганди. Эйлиннинг гунохига ўхшаган гуноҳ ҳакида руҳонийлар кўпинча зиёратгоҳларда эшитадилар.

Шуниси эътиборга сазоворки, насронийлар олами қандайдир мантикий найранг йўли билан шундай хulosага келган: аввалинга апъянавий парвариш ва сўнгра никоҳ билан покланган муҳаббатдан бошқа муҳаббат – бекор. «Битта умр – битта муҳаббат!» – насронийликнинг ғояси ана шу ва у бутун дунёни мана шу тангу тор кафас ичига қамашига муттасил харакат килиб келади. Бундай тасаввур мажусийликка ёт эди. Кадимги дунёда таюқ учун қандайдир алоҳида сабабни қидириш керак эмас эди. Ибтидоий жамоа тузумида эса жинсларнинг ковушши, афтидан, зурёд колдириш учун зарур муддатнингша кўзда тутган. Энг янги замон оиласи, шубҳасиз, ўзаро майл ва яқинликка асосланади. Аммо бундан охир-окибатда у қадар баҳтли ва омадли бўлмаган ҳар қандаи мухаббатни коралаш керак, деган маъно келиб чикмайди. Ҳаётни қандайдир қоидалар билан чегаралаб бўлмайди ва одамлар бунга зинҳор-базинҳор харакат қилмасликлари керак. Бир умр толели аҳд-паймон килиш ёр бўлган одамлар ўзларини кутласинлар ва ўз баҳтларига муносиб бўлишга харакат қилсинлар. Тақдир бундай баҳт

билан сарафroz этмаганлар эса, гарчи жамият уларни гаровга олишганлар, деб эълон килса-да, барибир хайрихохлик кўрсатишга арзийдилар. Бундан ташки, мулоҳаза ва назарияларимизга боғлик бўлмаган холда табиатнинг асосий конунлари ўз кучида колаверади. Бир турдаги зарралар бир-бирига караб тортилаверали. Феъл-агвор ва мижоздаги ўзгаришлар ўзлари билан, албатта, ўзаро муносабатдаги ўзгаришларни ҳам олиб келади. Тўғри, баъзиларини ақидапарастлик ушлаб колса, баъзиларини кўркув тўхтатиб колади. Аммо ўзларида табнат овози баралла янграйдиган одамлар ҳам топилади ва улар учун на ақидапарастлик бор ва на кўркув. Жамият даҳшат ичидаги кўлларини осмонга кўтаради. Бирок асрлар оша Елена, Мессалина, Дюбарри, Поападур, Ментсанп ва Нелл Гвин сингари аёллар пайдо бўлади, улар эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда илгари йўл кўйилганига караганда каттарок хуррият томон олиб борувчи йўлни кўрсатадилар.

Каупервуд ва Эйлин бир-бирига ҳаддан гашкари каттик илакишиб колган эди. Эйлинни якиндан билиб, Каупервул шунга амин бўладики, у, биргаликда яшаса, колган умрини баҳтли кила оладиган ягона аёл. Эйлин канчалик ёш, оккунгил, умидларга тўла бўлса, шунчалик жасоратли ҳам эди. Улар биринчи марта бир-бирига интилган ондан буён ўтган шу ойларда Фрэнк уни хотини билан солиштиргани-солиштирган эди. Унинг хотини билан кечирган ҳаётидан коникмаётганлиги илгари элас-элас билинган бўлса, энди тобора якколрок кўзга ташланмоқда эди. Тўғри, фарзандлари ўша-ўша унга кувонч бағишлар ва уйи ҳам қулинг ўргулсин эди. Сўлгин, озгин Лилиян ҳамон ҳуснини йўқотмаганди. Сўнгти йилларда озми-кўпми ундан мамнун эди, бирок энли ундаги норозилик тўхтовсиз ортиб бормоқда эди. Унинг хотини Эйлинга сира ўхшамасди: Эйлиндаги тароват, кувноқлик, шарттакиликларга нисбатан нафратдан унда асар ҳам йўқ эди. Гарчи Каупервуд одатда ғоят ройиш эр хисобланса-да, энди у бўлар-бўлмасга жаҳли чиқадиган бўлиб колганди. Ҳаммаси Лилияннинг ташки кўринишига боғлик саволлардан бошланарди: ҳар куни ишлатиладиган “нима учун”лар аёлнинг дилини оғритмай ва жонига тег-

май қолмайди. Нима учун у ўзига кўйлаги рангидаги лолагулли шляпа олмаган? Нима учун у кўп вақтини ташкарида эмас, ичкарида ўтказади? Унга очик ҳавода юриш ғоят фойдали бўлиши мумкин, нима учун у ё унисии, ё бунисини килмайди? Эри ўзининг хулк-атворини яхши биларди, деб бўлмасди-ю, бирок Лилиан ҳаммасини кўриб турарди, бу саволларнинг тагида не маънолар ётганини фаҳмлаб, дили оғрир эди.

– Нега ҳадеб менга “нима учун”, “нима сабабдан” деб савол бераверасан? – сўради бир куни у хафа бўлиб. – Бу одатни қаердан ортдирдинг? Сен мени олдингидай севмай қўйгансан, бор гап шу, мен буни жуда яхши биламан.

Хотинининг бирдан аланг олишидан ҳайрон бўлиб, Каупервуд ўзини курси суюнчиғига ташлади. Бунга сабаб, афтидан, Эйлин ҳакидаги гаплар эмас, балки унинг навбатдаги танбехи эди; аммо ҳакиқатдан ҳам шундайлигига ўзи ишонмаётганди. Лилианнинг токатини ток килиб юборганидан хиёл виждони азобланиб, хотинидан кечирим сўради.

– Майли, қўявер! – жавоб берди хотини. – Менга заррача таъсир килгани йўқ. Аммо энди мендан совий бошлаганингни билиб турибман. Сенинг доим ишларинг бошингдан ошиб-тошиб ётади! Бир лаҳза бўлсин, иш ҳакида ўйламай туромайсан.

Каупервуд енгил нафас олди. Хайрият, хотини ҳеч нарсани сезмабди!

Эйлин билан апок-чапок бўла боргани сайин у хотиним хиёнатимни сезиб қолмадимикан, деган фикрдан камрок чўчидиган бўлиб колганди. Гоҳо юзага келган ахвол-окибати нималарга олиб келиши мумкинлигини хаёлида чўтга соларкан, у балки шундай бўлгани ҳам яхшидир, деган хulosага келарди. Лилиан ўз хукуки учун жон олиб-жон бериб курашадиган шаддод хотинлар тоифасидан эмасди. Унинг феълини билганидан, Фрэнк гоҳо хотинини улар оилавий хаётидаги узилишга бошида хавфсираганидек, каттик каршилик кўрсатмаса керак, деб ўйларди. Аввал у ажрашаман дейиши ҳам истисно эмасди. Эҳтирос ва баҳтга ташналик уни одатдагидек одамларча мулоҳаза юритгани ҳам кўймаётганди.

Йўқ, дерди у ўзига ўзи, энди ҳамма гап унинг эмас, Батлерларнинг оиласида колган. Эдвард Мэлия Батлер билан унинг ўртасида ғоят мустаҳкам сармоядорлик алоқаси ўрнатилган. Каупервуд билан маслаҳатлашмай кария ўзи эгаси бўлган кўпсонли қимматбахо когоzlар билан биронта ҳам битим тузмасди. Батлер Пеисильвания кўмир компанияси, “Делавер Гудзон” канали, “Морис-Эссекс” канали ва Ридинг темир йўли каби корхоналарнинг байчиси эди. Филаделфия темир йўллари касб этган аҳамиятни англаб, у унлаги мавжуд қимматли қоғозни иложи борича фойдаси билан сотишга ва шу тарика тўпланган маблагни маҳаллий изларга сарфлашга карор килди. Молленхауэр ва Симпсон ҳам шундай килишаётганидан у бехабар эди, маҳаллий ишларни шулардан бошка ким ҳам яхши тушунарди? Каупервуд каби у конкали темир йўллар акцияларининг катта микдорини ўзида жамлаб, у пировардида лоакат Молленхауэр ва Симпсон билан ҳамкорлик килишга эришаман, деб ўйлаганди. Ӯшанда тегишли идоралар орқали бирлашган темир йўллар учун фойдали конунларни ишга солиш кийин бўлмайди. Улар янги излар ётқизиш ва қуриб бўлинганинг давом этдиришга рухсат оладилар. Батлернинг қимматли қоғозлари билан муомаласи, шунингдек, шаҳар конкали темир йўллар акцияларининг тасодифий боғламларини сотиб олиш айнан Каупервул вазифасига кирап эди. Ӯғиллари Оуэн ва Кэлем орқали Батлер ўша вактда аллакачон янги излар ётқизиш ва бунинг учун зарурий рухсат бериш устила жон куйдирмоқда эди; конунчилик йиғилишининг унга керакли резолюциясини кабул килишга эришишини истаб, у акциялар боғламлари ва накл пулларни аямай тарката бошлади. Лекин бу иш осон эмасди, чунки қозага келган холатдан олиш мумкин бўлгандан фойда кўпларга, шу жумладан, Каупервудга кундай равшан эди: бу ерда катта пул ишлаш манбани кўриб, у, албатта ўз фойдаси ғамини ерди. чунки у сотиб олган акциялардан факат бир кисмигина Батлер, Молленхауэр ва бошка мижозлар кўлига тушганди. Бошкacha айтганда. ўзидан кўра кўпроқ Батлер ёки бошка биронтасига фойда келтиришга харакат киларди.

Жорж Стинернинг аслида панада колишни истаган Стробик, Уайкрофт ва Хармон номидан унинг хузурига олиб келган таклифи Каупервудга жозибадор туюлгани сабаби шунда. Стинернинг режаси шундан иборат эди, Каупервудга шахар газнасида йилига икки фоиз хисоб-китобидан ёки, агар у воситачилклардан воз кечса, ҳатто бегараз (эхтиёт-корлик Стинерлан воситачи орқали иш кўришни тақозо этарди) кредит очиб кўйисин. Бу пулларга Каупервуд Шимолий Пенсивлания компаниясидан Фронт-Стрит бўйлаб ўтувчи, катта даромад келтирмайдиган ва унча катта бўлмаган масофа – бир ярим миль – туфайли унча юқори баҳоланмайдиган, шунингдек, ундаға фойдаланишга берилган рухсатнинг киска муддатлиги сабабли конка изини сотиб олиши керак эди. Товоң сифатида ишни моҳирлик билан бажаргани учун Каупервуд анча мўмай наф олар эди – барча акцияларнинг йигирма фоизи. Стробик ва Уайкрофт назорат боғламини сотиб олиш мумкин бўлган жойда факат шошилинч харакат килиш кераклигини билишарди. Шундан кейин бу режа кўйидагиларни кўзда тутар эди: шахар газнасидан олинган пуллардан лицензияни узайтириш ва изнинг ўзини давом эттириш учун фойдаланилади; кейин ўз банкларидан бирига кўйиладиган акцияларнинг катта боғлами чиқарилади: шу тарика бирмунча муддатдан кейин шахар унда банд бўлган маблагни кайтариб олади, улар эса из келтирган фойдани чўнтакка урадилар. Агар акцияларнинг афери барча иштирокчилар ўртасида хомталаш бўлиб кетишими хисобга олмаса, Каупервуд учун бу режа озми-кўп даражада маъкул кеярди ва барча юргурюгрлари-ю, тўккан терлари учун унга нисбатан кичик улушгина тегар эди.

Аммо Каупервуд оғзидағи ошни олдириб кўядиган аюйилардан эмасди. Бу вактга келиб эса унда алоҳида ишибилар-монлик ахлоқи, сармоядорлик ахлоқи пишиб етилмоқда эди. У агар юлғичликнинг ёки пул ишлашнинг бундай йўли ўғирлик деб аталадиган бўлсагина, ўғирликка йўл кўйиб бўлмайди деб хисоблар эди. Бу ноокилона, хатарли, бино-барин – ахмокона йўл эди. Пулларни кўлга киритиш ёки пул

ишлаб топиш шубҳа ва ҳакоратларга сабаб бўлиши мумкин эди. Каупервуднинг тасавурида одоб сал бўлмаса икlimга боғлик равиша вазият туфайли ўз кўринишини ўзgartиради. Филаделфияда кейинчалик ғазнага кайтариш шарти билан шахар пулларидан ғазначи бегараз фойдалана оладиган анъана илдиз отганди (албатта, маҳаллий сиёсатчилар доирасида, бутун шахар ахолиси доирасида эмас). Ғазна ва ғазначи бу ерда асалга тўла инни ва атрофила пул орттириш илинжида эркак асаларилар, яъни аферистлар ва сиёсий арбоблар айланиб юрган она асаларига ўхшарди. Стинер билан тузилган битимнинг бирдан-бир нохуш томони шунда эдики, на Батлер, на Молленхауэр, на Симпсон, яъни Стинер ва Стробикнинг ҳакикий бошлиги бу битим ҳакида ҳеч нарса билмас эдилар. Стинернинг ўзи, шунингдек, унинг ортида турган шахслар ўзларининг шахсий манфаатларида Каупервуд оркали харакат килар эдилар. Бундан дарак топган ёруғ дунё буюклари даргазаб бўлишлари мумкин. Борди-ю, у Стинер билан ёки маҳаллий соҳалардан бошка биронтаси билан бундай фойдали ишлар олиб боришдан бош тортгудек бўлса, у фактат ўзига-ўзи зарар келтиради, зеро, уни дархол бошка банкир ёки маклер билан алмаштиришади. Бундан ташкари эса Батлер, Молленхауэр ва Симпсон бунинг хидини олишади, деб тахмин килишга ҳеч кандай асос йўқ эди.

Шу ерда яна шуни айтиш жоизки, тасодифан Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчаларнинг конка изидан ўтиб қолган Каупервуд уни ғоят мафтункор иншоот деб ҳисоблади, фактат зарурий маблаг топилса бас. Аввалига бу изнинг нархи, зълон қилинганидек, беш минг доллар эди, бирок кейинрок, уни кайта жихозлаш мақсадида икки юз эллик минг долларга акцияларнинг кўшимча туркумлари чиқарилган эди ва энди компания фоизларни тўлашда жиддий кийинчилликларни бошдан кечирмокда эди. Акцияларнинг катта кисми майда эгаллар орасида хомталаш бўлиб кетганди ва назорат боғламини эгаллаш ҳамда бошкарув раиси бўлиб сайланиш учун барибир Каупервудга камида икки юз эллик минг доллар талаб этиларди. Лекин бу изга қўл уриб, у акцияларни бутунлайича ўз

ихтиёри билан тасаррүф эта оларди, масалан, уларни олиши мүмкін бўлган жуда катта микдордаги пулга вактинча отаси-нинг банкига кўя олар, кейин янги акциялар чикара олар, улар ёрдамида маҳаллий конунчилик йигилиши аъзоларини сотиб ола олар ва шу тариқа ё янги омадли харидлар воситасида, ёки бошқа компаниялар билан битим тузиш йўли билан ишни кенгайтира оларди. “Сотиб олиш” ибораси бу ўринда ишбинармонлик соф америкача маънода кўлланмоқда, зеро, штат конун чикарувчи йигилиш тўғрисидаги тушунчани “пора” сўзи билан чатиштириб юбормайдиган одамнинг ўзи йўк эди. Гаррисбергдаги сармоядорлар доиралари вакили Тэрсис Рэлихон паст бўйли, корачадан келган ирландиялик бўлиб, башанг кийимларию назокатли ҳаракатлари билан герда-йиб юради, – бир вактлар у беш миллион долларлик заёмни жойлаштириш ҳақидаги иш бўйича Каупервуднинг олдига келганди, шу одам штат пойтахтида пулсиз ёки пул эквива-лентисиз, яъни кимматли қофозларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди деб ишонтирганди. Овозини олиш ёки кўллаб-куватлашига эришиш учун конунчилик йигилишининг ҳар бир кўп ёки оз даражадаги обрули аъзосининг “томогини ёғлаш” керак бўлади. Ирландиялик шу нарсага ишора килдики, борди-ю, Каупервуд бирон хийла ишлатишга мажбур бўлиб қолса, Рэлихен у билан гап сотишдан хурсанд бўлади. Каупервуд Ўн еттинчи ва Ўн тўккизинчи кўчаларнинг конка изини сотиб олиш режасини кайта-кайта ўйлаб кўрган бўлса-да, аммо бу ишга узил-кесил киришишга ботинаолмаётганди. Унинг кўплаб бошқа имкониятлари йўк эмас эди, аммо васваса кучли эди, у тинимсиз мана шу масала устида бош котиради.

Шимолий Пенсильвания изи билан боғлик ишлар учун Стинер таклиф килган кредит Ўн еттинчи ва Ўн тўккизинчи кўчалардаги из билан боғлик найрангни янада рўёблирок килар эди. Каупервуд бу вактда шахар газнаси манфаатлари-ни кўзлаб шахар заёми облигациялари кийматини муттасил кузатиб борарди: биржада киймати тушиб кета бошлаган йирик боғламлар, уларни харид килар ва киймати кўтарила бошлагани ҳамон жуда эхтиёткорлик билан уларни сотар

эди. Бу барча амаллар учун унга ўз бисотида озмунча нақд пул бўлиши зарур бўлмасди. У ҳар доим ишқилиб биржада касодгарчилик бўлмасин-да, деб хавотирланарди, зеро, бу ушаги барча мавжуд бойликларнинг инкирозига олиб келган бўлурди ва, устига-устак, ундан яна карзларни коплаш ҳам талаб этиларди. Тўғри, ўшанда хеч кандай бўрон кўринмаётганди. Каупервуд ҳалокатдан омон қолишга умил боғларди, аммо барибири ўз маблагларини бекорга совурмокчи эмасди. Энди кўп нарсалар ўзгариб кетганди. Борди-ю, у шахар маблағларидан бир юз эллик минг доллар олиб, уни ўн еттинчи ва ўн тўққизинчি изларга сарфласа, бу унинг маблағни совуришини англатмасди, зеро, Стинернинг янги таклифи унинг бошқа ишларни юргизиш учун катта кредитларни деб хазинабонга мурожаат килишига имкон туғдиради. Бирок, борди-ю, бирон касофат юз берса-чи?... Начора, бошга тушганини кўз кўрас дейдилар-ку!

Фрэнк, – деди бир куни Стинер (улар аллақачондан бери бир-бирининг огини айтиб чакирадиган бўлишганди), унинг олдига соат тўртдан кейин кирганида – бу вактла илорада иш куни тугай деб қолган бўларди. – Стробикнинг айтишича, Шимолий Пенсильвания изи иши деярли тайёрлаб кўйилган ва биз ишга киришаверсак бўлади. Биз акцияларниг назорат боғлами Колтон деган одамнинг қулида эканини аниқладик. Айка Колтон эмас, балки Фердинанд Колтон. Кизик исми шариф, шундай эмасми?

Семириб колган Стинер оккўнгиллик билан мийғида жилмайиб кўйди. У тасодифан шахар хазинабони бўлиб колганидан буёп унинг ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу лавозимга ишга ўтиб, у яхши кийина бошлади ва унинг бутун борлиғидан шунчалик олийжаноблик, шунчалик ўзига ишонч ёғилар эдики, агар ўзига ташкаридан караганда борми, у, хойнаҳой, янги либосида ўзини таниёлмаган бўларди. Унинг митти кўзлари ўйноклашлан тўхтаганди, доимий хурсандлик ўрнини бегам хотиржамлик эгаллаганди. Йўтон оёғига у энг юмшок чарм туфли кийиб олганли; тўла гавдаси ва сержир сонлари аъло сифатда тикилган кулранг-жигарранг

костюми тагидан лорсиллаб турарди; учли ок ска ва жигарранг галстук унга алохидә зеб бағишиларди. Залворли тилла занжир ялтираб турган дум-думалок корни узра кенг күкраги уни янада барваста күрсатарди, оппок енг учиды йирик ёкут күзли катта-кагта тилла түғногич ялт-юлт киларди. Унинг аъзойи бадани кандаидир кизгиш ва семиз эди. Қискача килиб айтганда, турмушнинг хузур-ҳаловатини күриб яшаётган одам экани яккол күриниб турарди.

Түккизинчи күчалаги икки каватли ёғоч уйдан у оиласи билан Сирииң-Гарден-стритдаги анча кенг тош уйга күчиб ўтди. Унинг хотини бошка маҳаллий сиёсатчиларнинг хотинлари билан танишиб олганди. Болалари ўрта мактабда ўкир эдилар, бу бир вактлар унинг учун ушалмас орзу эди. Энди шаҳарнинг турли кисмларида унинг ўн түртта ё ўн бешта арzon томорқалари бор бўлиб, улар вакти келиб кимматли кўчмас мулк бўлиб колиши аник эди. Жанубий Филаделфия металлургия жамияти ва “Америка мол ва чўчка гўштлари” компаниясининг овоза килинмаган хиссадори хам эди – факт қоғоздагина мавжуд бу икки муассасанинг бутун фаолияти шундаи иборат эдикни, улар шаҳардан пудратлар олиб, уларни ортиқча савол бермай, буйрукларини лаббай деб ба-жарадиган кўйиш устахоналари ва гўшт дўконларининг камсукум эгаларига ишониб топширад эдилар.

– Ҳа, ғалати исм экан, – унинг ганига кўшилди Каупервул.

– Хўш, демак, у акциялар эгаси дениг? Мен ҳар доим бу из ўзини қопламаса керак. деб ўйлардим: у ҳаддан ташкари киска. Уни Кенсингтон маҳалласи томонга уч миль лавом эттириш керак бўлади.

– Мутлако тўгри, – маъкуллади Стинер.

– Колтон акциялари учун канча сўраганини Стробик сизга айтмадими?

– Олтмиш саккиз доллардан бўлса кераг-ов.

– Яъни, жорий киймати бўйича. Нима хам дердик, унинг иштахаси чакки эмас-а? Бу нарх билан, Жорж, хозир айтаман,

– у хаёлан Колтоннинг кўлидаги акциялар кийматини хомчўт килиб чинди. – факт унинг боғлами учун бир юз йигирма минг

доллар атрофика. Бу хали ҳаммаси эмас. Яна ҳакам Китчен бор. Жозеф Зиммерман бор, сенатор Доновэн ҳам бор. – Каупервуд Пенсильвания сенати аъзосини назарда тутаётганди. – Умуман, бу иш сизга арzonга тушмайди. Яна изни ўзлаштиришга канча сарфлаш керак бўлади! Менимча, бу ҳаддан ташкари кўп зарар келтиради!

Каупервуд бу изни Ўн еттичи ва Ўн тўққизинчи кўчаларнинг восвосли изи билан кўшиб юбориш ҳамирдан кил суғургаңдек осон иш экани ҳакида ўйлади ва бирпас сукут саклаб сўради:

– Айтинг-чи, Жорж, нега сиз барча усулларингизни Стробик, Уайкрофт ва Хармон оркали ўтказаяпсиз? Нахотки яна бир канча иштирокчиларни жалб этмай, бу ишни иккаламиз эплай олмасак? Менимча, бу сиз учун анча фойдали бўлар эди!

– Албатта, албатта! – деди Стинер ва унинг лумалок кўзлари сухбатдошига қандайдир ночор мўлтайиб тикилди. Каупервуд унда яхши таассурот колдирганди ва у ҳар доим у билан факат ишбилармон сифатида эмас, балки инсон сифатида якинлашишни ният килар эди. – Мен бу ҳақда аллакачон ўйлай бошлаганман. Аммо улар, Фрэнк, мендан кўра бундай ишларда кўпроқ тажрибага эга, ахир улар бу билан качондан бери шуғулланиб келишяялти. Мен эса хозирча бўларни яхши билмайман.

Гарчи юзи ўша-ўша бефарқлигича колаверган бўлса-да, Каупервуд ичиди кулиб кўйди.

– Тушунтилинг уларга, Жорж! – давом этди у дўстона, сирли оҳангда. – Биз иккаламиз улар билғанчалик биламиш ҳам, киламиш ҳам. Мана қўрасиз, бу ишни керак бўлса улардан ўтказиб уддалаймиз. Мен нима деётганимни биламан. Жиллакурмаса сизни кизиқтираётган конкали усулини олинг. Биз иккаламиз уни Уайкрофт, Стробик ва Хармон иштирокидан яхшироқ ўтказамиз. Улар жудаям ақлли одамлар эмас. Пулни улар эмас, сиз киритасиз. Уларнинг иши мана шу бутун корхонани конунчиллик йигини ва муниципалитет оркали судраб борищдан иборат, холос. Шундай бўлса-да, конунчиллик йигили-

шида улар хеч кимдан, масалан, мәндан күпроқ нарсага эриша олмайдилар. Ҳаммаси Рэлихон билан келишувға боғлик, бунга эса маълум микдордаги шулни ассигнация килиш керак, холос. Шаҳар кенгашига келганды эса, Филаделфияда бир Стробик-кина у ерда кунда-шундашардан эмас.

Каупервуд биронта йўл устидан назоратни ўз қўлига олиб, Батлер билан музокаралар олиб боришга ва унинг ҳамкорлик килишига умид боғлаган эди. Бу, ҳар ҳолда Стробик ва шерикларини тинчлантирган бўлар эди.

— Мен Шимолий Пенсильванияга нисбатан ниятларингизни ўзгартиринг деб айта олмайман. Бу, ҳар ҳолда, нокулай бўлар эди. Аммо бошка йўллари ҳам йўқ эмас-ку. Эҳтимол, келажакда биз сиз билан биргаликда қандайдир иш қиласмиш! Бу сизга жуда фойдали бўлар эди, менга ҳам! Шаҳар заёмида биз ёмон ишлаб олмадик, буни сиз инкор этмасангиз керак.

Улар чиндан ҳам дурустгина ишлаб олган эдилар. “Юҳо”-ларга теккан чўталлар ҳакида гапирмаганды ҳам Стинернинг ўзи янги уйи, ер майдони, банкдаги ҳисоби, яхши энгил-боши, олдингидан бошка дунёкарашлари учун Каупервуднинг шаҳар заёми сертификатларини муваффакиятли айлантирганидан миннатдор бўлиши керак. Биз тасвирлаётган вактга келиб, ҳар бири икки юз минг долларлик облигацияларнинг тўрт туркуми чикариб бўлинган эди; Каупервуднинг бу облигациялар билан айланмаси тахминан уч миллион долларга етар эди, чунки у уларни гоҳ сотиб, гоҳ сотиб олиб, кўтар-тушир ўйинини ўйнарди – бу заём кийматига боғлик бўлар эди. Стинер энди жуда бўлмаганды бир юз эллик доллардан мингтасига эга эди.

— Мен шаҳарда битта изни биламан, уни озгина куч сарфлаб, гоят даромадли изга айлантирса бўлади. – ўйчан давом этди Каупервуд. – У жудаям қиска, худди Пенсильвания изига ўхшаш, кичик бир худудга хизмат кўрсатади. Шу тарика, биз бошка кўплаб жойларда хизмат қиласидиган идораларни таъминлашда тежаб қолган бўлардик. Қискаси, катта маблаг айланмасида ҳар доим фойда келтирадиган иш топиш мумкин.

У жимиб қолди ва келажак унга пималар ваъда килаётгани ҳакида ўй сурар экан, ўзининг кулинг ўргулсан қилиб жиҳозланган, лакка бўялган ёғоч конпамали кабинети деразасидан ташкарига карай бошлади. Дераза илгари туарар-жой бўлган, энди эса идора жойлашган бинонинг орка ҳовлисига қараб очиларди. Ҳовлида унда-мунда ўсиб ётган сийрак майсалар кўзга ташланарди. Уйнинг кизил девори ва кўхна гишт тўсик пимаси биланцир Каупервудга уларнинг Нью-Маркет-стритдаги тоғаси Сепека келиб турадиган уйни эслатарди. Тоғасининг ёнида кора танли хизматкори ҳам бўларди. Деразага карап экан, Каупервуд тоғасини худди олдида тургандек хис этарди.

– Биз иккевимиз, – жилтий тусда деди Стинер, кармокни чўқилаб, – шу изни қўлга олсак, пима бўлади? Молиявий жихатдан, ўйлайманки, мен бу амални таъминлар элим. Сизнинг чўтингизда бизга канча пул керак бўлади?

Каупервуд яна пинҳона жилмайиб кўйди.

– Ҳозир сизга анигини айтольмайман, – жавоб берди у, бироз сукут сақлаб. – Мен бу масалани мирилан-сиригача ўрганишим керак. Ҳамма бало шундаки, мен бусиз ҳам шаҳар газнаси маблағларидан талай пул олиб кўйганман. Ўзингиз билгандек, бўйнимда шаҳар заёми муомалалари учун беришган иккисиз минг долларни талаб этган бўлар эди. Агар ахвол мана бунака бўлмаганида...

У англаб бўлмас биржа вахималари ҳакида, Америка учун хос бўлган, мамлакатдаги умумий ахволдан кўра америкаликларнинг ўз феъл-атворлари билан боғлик жазавалар ҳакида ўйларди.

– Борди-ю, Шимолий Пенсильвания изи билан боғлик иш аллақачон битган бўлганда эди...

У иягини артди ва сийрак, майнин мўйловини силади.

– Мендан ортиқ суриштирманг, Жорж, – деди у охири, сухбатдошининг гап кайси из ҳакида кетаётгани устида бош котираётганини кўриб, – Бировга чурк этиб оғиз оча кўрманг!

Мен аввало ҳаммасини яхшилаб тсқираман, кейин эса сиз билан икковимиз гаплашамиз. Менинч, бу масала билан кейинрок, Шимолий Пенсиљвания изи билан иш ўнганиб кетғанда шуғулланғанимиз тузук. Ҳозир шупақанги ишларим күпки, боп қашигани күлим тегмайди. Ҳозирча оғиз очмай туринг, кейин бир гап бұлар...

У стол узра әнгаши да Стинер үрнидан турди.

– Сиз ҳаракат қилиш вақти келди деб айтишингиз билан, Фрэнк, мен сизга керакли міңдорда кредит очаман! – леди у. Каупервуднинг бу ишга киришишігінде үнчалық хохиши йүклигидан, Стинернің күллаб-куватларындағы бояшқа ҳар кандай фойдалы үйинни писанд әтмастганидан ҳайратта көлиб. Бу истеъоддли, чапдаст Каупервуд орқасыда иккаласи бойиб олса, нима килибди? – Сиз Стайерсни хабардор килиб қўйинг, у сизга чек келтириб беради. Биз имилламасдан ҳаракат килишимиз кераклигини Стробик кўриб қўйсии.

– Бу ишга киришаман, Жорж, – ишонтириб деди Каупервуд.

– Ҳаммаси жойида бўлади. Менга ишонаверинг.

Шимини тўғрилаб, Стинер йўғон оёкларини үйнатди ва Каупервулга қўлини узатди. Янги фикр устида чукур ўйга толганча у кўчага чиқди. Агар Каупервуд билан рисоладаги дай тил топишса олса, бойлик унинг чўнтағида эканига шубҳа йўқ: бу одам омадлилар ичидан мингтадан биттаси ва олий даражада эҳтиёткор. Унинг янги уйи, ажойиб идораси, ортиб бораётган обруси ҳамда у Батлер ва бошқалар билан биргаликда ҳаётга татбиқ этган оқилона режалари – барча-барчали Стинерга чинакамига хузур бағишламоқда эди. Конкали темир йўлнинг яна бир изи! Улар бунга ҳам, Шимолий Пенсиљвания изига ҳам эгалик киладилар! Агар иш шундай кетаверса, у, Жорж Стинер, ҳаёт суғургаси ва кўчмас мулк савдоси бўйича аянчли агент магнатга айланади, ха, ха, ҳакикий магнат бўлади! Шундай орзуларга кўмилганча у фуқаролик бурчи ва ижтимоий ахлоқ деган тушунчалар ҳам борлигини унугиб, кўчадан кетиб борарди.

## **XXII боб**

**К**ейинги бир ярим йил ичилда Каупервуд Стинерга, Стробикка, Батлерга, штат хазинабони Ван-Нострендга, Пенсильвания сенати аъзоси, Гаррисбергдаги “сармоядорлар давраси вакили” деб айтилган Рэлихенга ва бу жаноблар дўстона муносабатлар ўрнатган турли банкларга кўплаб хуфиявий хизматлар кўрсатди. Стинер, Стробик, Уайкрофт, Хармон ва албатта, унинг ўзининг манфаатлари йўлида у Шимолий Пенсильвания ишини бароридан келтирди, шундан кейин шу йўл барча акцияларининг бешинчи кисми эгасига айланди. Стинер билан биргаликда у Ўн еттинчи ва Ўн тўқизинчи кўчалар конкали изларнинг акцияларини сотиб олди ва яна бай хисобидан у билан фонд биржасида ўйин бошлаб юборди.

1871 йил ёзида, Каупервуд ўттиз тўртларга кирганда унинг банкирлик идораси икки миллион долларга баҳоланаар эди, шундан сал бўлмаса ярим миллион унга тегишли эди ва унинг олдида очилаётган истиқболга қараб мулоҳаза килинса, у тез орада ҳар қандай америка боёни билан рақобат қила олар эди. Ўз хазинабони Стинер тимсолида шахар беш юз минг долларга якин миқдорда унинг кўювчиси эди. Ўз хазинабони Ван-Ностренд тимсолида штат унга икки юз минг долларни ишониб топшириб кўйганди. Боуд эллик минг долларга конкали темир йўллар акцияларини харид килганди. Рэлихен ҳам худди шунча миқдорда харид килганди. Сиёсий арбоблар ва улар гумашталарининг бутун бир галаси унда ўз пулларини саклар эдилар. Эдвард Мэлия Батлернинг онкол хисоби бир юз эллик минг долларга етганди. Каупервуднинг турли банкларга унинг бойликларидан қайсилари гаровда эканлигига боғлик бўлган карзи етти юздан саккиз юз минг доллар ўртасида тебраниб турарди. Кумушранг тўр ичидаги ўргимчакка ўхшаб, унинг ҳар бир ипини ўзи эшиб, ўзи йигирган эди. Ажойиб ишбилар-монлик алоқалари тармокларининг қок марказида гураркан, Каупервуд атрофида содир бўлаётган барча воқеаларни зийраклик билан кузатар эди.

Унинг ҳаммадан кўра кўпроқ иштиёқ билан берилган эзгу иши конкали темир йўллар, биринчи галда Ўн еттинчи ва Ўн тўккизинчи кўчалардаги излар акцияларини айлантириш бўлиб, улар устидан ўрнатилган назорат аслида унинг қўлида эди. Стинер Каупервуднинг банкирлик идорасига очган бўнакли кредит шарофати билан шу излар акциялари айникса паст баҳоланаётган вақтда у ўзи ва Стинер учун барча акцияларнинг эллик бир фоизини сотиб олишга муваффак бўлди ва энди йўлдан ўз билгича фойдаланаверса бўларди. Бунинг учун у ғоят "ўзига хос" усулларга мурожаат килишига тўғри келли, уларни сармоядорлар орасида ана шупдай аташарди, бирок у акцияларни унинг ўзи белгилаган нархлар бўйича сотиб олди. Аввалига у агентлари орқали компанияга катор даъволар билан чиқди, гўё унга тегишли фоизлар тўланмаганидан юзага келган зарарни тўлашни талаб килди. Ўзини бошқа киши килиб кўрсатган одамнинг қўлидаги унча катта бўлмаган боғлам, тафтишни белгилаш тўғрисида суд олдидা расмий илтимоснома билан нутк килиш, тафтишнинг компания ишлари бўйича ҳомий таъсис этиш керакми ёки йўклигини белгилаши, бу компания акциялари кийматдан уч, беш, етти ва ўн банд куйини таклиф эта бошлаган биржада ҳар тарафдан бирданига хужум бошлаш – бу барча амаллар йигилиб, юраклари ёрилган хиссадорларни ўз қоғозларини бозорга ташлашга мажбур қилганди. Банклар шундай тўхтамга келишдики, конканинг бу изи ғоят таваккалли иш ва шу боис компаниядан карзни узишни талаб килгандар. Ота Каупервуд ишлаган банк ўз вактида йўлнинг асосий хиссадорларидан бирига карз берган эди ва ҳозир ҳам у пулни қайтаришни талаб киларди. Кейин – яна ўша ўзини бошқа киши килиб кўрсатган шахс орқали – энг йирик хиссадорлар билан музокаралар бошлаб юборганди: гўё, юзига кирк доллар хисобидан ўз акцияларини сотиб, юзага келган ахволдан кутулиб чикиш имкони берилар эмиш. Уларда бу барча фалокатлар каердан ёғилаётганини аниқлашнинг сира иложи йўклиги сабаб, гарчи бунда заррача ҳакикат бўлмаса-да, улар йўл ташландик ҳолда ётибди деб тасаввур килишган. Ундан кутилган авло! Каупервуд ва Стинерда пуллар таҳт эди ва улар

акцияларнинг эллик бир фонзи эгаси бўлиб олишганди. Бирок Шимолий Пенсильвания изи ишидаги каби Каупервуд майда акционерлардан сотиб олиш мумкин бўлган хамма нарсанинг ичидаги сотиб олгани боис акционерларнинг эллик бир фонзига тенг назорат боғлами амалда унинг қулида бўлиб колди. Стинер эса яна йигирма беш фониз сохиби хисобланарди.

Бу Каупервулга наша килди, зеро, у энди ўзининг бир пайдаги орзузи ушалиши учун имкон пайдо бўлганини кўрди, айнан: бу изни Шимолий Пенсильвания изи билан кўшиб юбориб, шу йўлни кайта ташкил этиш, хар бир эски йўлга учтадан акция чиқариш, назорат боғламидан ташқари уларнинг барчасинн сотиш, кейин тўпландиган пуллар ёрдамида конкали гемир йўлларнинг бошка компанияларига байчи бўлиб кириш, янги сотиб олинган қоғозлар нархини ошириш ва пировардидага уларни шу шиширишган нархларда сотиш. Кискача килиб айтганда, Каупервуд кейинчалик бошка, америка хўжалигининг янада муҳимрок соҳаларини ўз қўлига олган ва ўзлари бойиб олиш максадида охир-окибат уни ўзига бутунлай бўйсундиролган дастлабки дангалчи олиб-сотарлардан бири эди.

Бир канча изларнинг бу биринчи кўшилишига келганда, Каупервуднинг режаси қўйидагилардан иборат эди: икки компаниянинг бундан кейинги кўшилиши хақида миш-миш таркатиш, конун чиқарувчи органларда изларни давом эттиришга рухсат олиш учун югур-югурлар килиш, жозибадор реклама проспектлари, кейинрок эса йиллик хисботлар чоп этиш, ва натижада хар куни тобора ортиб бораётган захиралари унга имкон берар даражада фонд биржасидаги акциялар нархини кўтариб юбориш. Бу ишларнинг кийинчилиги шундан иборат эдик, акцияларнинг шундай катта кисмини таркатиш ва сотишга (ярим миллиондан ортикрок миқдорга) имкон берувчи шароитлар яратиш учун, боз устига бу акцияларнинг ярим миллионини ўзида колдириш нияти билан хаддан ташқари катта миқдордаги маблағга эга бўлиш зарур эди. Бундай холларда биржада сохта харидларни амалга ошириш, бу билан сохта талаб келтириб чиқариш етарли эмасди. Акциялар нархларини бундай сунъий тарзда кўтариб-туширишлар оммани адашти-

ради ва акцияларнинг катта кисмини сотишга имкон беради, уларни узил-кесил тақсимот килиш учун яна анчагача улар кийматини саклаб туришга тұғыр келади. Борди-ю, айтайлык, айни вактда бұлганидек, Каупервуд беш минг акция сотди, беш мингши эса үзида олиб қолди, у сотган акциялар кийматини муайян даражада саклаб туриш учун унинг озмунча уриниб-чирапишига тұғыр келмасди, зеро, акс холда унинг құлида колган акцияларнинг ҳам нархи тушиб кетар эди. Деярли хар доим килиб келинганидек, агар у үз акцияларини банкка қўйганида, улардан олган пуллардан эса бошка битимларда фойдаланганда эди. Унинг акциялари киймати кескин тушиб кетган холда, банк үз манфаатларини химоя килиб, қўшимча таъминотни ёки ҳатто қарзни тұла узинши талаб қиласы эди. Бу эса унинг найранги чиппакка чиккани ва унинг үзига бўхрон таҳдид солаётганини англатарди. Ҳозир Каупервуд шахар заёми чиқариш билан боғлик фоят мураккаб компанияни ўтказганди, заём киймати тиннимсиз қутарилиб-тушиб турарди, аммо айни вактда бу қутарилиб-тушишлар унинг учун янада макбулрок эди, зеро, пировардиде у бундан пул ишлаб колмоқда эди.

Ташабbus ҳар канча мафтуңкор бўлмасин, янги оғир юк икки баравар зийракликни талаб этарди. Акцияларни баланд нархда сотиб, у шахар газнасидан олган карз (ссуда)ни кайтара оларди. Зийраклик натижасидаги унинг үз акциялари, ҳатто мавхум келажакдан ва чаккон тузилган проспектлар ва хисоботлардан фойда ундириш укувлари устига ёзиб қўйилган киймат бўйича баҳоланади ёки ундан оз-моз камрок бўлади. Унинг бисотида бошка конкали темир йўл изларига сарфлайдиган пули бўлади. Вакти келиб, у конкали темир йўллар бутун тизимнинг молиявий раҳбарлигини үз қўлига олиши ва ўшанда миллионер бўлиши истисно эмас. Каупервуднинг узокни кўра билишига ва бу одамнинг фавқулодда аклидан гувоҳлик берувчи айёrona тўқималаридан бири шундан иборат эдикি, мавжуд изларни узайтириш ёки янги тармоклар ёткизиш баробарида у ҳар доим мустакил ташабbusлар яратар эди. Дейлик, икки-уч миль узунликдаги изларга эга бўла туриб ва уни ўшандай масофага ва ўша кўчада давом этти-

ришни исгад, Каупервуд бу янги кисмни мавжуд акционерлик жамиятига ҳавола этмасди, балки конкали йўлнинг мана шу қўшимча икки-уч милини назорат кила оладиган янги компания ташкил этар эди. Бу ташаббусни у маълум микдордаги маблаг билан таъминларди, бунга акциялар ва облигациялар чикарарди, бу унга бетўхтов янги из ётқизишга киришишга ва уни тезда ишга туширишга имкон берарди. Бу ишни нийоясига етказгач, у турдош фаолиятини дастлабки компанияга қўшиб юборарди, бунда акциялар ва облигацияларнинг янги туркумни чикарап, улар билан олдиндан кенг олди-сотди бозорини таъминлар эди. Ҳатто унга ишлайдиган оғайилари хам унинг фаолиятидаги барча хилма-хил найрангларини билмасдилар ва унинг буйрукларини кўр-кўронна бажарап эдилар, холос. Баъзан Жозеф ташвиш ичida Элвардга бундай дерди:

– Ҳа! Фрэнк билмасдан бир ишни қилмаса керак, ҳар холда.

Бошка томондан, Каупервуд унинг барча жорий мажбуриятлари ўз вактида ва ҳатто муддатидан олдин тўлаб борилишини диккат билан кузатиб борарди, чунки у ўзининг тўлов кобиляти баркарорлигини ҳаммага кўрсатиб қўйиш муҳим деб биларди. Яхши обру ва баркарор мавқедан кимматлирок нарса йўқ. Унинг узокни кўра билиши, эҳтиёткорлиги ва аниклиги банкирлик уйлар раҳбарларига мойдай ётар ва уларда энг тўғри фикрлайдиган ва зийрак ишбилармонлардан бирига бўлган ҳурмат ошгандан-ошиб борарди.

Барибир ҳам кўза кунда эмас, кунида синади, дейдилар. 1871 йилнинг ёзига келиб, Каупервуднинг захиралари, гарчи унинг ахволини ҳалокатли даражага келтирадиган бўлмаса-да, яхшигина ҳомталаш бўлиб кетганди. Ҳар доим унга ҳамрохлик килиб келган муваффакият таъсири остида у ўзининг молиявий найранглари устида камроқ бош қотирадиган бўлиб колди. Аста-секин ўзининг барча ўйлари рўёбга чикишига заррача шубҳа килмай кўйган Фрэнк отасини хам конкали темир йўллар олди-сотдисида иштирок этишга унатди. Учинчи миллтий банк маблағларидан фойдаланиб, ота Каупервуд ўғлини кисман молия билан таъминлаши, у пулга каттиқ мухтожлик сезганида унга кредит очиши керак эди. Аввалига кекса

жентльмен бироз гижинди ва шубҳа билдири, бирок вакт ўта борган сари ва унга фойдадан бошқа ҳеч нарса келмагани боис, у дадиланди ва ўзини анча тетик хис кила бошилади.

— Фрэнк, — деб сўарди у баъзан ўғлига кўзойнаги устидан қараганча, — чув тушиб қолишдан кўркмайсанми? Кеининг вактларда жуда катта миқдорлаги шулларни ўзлаштириб юбордик.

— Агар захираларни хисобга олса, илгариғилардан кўп эмас. Катта ишларни кенг кредитсиз килиб бўлмайди. Буни сиз мендан кўра яхшиrok биласиз.

— Бу тўғрику-я, аммо... Масалан, Грин ва Каутс изларини олайлик, тағин бу иш бошиннга бало бўлмасин, эҳтиёт бўл.

— Ҳеч парса бўлмайди. Мен бу компания ишларининг ахволи билан жуда яхши танишман. Унинг акциялари эртами, кечми кўтарилиши керак. Уларни мен ўзим кўтараман. Агар керак бўлса, бу йўлни бошқа изларимга қўшиб юборишим ҳам мумкин.

Ота Каупервуд ҳайрон бўлиб ўғлига каради. Дунё ҳали бундай дадил, кўркмас найрангбозни кўрмаган!

— Мендан ташвиш килманг, ота! Борди-ю, кўркадиган бўлсангиз, яхшиси, мен олган қарзларни тўлаб кўйишимни талаб килинг. Акцияларимга ҳар кандай банкир менга пул бериб турди. Мен шунчаки фойда сизнинг банкингизга келиб тушса дейман, холос.

Генри Каупервуд таслим бўлди. Бундай ишларга у ҳеч нақангни эътироz билдира олмас эди. Унинг банки Фрэнкка катта-катта кредитлар берарди, аммо нима бўлганда ҳам бошқа банкларчалик катта бўлмасди. Унинг ўғли фаолиятларига сарфланган шулларга келсак, агар вазият қалтислашиб колгудек бўлса, Фрэнк уни олдиндан огохлантиришга ваъда берганди. Фрэнкнинг укалари ҳам ҳар доим унинг фармойишларига караб иш тутар здилар ва энди уларнинг манфаатлари унинг ўз манфаатлари билан узвий боғлик эди.

Кундан-кунга бойиб борар экан, Каупервуд янада дориламонрок ҳаёт кечира бошлаганди. Филаделфиялик қадимги буюм ишкибозлари унинг бадиий мойилликлари ва ортиб

бораётган бойлиги хусусида эшишиб, усти-устига унга мебел, дарпардалар, гиламлар, санъат асарлари ва сувратларни – аввало американики, кейинрок эса мутлако хорижий санъаткорлар асарларини таклиф эта бошлишганди. Унинг ўз уйида бўлгани каби, отасининг уйида ҳам чиройли буюмлар хали унчалик кўп эмасди, бунинг устига Унинчи кўчадаги уй ҳам бор эди, шуни у иложи борича яхши безатишни хоҳларди. Эйлин ҳар доим ота-онаси уйидаги камчиликлардан зорлангани-зорланган эди. Гарчи қизнинг ўзи яхши англамаса-да, нафис буюмларга муҳаббат унинг ажралмас хусусияти эди. Улар хуфёна учрашиб турадиган жой шинам ва даблабали жихозланган бўлиши керак. Бунга улар иккови ҳам қагтик аҳд килгандилар. Шундай килиб, аста-секин уй ҳакикий ҳазинага айланли: бу ердаги айрим хоналар Фрэнкнинг ховлисилагига караганда янада нафисрок мебеллар билан тўлдириб ташланганди. У сенда ўрта аср черков ризалари, гиламлари ва дарпардаларининг ноёб нусхаларини тўплай бошлиди. Кирол Георг даври усулидаги мебелни сотиб олди – бу Чиппендел, Шерaton ва Хеплуайт усуллари биринчаси бўлиб, италян ренессанси ва Людовик Ўи тўртинчи таъсири остида бирмунча ўзгаришларга дуч келган. У чинни, хайкалтарошлик, юонон гулдонларининг ажойиб намуналари, фил суюгидан япон усталари ясаган хайратомуз ўймакорлик асарлари билан танишди. Санъат асарларини четдан олиб келишга ихтисослаштирилган “Кейбл ва Грэй” фирмасининг ёш ҳамсоҳиби Флетчер Грэй бир гал келиб, Каупервудга XIV аср дарпардасини таклиф этди. Қадимги буюмлар ишининг чинакам ишқибози ўзининг босик ва шу билан бирга нафосат оламига нисбатан оташин муҳаббати или Каупервудни ҳаш-паш легунча авраб ташлади.

– Зангори чиннининг бир муайян рангини яратишида элликта даврдан нусха оладилар, мистер Каупервуд! – хикоя килди Грэй. – Биз гиламнинг камида етти мактаби ва даврини биламиз – форс, арман, араб, фламанд, замонавий поляк, венгер ва хоказо. Борди-ю, сиз качонларлир бу ишга кизикиб колгудек бўлсангиз, мен сизга гиламлар мажмуасини тўлик сотиб

олишингизни астойдил маслаҳат берардим, айтмоқчиманки, ё маълум бир даврга тегишилгигини ёки барча даврларга мансублигини олинг. Каранг, қанака гўзат улар! Айрим тўпламларни ўз кўзим билан кўрганман, бошқалари ҳакида эса китоб-журналлардан ўқиганман.

— Менинг гапларингизга ишонтириш унча кийин эмас, — жавоб берди Каупервуд. — Санъат вакти келиб мени хонавайрон килади. Ўзим унга нисбатан бефарқ одамман, сиз эса Элсуорт ва Гордон Стрейк билан, — у рангтасвирининг ашаддий муҳлиси бўлмиш таниш бир йигитчани назарда туваётганди, — мени гангитиб кўйлингиз. Стрейкнинг фикрига койил колиш керак. У менинг дархол турли мактаб ва даврларга хос дурдона намуналарни тўплай бошлишимни таклиф киласяпти ва йирик санъаткорларнинг асарлари вакт ўтиши билан кимматлашиб боришини уқтираяпти, яъни ҳозир бир неча юз минг долларга олган нарсам кейинчалик миллионлаб долларга баҳоланали. Аммо у менга америка рассомлари билан шуғулланмаслигимни маслаҳат бераяпти.

— Гарчи ракибни макташ менга фойда келтирмаса-да, у ҳак! — деди Грэй. — Факат бу ишларга катта пул керак.

— Унчалик катта эмас. Кейин, колаверса, бирданига тўланш ҳам шарт эмас. Бундай гояни амалга ошириш учун йиллар талаб этилади. Стрейк айтадики, агар биронта яхширок нарса топилгудек бўлса, кейинчалик уларни алмаштириш учун турли мактабларнинг ажойиб намуналарини ҳозир ҳам топса бўлади.

Каупервуд ташкаридан хотиржам кўринганига карамай, унинг юраги ҳар доим ниманидир килирар эди. Аввалига у факат бойлийкаю аёллар гўзаллигига интиларди. Энди у санъатнинг ўзини деб уни севиб колганди ва бу тонг осмонидаги илк ёғуллар эди. У аёл гўзаллиги ҳаётдаги барча энг ажойиб нарсалар билан курсалгани бўлиши кераклигини ва чинакам гўзаллик учун факат биргина муносиб восита — чинакам санъат эканини англай бошлаганди. Бу ёш вужудидан тароват ёғилиб турадиган Эйлин Батлер бўлиб, унда илгари унга бу кадар хос бўлмаган нафосатга шайдоликни уйғотган эди. Феъл-авторларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида юзага келадиган энг

нозик хилларни таърифлашнинг иложи йўқ, зеро, бизни ҳайратга соладиган нарса бизга қай даражада таъсир килишини хеч ким билмайди. Каупервуд ва Эйлин ўртасида юзага келганга ўхшаш мухаббат тоза сув солинган стаканга тушган бир томчи тиник бўёқ ёки тўғрироги, энг мураккаб кимёвий биррикмага қўшилган номаълум кимёвий модда кабидир.

Қискача айтганда, ёш бўлишига карамай, Эйлин Батлер, шубҳасиз, кучли шахс эди. Унинг кариб ғўларча нафсонияти уйдаги кўримсиз мухитта карши ўзига хос исён эди. Шуни унутмаслик керакки, Батлер оиласида дунёга келиб, у кўп йиллар давомида бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳаётга нисбатан ибтидоий-гайрибадий боёнларча карашларининг ҳам соҳибаси, ҳам курбони бўлиб келди, энди эса Каупервуд билан танишиш шарофати илиа Эйлин ҳаётнинг инсонга бойлик ва олий иштимоий рутба инъом этмиш шундай мўъжизалардан вокиф бўлдики, булар унинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Айникса, Фрэнк Каупервудга хотин бўлгач, келажакдаги дунёвий муваффакиятлар унинг сира кўз ўнгидан кетмасди! Узок висол онларида кизнинг олдида ўзини намоён этган унинг ёркин ва чакнок аклини айтмайсизми! Фрэнкнинг аник ва тиник дил изхорлари ва йўл-йўрикларини тинглар экан, киз унинг ақлига қайта-қайта офаринлар ўқирди! Сармоядорлик фаолияти, санъат, ижтимоий мавқега тааллукли унинг орзу ва режалари улуғлиги-чи! Энг асосийси, ха, энг асосийси киз уничи эди, ха, киз уничи эди! Шундай дамлар бўлардикি, ҳаяжон ва баҳтдан Эйлин нак эсини йўқотарди.

Барибир ҳам Филаделфияда отасини ҳамма собиқ ахлатчи (эски танишлари уни “тўнгкўнгиз” дерди) деб билиши, кизнинг рўзгорларидағи тўпорилик ва ваҳшийлик билан олиб борган беҳуда саъй-ҳаракатлари, унга баркарор обру ва олий рутбанинг “эхроми” бўлиб кўринувчи данғиллама ҳовли-жойлар олиш имконсизлиги булар барчаси унинг ёш калбига ота уйидаги мухитга нисбатан сўндириб бўлмас адоват уйғотди. У ердаги ҳаёт билан Каупервудлар уйидаги ҳаёт бир-биридан осмон билан ерча фарқ киларди. Киз отасини севарди, аммо ота деган ҳам шунчалик жохил бўладими! Шундай бўлса-да,

мана бу фавкулодда одам, унинг маҳбуби уни севишга жазм этибди, ҳатто унда ўзининг бўлажак хотинини кўришга азму карор килибди! Э Худо, ишқилиб, шу баҳтимни кўп кўрмагин-да! Аввалига у Каупервудлар оркали жамоатчилик погонасида ундан баланд турувчи дунёвий ёшлар, хусусан, эркаклар билан танишишга умид боғларди, – уларни кизнинг хусни таважжухи ва бой меросхўрлик рутбаси ўзига тортиши керак. Аммо бу умид ўзини окламади. Фрэнкнинг бадиийликка мойиллиги ва унинг тобора ортиб бораётган бойлигига қарамай, Каупервуд ва унинг ўзи ҳам олий жамиятнинг мавҳум доирасига ёриб кирмаган. Ҳалиги юзаки ва айтиш мумкинки, уларга кўрсатилган дастлабки эътиборни хисобга олмаганда, моҳияттан улар бундан ҳали жуда ҳам узок эдилар.

Шундай бўлса-да, Эйдиннинг юраги Каупервуд унинг хозирги ахволдан чикиб кетиш йўлини топишда ёрдам беражагини ва уни ажойиб истикбол билан таъминлаяжагани сезиб турарди. Бу одам ҳатто унинг ўзи орзу қилишга ботинолмаган юксакликкача кўтарилади, кизнинг бунга ишончи комил. Гарчи ноаник, элас-элас кўриниб турган бўлса-да, унда Эйлин хаёл килганидан кўпроқ нарсаларни ваъда этувчи буюк истеъдоллар яшириниб ётибли. Киз лаблабани ва жамиятда рутбали бўлишни жонидан яхши кўради. Нима ҳам дерди, агар у йигитта тегиб олса, шулар бари амалга ошади. Тўғри, уларнинг йўлида бир қарагандиа ўтиб бўлмасдек кўригувчи тўсиклар бор эди, аммо уларнинг иккови ҳам максад сари интилган одамлар-ку. Улар бир ўрмондаги икки шер, улар бир-бириники бўлиб олишган. Қизнинг хом, чала етилган ва чала ифода этилган ўй-орзулари ўзининг кучи ва ҳаддан ташкари тўгрилиги билан йигитнинг мардона интилишларидан колишмасди.

– Менимча, ладажоним қандай яшашни билмайди, холос, – деди бир куни у Каупервудга. – Бунда унинг айби йўқ, бундек караганда, унинг бунга дахли ҳам йўқ. Буни унинг ўзи ҳам тушунади, менга кўйиб берса, ҳаммасини жой-жойига кўйишим мумкинлигини ҳам тушунади. Уни эски уйимиздан сугуриб чиқишига неча йиллардан бери уринаман! Бошка жойга кўчиб ўтишимиз зарурлигини у тушунади. Бирок, бу билан ҳам бир нарса ўзаришига кўзим етмайди.

Киз жимиб қолди ва унга түгри бокувчи, тишик ва жасур нигоҳини Фрэнкка тикди. Фрэнк кизнинг жиддий чехрасини, фариштамонанд, хушбичим киёфасини севарди.

— Кўп куйинаверма, жонгинам, — жавоб берди йигит, — вакти-соати билан ҳаммаси жойига тушиб кетади. Маша бу чалкашликлардан қандай чикиб кетишни мен ҳали ҳам билмайман, аммо афтидан. Лилианга очигини айтган мъйкул, шундаи сўнг бундан кейинги ҳаракат режасини пухта ўйлаб олиш керак бўлади. Менинг уларни яхшилаб таъминлашга курбим етали ва агар Лилиан мен билан тинчгина ажрашиб кетса, сира ҳайрон бўлмасдим. Унинг гийбат ва миш-мишларга асло тоқати йўқ, бунга ишонсан бўлади.

Лилианнинг болаларча муҳаббатини хисобга олиб, Фрэнк булар барчасига соф амалий ва албатта, эркакча нуқтаи назардан каарди.

Эйлин унга савол назари билан қараб кўйди. Унда якин одамнинг ғамига ҳамлард бўлиш кобилияти йўқ эмасди, аммо айни ҳолда у ҳар қанақанги ҳамдардликни ортиқча деб биларди. Лилиан ҳеч қачон унга дўст кўзи билан қарамаган, улар ҳаётга мутлако бошқа-бошқа томондан туриб карашарди. Миссис Каупервуд киз бола деган ҳам шунака қалондимоғ ва ўзига бино кўйган бўладими деса, Эйлин Лилианнинг нима учун бу кадар ланж эканини сира тушунолмасди. У ҳаётни отда сайр қилиш, извошда айланиш, ўйнаб-кулниш учун яратилган, деб билади. Яна бурнини кўтариб, бирорларни кала-ка килишига, пичинг отишларига, тантиклик килишига бало борми! Бу аёлга карасанг, кўнглинг айниб кетади: Каупервудлай ёш, кадамидан ўт чакнайдиган одамнинг хотини, — майли, ундан беш ёш катталигини ва икки боланинг онаси эканини айтмай ҳам қўя қолайлик, — ўзини шундай тутадики, гўё унинг учун ишкий кечинмалар ҳам, хис-хаяжонлар ҳам ва ҳаёт кувончлари ҳам — ҳаммаси бир пулдай. Ҳа, Лилиан Фрэнкнинг тенги эмас, Ҳа, Фрэнкка ёш хотин, у, яъни Эйлин керак, такдир уларни бир-бирига кўшиши керак. О, ушанда улар қанаканги зўр яшашмасди дейсиз!

— Ох, Фрэнк, канийди ҳаммаси изга тушиб кета қолса! —  
дам-бадам дерди киз. — Нима дейсан, шунга умид килсак бў-  
ладими ё йўкми?

— Умид килсак бўладими дейсанми? Бўлганла қандок! Буни  
факат вакт ҳал килади. Менинча, агар мен Лилианга яхшилик  
 билан айтсан, унинг ўзи ҳам мен билан туришни хоҳламай  
 колса керак. Аммо сен кўзинига караб юр, ўзингни эҳтиёт кил!  
 Борди-ю, отанг ё укаларинг мендан гумонсираб колгудек бў-  
 лишсами, шаҳарда катта ғалва кўтарилади, балки бундан ҳам  
 баттари бўлиши мумкин. Улар ё мени тил тортиirmай ўлди-  
 ришади, ё бутунлай хонавайрон килишади. Айт-чи, ҳар бир  
 қадамингни ўлчаб босоласанми?

— Бир лаҳза ҳам эсдан чикармайман буни. Агар бир гап  
 бўлгудек бўлса, мен ҳаммасини инкор этаман. Улар хеч нар-  
 са исбот килишолмайди. Эртами, кечми, барибир мен ҳамиша  
 сенини бўлиб қоламан-ку!

Сухбат Ўнинчи кўчалаги уйла бўлиб ўтганди. Телбаларча  
 севиб колган Эйлин меҳрибонлик билан Фрэнкининг юзини  
 силаб қўйди.

— Сен учун кўлимдан келган ҳамма нарсанни киламан, сев-  
 гилим, — деди киз. — Сен учун ўлимга тайёрман. Ох, сени шун-  
 чалик севаманки!

— Бўпти, жонгинам, бундан кўркмасанг ҳам бўлади. Ўлмай-  
 сан. Факат кўзингга караб юрсанг бўлгани.

### **XXIII боб**

**К**аупервуд билан Эйлиннинг бир неча йиллик хуфёна уч-  
 рашувларидан кейин ниҳоят бурон қўзгалди. Бу висол  
 онлари давомида уларинг бир-бирларига бўлган мойил-  
 ликлари ва тушунчалари занфлашиш у ёқда турсин, балки  
 яна ҳам мустахкамланди. Ҳаво очик кундаги момакалдирок  
 сингари оғат бирданига ёпирилиб келди, у инсон хошиш-и-

родаси ва орзу-ниятларига умуман боғлиқ эмасди. Аввалига бу бор-йўги бир ёнгин эди, бунинг устига у Филаделфиядан узоқда содир бўлганди – 1871 йил 17 октябрдаги машҳур Чикаго ёнгинила шахар, тўғрироғи, унинг кенг савдо маркази куйиб кулга айланмоқда ва бу фалокат кўз очиб-юмгуңча Америка сармоядорлик дунёсида, гарчи узок давом этмаган бўлса-да, аммо юракни ларзага согулил вахимага сабаб бўлганди. Шапбада бошланган ёнгин бир он хам сусаймади, то чоршанбагача давом этди. Банклар, савдо корхоналари, бандаргоҳлар, темир йўл омборхоналари ва бутун-бутун аҳоли яшайдиган маҳаллаларнинг кулини кўкка совурди. Табиийки, суғурта компаниялари энг кўп зарар кўрди, кўп ўтмай уларининг кўпчилиги тўловларни тўхтатиб кўйди. Бунинг оқибатида заарларнинг барча оғирлиги Чикаго билан иш олиб борган ўзга шаҳарларнинг саноатчилари ва улгуржи савдогарлари, шунингдек, Чикаго тижоратчилари зиммасига тушди. Кўп йиллардан бўён мана мен деган идоралар ва данғиллама ҳовли-жойларнинг эгалари ёки ижарадорлари бўлиб келган Шаркий штатларнинг кўплаб сармоядорлари хам зарар кўрдилар, улар билан Чикаго ўшандаёк китъадаги хар қандай шаҳар билан бас бойлаша олар эди. Чикаго билан катнов узилиб қолди. Нью-Йоркдаги Уолл-стрит хам, Филаделфиядаги Учинчи кўча ва Бостондаги Стейт-стрит хам дастлабки хабарларданок аҳволнинг жиддийлигини сезиб колишди. Шанба ва якшанбада биринчи хабарлар биржада ёпилгандан кейин келган эди. Бироқ душанбада янгиликлар узлуксиз оқиб кела бошлади. Уша заҳоти темир йўл, давлат шаҳарларнинг акциялари ва облигациялари, бошкача айтганда, барча тур ва даражадаги бойликларнинг ёгалари нақд пул ишлаб колиш ниятида уларни бозорга ташлай бошладилар. Банклар, табиийки, карз (ссула)ларни тўлашни талаб кила бошлишди ва шатижада жамғарма биржасида вахима юзага келди. бу кўлам жиҳатидан бундан иккى йил бурун Нью-Йоркда содир бўлган “Кора жума”дан колишмасди.

Ёнгин хакидаги хабар келганида на Каупервуд, на унинг отаси шаҳарда эдилар. Бир канча банк арбоблари билан бирга-

ликда улар шаҳар чеккасидаги конкали темир йўл изини кўздан кечиришга йўл олган эдилар. Улар кабриолетларда була жак изнинг каттагина кисмини ёкалаб ўтилар ва якшанба куни кеч окшомда Филаделфияга кайтиб келишгач, рўзномачи болакайларнинг кичкириб айтган сўзларини эшишиб колдилар:

— Тезкор нашр! Тезкор нашр! Чикаго ёнгини хакида тафсилотлар!

— Тезкор нашр! Тезкор нашр! Чикаго ўт ичиди! Тезкор нашр!

Кичкириклар давомли, мудхиш, юракни ларзага солиб жарангларди. Бу мунгли окшом гира-ширасида шаҳар гўё якшанбадан кейин таваллою тазарру ҳолатига тушиб колгандек эди, ҳавода ва ларахт шохларида эса ёзниг умри тугаётгани сизиларди, улар мудхиш оғатдан ларак бериб, юракларни уништирмоқда эди.

— Ҳой бола! — кичкирикни эшишиб, Каупервуд, кўлтигида бир даста рўзнома билан бурчакдан чишиб келган жулдирвоки болани чакириди. — Нима гал? Чикаго ёнаяптими?

Отаси ва бошка ишбилармонлар билан маъноли кўз уриштириб, у кўлини рўзномага узатди, сарлавҳалар узра кўз юргутириди-да, лаҳзадаёқ оғат кўламини чамалади.

“Чикаго ўт ичиди!

Кечалан буён олов шаҳарнинг савдо кисмида тўхтовсиз авж олмокда. Банклар, савдо ва жамоат бинолари кулга айланди. Бевосита телеграф алокаси бугун кундуз соат учдан буён узилиб колган. Оғатнинг тез орада тугашига хеч кандай умил йўқ”.

— Иш, афтидан, жиддийга ўхшайди, — хотиржам леди Каупервуд хамроҳларига караб, унинг кўз ва овозида қандайдир муздек ва амрона оханг бор эди.

Бироздан кейин у отасининг кулогига шивирлади:

— Агар банклар ва биржা идоралари бир ёкадан бош чиқариб харакат килмаса, бу зўр вахимага сабаб бўлади.

У ўз карзларини тез ва аник кўз олдига келтириди. Отасининг банкига унинг конкали темир йўл изларининг юз минг долларлик акциялари кўйилган, улар устидан олтмиш фоиз олишган, унда мавжуд эллик минг долларлик шаҳар заёми

сертификатлари устидан етмиш фонд олинган. Бу маблағлар билан биржада мұомалалари олиб бориш учун кария Каупервуд үнга кирк минг доллардан ортикрок нақд пул берганди. "Дрексел ва К" банкирлик үйи Фрэнк дафтарлари бүйінча үнга юз минг доллар мікдорға кредит очған; улар, албатта, қарзларни дархол тұлаб қўйишни тараб килиб чикишади, уларнинг юрагида ногаҳоний муруват хиссі жош уриб кестишига ҳеч ким ишонмайди. "Жей Кук" компанияси ҳам үнга бир юз минг долларлық кредит берган. Уларнинг тұловни тараб килишларига шубха йўқ. Кичикрек тұртта банк ва учта биржада идорасидан ҳам эллик доллардан хаммаси бўлиб минг доллар қарз олган. Шаҳар газнасининг унинг ишларидағи иштироки беш юз минг долларга якін мікдорни ташкил этарди ва борди-ю, бу сир очилгудек бўлса, жанжал чикиши мукаррар; штат газначиси ҳам унинг идорасига иккى юз минг доллар кирилган. Яна юздан то беш ва ўн минг доллар мікдорға юзлаб майда хисоблар бор. Биржада вахимаси қўйилмаларни тараб килиш ва қарз (ссуда)ларни тұлаб қўйиш билангина чекланиб қолмай, қимматли коғозлар нарыхиға ҳам какшаткич зарба бўлиб тушади. Бу маблағларини у қандай айлантирисип? Мана гап қаерда! Сал арzonрокка сотини йўлини топмаса бўлмайди, зеро, акс ҳолда бу унинг бор бойлигини ютиб юборади ва у мукаррар хонавайрон бўлади.

У юзага келган ҳолатнинг бутун даҳшатини хаёлида тез чамалаб чиқди ва дўстлари билан хайр-хўш килди, улар ҳам олдиндаги кийинчиликлардан чуқур ўйга толганча уй-уйларига таркалишди.

— Сиз уйга бораверинг, ота, мен эса бир канча телеграммалар жўнатишм керак (у вактда ҳали телефон ихтиро килинмаганди). Мен дарров қайтаман ва биргаликда ахволни мухокама киламиз. Иш чаток! Ҳеч кимга чурк этманг, аввал ўзимиз гаплашиб оламиз. Ҳаракат ресжасини ишлаб чикишимиз зарур.

Ота Каупервуд саросима ва ташвишли ҳолда соколини қаший бошлади. Борди-ю, ўғли касодга учраса, унинг ахволи нсекеши устида каттик ўйга толғанди, чунки ўглиниң ишлаб

рига у бопп билан шүнгіб кетганди. Күркүвдан карияннің юзи кув оқарғанди, зеро, ўғланинг истакларига рози булиб, у керагидан ортиқ даражада таваккал килиб юборғанди. Борди-ю, банк талаби бүйічә Фрэнк бир юз эллик мине долларлық карз(ссуда)ни әртагаёк тұлаб қўйишга кучи етмаса, бутун жавобгарлик, бутун шармандашык ота зиммасига тушади.

Ўз павбатида Фрэнк вазиятни ҳар томонлама, жиддий ўйламокда эди, вазият эса шаҳар газнасиси ва унинг бир ўзи, албатта, биржадаги қоғозлар кийматини саклаб тұра олмаслиги муносабати билан янада мураккаблашиб борарди. Унға ёрдам кўлини чўзаман деганларнинг ўзлари кийин ахволга тушиб қолмокда эдилар. Шароит борғаш сари ўта нокулай тус олмокда эди. “Дрексел” компанияси сўнгги вактда темир йўл акциялари нархини кўтариб, улар устидан йирик-йирик карз(ссуда)лар олмокда эди. “Жей-Кук” компанияси Шимолий тинч океани темир йўлини молия билан таъминлаб, бошқаларни бу йирик трансконтинентал из курилишида иштирок этишига қўймаслик учун жон-жаҳди билан харакат киларди. Ўз-ўзидан равшанки, энди уларнинг ўзлари ғоят қалтис ахволга тушиб қолишиганди. Дастрлабки ташвишли хабарданок улар энг ишончли хукумат облигациялари ва шунга ўхшаган кимматли қоғозларни сотишга киришади – ишқилиб, олиб-сотарларда аскотадиган ўзларнинг бошқа қоғозларини саклаб колишса бўлгани. “Айиклар” мўмай пулнинг дарров хидини оладилар ва хеч нарсага карамай ҳамма нарсани сотиб, нархларни туширишдан тоймайдилар. Фрэнк уларга таъсир кила олмайди. Бу ҳолда ўз оёғига ўзи болта уриши хеч гап эмас, унинг учун энг асосий нарса – вактдан ютиш. Ох, кани энди унинг ихтиёрида уч кун, бир хафта, ўн кун вакт бўлсайди, оғат, шубҳасиз, бир чётдан ўтиб кетган бўларди.

Ҳаммадан ҳам у Стинер унинг ишига қўшган ярим милион доллардан ташвишда эди. Кузги сайловлар яқинлашиб келарди. Гарчи Стинер ўз лавозимида иккى муддат бўлган эса-да, унинг номзоди учинчи марта қўйилмоқда эди. Шаҳар газнасида фош этилган сунестъмолликлар ғоят жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Стинернинг хизмат фа-

лияти нихоясига етган, унинг ўзи судланувчилар курсисига ўтириши хеч гап эмасди. Республикачилар партияси учун эса бу нарса сайловда мағлубиятни англатарди. Каупервуд ҳам четда кола олмасди, бу боткокка у жуда чукур ботиб қолганди. Борди-ю, жала күйиб бергудай бўлса, у республикачилар партияси рахнамолари олдида жавоб бериши керак бўларди. Катгиқ бир сикувга олинса, у сўзсиз касодга учрайди, шунда конкали темир йўлга бош қўшишга ҳаракат килганигиша (бу сиёсий ишбайлармоқлар ўзлари учун тишларининг кавагида асраб келаётган “қўрикхона”лар эди) эмас, балки буни шахар ғазнасидан олган поконуний карз (ссуда) ёрдамида килгани, бунинг учун уларга сайловда мағлубият хавф solaётгани ҳам фош бўлар эди. Бундай ишларга улар панжа орасидан қарашмайди. Бу пулга йилига икки фоиздан тўлаганман (купчилик шартномаларга эҳтиёт юзасидан у шу бандни киритган эди) ёки факат Стингернинг агенти сифатида ҳаракат килганиман, деган даъволари унга ёрдам бермасди. Тушунмаган одамлар бу даъволарга ишониши мумкиндир. бирок тажрибали сиёсатчиларга панд бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қўравериб, уларнинг жуда кўзлари пишиб кетган.

Каупервуднинг бутунлай тушкунликка тушиб кетмаганига бир нарсагина сабаб бўлмоқда эди: унинг шахардаги сиссий рахнамолар кандай қуроллантиришларини у яхши билар эди. Қанаканги олий мансабни эгалламасин, уларнинг ҳар бири мана бу оғир дакиқаларда ховурдан тушади, зоро, уларнинг барчаси, энг қўйи лавозимдагилардан тортиб, энг юкорисигача шахар тақдим этган имтиёзлардан ўзи учун фойда ундириб олади. Батлер, Молленхаузэр ва Симпсон пудратдан мўмайгина пуллар ишлаб олганини Каупервуд биларди, пуллар гўё конунийдек бўлиб кўринса-да, катта-катта микдорларда “ўзлари” орасидагина таксимланарди, у пулларни шахар ер солиги, сув солиги ва ҳоказо соликлар кўринишида ундириб олиниб, мана шу учлик ва бир канча бошка шахслар тавсия этган банкларга ўтказилар эди. Пулларни ўз пўлат сандикларида саклаб, банклар шахарга хизмат кўрсатаётгандай бўлар эди; шу бонс улар мана шу кўйилмалар бўйича фоизлар тўлашмасди, бал-

ки уларни айлантирар эдилар, шунда ўз-ўзидан савол келиб чиқади: кимнинг маңфаатига? Даққионусдан қолган учликдан порози булишга Каупервудда хеч қанака асос йўқ эди, бу одамлар у билан ёмон муомала килишмасди, аммо шима учун шаҳарнинг барча даромадларидан фойдаланишда улар ўзларини яккахоким деб хисоблайдилар? У на Молленхаузни, на Симпсонни шахсан биларди, аммо Батлер каби улар ҳам шаҳар заёми чиқаришидаги унинг пайрангларидан озмунча чўтал ишлаб олмаган эдилар. Яна ўша Батлер унга жуда каттиқ суюниб қолган эди. Борди-ю, иш бутунлай чаппасига кетгудек бўлса, у, Каупервуд, Батлерга ўз карталарини очади, ахволнинг чатоклигини кўрган Батлер эса унга ёрдам кўлини чўзади. Агар у биргина Стинернинг ёрдамида ишни овоза килмасдан ўнглашнинг хеч иложини тополмаса, ана шундай йўл тутишни кўнглига махкам тугиб кўйди.

Ҳаракат режасини пухталар экан, энг аввал Стинернинг уйига боришим ва ундан уч юз-тўрт юз минг доллар қўшимча қарз (ссуда) сўрапим керак, деб ўйлади у. Стинер хар доим “лаббай” деб турар эди, айни ҳолда эса у, албатта, унинг газнасидаги ярим миллион долларлик камомадни ошкор килмаслик нечоғли мухимлигини тушунарди. Ундан кейин иложи борича яна кўпроқ пул топиш керак бўлади. Аммо касрдан топади? Банкларнинг ва акционерлик компанияларининг директорлари, йирик биржачилар ва бошқа ишбилармон одамлар билан музокараларга киришишига тўғри келади. У Батлерга бериши керак бўлган ҳалиги юз минг долларга келганда эса кесса пудратчи ҳар қалай, бу пулни тўла деб кисталанг килмай туришга рози бўлади.

Каупервуд уйга ошиқди, остонаяданок аравани кўшишни буюрди ва Стинернинг ҳузурига йўл олди.

Жўрттага килгандай, Стинер шаҳарда йўқ экан – ўрлак отиб, балик овлагани у дўстлари билан Чизапик бухтасига кетган экан; у яна бир неча кундан кейин келар экан. Ҳозир эса у бир чоғроқ шаҳар яқинидаги боткоқзорда кезиб юрарли. Каупервуд шу шаҳарчага энг яқин жойлашган телсграф масканига шошилинч хабар йўллади ва янада ишончлирек булиши учун

Стинернинг зудлик билан қайтишини илтимос килиб, ўша округдаги яна бир канча жойга телеграф юборди. Шунга кара май, у Стинернинг вактида етиб келишига мутлако кўзи стмайтган ва бундан кейин нима килишини билмаётганди. Кимдан ва қасрдан бўлмасин, унга ёрдам, сўзсиз ёрдам керак эди.

Бирдан унинг хаёлида умид учкунни милт этди. Батлер, Молленхауэр ва Симпсон – конкали темир йўлларнинг энг йирик хиссадорлари. Биржалаги нархни кўтариш ва шу билан ўз манфаатларини чеклаш учун улар бир ёқадан бош чикармоклари керак. Улар “Дрексел ва К”, “Кук” сингари йирик банклар билан музокарага киришишлари ва уларни бозорни тутиб туришга ундашлари мумкин. Акцияларни биргаликда харид килиб, улар нарх-навога ҳам таъсир ўтказа оладилар: ана шундай ёрдам билан у ўзининг кимматли когозлари ишини ўнглаб олишга имкон берадиган нархда сотишга муваффак бўлади, боз устига, нархни тушириб, дурустгина пул ишлаб олиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу ажойиб, амалда қўллашга муносиб гоя эди ва унинг бирдан-бир заиф жойи – унинг амалга оширилишига тўла ишончнинг йўклиги эди.

У дархол Батлер хузурига боришга азму карор килди, ўзининг ва Стинернинг сирини очишига тўғри келишини ўйлаб, афсус-надомат чекди. Аммо илож канча! Каупервуд аравага ўтирди-да. Батлер хузурига слиб кетди.

Бу вактда кекса пулратчи ластурхон устида ўтиради. Рўзномачиларнинг тезкор нашр чиккани ҳакидаги қичкириклари унинг кулоғига етиб келмаганди ва Чикагодаги улкан ёнгин ҳакида ҳам ҳали ҳеч нарса билмасди.

Хизматкор Каупервуд келганини хабар килганда, Батлер ўрнидан турди ва хушпуд жилмайганча унга пешвоз чиқди.

– Марҳамат, марҳамат, ўлтирсинлар. Нима истайдилар: чойми ё қаҳвами?

– Ташаккур, – жавоб берди Каупервуд. – Мен бугун жуда шошиб турибман. Сиз билан бир неча дақика сухбатлашиб олишим керак, кейин яна борадиган жойларим бор. Кўп вактингизни олмокчи эмасман.

– Нима ҳам дердик, модомики шундай экан, мен хизматингизга шайман.

Шундай деб Батлер ёқасига тақилган салфеткани күйгани ошхонага кайтди. Столда үтирган Эйлии хам Каупервудни овозидан тапиди-да, сергак тортди. У билан кандай күришса бўлади? Бандай кутилмаган соатда уни отаси ҳузурига келишга нима мажбур этдийкин? Столдан бирдан туриб кетиш унинг учун нокулай эди, аммо Каупервуд кетгунча у билан бир-икки оғиз гаплашиб олиш ниятида эди. Хотини тўғрисида ва яна бошка кўплаб нарсалар тўғрисида ўйлагани каби Каупервуд ҳозир ҳам, бошлари узра оғат ёғилай деб турган бир паллада Эйлии хақида ўйларди. Агар у оғатдан кутулиб қололмаса, у билан боғлик бўлган ҳаммага жуда оғир бўлади. Булар бари нимага олиб келишини Фрэнк айта олмасди, чунки булат зиди-энди уфкни қоплаб келаётганди. Ўзини ғоят хотиржам тутган кўйи Каупервуд ҳозиргина ахвол устида бош котиргани-котирган эди. Унинг жилдий чехрасида ҳам килича ўзгариш сезилмаётганди. Фақат кўзлари одатдагидан совук, кучли чақнарди.

— Хўш, қулогим сизда, — деди Батлер қайтиб келиб. Унинг чехрасидан тақдери ва ёруғ оламдан тўла мамнунлик акс этиб турарди. — Не вонса юз берди? Ишклиб, жиддийрок нарса эмасми? Бугунги куннинг яхшилигини каранг!

— Айтарли жилдий нарса юз бермагандир, деб умид киламан ўзим ҳам, — жавоб берди Каупервуд. — Аммо сиз билан гаплашиб олмасам бўлмайди барибир. Юкорига, кабинстингизга чиксак қалай бўларкин?

— Мен ҳам шуни айтмоқчи бўлиб турувдим, — ҳозиржавоблик билан деди Батлер. — Бунинг устига сигарам ҳам ўша ёқда колган экан.

Улар зина томон юриб кетишли, Батлер олдинда, Каупервуд унинг изидан келарди; кекса пудратчи юкорига кўтарила бошлаганда шойи кўйлагини шитирлатиб, ошхонадан Эйлин чикиб келди. Бошининг олди ва оркасидан тепага караб таралган сочи кок миясига турмакланган бўлиб, жимжимадор заррин тож ҳосил килганди. Юзи ял-ял ёнар, яланғоч кўл ва слкалари кора кўйлаги тагидан оппок бўлиб кўринарди. Киз бирон кор-хол бўлганини дархол сезди.

— Ха, мистер Каупервул, қалайсиз? — деди киз унга қўлини узатиб, бу орала отаси хамон зинадан кўтарилмоқда эди.

Икки оғизгина гаплашиб олиш учун у Фрэнкни ушлаб колишга харакат килди ва атрофдагилар эътиборини тортмаслик учун ўзини бемалол тутди.

— Нима бўлди, азизим? — шивирлаб сўради киз, отаси юкорига чикиб олганда. — Кўринишинг жуда ташвишли?

— Кўркадиган ҳеч нарса бўлгани йўқ, жоним, — жавоб берди йингит. — Чикаго ёнаяпти, эртага бу ерда кўз кўриб, кулок эшитмаган тўполон кўтарилади. Мен отанг билан гаплашиб олишим керак.

Киз хамдардлик ва кўркув билан “ох!” деёлди, холос, Каупервуд эса қўлини бўшатиб, унинг отаси ортидан кетди. Унинг тирсагидан яна бир кисиб кўйиб. Эйлин меҳмонхона бўлмага ўтди. У ерда ўтириб олди-да, хаёлга толди, зеро, ҳеч качон Каупервуднинг юзида бу қалар жиддий ва совук ифодани кўрмаган эди. Унинг хотиржам чехраси хам, совук бокувчи кўзлари хам мумдан ишланган ҳайкални эслатарди, ичига чукур ботгаи кўзлари тик, ифодасиз бокарди... Чикаго ёнмоқда! Бунинг унга нима дахли бор экан? Фрэнкнинг айби нимада? У кизни сира ишларига аралашгани йўл қўймасди: Эйлин уларни миссис Каупервудчалик англарди, холос. Шундай бўлишига қарамай, унинг вужудини кўркув камради. Булар барининг Фрэнкка дахли бордек кўринмоқда эди. Фрэнк билан эса у, ўзининг ўйлашича, бир жону бир тан.

Мумтоз адиларни айтмағанда, алабиёт бизга хушторларнинг биргина хисси ҳакида тасаввур беради: маккора, ишратпараст, у асосан эркакларни домига илинтиришдан лаззат оларди. Ахлок масалалари бўйича замонавий китобчаларнинг муаллифлари ва журналистлар жон-жаҳдлари билан ўша ғояни кўллаб-кувватлайдилар. Худонинг ўзи хаёт устидан назоратни тайин килиб қўйган, шекилли, нозирларни эса ўта эскилликпарастлар тайинлаганлар. Бундан ташкари, совукконларча хисобдонлик билан ҳеч канаканги умумийликка зга бўлмаган ишкий алоказалар бўлади. Жуда кўп ҳолларда эса ғамза ва макраёллар учун ёт туйгулар хисобланади. Юрак хиссига бўйсунув-

чи ва чин дилдан севувчи оддий асл риёкорлик килмайди, у ёш чакалокқа үхшаган булади; у хар доим жонини фидо килишга тайёр ва иложи борича үзидан құпрок нарса беришга интилади. Севги ҳар қанча құзилмасин, у фактат шундай иш тутади. Ҳис үзгариши мүмкін ва шунда “дұзах азобининг оғир-снгили бұлмайди”, аммо барибир ҳам маңшукалар фидойиликлари, үзини ошигига бутуналай топширишга тайёрликлари ва меҳрибонаға ғамхұрлыклари билан ажралиб турадилар. Қонунный никоҳ очқұзлигига карши қўйилган бундай муносабатлар эр-хотинлик издизига какшаткіч зарба бериб келган. Хоҳ эр-как ё аёл бұлсін, инсон беғаразлик ва фидойиликнинг бундай зухурлари олдида таъзим килмасдан, тасаннолар айтмасдан иложи йўқ. Бу зухурлар олий хаётий ҳавасларга тенг, санъат чўккиси, яъни улугвор рух билан ҳамсоядир, ажойиб суврат, гўзал бино, нафис ҳайкал, жимжимадор каштагул аввало шуниси билан ажралиб туради, бу шундай улугворликки, үзини саҳиийлик билан чексиз равишда инъом этиш, үзидан нафосат ёғдусини таратиш кобилиятига эга. Эйлин руҳий ҳолатининг гайри оддийлиги ҳам ана шунда эди.

Батлер ортидан юкорига кўтариilar экан, Каупервуд юзага келган вазиятнинг барча тафсилотларини қайта-қайта хаёлидан ўтказарди.

– Кани, марҳамат килиб, үтилинг! Бирон нарса ичасизми? Э-ха, сиз ичмайсиз-ку: эсимда, эсимда! Ҳеч бұлмаса, сигаретдан олинг! Хўш, бугун нега бунака машкингиз пастрок?

Дераза оша ахолиси қалин маҳаллалар томонидан бўғик кичкириклар қулокка чалинарди: “Тезкор нашр! Тезкор нашр! Чикагодаги ёнғин тафсилотлари! Бутун шаҳар олов ичиди!”

– Ана шундан машким паст, – кичкирикларга қулоқ соглаж, жавоб берди Каупервуд. – Янгиликдан хабарингиз борми?

– Йўқ. Рўзномачилар нима деб кичкиришаётпти?

– Чикагода катта ёнғин бўлибди.

– Э-ха-а! – деди Батлер бу воқеанинг ахамиятини үзича ҳамон англамай.

– Шаҳарнинг бутун ишбилармөнлар кисми ўт ичиди, мистер Батлер, – маъюс давом этди Каупервуд, – ва эртадан кол-

май бизнинг бу ерда молиявий ғалвалар бошланади. Мен сиз билан худди шу хусусда гаплашгани келдим. Маблағларни сарфлаш бўйича ишларимиз қай аҳволда? Сиз ҳаммасини бир ёқлик килганмисиз?

Каупервуднинг юзидағи ифодадан Батлер қандайдир ҳало-катли нарса содир бўлганини бирдан англади. Кенг чарм ором-курсида ўзини орқага ташлаб, каттакон кўлинни кўтарди-да, оғзи ва иягини тўсди. Томирлари йўғон-йўғон бармоқлари, кенг ва суяқдор бурни узра, барок кошлари остидан унинг катта-катта кўзлари чакнар эди. Калта килиб олинган оппок сочи тиканакдай бошини бир текис қоплаган.

– Ҳали шунака денг! – деди у. – Демак, сиз эртага бизда ҳам бўрон кўзгалади деб ўйлайсизми? Ўзингизнинг ишларингиз қандай?

– Агар бизнинг сармоядор козирларимиз совукконликни саклаб, вахимага тушмасалар, менинг ишларим озми-кўпми жойида бўлади. Эртага, ҳатто бугун ҳам бизга кўплаб акли расо одамлар керак бўлади. Ахир биз чинакам биржা вахимаси арафасида турибмиз. Сиз ҳақикат кўзига тик карашингиз керак, мистер Батлер. Бу вахима узокка чўзилмайди, аммо шу киска муддат ичидаги ҳам озмунча оғатлар содир бўлмайди. Эртага, биржা очилишининг дастлабки дақикалариданок кимматли коғозлар нархи ўн ёки ўн беш банд пастга тушиб кетади. Банклар карз (ссуда)ларни тўлашни талаб кила бошлайдилар ва факат дастлабки келишувгина уларни бундай килишдан тўхтатиб кола олади. Аммо битта ҳам киши бир ўзи уларга таъсир кўрсатишга кодир эмас. Бу ерда одамлар гурухининг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат килиши зарур. Сиз мистер Симпсон ва мистер Молленхаузер билан биргаликда банк раҳбарларини бирлассишига ва бозорни ушлаб туришга кўнлириб, бунга эришишингиз мумкин. Барча конкали темир йўллар хавф остида колди. Агар киймат саклаб турилмаса, уларнинг акциялари хатарли даражада пастга тушиб кетади. Сизнинг бу йўлтарга катта-катта миқдорда пул сарфлаганингизни биламан. Шундай ўйга келдимки, балки сиз. Молленхаузер ва яна бир қанча кишилар ўз чорангизни кўришни хоҳлайсизлар. Акс ҳолда, яши-

риб ўтирмайман, менинг ишим ҳам чатоқ бўлади. Бир ўзим эплаштим учун менинг кучим етмайди.

У Батлерга Стинер борасидаги ҳакиқатни қанлай очсан экан деб боши қотмокда эди.

– Ҳм-м, яхши бўлмабди, – ўйчан ҳолда тишининг орасидан деди кария.

У ўзининг ишлари ҳакида ўйлаётганли. Вахима унга ҳам, албатта, фойда келтирмайди, аммо ахвол у айтганчалик чаток эмасди. Бўхронликдан кўркмаса ҳам бўлади. Тўғри, у маълум, аммо унча жилдий бўлмаган заарлар кўради, бу ишларни тартибга солиб олишдан олдин рўй беради. У эса ҳеч нарса йўкотишни хоҳламасди.

– Қандай килиб сиз бунлай қийин ахволга тушиб колдингиз? – кизикси ўзи. Нима учун Каупервуд конкали темир йўллар компанияларининг касодга учрашидан бунчалик кўрқаяпти – уни шу кизиктиради. – Ёки бу ишларга маблағ сарфлаганимисиз?

Каупервуд икки ўт орасида колди – ёлғонласинми ё тўғрисини айтсинми? Ҳе, йўқ, ёлғонлаш ўта хатарли эди. Борди-ю, Батлер унга ҳамдардлик билдирамаса ва уни кўллаб-куватламаса, у касодга учраши мумкин ва ўшанда ҳакикат барibir юзага чиқарди.

– Мен сиздан ҳеч нарсани яширмоқчи эмасман, мистер Батлер, – деди у кариянинг хайриҳоҳона муносабатига умид килиб ва Батлерга мойдай ёқадиган журъатли ва дадил нигоҳ билан караб.

Батлер гоҳо Каупервуддан ўз ўғилларидан кам фахрланмасди. Бундан ташқари, у ёш банкир айнан унинг, Батлернинг шарофати билан анча илгарилаб олганини хис этарди.

– Шуни айтишим кесракки, мен анчадан бери конкали темир йўллар акцияларини харид килиб келаман, тўғри, факат ўзим учун эмас. Балки ҳозир сизга очиб солмоқчи бўлган гапларни айтмай турганим маъкулмиди, аммо шундай килмаслик, сизга ва мени бундан саклаб колмоқчи бўлган бошка шахсларга зарар келтиради. Ўз-ўзидан маълумки, сиз кузда бўлиб ўтадиган сайловларнинг қандай тугашидан манфаат-

дорсиз. Мен Стинер ва унинг дўстларидан аллакимлар учун кўп акциялар сотиб олганини сизга очик айтмоқчиман! Бу харидлар учун маблағлар ҳар доим шаҳар ғазнасидан келар эди деб айтолмайман, аммо кўп ҳолларда бу, ҳар ҳолда, шундай бўлган эди. Менинг касодга учрашим Стинерга ҳам, республикачилар партиясига ҳам ва сизнинг фойдангизга ҳам салбий таъсир этишини тушунаман. Тўғри мистер Стинер бундай ўйинга бош кўшишни бир ўзи ўйлаб топмаган ва мен бу ерда бошқалардан кўра кўпроқ балогардон бўлишимга тўғри келади, аммо булар бари ўз-ўзидан бошқа ишлардан келиб чиккан. Сизга маълумки, мен Стинернинг таклифи билан шахар заёми чикариб тарқатдим ва мана шу жараёндан кейин унинг дўстларидан биттаси менга уларнинг маблағини конкали темир йўл курилишига ташлашимни таклиф қилиб колди. Ўшандан буён мен улар учун мана шу ишни муттасил давом эттириб келаяпман. Мен шахсан Стинердан йилига икки фоиздан катта-катта микдорларда пул қарз олдим. Бемалол айта оламан: аввалига барча битимлар айнан шу тарика копланар эди ва мен зинҳор ўз айбимни бошқалар гарданига юкламокчи эмасман. Масъулият менинг зиммамга келиб тушади ва мен жавоб беришга тайёрман, аммо борди-ю, мен хонавайрон бўлсам, Стинернинг номи иснодга колади ва бу бутун шахар бошкармасида хатарли ифодасини топади. Равшанки, мен касодга учрашни истамайман, бунга ҳеч қанака асос ҳам йўқ. Агар ваҳима хавфи бўлмаганда, bemalol айта олар эдимки, менинг ишларим хали ҳеч қачон бунчалик яхши бўлмаганди. Бирок кўмак олмасам мен бўронга бардош бера олмайман ва сиз менга шундай ёрдам кўрсата оласизми – шуни билмокчиман. Агар яхши чикиб олсам, сизга сўз бераман, пулларни шахар ғазнасига тезрок қайтариш учун барча чораларни кўраман. Афсуски, мистер Стинер ҳозир шахарда эмас, бўлмаса сўзларимни тасдиклатиш учун мен уни сизнинг қошингизга келтирган бўлардим.

Стинерни ўзи билан олиб келиш нияти ҳакида гапирав экан, Каупервуд ҳеч бир истиҳоласиз ёлғонламокда эди: кисмларга бўлиб-бўлиб ва унга қулай муддатларда пулларни

шахар газнасига кайтартмокчи ҳам эмасди. Аммо бу ваъда-ларнинг барчаси вижданан ва ишончли садо бераётганди.

– Стинер сизнинг ишингизга канча пул кўйди? – кизиксинди Батлер. Кутимаганда ишнинг бундай тус олиши уни бироз эсанкиратиб кўйганди. Бу барча ҳангомалар Каупервуд ва Стинерни улар учун фойдасиз бўлган вазиятга солганди.

– Беш юз доллар атрофида, – жавоб берди Каупервуд.

Кария ором курсида гавдасини тұғрилади.

– Наҳотки шунча кўп бўлса? – беихтиёр нидо солди у.

– Ҳа, тахминан... балки бироз оздир ё кўпдир, мен анигини билмайман.

Кекса пудратчи Каупервуднинг унга баён килган гапларини ғамгин ва жиiddий тусда тинглади, айни вактда бу республикачилар партияси манфаатларига ва унинг шахар бошкармаси билан шахсий шартномаларига қандай таъсир килишини ўйларди. Каупервуд унга хайрихоҳлик билан гапиради, аммо у ҳозир ҳикоя килган иш шубҳали ва гоят нопок күрингмоқда эди. Батлер сусткаш, ўйчи одам эди, бирок борди-ю, у бирон масала устида ўйлай бошласа, уши охиригача ўйларди: Филаделфия конкали темир йўлларига у дурустгина маблагни – камида саккиз юз минг долларни сарфлаган эди; Молленхауэрники, хойнахой, ундан ҳам кўпроқдир. Бу ишга сенатор Симпсон канча сарфлаган, у билмасди. Аммо Каупервуд ўз вактида унга сенатор ҳам бундай акцияларнинг йирик-йирик bogламлари эгаси саналишини гапирганди. Каупервудда бўлгани каби, улардаги бу коғозларнинг катта кисми турли банкларга кўйилган, улар устидан олинган пуллар эса бошка иншоотларга сарфланганди. Ссудаларни тўлаб кўйиш талаби уларга ҳаргиз яхшиликдан дарак бермасди, аммо барибир бу учликдан биронтасининг иши бу қадар ачинарли ҳолатда эмасди. Борди-ю, ўз-ўзини химоя этишининг дарҳол чоралари кўрилгудек бўлса, гарчи озрок заар ҳисобига бўлса ҳам улар ортиқча ташвиш-тадораксиз ўзларини ўнглаб олар эдилар.

Агар Каупервуд унга Стинернинг бу ишга етмиш беш ёки юз минг доллар қўйганини хабар килганида, Батлер бу ишга бунчалик ахамият бермаган бўларди. Буни бир амаллаб тұғрилаш мумкин эди. Аммо беш юз минг!..

– Катта пул! – деди Батлер Стинернинг фавқулодда жасоратига койил қолиб, аммо уни ҳали Каупервуднинг оқилона найранглари билан боғламаган ҳолда. – Бу ерда мияни яхшигина ишлатиб кўриш керак. Борди-ю, эртага вахима бошланиб кетса, биз бир дакика ҳам йўкотмаслигимиз керак. Бизнинг бозорни тутиб туришимиздан сизларга кўп фойда келадими?

– Жуда кўп, – жавоб берди Каупервуд, – холбуки менинг бошқа йўллар билан ҳам пул топишимга тўғри келади. Айтганча, менда сизнинг юз минг доллар кўйилмангиз бор. Нима дейсиз, якин орада улар сизга керак бўлмайдими?

– Эҳтимол.

– Истисно эмаски, менга бу пуллар жуда керак, аммо уларни ўзим учун жиддий заарсиз сизга тезда кайтара олмайман, – деди Каупервуд. – Бу ҳали бутун занжирдаги кўплаб ҳалкалардан биттаси. Борди-ю, сиз, сенатор Симпсон ва Молленхаузэр бир ёқадан бош чиқарсангиз, – акцияларнинг асосий микдори сизларнинг кўлларингизда-ку, – ва мистер Дрексел ва мистер Кукка таъсир ўтказсангиз, муҳитни бир мунча мӯтадиллаштиришга муваффак бўлар здингиз. Мен вазиятдан аъло даражада чикиб оламан, чунки ҳали-вери мендан карзни тўлаб қўйишимни талаб этишмайди, борди-ю, биржада киймат ҳаддан ташқари тушиб кетмаса ҳеч ким мендан буни талаб килемайди. Акс ҳолда эса менинг барча қофозларим кадрсизланади-да, мен бунга бардош беролмайман.

Кария Батлер ўрнидан турди.

– Иш жиддий, – деди у. – Стинер билан алоқа қилмаслигингиз керак эди. Қайси томондан олиб қарама, булар бариси хийла хунук кўринади. Жирканч, жирканч ҳангома, – совук кўшиб кўйди у. – Шундай бўлса-да, мен кўлимдан келган ҳамма ишни киламан. Кўп ваъда килмайман-у, аммо мен сизга ҳар доим яхши муносабатда бўлиб келганман ва сизни мусибатда қолдирмокчи эмасман, жуда ҳам нохуш гаплар! Яна бир гап эсингизда бўлсинки, шаҳримиздаги ишларни ёлғиз ўзим ҳал этмайман!

Шу сўзларни айтиб, Батлер, сирасини айтганда, Каупервуд уни манфаатлари ва муниципалитетдаги сайловлар хатар ос-

тида колаётганидан огох этиб, жуда түғри иш килди, деб ўйлади, ҳолбуки бошка жихатдан у ўз жонини ҳам куткариб колмоқда эди. Нима бўлгаида ҳам Батлер унинг учун кўлидан келган ҳамма ишни килишга азму карор этди.

– Содир бўлаётган воқсаларни яхшилаб ўрганиб олгунимча Стинер ва шаҳар газнаси билан боғлик ишларни бир-икки кун овоза килмай туришнинг иложи бўлармикан? – эҳтисткорлик билан сўради Каупервуд.

– Айтольмайман, – жавоб берди Батлер. – ҳолбуки мен ўзимга боғлик ҳамма ишни киламан. Аммо сиз хотиржам бўлишингиз мумкин: бу гаплар узокка бормайди, бу ҳам сизнинг ишингиз ўнгидан келишига аскотиб колади.

Борди-ю, Каупервуд барибир ҳам касодга учрагудск бўлса, у Стинер содир этган жиноят оқибатларидан қанлай кутилиб чиқали, энди у шунинг устида бош котираади.

– Оузн! – чакирди у эшикни очиб ва зина панжараси оша эгилиб.

– Лаббай, ота?

– Дэйга айт, аравага отни кўшиб, эшик тагида кутиб турсин. Ўзинг ҳам кийин, мен билан борасан.

– Хўп бўлади, ота.

Батлер хонага қайтиб келди.

– Ана, холос! Арзимаган сабаб билан бўлган ғавғо, шундай эмасми? Чикагода ёнгин, бу ерда. Филаделфияда эса ташвишлардан сира бошим чикмайди менинг! Бай-бай-бай!..

Каупервул туриб, эшик томон йўналди.

– Сизга йўл бўлсин?

– Уйга, кўришишим керак бўлган бир нечта одам келадиган эди уйимга. Аммо йўқ десмасангиз, сал туриб яна кираман олдингизга.

– Ҳа, ҳа, албатта, – жавоб берди Батлер, – менимча, ўн иккига колмай уйда бўлсам керак. Бўпти, яхши боринг! Дарвоке, биз хали яна кўришамиз. Нималарни билишга улгурган бўлсам, ҳаммасини сизга сўзлаб бераман.

У нимагадир ўз кабинетига қайtdи ва Каупервул зинадан ўзи тушди. Дарвоза оллида турган Эйлин уни имлаб чакирди.

– Кўркадиган ҳеч гап бўлмагандир, азизим? – ташвиш билан сўради киз йигитнинг кўзларига бокиб, бугун бу кўзлар кандайдир тантанавор ва жиддий эди.

Хозир ишкий гап сотишлар вакти эмасди ва Каупервуд буни хис этиб турарди.

– Йўқ, – деярли совук жавоб берди у, – кўркадиган ҳеч гап йўқ деса бўлади.

– Факат, кара Фрэнк, ишларингни деб мени узок эсдан чи-кариб кўйма! Эсдан чиқармайсанми? Ростданми? Сени шундай севаманки!

– Йўқ, йўқ, эсдан чиқармайман! – жавоб берди йигит жиддий ва тез, ҳолбуки сўзининг оҳангидан унинг хаёллари узокларда кезаётгани билиниб турарди. – Ўзинг биласан-ку! Сени мен эсдан чикарар эканманми? – У киздан бўса олмокчи бўлди, бирок кандайдир шитирлаган овоздан у кўркиб кетди.

– Тұхта!

Каупервуд эшик томон йўналди ва Эйлин уни ишк ва хамдардлик тўла нигоҳлари билан кузатиб қолди.

Унинг Фрэнки бошига қандайдир мусибат тушса нима бўлади? Дунёда баҳтсизликлар озмунчами? Унда нима килади Эйлин? Қизни мана шу фикр ҳаммадан кўп кийнар эди. Унинг қулидан нима келади, севгилисига қандай ёрдам бера олади? Бугун Фрэнкнинг рангига караб бўлмасди – бўздай окариб кетган, бирам хоргинки...

## XXIV боб

**К**аупервуд тушиб колган вазиятни тўғри ёритиш учун ўша вактдаги Филаделфияда республикачилар партияси билан Жорж Стинер, Генри Молленхаузер, сенатор Марк Симпсон ва бошкалар ўртасидаги муносабатлар ҳакида бир неча оғиз сўз айтишимизга тўғри келади. Олдин кўрганимиздек, Каупервуд билан одатдаги ишбилармонлик манфаатлари юзасидан боғликлиги устига яна унга дўстлардай суюниб колганди. Сти-

нер Каупервуднинг қўлида сўкир курол бўлиб хизмат қиларди. Молленхауэр ва сенатор Симпсон шаҳар ишларига таъсир кўрсатишда Батлер билан бекорга ракобат килмасди. Симпсон штатнинг конун чиқарувчи йигилишида республикачилар партияси вакили бўлар эди, бу партия зарурат туғилганла шаҳар бошкармасидан маҳаллий сайлов қонунларини ўзгартиришни, шаҳар муассасалари низомларини қайта кўриб чиқишини, сиёсий ташкилотлар ва алоҳида шахслар фаолиятини тадқик этишини талаб кила олар эди. Катор-катор бообру рўзномалар, хиссадорлик жамиятлари, банклар Симпсоннинг хизматига шай эдилар. Басавлат ва ҳурматли одам бўлмиш Молленхауэр Филаделфия немислари, бир канча америкалик хонадонлар ва талай йирик акционерлик жамиятлари вакили эди. Учалалари ҳам кучли, эпчил ва сиёсий майдонда уларга дуч келган ҳар қандай ракибни бир чўкишда кочирадиган одамлар эди. Кеининг иккови Батлернинг ирландлар, айрим маҳаллий партия раҳбарлари ва фахрли католиклар орасидаги обрўига озмунча орка килмас эди. Католикларнинг Батлерга ишонгандлари шунчаликки, уни бамисоли руҳий отадек кўтарадилар. Ўз наvbatiда Батлер ўз мухлисларини хомийлик, зътибор ва муттасил дуойи хайрлар билан сийлаб турарди. Бу ғамхўрликларга мукофот тарзида шаҳар Молленхауэр ва Симпсон воситасида унга йўлларга тўшаш, кўприклар ва сувайиргичлар куриш, канализация ёткизишга йирик-йирик пудратлар ҳавола этарди. Бирок бу пудратларни факатгина унинг ўзи таникли арбоби бўлган ва уни, таъбир жоиз бўлса, бокиб турган республикачилар партияси ишлари бадастир ва бехато олиб борилиши шарти билан олиш мумкин эди. Бошқа жихатдан, нима учун у Молленхауэр ёки Симпсонга караганда (ахир Стiner унинг шотири эмас-ку) кўпроқ жон куйдириши керак экан? Хизмат юзасидан ғазначи асосан Молленхаузрга буйсунарди.

Ўғли билан кабриолетга чиқиб ўтирад экан, содир бўлган воқеалардан каттиқ ташвишланган Батлер шулар хақида ўйлар эди.

– Ҳозиргина Каупервуд олдимга келиб кетган эди, – деди у Оуэнга. Оуэн сўнгги вактларда молия ишларини аъло даражага-

да тушунадиган бўлиб колганди, сиёсий ва ижтимоий масалаларда эса, гарчи у кадар кучли шахс бўлмаса-да, отасига қараганда кўпроқ хушёрлик кўрсатар эди. – Жуда қийин ахволга тушиб колдим деялти? Гапимни эшитаяпсанми? – кўшиб кўйди у, кулоғига: “Тезкор нашр”, “Тезкор нашр!” кичкириклари чалинганди. – Чикаго ўт ичиди. Эртага биржада тўс-тўполон кўтарилади. Бизнинг тэмир йўл акцияларимиз турли банкларга кўйилган. Кулокни динг тутмок керак, акс ҳолда биздан ссудаларни тўлашни таълаб этишлари мумкин. Эртага биринчи ишимиз бундай бўлмаслиги гамини ейиш, вассалом. Каупервудда менинг юз минг долларим бор, у эса бу пулни олмай туринг деялти, бундан ташкари эса, айтишига караганда, ишга Стинер кўйган пуллар ҳам унда эмиш.

– Стинер? – ҳайрон бўлди Оуэн. – Нима, у биржани ўйинчок деб ўйлаяптими? – Оуэннинг кулоғига Стинер ва унинг якинлари ҳакидаги миш-мешлар етиб келганди, аммо у бунга кўпда эътибор бермаган ва отасига ҳам бир оғиз гап айтиб ултурмаганди. – Каупервудда унинг пуллари кўп эканми?

Батлер ҳадеганда жавоб бермади.

– Оз эмас, – деди у нихоят. – тўғрисини айтсам, ҳаддан ташкари кўп: беш юз минг атрофига, агар бу ошкор бўлиб колгудек бўлса, жуда катта ғалва кўтарилади.

– Ўх-хў! – деб юборди хайратдан Оуэн. – Беш юз минг доллар! Ё алҳазар! Наҳотки Стинер ярим миллион долларни ўмарган бўлса? Вижданап айтадиган бўлсак, шундай ишга унинг ақли етганига ишонмаган бўлардим. Беш юз минг! Бу маълум бўлиб колса, жанжал кўтарилиши аник!

– Ҳай-ҳай, сал ўпкангни бос! – жавобан деди Батлер, бу қандай рўй бериши мумкинлигини ўзича ёркинрок тасаввур хосил килишга уриниб. – Биз барча тафсилотларни билмаймиз. Эҳтимол, Стинер аввалига бунча кўп пул олмокчи бўлмагандир. Ҳали бари изга тушиб кетар. Пул турли иншоотларга кўйилган. Каупервуд ҳали касодга учраганича йўқ. Пуллар ҳам ҳеч қаёқка гумдон бўлмаган. Энди уни қандай кутқаришини ҳал этмок керак. Шу пайтгача унинг бирон марта ёлғон гапирганини кўрмаганмиз, агар бу сафар ҳам рост айтаётган бўлса,

у күтулиб чика олади, ишкилиб, шаҳар темир йўллари акциялари эртага эрталаб хомталаш бўлиб кетмаса бўлгани. Мен ҳозир Молленхауэр ва Симпсон билан учрашаман. Улар ҳам шу қоғозлардан манфаатдор. Каупервуд мендан улар билан гаплашишни илтимос кылди; улар бозорни ушлаб туришлари учун мен банкларга таъсир кўрсатишга муваффак бўларман. Борди-ю, эртага кийматни тутиб туриш учун биржада бу акцияларни харид кила бошласак, биз ўз пулларимизни мустахкамлаб оламиз, деб ўйлаяпти у.

Оуэн Каупервуд ҳакида нимани билса, ҳаммасини тез хаёлидан ўтказди. Унинг фикрича, Каупервуднинг боплаб таъзирини бериб кўйиш керак. Булар бари унинг иши, Стинернинг эмас, бунга Оуэн шак-шубҳа килмасди. У факат бир нарсадан ҳайрон эди – огасининг ўзи буни кўрмаяпти ва Каупервуддан жаҳли чикмаяпти.

– Сизга бир гапни айтмоқчиман, ота, – бироз сукутдан сўнг хиёл санъаткорларга хос охангда деди Оуэн. – Каупервуд Стинердан олган пулига акцияларни сотиб олган ва боткокка ботиб колган. Ёнгин бўлмаганда, у сувдан курук чиккан бўларди, аммо ҳозир сиз, Молленхауэр, Симпсон ва бошкалар уни боткоқдан тортиб чиқаришларини истаяпти. У ажойиб бола, мен билан ҳам муомаласи яхши, аммо сиз унинг айтганига юрадиган бўлсангиз, бу сизнинг ғирт телбалигингизни билдиради. Бусиз ҳам у керагидан кўпроғини кўлга киритиб бўлган. Якинда эшлитиб колдим, Фронт-стрит изи ва Грин ва Коутс изиннинг катта кисми унга кааркан, бу ҳам етмагандай, Стинер билан биргаликда у Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчаларнинг эгалари ҳам саналяркан. Каупервуднинг ҳар икки ҳолда ҳам ўзи учун акцияларнинг назорат боғламини яшириб кўйганига ишонгим келмаяпти. Стинер пиёда дона, холос, Каупервуд уни истаган мақомига солиб ўйнаяпти.

Ҳасад ва нафратдан Оуэннинг кўзлари чақнаб кетди. Каупервуд боплаб жазоланиши керак: унинг иншоотини тўғри келган нархга сотиб, ўзини эса конкали темир йўллар акционерлигидан ҳайдаб юбориш керак. Оуэн қачонлардан буён бу ишда стакчиллик килишга интиқ эди.

– Күрмайсанми, – мужмал жавоб берди Батлер, – мен доим бу йигитнинг аклига тан бериб келардим, аммо унинг бунака туулак эканини хаёлимга келтирмагандим. Ҳаммасини жуда ўрни-ўрнига кўйиб бажарган. Сен ҳам, кўриб турибман, ано-йилардан эмассан, шундайми? Хуш, ҳали ҳаммасини яхшилаб чутга солиб кўриш керак. Балки бу ишни бир ёклик килиб олармиз. Бу ерда бир ғоят жиддий ҳолат бор. Биз энг аввало республикачилар партияси ҳакида эслашимиз керак. Бизнинг муваффакиятимиз, ўзинг биласан, унинг муваффакияти билан чамбарчас боғлик. – У жим бўлиб колди ва ўғлига қаради. – Борди-ю, Каупервуд касодга учраса ва пуллар ғазнага қайта-рилмаса... – Қария тұсатдан бошлаган гапини ўзи бўлди. – Бу можарода мени факат Стинер ва шаҳар ғазнаси безовта килади. Борди-ю, биз ҳеч қандай чора кўрмасак, республикачилар партияси кузги сайловларда ёмон ахволга тушиб қолади, унга қўшилиб бизнинг бир канча пурратларимиз ҳам учиб кетиши мумкин. Ноябрда сайловлар бўлишини унутма! Ўй-хаёлимда бир гап: ундан мана бу юз минг долларни олсам-микин ё олмасаммикин? Қарзларни тўлаш учун зарталаб менга озмунча пул керак бўлмайди.

Кишининг табиати ҳам ғалати бўларкан: аҳволининг нечоғлик оғирлигини Батлер энди-энди ўзича чамалай бошлаганди. Унга ўз эҳтиёжларини сўзамоллик билан баён этган Каупервуд борлигига у йигитнинг шахсияти ва унга бўлган хурмати таъсирига азбаройи берилиб кетганидан ҳатто бу воеа унинг манфаатларига дахл килишини дурустрок суриштирамбди ҳам. Факат эндинга, окшомги тоза ҳавода ўзининг такаббу-рона фикрларидан маст ва Каупервудни аяб ўтириш керакмас-лигини зўр бериб уқдираётган Оуэн билан сухбатлашар экан, Батлер воеаларга хушёр қарай бошлаган ва барча тафсилотлар озми, кўпми даражада унинг кўз ўнгига тўғри гавдаланган эди. У Каупервуднинг республикачилар партияси обўйига жиддий зарар келтирганини ва шаҳар ғазнасини, бунга қўшиб Батлернинг ҳам манфаатларини ҳавф остида колдирганини тан олишга мажбур бўлди. Шундай бўлса-да, қария уни яхши кўрап ва уни кисмат домига ташлаб кўйиш ниятида эмасди.

Каупервудни – тұғри, шунақаси республикачилар партияси ва үзининг ишларини ҳам күтқариб колиш учун у ҳозир Молленхауэр ва Симпсоннинг олдига отланди. Аммо барibir ҳам бу қандай шармандалик! Ёш бўла туриб уни бундай ғаламисликлар қиласди, деб ким ўйлаганди! Батлер ғазабланар, депсинар эди. Шунака қаллобликка ҳам борадими, киши? Шундай бўлса-да, Батлернинг ҳали ҳам ундан кўнгли қолмаган эди; агар уни күтқариб колиш мумкин бўлса, Каупервуд учун қандайдир чоралар кўриши кераклигини хис этарди. Ҳатто унинг илтимосини адо этиши ҳам истисно эмасди ва борди-ю, бошқалар ҳам йигитга хайрихохлик билдиргудек бўлишса, сўнгги дакика гача үзининг юз минг доллари тўғрисида чурк этиб оғиз очмайди.

– Тўғрисини айтсам, ота, – сукутдан сўнг деди Оузн, – нима учун Молленхауэр ва Симпсондан кўра сиз кўпроқ ташвишланишингиз кераклигини тушунмайман. Борди-ю, учовларингиз Каупервуднинг кутилиб чикишига ёрдам бермокчи бўлсаларингиз, ўзларингиз биласизлар; аммо, ўрай агар, бу сизларга нима учун керак, сира тушунмайман! Албатта, агар бу ҳангома сайловгача юзага чикиб қолса, яхшиликка олиб келмайди, аммо ўшангача бу ҳақда оғиз очмай туриш мумкин эмасми? Сизнинг конкали темир йўлга сарфлаган пулларингиз мана шу сайловдаи мухимрок-ку. Борди-ю, сиз конкани кўлга киритиш йўлини топсангиз, сайлов борасида ортиқ ташвишланишингизга хожат қолмаган бўларди. Маслаҳатим: борди-ю, акциялар нархи каттиқ тушиб кетса, банкларнинг дъволарини кондириш учун эртага эрталабданок үзингизнинг юз минг долларингизни талаб килинг. Бу Каупервуднинг касодга учрашига сабаб бўлади, аммо сизга заррача зарари тегмайди. Сиз биржага борасиз-да, унинг акцияларини сотиб оласиз; борди-ю, шундай таклиф билан унинг ўзи олдингизга югуриб келгудек бўлса, мен сира ажабланмаган бўлардим. Сиз, Молленхауэр ва Симпсонга уқдиришингиз керак, улар Стинерни кўркитишин. Каупервудга бошка бир доллар ҳам карз бермайман деб талаб килишсин. Агар сиз шу ишни килмасангиз, у яна Стинер ёнига чопади-да, ундан яна пул олади. Стинер жуда ҳалдидан ошиб кетибди. Балки, Каупервуд ўз улушкини сотишни истамаётган-

дир, бу унинг иши, аммо у қарийб жарга қулаб бўлди, шунда сиз биржада унинг акцияларини хоҳлаганча сотиб ола оласиз. Мен шахсан унинг акциялари сотилиб кетади деб ўйлайман. Бироқ мана шу Стнернинг беш юз минг доллари деб конингизни қайнатишингизга ҳожат йўқ. Ҳеч ким уни Каупервудга карз бср деб мажбур килмаган. Ўзи билган йўл билан кутилиб чиқаверсинг. Тўғри, партияга зарба бўлиб тушиши мумкин, аммо ҳозир муҳими бу эмас. Сиз Молленхауэр билан рўзномаларга босим кўрсатинг, улар сайлов тугагунча жим туришсин.

– Ўпкангни бос, ўғлим, ўпкангни бос! – деди ўғлига кекса пудратчи ва яна хаёлга чўмди.

## XXV боб

**Б**атлер каби Генри Молленхауэр ҳам шаҳарнинг янги қисмларидан бири, кутубхонанинг шинам ва чиройли биносидан сал нарида Брод-стритда яшар эди. Унинг усти кенг-ковул ва ўша даврдаги янги пайдо бўлган бойлар яшайдиган тураржой хилидан эди – сарик гишт ва ок тош қопланган тўрткаватли бино ҳар канака услубдан холи бўлса-да, кўрганнинг кўзи кувонадиган даражада кўркам эди. Кенг зинадан кенгбар пешайвонга чикиларди, пешайвоннинг ўртасида залворли ўймакор эшик савлат тўкиб турарди, эшикнинг иккала томонида энсиз деразалар бўлиб, улар оч-мовий рангга бўялган, ғоят нафис ўйма гуллар билан ороланганди. Бу уйдаги барча йигирмата хонанинг фарши ҳам, деворлари ҳам ўша вактлардаги энг кимматбахо ёғочлардан ишланган эди. Биринчи каватда катта танобий хона, улкан меҳмонхона ва эман копламали, хажми камида ўттиз фут квадрат келадиган ошхона жойлашганди; иккинчи каватда – хўжайнининг учала кизига топширилган роъяль турган хона, хотинининг пардоҳонаси бор эди, гуслхона ва унча катта бўлмаган қишки боғ шунга туташ эди.

Молленхауэрни ғоят бообру одам деб хисоблар эдилар ва ўзи ҳам шундай деб биларди. Сармоядорлик ва сиёсий ишлар-

да у фавкулодда зийракликка эга эди. Гарчанл у немис, түгри-  
роги, немислардан келиб чиккан америкалик бўлса-да, ташки  
кўриниши мутлако америкалик эди, бўлганда ҳам салобат-  
ли америкалик эди. Унинг совук кўзларида ўткир акл чакнаб  
туради. Бўйи баланд, тўладан келган гавдаси хушкомат эди.  
Тоғдек кўкси ва кенг елкаларига чиройли ўрнашган боши у ёк-  
бу ёкка харакат килганида гоҳ лумалок, гоҳ чўзинчок бўлиб  
кўринарди. Ўйноклаган манглайи жонли, синчков, тик бокувчи  
кўзлари узра коядай осилиб туради. Бурни, оғзи, ияги, шу-  
нингдек, семиз ва силлик юзи – хуллас, Молленхауэрнинг бу-  
тун иирик, маънодор, келишган юзи бу одам барча тўсикларга  
нимани қўндаланг қўйишни исташи ва уддалашидан дарак бе-  
парди. Эдвард Мэлия Батлер билан Молленхауэрни қалин дўст-  
лик ришталари боғлаб туради, – бу дўстлик икки ишбилармон  
ўртасидаги ўзига хос дўстлик эди, албатта, Марк Симпсонни  
эса у тахминан бир шер иккинчисини хурмат килганчалик да-  
ражала хурмат килларди. У ўткир истеъодининг қалрига етар  
ва агар ўйин ҳалол кетадиган бўлса, ҳалол ўйнашга ҳар доим  
тайёр туради. Акс ҳолда унинг гайирлиги чегара билмасди.

Якшанба оқшомида Молленхауэр на Эдвард Батлерни, на  
унинг ўғлини кутганди. Филаделфиянинг барча бойлигининг  
уч қисмини эгаллаган бу одам ўз кутубхонасида ўтириб, китоб  
ўкир ва кизларидан бири роялда чалаётган куйини тинглар  
эди. Хотини ва икки кизи черковга кетишганди. У хонани-  
шин одам эди. Якшанба оқшоми сиёsatчилар оламида умуман  
турли-туман кенгашлар учун хосиятли вақт бўлганидан, Мол-  
ленхауэр республикачилар паргиясидаги таниқли ҳамкаса-  
баларидан битта-яrimтаси келиб колар деган хаёлда эди. Шу  
бонс кария Батлернинг ўғли билан келганини хабар қилган-  
да, у хатто суюниб кетди.

– Канлай шамол учирди?! – дея Батлерга пешвоз чикиб,  
у кўлини чўзди. – Жудаям хурсандман, жудаям хурсандман!  
Оуэн ҳам келдими? Ишларинг калай, Оуэн? Ичимлиқдан нима  
келтирайлик, йигитлар, кайси сигаретдан ческасизлар? Бошла-  
масига бир кадаҳдан ичмок керак. Жон! – мурожаат килди у  
хизматкорга. – Ўткиррок бир нарса келтир-чи!.. Мен ўтириб

Каролинанинг қандай чалишини тинглаётгандим. Аммо сизларни кўриб уялди, шекилли, кизалогим.

У оромкурсини Батлерга суриб кўйди ва Оуэнга столнинг нариги томонидаги жойни кўрсатди. Бир дақиқа ўтмаёк хизматкор виски, эски шароб шишалари ва турли нав сигарет кутичалари териб кўйилган нафис кумуш баркашни кўтариб келди. Оуэн шароб ва чекишдан ўзини тийган янги турдаги ишбилармонлардан эди. Отаси ундан ҳам, бундан ҳам жуда оз-оздан тотинар эди.

– Уйингиз файзли экан! – деди Батлер, ҳадеганда ўзининг келгани сабаби ҳакида сўз очмай. – Якшанба оқшомида ҳам сизни нега ҳеч қаёкка чиқмайди деса, гап бу ёқда экан-да? Шахарда нима янгиликлар?

– Билишимча, айтарли ҳеч гап йўқ, – хотиржам жавоб берди Молленхауэр. – Ҳаммаси силлиқ кетаяпти. Лекин сиз неғадир сал ташвишли кўринасизми?

– Ҳа, бироз, – жавоб берди Батлер, содали конякни охиригача ичиб. – Ташвишли хабар. Сиз ҳали оқшом рўзномалирини ўқимадингизми?

– Йўқ, ўқимадим. – Шундай деб Молленхауэр оромкурсида гавдасини тўғрилади. – Бугун оқшом сонлари чиқдими ўзи? Нима булибди, хўш?

– Чикагодаги ёнғинни айтмаса, ҳеч нима бўлмаган. Эртага эрталаб жамғарма биржамизда катта тўполон чиқадиганга уҳшаб турибди.

– Нималар деяпсиз! Мен бўлсан ҳеч нарса эшитганим йўқ. Демак, оқшом рўзномалари чикибди-да?... Хўш, хўш.. Нима, ёнғин катта эканми?

– Айтишларича, бутун шахар ўт ичида эмиш, – деди Оуэн, машхур сиёсий арбобнинг юзидағи ифодани диккат билан кузатар экан.

– Ҳа.. Буни янгилик деса бўлади! Рўзномага одам юбориш керак. Жон! – чакирди у хизматкорни ва у келгач, деди: – Бирон жойдан рўзнома топиб кел. Нега сиз буни биздаги ишларга таъсир ўтказади деб хисоблайсиз? – Батлерга мурожаат килди у, хизматкор кетгач.

— Биласизми, битта гап бор, у ҳакида мен энг сүнгги дақика-  
гача хеч нарса билмаган эдим. Бизнисің жондан азиз Стинери-  
миз, әхтимол, үз газнасидаги пулларни тузук-курук билмас хам  
әкан, агар баъзилар тахмин килганидек иш чаппасига айланиб  
кетмаса, — хотиржам тушунтириди Батлерга. — Бундай ҳодиса  
эса, үзингиз билгандек, сайловлар олдидан фойдали таассурот  
пайдо қилиши амри маҳол. — кўшиб кўйди у ва акли мовий  
кўзларини унга худди шундай қаттиқ тикилиб жавоб қайтар-  
ган Молленхауэрга қалади.

— Буни қаердан билдингиз? — совук охангда сўради Мол-  
ленхауэр. — Нахотки, у билиб туриб исрофга йўл кўйган бўлса?  
Ҳўш, канча олибди — буни ҳам биларсиз?

— Анча катта “сокка”, — ўша-ўша хотиржам жавоб берди  
Батлер. — Менинг тушунишимча, беш юз минг доллар атро-  
фифа. Ҳали буниси ҳолва. Аммо бундан кейин иш қанака тус  
олади, номаълум.

— Беш юз минг! — ҳайрат билан деди Молленхауэр үзини  
кўлга олишга харакат килиб. — Бўлиши мумкин эмас! Пулни  
у қачондан ола бошлаган экан? Уни қаерга гумдон килибди?

— У беш юз минг долларча пулни Учинчи кўчадаги Кау-  
первулга ссуда килиб берибди, шаҳар заёмини сотган йигит  
бор-ку, ўшанга. Мана шу пулга улар шахсий манфаатларида  
турли фирибгарликлар килишга киришиб кетишибди. Асосан  
конкали темир йўллар акцияларини сотиб олишган.

Конкали йўллар ҳакида гап кеттани ҳамон Молленхауэр-  
нинг юзи шир-шир уча бошлади.

— Каупервуднинг фикрича, бу ёнгин эртага биржада вахи-  
ма келтириб чикаради ва у кучли кувватловчиси бўлмаса, банк  
балога колишидан кўркиб турибди. Борди-ю, у қасодга учра-  
са, шаҳар газнасида беш юз минг долларлик камомад борлиги  
маълум бўлади, унинг ўрнини хеч нарса билан тўлдириб бўл-  
майди. Стинер шаҳарда эмас, Каупервуд эса уни кўллаш йўли-  
ни топинг, деб олдимга илтимос билан келди. Айтишим керак-  
ки, бир вактлар у мен учун баъзи топширикларни бажарган эди  
ва шунинг учун энди мени ёрдамга келали деб умид килибди,  
яъни сиз билан сенаторни йирик банкларга таъсир ўтказишга

күндиришимни, шу тарика эртага биржада кимматли көгөзлар нархини тутиб туришимизни ўтнибли. Акс ҳолда Каупервуд касодга учрар экан, унинг фикрича, албатта, жанжал күтарилиб, сайловда бизга зарар келтириши мумкин экан, назаримда, у бу ерда хеч қанака ўйин килмаяпти, балки иложи борича ўзини күткариш ва менга, ёки тұғрироғи, бизга панд бермас-лик учун шунчаки ўзини ўтга-чүкка урайпти.

Батлер жим бўлиб қолди. Маккор ва ичимдагини топ Молленхауэр бу кутилмаган хабар унга пашша чакканчалик ҳам таъсир килмагандек хатто килт этмади. Бирок у хар доим Стinerning заррача сармоядорлик ёки ташкилотчилик кобилияти йўклигига амин бўлганидан бунга қаттик кизикиб қолди. Демак, унинг гумаштаси ғазна маблағларидан унга билдиримай фойдаланган ва энди унга суд олдида жавоб бериш хавфи таҳдид солмокда! Молленхауэр Каупервудни оркаваротдан, бир вактлар заёмлар муомаласини олиб боришга таклиф этилган одам деб билар эди. Мана шу ишда Молленхауэр унча-мунча ишлаб ҳам олган эди. Бу банклар Стinerни лакиллатгани кўриниб турибди ва ундан олган пулга конкали темир йўллар акцияларини сотиб олган! Бинобарин, унда ва Стinerда бу көгозлардан бир талайи бўлиши ксрак – Молленхауэрни каттик кизиктириб колган жойи мана шу эди.

– Беш юз минг доллар! – тақрорлади у Батлер ўз ҳикоясини тугатганида. – Ҳа-я, каттагина пул! Агар фақат бозорни тутиб туришлинг ўзи Каупервудни сақлаб қола оладиган бўлса, биз унга хўп деган бўлардик, аммо жиддий вахима келиб чиқадиган бўлса, бундай усул натижасиз колади. Борди-ю, бу йигит маблағдан қаттик сикилиб колган бўлса-ю, биржада нархлар кескин тушиб кета бошласа, уни күткариш учун яна катор кўшимча тадбирлар ўтказиш керак бўлади. Мен буни тажрибамдан биламан. Унинг канча қарзи борлигини билмайсизларми мабодо?

– Йўқ, билмайман, – жавоб берди Батлер.

– Гапингизга караганда, у сиздан пул сўрамаган-а?

– То унинг аҳволи бир ёкли бўлмагунча мен ундан ўзимнинг юз мингимни олмасам бўлади, шуни истаяпти.

– Стинер ростдан ҳам шаҳарда йўқми? – сўради табиатан хеч кимга ишонмайдиган Молленхаузер.

– Каупервуд шундай деди. Текшириш учун одам юборишимиз мумкин.

Молленхаузер эса вазиятдан оқилона чиқиб кетиш ҳакила бош қотирарди. Кимматли коғозлар пархии тутиб туриш – бу, агар шу тарика Каупервудни, у билан бирга хизинабон ва республикачилар партиясининг бир кисмини сақлаб қолса буладиган энг яхши йўл, албатта. Стинер беш юз минг долларни газнага қайтаришга мажбур бўлади, бунинг учун акцияларни сотишга тўғри келали, бас, шундай экан, уларни Молленхаузер сотиб олса, нима килибди? Аммо бунла, афтидан, Батлернинг манфаатларини ҳам хисобга олиш керак бўлади. Хўш, сираси-ни айтганда, у нимани талаб килиши мумкин?

Батлер билан шундан кейинги сухбатдан Молленхаузер аникладики, борди-ю, Каупервуд беш юз минг доллар пул топса, бўлди, у ўша камомад ўрнини тўлдиришга тайёр. Конкали темир излардаги унинг улушлари борасида хозирча улар сухбатлашишгани йўқ. Аммо бу йўл билан Каупервудни кутқариш мумкинлигига қандай ишонса бўлади? Ҳатто шундай холатда ҳам унда беш юз минг доллар тўплаш ва уни Стинерга қайтариш хоҳиши ва имконияти бўлади-ку? У хозир нақд пулга муҳтож эди, бирок мукаррар вахима якинлашиб келаётган айни дамда унга ким берали шунча пулни? Қандай таъминотни у таклиф эта олади? Бошка томондан, агар яхшигина кисти-бастига олинса, улар икковини – у ва Стинерни – ўзларининг темир йўл акцияларини сувтекинга беришга мажбур килиш хеч гап эмасди. Борди-ю, Молленхаузер бу акцияларни ололса, кузги сайловда унинг партияси енгиб чикадими ё мағлуб бўладими, унга нима? Дарвокс, Оуэн сингари у ҳам мағлубиятни четлаб ўтса бўлади, леб хисоблайди. Тўғрироги, олдинги йиллардан ибрат олиб, ғалабани сотиб олиш мумкин. Борди-ю, Каупервуднинг хонавайронлиги туфайли Стинер карздор бўлиб қолса, унинг карзини сайловдаги ғалабасигача яшириб туриш мумкин бўлади. Дарвокс, унинг миясидан бир фикр ялт этиб ўтли, Стинерни Каупервудга кўшимча ёрдам беришлан

воз кечдириш учун уни чўчишиб кўйиш, кейин эса унинг конкали темир йўллар акциялари ва шу билан бирга бошка эгаларнинг акциялари нархини кескин тушириб юбориш янада маъкулрок бўларди. Батлер ва Симпсон ҳам бундан мустасно эмас. Филаделфияда бу излар вакти келиб бойиб кетишининг энг асосий манбаларидан бири бўлиб колади. Аммо ҳозир ўзини биринчи галда оллинда турган сайловда партияни кутқаришдан бошқа ғами йўқдай килиб кўрсатиши керак.

– Мен, албатта, масалани сенатор учун ҳал килолмайман, – ўйчан гап бошлади Молленхауэр, – унинг нуктаи назари қандай бўлишини ҳам билмайман. Аммо борди-ю, бу қандайдир фойда келтирадиган бўлса, кимматли қоғозлар нархини тутиб туриш учун мен шахсан қўлимдан келган ҳар қандай ишни килишга тайёрман. Лоакал банклар мендан ҳам карзни тўлаб қўйишни талаб килишлари мумкинлиги учун шундай қилишга тайёрман. Аммо ҳозир биз энг аввало, борди-ю, Каупервуд барабири касодга учрайдиган бўлса, сайлов тугагунча овоза қиласлик чорасини кўрмоғимиз лозим. Чунки, бозорни тутиб туришдаги саъй-ҳаракатларимиз муваффакият қозонишига биз тўла амин эмасмиз.

– Заррача ҳам! – тумшайиб тасдиклади Батлер.

Оузн ўзича Каупервул тамом бўлди, деган хаёлда эди. Бирор шу топ эшик кўнғироги жиринглаб колди. Рўзномага кетган хизматкор ўрнидаги оксоҷ сенатор Симпсон келганини ҳабар килди.

– Касал тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади! – деб юборди Молленхауэр. – Айтинг, кирсин! Ҳозир унинг фикрини биламиз.

– Мен сизларни холи колдирсам, нима дейсизлар? – отасига мурожаат килди Оуэн. – Мисс Каролинанинг олдига бораман-да, менга биронта қўшик айтиб беришини илтимос киламан. Сизни кутиб тураман, ота, – қўшиб кўйди у.

Молленхауэр “маъкул” дегандай унга жилмайиб кўйди ва Оуэн чикиб кетди, эшикда у сенатор Симпсонга тўкнаш келди.

Дунёга талайгина истеъдоли шахсларни берган Пенсильванияда хали ҳеч качон сенатор Симпсондан кизикарлирок

одам гуллаб-яшнамаган. Ҳозир уни илиқ карши олган Батлер ва Молленхауэрга карши ўларок унинг ташки кўриниши камсукумрок эди: бўйи унча баланд эмас – беш футу тўккиз дюйм, Молленхауэрнинг бўйи эса олти футга старди, Батлер-ники – беш футу ўн бир дюйм, юзи хўмрайган ва ияги тик тушган – анави иккаласининг юзлари кўймага ўхшарди, зилдай жағлари олдинга туртиб чикканди. Нигоҳи ҳам Батлерга ўхшаб, у кадар очик, Молленхауэрга ўхшаб, у кадар кибрли бокмасди. Аммо кўзларидан акл ёғиларди. Ичига чукур ботган, тубсиз кўзлари ғалати кўринарди; улар коронғу бурчакда ўлжасини маккорлик билан пойлаб турган мушукнинг кўзларини эслатарди. Ҳурпайган калин кора сочи унинг ясси, оп-пок пешонасига тушиб турар, юзи эса соғлиги ёмон одамлардай, кўкиштоб-рангпар эди. Ташқаридан шундай кўрингани билан бу одамда ўзига хос, ўжар, фавқулодда бир куч яширини эдики, унинг ёрдамида у одамларни ўзига бўйсундириб оларди, – бойиб кетишга ваъдалар бериб, бирорлар нафсини ҳакалак оттирадиган айёр ҳам, унга фириб бермоқчи бўлганларни жазолашда шафқат билмас бағритош ҳам эди. Симпсон шундай бичимдаги кўплаб одамлар сингари камгап, кўллари орик, муздай, сирпанчик ва жилмайниши ҳам ланж бўлса-да, кўзларидаги маънодорлик унинг ташки кўринишидаги барча камчиликларни босиб кетарди.

– Хайрли окшом, Марк, сизни кўрганимдан хурсандман, – карши олди уни Батлер.

– Салом, Эдварт, – паст овозда алик олди меҳмон.

– Қани, азизим сенатор, шунча ёшга кирсангиз ҳам кирчиллама йигитдайсиз. Сизга нимадан куяйлик, буюрсинлар!

– Йўқ, Генри, хеч нарса ичмайман, – жавоб берди Симпсон.

– Йўл-йўлакай шундок бир кириб ўтай дегандим. Хотиним шу якин-атрофда, Кэвеноуницида, хали у ёкка ҳам боришим керак.

– Кошки жуда вактида келганингизни билсангиз, сенатор, – гап бошлади Молленхауэр, меҳмон ўтиргандан кейин ўрнига чўкар экан. – Биз сиз билан кўришмаган вактдан бери юзага келган сиёсий маънодаги кичик бир кийинчилик ҳакида ҳозиргина Батлер сўзлаб турганди. Чикагода катта ёнгин рўй берганини, хойнахой, эшитгандирсиз?

– Ха, менга бу ҳақда ҳозиргина Кэвеноу айтди. Иш анча жиддийга үхшаб күринаяпти. Эртага эрталаб кимматли көзлар нархи кескін түшиб кетиши турган гап.

– Мен ҳам шундай деб биламан, – тасдиклади Молленхауэр.

– Мана оқшом рұзномаси ҳам келди! – деди Батлер құлида рұзнома билан кириб келген хизматкории құриб.

Молленхауэр рұзномани олди-да, стол устнға ёйди. Бу Америкадаги әңг тезкор нашрлардан бири зең: йирик-йирик ҳарфлар билан териілгән сарлавҳалар кече оқшом “құллар” шаҳрида бошланған ёнғаш соат сайин кенгрек ёйилиб бора-ётгани ҳакида хабар берарди.

– Даҳшат, – деди Симпсон. – Чикағога ичим ачиб кетаяпти. У ерда күп дүўстларим бор. Худо хоҳласа, аслида бу ерда ёзғандаридай құрқинчли бұлмаса керакдир.

Симпсон ҳамма жойда ва ҳар қандай ҳолда үзини бир погона юкори тутарди.

– Батлер менга ҳозир айтған нарса, – давом этди Молленхауэр, – кайсиدير даражада мана шу мусибатга bogліk. Үзингиз биласиз, ҳазина боларни мизнинг йилинде икки фоиздан шаҳар пулларини қарзға бериш одати бор...

– Нима килибди? – сұради Симпсон.

– Гап бундай, мистер Стинсер, аниқланишича, Учинчи күчадаги еш Каупервудта шаҳар маблағларыдан катта-катта қарзлар беріб турған, – бу үша заёмларни сотиш билан шу-гулланған йигит.

– Нималар деяпсиз? – деди Симпсон таажжубға түшгандек.

– Күп қарз берібдими унга?

Батлер ва Молленхауэр каби сенаторнинг үзи ҳам түрли банкларға қўйилмалар қўринишида тақдим этилған үша манбадан фойдаласыга қарз (ссуда)лар олиб, дурустгиша бойиб олғанди.

– Стинсер унга беш юз минг долларға якын қарз берганмиш, борди-ю, Каупервуд хатарға барлош беролмаса, Стинсерда шунча миқдордаги камомал борлиги маълум бўлиб колади; үзингиз билгандек, бундай гаплар сайловчиларда анча нохуш таассурот пайдо киласиди. Каупервуд мистер Батлерга юз минг

доллар беринши керак ва бугун музокара килгани ушкига келгап эди. Мистер Батлер оркали у биздан кутулиб чикишига ёрдам сұрабди. Акс холда, – Молленхауэр күли билан маңнодор ишора килди. – у касодға учрайди.

Симпсон ингичка күли билан иягини силаб күйди.

– Ярим миллион долларни нима килишибди улар? – сұради у.

– Бу учарлар четдан унча-мунча ишлаб олишибди, – миңигіда кулиб деди Батлер. – Афтидан, улар конкали темир йұллар акцияларини сотиб олишган, – күшиб күйди у, кагтакон бошмалдоғиниң жилемтінинг ўмизига тикиб.

Молленхауэр ва Симпсон захархандалик билан жилмайиб күйишди.

– Шунака денг, – деди Молленхауэр.

Сенатор Симпсон сукут сакларди, фактат юзидаги ифода фикрининг каттық ишләстганидан гувохлик бериб турарди. Айникса, яқинлашиб келаётган бұхрон олдидан сиёсатчилар ва ишбилармонарлар гурухига бундай илтимос билан мурожаат килиш нечогли бемаңни экани ҳақида ўйластығанды у хам. Тұғри, хәслидан нимадир лип этиб үтди, дурусттыңа йўли бор: у, Батлер ва Молленхауэр бир ёқадан бош чикарадилар ва Каупервудни күлтік-күлтікслайдилар, бунинг зөзиге у конкали темир йұллар акцияларининг барини уларга топширади. Бундай холда, харкалай, бу гал тұғрисида лом-мим демасликка ғазна билан келишиб олишади, аммо, башқа томондан, канака кафолат бор, бириңчидан, Каупервуд ўз акциялардан ажралиб колишини истайдими? Ва, иккінчидан, Батлер ва Молленхауэр у, яғни Симпсон билан бу битимни күллайдиларми? Батлер, ўз-үзидан маълумки, бу ерга Каупервуд учун бир оғиз сұзини аямасликка келганди. Молленхауэрға келсак, у хар доим у билан зымдан ракобатчилик килиб келали. Гарчи улар сиёсий майдонда ҳамкорлық килишса-да, аммо сармоядорлық максадлари иккаласыда хам тублан фарқ киларди. Дарвоқе, Батлер ва Молленхауэрда хам бўлмагани каби уларда хам умумий сармоядорлық манфаатлари йўк эди. Қолаверса, Каупервуд у айтганичалик содда-гўл эмас. Бу ишдаги унинг айбини Стинернинг

айби билан асло солишириб бўлмасли: ахир карз берувчи Каупервуд эмас, Стинер-ку. У миясига келган окилона счимни хамкасабаларига айтса бўлармикан? Ўзига-ўзи шу савонни берди-ю, ўша заҳоти бир тўхтамга келди – йўқ, бўлмайди. Бундай ҳамкорлик килишда Молленхаузрга ишониб бўлмайди – у илоннинг ёғини ялаган. Тўғри, имкониятларга гап йўқ, аммо ҳатар ҳам кичик эмас. Ундан бир ўзи ҳаракат қилгани маъкул. Ҳозирча эса Стинердан беш юз минг долларни қайтариши учун Каупервудга тазийик ўтказишни талаб киладилар. Борди-ю, бундан бир нима чикмаса, унда партия манфаати йўлида Стинерни курбон килишга тўғри келади. Каупервудга келсак, унинг иши ҳолати ҳақидаги бундай аник маълумотнинг борлиги асли бошқа киши бўлган шахс ёрдамида биржада мўмайгиниа пул ишлаб олишга тўла имконият беради. Улар аввалига Каупервуд тушиб колган ночор ахвол ҳакида миш-мишлар таркатадилар, кейин эса унга ўз акцияларини сотишни таклиф этишади – сувтекинга, албатта. Йўқ, Каупервуд Батлерга бемаврид мурожаат қилганди.

– Мен сизларга бир гап айтаман, – тилга кирди сенатор узок жим турганидан кейин. – Мен, маълумки, Каупервудга жуда ачинаман ва конкали темир йўллар акцияларини сотиб олгани учун унга таъна килиш фикридан йирокман, чунки ўша вактла шунга имкони бўлган; аммо мен, тўғриси, унга нима билан ёрдам беришни билмаяпман, тағин мана бунака калтис паллада. Стинерни билмадим-у, жентльменлар, аммо мен ҳозир минг истаганим билан бошталар учун ўзимни оловга ташлашга ҳаким йўқ. Энг аввало биз химмат камаримизни ечишимиз учун партияга таҳдид solaётган ҳатар шунчалик катталигини ҳал килиб олишимиз керак.

Нақд пул сарфлаш устида гап кетгани хамон Молленхаузрнинг юзи тундлашади.

– Мен ҳам мистер Каупервудга жўяли ёрдам кўрсатолмасам керак, хойнахой, – ҳўрсиниб деди у.

– Жин урсин! – деди Батлер ва унга хос ҳазилкашлик билан кўшиб кўйди: – Истасам-истасам ундан юз минг долларимни олишимга тўғри келади, шекилли! Эртанги кунни шундан боштайман.

Бу сафар на Симпсон, на Молленхауэрнинг юзида илгари бўлар-бўлмасга пайдо бўлаверадиган заҳархандаликдан асар ҳам кўринмади. Улар сир бой бермай савлат тўкиб ўтиришарди.

– Шахар газнасидан олинган пулларга келсак, – давом этди Симпсон, барчалари сал ўзини босиб олгач, – бу ишни яхшилаб ўйлаб олишимизга тўғри келади. Борди-ю, мистер Каупервуд касодга учраса ва газна шунча пулни йўқотиб ўтирса, биз жуда ҳам оғир ахволга тушиб коламиз. Каупервуд ўзи биринчи галда конканинг кайси изларига кизикиб колганли? – сўради у шунчаки омади гапдай.

– Тўгриси, билмайман, – жавоб берди Батлер, Молленхауэрникига кетишаётганда Оуэн унга айтган гапни очишга эҳтиёж сизмай.

– Борди-ю, биз Каупервуд касодга учрагунча Стнердан камомадни ундира олмасак, кейинчалик барибир катта кўнгилсизликлар бўлиши мукаррар, – деди Молленхауэр. – Бошка томондан, агар Каупервуд ундан заарни ундиришни кутаётганимизни тушунса, у, эҳтимол, зудлик билан дўконини ёспади. Шу боис бу ерда дурустрок бир иш килиш мумкин эмас. Бундан ташкари, борди-ю, Эдвард Каупервуд билан ўз ишини тугатгунига кадар бирон чора кўрадиган бўлсак, дўстимизга нисбатан яхши иш килмаган бўламиз.

У Батлернинг Каупервудга берган заёмини назарда тутаётганди.

– Тушунарли, тушунарли, – ўткир сиёсий зийракликка эга Симпсон устамонлик билан тасдиклади.

– Хотиржам бўлинглар, юз мингимни мен эртагаёқ кайтариб оламан! – деди Батлер.

– Агар хавотирларимиз тўғри бўлиб чикса, – деди Симпсон, – назаримда, мусибатни сайлов охиригача яшириб туришимиз учун бор кучимизни ишга солишимиз керак бўлади. Рўзномаларни мажбурлаб тинчилиш мумкин. Аммо мен бир нарсани таклиф этардим, – кўшимча килди у, Каупервуд чакконлик билан сотиб олган конка акцияларини эслаб, – шахар газнасида юзага келган вазиятни хисобга олиб, бошка ҳеч кимга карз

бёрмасликка огохлантириш лозим. Бўлмаса азамат Каупервуд ундан яна пул талаб килади. Унга таъсир ўтказиш учун, Генри, сизнинг сўзларингиз мутлако кифоя килади.

– Бўпти, мен у билан гаплашаман, – ковогини уйиб жавоб берди Молленхауэр.

– Менимча эса, улар кўлларидан келганча чиранаверсинлар, – ноапик жавоб берди Батлер, жамоатчилик манфаатларининг мана бу етук посбонларидан ёрдам сўраб Каупервуд хато килганини эсларкан. Каупервуднинг Батлер ва бошка сармоядорлар мана бундай оғир дамларда мени кўллаб-куватлайди, деб килган умидлари пучга чиқди.

Батлер билан хайрлашиб, Каупервуд одатдаги ғайрати ила унга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган бошка шахсларни кидира бошлади. У миссис Стинердан эридан дарак топилди дегунча зудлик билан унга хабар беришини илтимос килди. “Дрексел ва К” банкирлик уйидан Уолтер Линни, “Жей Кук ва К” фирмасидан Эвсли Стоунни ва Жирард миллий банки президенти Дэвисонни кидириб топиб, Каупервуд мана бу воеалар борасидаги уларнинг нуктан назарини билмокчи, шунингдек, ўзининг барча кўчар ва кўчмас мулки устидан чиқарилган заём хусусида музокара килиб олмокчи эди.

– Мен хеч нарса деёлмайман сизга, Фрэнк, – яккаш такрорларди Уолтер Ли, – эртага нималар бўлишини билиб ўтирибманми? Ишларингизни тартибга solaётганингиз жуда яхши. Бу зарур нарсада сизни кўллаб-куватлашга тайёрман. Аммо, борди-ю, хўжайнлар маълум тоифадаги карзларни тұлашни талаб этиш зарур десалар, начора, биз бунга буйсунишга мажбурмиз. Иложи борича вазиятни юмшатиш учун мен бор кучимни ишга соламан. Аммо, борди-ю, Чикаго ростдан ҳам ер юзидан супуриб ташланган бўлса, сугурта компаниялари ёки уларнинг бир қисми, ҳар холда, чирпирак бўлиб кетади, унда эса... факат маҳкам бўлинг! Ўз карздорларингиздан пулларни кайтаришларини ўзингиз талаб киласиз деб ўйлайман?

– Шундан бошка иложи қолмаганда.

– Нима ҳам дердик, бунга бизда ҳам худди шундай қарайдилар!

Улар бир-бирларининг кўлларини сикиб кўйлилар. Бу иккала одам бир-бирини ҳурмат килар эди. Ли ҳаракатлари тугма нозик, дунёвий одам эди, бу унинг чинакам соғлом ақл ва бой хаётий тажрибага эга бўлишига халакит бермасди.

— Сизга бир гап айтаман, Фрэнк, — кўшимча қилди у хайрлашаётib. — Конкали темир йўллар борасида куюшондан чиқиб кетганингизни апчадан бери ўйлаб юардим. Борли-ю, сиз акцияларни тутиб тура олсангиз, бу, албатта, жуда зўр бўлар эди, аммо ҳозиргидек бунака оғир дамларда улар туфайли ўтлай куйиб қолиш мумкин. Сиз мана шу коғозларда ва яна шаҳар заёми облигацияларида хаддан ташкари тез “пул ишлаш”га ўрганиб колгансиз.

У кекса шериги кўзига тик караб кўйди ва иккаласи ҳам жилмайди. Стоун, Ҷэвисон ва бошқалар билан ҳам тахминан шундай сухбат бўлиб ўtdи. Каупервудинг келишигача бостириб келаётган фалокат ҳакидаги миш-мисшлар уларнинг кулогига стиб бўлганди. Биронта ҳам одам эртанги кун нима олиб келишини комил ишонч билаш айтиа олмасди. Аммо хайрли бўлишига умид камроқ эди.

Каупервуд яна Батлернига кириб ўтишга аҳд қилди, зеро, унинг Молленхаузер ва Симпсон билан кўришганига шубҳа кильмасди. Каупервулга нима дейиншини миясида обдон пишишиб олган Батлер уни анча хушнуд кутиб олди.

— Э-ха, келдингизми! — леди у, Фрэнкка кўзи тушиши ҳамон.

— Ҳа, мистер Батлер.

— Айтиб кўя колай, уриннишларим ҳеч кандай самара бермади. Ҳеч нарса чикмаси керак деб кўркаман, — аста гап бошлиди у. — Сиз менга кийин вазифа берлингиз. Молленхаузер бозорни ўз манфаати йўлида тутиб туриш ниятида, шекилли, ўйлашими, у шундай килади ҳам. Симпсоннинг ҳам шундай манфаатлари бор ва уларни химоя килимокчи. Мен эса, албатта, ўзим учун сотиб оламан.

Фикрини бир жойга тўплаб олиши учун бўлса керак, у тин олди.

— Мен ҳозирча уларни йирик сармоядорлардан биронтаси билан кенгашиб олишга унатолганимча йўк, — давом этди у

сўзларни чертиб-чертиб. – Улар сабр килиб, эртага ахвол не ксанчишини кўришмокчи. Аммо барибир ҳам сизнинг ўрнингизда бўлганимда, рухимни туширмаган бўлардим. Борди-ю, ишлар бутунлай чаппасига оладиган бўлса, улар, эҳтимол, фикрларини ўзгартиришса керак. Мен Стинер хақида бор гапни айтиб беришга мажбур бўлдим. Жирканч гап, аммо улар сизнинг тегирмондан бутун чикиб ҳамма иш жойига тушиб кетишига умид килаяптилар. Мен ҳам шунга умидворман. Менинг сиздаги қўйилмамга келсак, нима ҳам дердик, сабр таги – раҳмон. Агар ишим ўнгидан келса, мен уни олмайман. Келинг, яхшиси бу тўғрида эртага гаплашайлик. Айтганча, сизнинг ўрнингизда бўлганимда, Стинердан яна пул олишга уринмаган бўлардим. Бу ёқлагиларнинг даҳмазаси ўзи етиб-ортиб турибди-ку.

Бу одамлардан хеч кандай ёрдам кутиб бўлмаслиги Кау-первудга кундай равшан бўлди. Уни хаяжонга соглан ягона нарса – Стинер хақида эслаш бўлди. Наҳотки улар Стинер билан аллақачон тил топишвиб, уни огохлантиришга улгуришган? Бундай ҳолда Батлерникига келиб, у тўғри иш килмабди. аммо бошқа томондан, борди-ю, эртага у касодга учраса, бундан бошқа кандай йўл тута олар эди у? Хеч бўлмаганда бу жаноблар унинг ахволини тушунишади-ку. Уни узил-кесил бурчакка тикиб қўйишганида, у яна Батлерга мурожаат киларди ва ўшанда унга ёрдам беришадими, йўқми, ихтиёр уларнинг ўзида бўларди-ку! Борди-ю, улар ёрдам беришдан бош тортиб, у сингудек бўлса, республикачилар партияси эса сайловда мағлубиятга учраса, улар ўзларидан бошқа хеч кимни айборд тута олмайдилар. Энди улардан олдинрок харакат килиб. Стинерни биринчи бўлиб кўриши муҳим, ҳар ҳолда ўзини балога гирифтор килмасликка унинг акли етса керак.

– Ҳозир ахволим жуда ҳам аянчли тус олган, мистер Батлер, – дабдурустдан деди у. – аммо барибир ҳам ўзимни ўнглаб оларман, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, умидимни узганимча йўқ. Сизларни безовта килганимдан жуда афсусдаман. Сиз, азизларнинг, менга ёрдам беришингизни ва бу қўлимиздан кела-ди, дейишларингизни кутган эдим, аммо бўлмаганга бўлишма дейдилар. Ўзим бир иложини киларман. Бундан ташкари, сиз

иложи борича қўйилмангизни менда қолдирарсиз, деб умид киласман.

Йигит тез чикиб кетди ва Батлер ўйланиб колди. “Аклингга койил, йигит, – ичиди деди у. – Унга каттиқ ачинаман. Аммо тегирмондан бутун чикса, ажаб эмас”.

Каупервуд уйига ошикаётганли; отаси ҳали ётмаган ва ўйга толганча маъюс ўтиради. Улар чин дилдан, самимий сухбатлашиши: ота ва ўғил бир-бирини бир оғиз гапдаи тушунишарди. Фрэнк отасини яхши кўрарди. Унинг юзага калкиб чикишга тинимсиз уринишларини қўллаб-куватлар ва болалигида уни қанчалик эркалаб ва пах-пахлаб катта килгандарини бир дакика унумасди. У Учинчи миллий банкда Юнион-стритнинг унча кимматли булмаган акциялари таъминотига олган кредитни, агар биржада нарх ҳалокатли даражада тушиб кетса, тўлаб кутилиш мумкин деса бўлади. Қандай килиб бўлмасин, у мана шу ссудани кайтариши керак. Аммо конкали темир йўлларга отаси сарфлаган қўйилмалар нима бўлади? Улар ўзишинг пуллари ўсиши баробарида ортиб борар ва умумий миқдори икки юз минг долларга етганди, бу пулларни қандай саклаб колиши керак? Акциялар аллақачон қўйиб бўлинганди, улар устидан олинган кредитлар эса бошқа максадларда сарфланиб кетганди. Бу ссудалар олинган банкларга қўшимча таъминотлар киритилиши зарур эди. Қаёқка караманг, ссуда, ссуда, ташвишларга на чек, на чегара бор! Факат Стinerни унга яна икки юз ёки уч юз минг доллар беришга кўндиrolсами! Аммо эҳтимол тутилган молиявий қийинчиликлар олдида бу жинояткорлик хисобланарди. Энди ҳаммаси эртанги кунга боғлик бўлиб қолганди.

9 октябр, душанба ҳам келди, кун булатли ва рутубатли эди. Тонг ёришиши билан Каупервуд турди-да, соколини олди, қийинди ва яшилтоб айвондан отасининг қошига йўл олди. Кария тун бўйи мижжа қокмаганидан аллақачон оёқда эди. Оппок соч-соколлари тўзгиб кетган, чакка соколлари бугун у қадар кўркам кўринмаётганди. Кўзлари хорғин бокар, юзининг кони кочганди. Унинг каттиқ изтироб чекканини ўтиларров пайкади. Ота мўъжазгина силлик ёзув столидан кўзла-

риши күттарди; бу столни Элсуорт унга деб аллақаердан толиб келганди, унда үтирганча ота Каупервуд хозир үзининг актив ва пассивларини тартиб билан ҳисоб-китоб киларди. Фрэнкнинг бадани жимирлаб кетди. Отасини ташвишли күрганида у ҳар доим ичидан киринди үтарди, хозир эса унга ёрдам беришдан ожиз. Улар иккаласи мана бу янги уйларни куришаётганды, кария учун ташвишли ва ғамли кунлар абадий ортда колганига ишончи комил бўлганди унинг.

– Ҳисоб-китобларми? – одатдагидек ҳазиломуз сўради у. отасига иложи борича далда беришга ҳаракат килиб.

– Захираларимни ҳисоблаяпман, нима килишим кераклигини билмоқчиман, башартики... – У қўзининг қири билан ўғлига қараб кўйди ва Фрэнк жилмайди.

– Ташвиш килманг, отажон! Мен сизга айтганман: ҳаммасини шундай тузганманки. Батлер ва унинг шериклари бозорни тутиб туришга мајбур булишади. Мен Райверс, Таргул ва Гарри Элtingидин биржада коғозларимни сотишда ёрдамлашиб юборишиларини илтимос килдим – ахир улар энг яхши маклерлар-ку. Улар жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат киладилар. Мен буни Эд ёки Жога топширолмасдим, чунки унда ҳамма менга нима бўлганини дархол билиб коларди. Мана бу йигитлар эса шундай таассурот түғдирадиларки, гўё кимматли коғозлар нархини туширайтилар, аммо айни вактда унинг ҳаддан ташкари тушиб кетишига йўл кўймаятилар. Мен биржага шунча акция ташлашим керакки, токи уларни кийматдан ўн банд паст сотиб, беш юз минг доллар ундириб олай. Эҳтимол, коғозлар нархи тушмас. Ҳозир бир нарса деб бўлмайди. Ахир нарх дегани чексиз тушиб кетавермайди-ку! Қанийди, йирик сугурта жамиятлари нима килиш пиятида эканликларини билолсан! Тонгги рўзномаларни хали олиб келишмадими?

Каупервуд кўнғирок қилмоқчи бўлди, бироқ хизматкорлар ҳам уйгоғмаган булишса керак, деб ўйланиб колди. Унинг ўзи дахлизга чиқди. У срда ҳам босмахона бўёғи куриб улгурмаган “Пресса” ва “Паблик лежер” рўзномалари ётарди. Биринчи сахифага тез кўз югуртириб чикар экан, унинг ранги бирдан ўзгарди. “Пресса”да катта, бутун устунни тўлдириб даҳшат-

ли кўринишдаги Чикаго тархи жойлаштирилганди; кора ранг билан унла шахарнинг ёнған кисми белгиланганди. Чикагонинг бундай муфассал тархини у хали ҳеч качон кўрмаган эди. Тарҳдаги оқ бўшлиқ – Мичигац кўли, мана бу эса дарё, шахарни кариyb уч тенг бўлакка – шимолий, гарбий ва жанубий бўлакларга бўлиб турарди. Каупервуднинг кўзига шахар бироз ғалати ва нимаси биландир Филаделфияга ўхшаб режалашибтирилгандек туюлиб кетди. Унинг майдони икки ёки уч квадрат миллик Савдо кисми шахарнинг уч асосий кисми туташган жойда, дарёнинг асосий ўзанидан жанубла жойлашган эди, шу ерда жануби-гарбий ва шимоли-гарбий ирмоклари бирлашиб, дарё кўлга қуйиларди. Бу марказлаги катта маҳалла эди, бирок харитадан унинг бутунлай ёниб кетгани кўриниб турарди. “Чикаго – куйиб кул бўлди!” – саҳифа бўйлаб турган йирик кора сарлавҳала шундай ёзилганди. Шундан кейин тафсилотлар бошланиб кетган – бошпанасиз колганларнинг изтироблари, оловда ўлганлар сони ва бутун мол-давлатидан маҳрум бўлганлар сони. Кейин шаркий штатларда ёнғинга карши кандай курашиш кераклиги ҳақидаги масала мухокама килинарди. Суғурта жамиятлари ва саноатчилар, эҳтимол, бундай катта заарларга бардош беришга кучлари стмаса ксрар, деган фикрлар баён килинганди.

– Падарига лаънат! – ғамгин тўнғиллаб кўйди Каупервуд.  
– Қайси жин уриб, мен бу биржা ишларига аралашиб қолдим.

У меҳмонхона бўлмага қайтди-да, рўзнома мутолаасига шўнғили.

Кейин, вакт эрта бўлишига карамай, отаси билан бирга идорага йўл олди. У ерда унга почта мунтазир эди – у ёки бу битимни бекор килиш ёки коғозларни сотиш таклиф килинган ўндан ортиқ хат ётарди. У тик турганча хатларни кўриб чикар экан, чопар бола яна учта хат келтириди. Улардан бири Стинердан эди, у шахарда тушга яқин бўлишини, ундан олдин улгурулмаслигини айтган эди. Каупервуд бир вактнинг ўзида хам кўркув, хам енгиллик хис этди. Қарзларини соат учгача тўлаб кўйиш учун унга йирик миқдордаги пул керак эди. Ҳозир хар бир дакика оғлинидан киммат. Стинерни вокзалда тутиб, у би-

лан бошкалардан олдинрок гаплашиб олиши шарт. Ҳа, бутунги күн оғир, югур-югурлар билан, кескин үтадиган күринарди.

Каупервуд етиб келганида Учинчи күчада банкирлар ва биржачилар ғужгон үйнарди, уларни бу ерга хаддан ташкари кескин вазият бошлаб келганди. Ҳамма қаёkkадир шошарди, хавода юзлаб жазавага тушган одамларни тинч ва ҳеч кандай ташвиши йўқ одамлардан фарқлаб туралиган кайфият хукмрон эди. Биржада ҳам ҳамма жунбишга келганди. Бонг урилиши билан улкан уй акл бовар килмас шовкинга тўларди. Бонг овози охиригача ўчмай туриб, маҳаллий биржа корпорациясини ташкил этувчи икки юз нафар одам кандайдир узук-юлук товушлар чиқариб олдинга ташланарди – ким нархни туширишга, ким, аксинча, айни вактда фойдали бўлган таклифларни тутишга харакат киларди. Ҳозир бўлғанларнинг манфаатлари шу қалар хилма-хил эдикি, ташки одам ҳозир нима фойдалироқ, сотишми ё сотиб олишми, билолмас эди.

Райверс ва Таргул одам энг калин жойда қолишга, ака-ука Жозеф ва Эдвард Каупервудлар эса арzonу кимматига кара-май акцияларни сотиши пайида булиб, теварак-атрофда ивири-силар здилар. “Айиклар” зўр бериб нархни туширадар эдилар, чунки ҳаммаси Молленхаузер. Симпсон ва Батлернинг агентлари, шунингдек, бошка биржачилар конкали темир йўллар акцияларини ушлаб колишга харакат киладиларми ва бу коғозлар кандайдир кийматини саклаб коладими, йўкми, шуларга боғлик эди. Кеча Каупервуд билан хайрлашаётib, Батлер, кўлимииздан келган ҳамма ишни килаяпмиз, деганди. Улар сўнгти имкониятгача акцияларни сотиб оладилар. Бозорни чексиз равишила тутиб туришга-ку, ваъда беролмасди, албатта, Молленхаузер ва Симпсонга ишонолмагани каби. У лоакал уларнинг иши кай ахволдалигини ҳам билмасди.

Ҳаяжон энг юкори нуктага етганида Каупервуд кириб келди. У остоңадаёқ кўзлари билан Райверсни килирди, бирок шу онда яна бонг овози янгради ва битимлар тўхтатилди. Бутун оломон бирданига биржа котиби янгиликтарни овоза киладиган айвончага бурилди. Чиндан ҳам, ўттиз саккиз ёшлардаги бу корачадан келган, нимжон жуссали, амалдор-

ларга хос рангпар юзли бу одам аллакачон ўз ўрнида турарди, унинг ортидан эса очик эшик кўринарди. Унинг ўнг кўлида бир варак қоғоз бор эди.

– Америка ёнгин сугурта жамияти Бостонда ўзининг карзини тўлашга курби етмайди, деб эълон килади.

Яна бонг урилди. Шу заҳоти бўрон кўзғалди. Буниси олдингисидан ҳам шиддатли эди. Борди-ю, мана шу хира тонгда биржা очилишидан бир-бир ярим соат ўтар-ўтмас бир сугурта компанияси синган бўлса, унда якин тўрт-беш соатда ва кейинги кунларда нималар бўлмайди? Бу шуни англатадики, Чикагодаги куйган одамлар ўз фаолиятларини қайта тиклай олмайдилар. Бу шуни билдирадики, банклар касодга учраган компаниялар билан боғлик барча карз (ссуда)ларни аллакачон талаб қилганлар ёки ҳозир талаб кила бошлайдилар. Жон-пони чиқиб кетган, Шимолий тинч оксани, Иллинойс-Сентрал, Ридинг, Лейк-Шор ва Уобеш темир йўл компанияларининг минг ва беш мингдан акциялари, шунингдек, конкали темир йўллар акциялари ва Каупервуд сотган заём облигациялари боғламларини нуқул арzonрок таклиф килган “хўқиз”ларнинг бўкиришлари бу иншоотларга дахлдор барча одамларнинг юрагини ёриб юбормоқда эди. Бир дакикалик жимликлан фойдаланиб, Каупервуд Артур Райверснинг олдига борди; аммо у ҳам унга хеч нарса айта олмади.

– Менимча, Молленхаузэр ва Симпсонпинг агентлари нархларни, у қадар жон кўйдирив ушлаб туришмаяпти! – ташвишланиб деди Каупервуд.

– Уларга Нью-Йоркдан хат келган, – хўмрайиб жавоб берди Райверс. – Энди ўзимизни минг ёкка урганимиздан фойда йўқ. Англашимча, у ерда яна уч сугурта компанияси синай-синай деб турибди. Уларнинг касолга учраганларини ҳар дакикада эълон килиб қолишлари мумкин.

Бундан кейин нима килиш кераклигини мухокама қилгани улар бир мунча мулдатга бу митти жаханнамдан чикишиди. Стинер билан келишувга кўра. Каупервуд уларнинг ҳар иккovi ҳам дурустгина маблаг ишлаб олган биржа ўйинидан қатъи назар юз минг долларгача бўлган шаҳар заёми облигацияларини

сотиб олишга ваколат олганди. Аммо, бу тушиб кетаётган нархни тутиб колиш зарур бўлган ҳолдагина қилинадиган иш эди. Ҳозир Каупервуд олтмиш минг долларга облигациялар сотиб олиш ва улар билан бошқа жойларда олинган ссудаларни таъминлашга карор килди. Стинер зудлик билан бу пулнинг ўрнини қоплади ва унга яна нақд пул беради. У ёки бу тарзда бу усул канчадир муддатга пул қадрини тутиб туриш ва уларни яна кийматларнинг ҳалокатли даражада тушиб кетгунiga қадар саклаб туришга ёрдам беради ёки ҳеч бўлмагандан шунга имкон туғдиради. Оҳ, канийди ҳозир пул қадрини туширишга ўйнаш учун унда маблағ бўлганда эди! Агар бундай ўйин унга тезда барбод этиш хавфи пайдо килмаганида эди! Ҳатто мана шу хатарли дакикала ҳам Каупервуднинг кўнглидан унинг ҳозирги оғир ахволида касод билан таҳдид килиб турган вазиятлар бошқа вактда унга мўмай фойда келтираси, деган гаилтар ўтди. Аммо ҳозир у бундан фойдалана олмасди. Икки кеманинг бошини ушлаган гарп бўлади. Сен ё “айик” бўлишинг керак, ёки “хўқиз” – зарурият эса уни “хўқиз” бўлишга мажбур этмоқда. Фалакнинг гардиши шунака бўлгач, нима ҳам кила олардинг! Унинг барча найрангбозликлари ҳозир бехуда эди. Уйини гаровга кўйиб, пул олишга умид килган бир банкир билан учрашгани йўл оламан деб турганда яна бонг овози янгради. Яна битимлар тўхтатилди. Артур Райверс ўзи турган пештахта олдидан Каупервудга маъноли қараб кўйди; у ерда штатнинг кимматли когозлар ва шаҳар заёми облигациялари савдоси кетмоқда эди – шу облигацияларни сотиб олишга Артур эндигина киришганди. Шу аснода унинг олдига Нютон Таргул югуриб келди.

– Ҳаммалари сизга қарши! – ҳовликиб деди у. – Бунака нархда сотишга уринишингизнинг ҳам кераги йўк! Фойдасиз иш! Улар оёғимизга болта уришяпти. Жонимизни нак хисилдоғимизга келтириб юборди. Бир неча кундан кейин катта ўзгариш бўлади. Балки, чидаб берарсиз! Ҷўпти, янги кўнгилсизликка шай туринг.

У кўзи билан биржа кўмитаси котиби яна пайдо бўлган айвончага ишора килди.

– Шаркій ва Гарбій ёнғин сұгурта жамиятлари Нью-Йорк-да үзининг карзини тұлашга курби етмаслигини маълум кілади!

Танобий бүйлаб чұзиб айттылган “во-о-й!”та үхшаш нола янгради.

Тартиб саклашга чақириб, котиб болғачаси билан столга уриб күйди.

– Рочестердаги “Ири” ёнғин сұгуртаси жамияти үзининг карзини тұлашга курби стмаслигини маълум килади!

Яна “во-о-ой!” овози янгради.

Яна болғачанинг “так” эттан овози эшилди.

– Нью-Йоркдаги Америка кредит компанияси тұловларни тұхтатди!

– Во-о-ой!

Бүрон кутирарди.

– Хүш, нима дейсиз? – сұради Таргул. – Бундай бүронга бардош килиб бұларканми? Сотувни тұхтатиб, бир неча күн сабр кила олмайсизми? Нархни тушириш үйинини үйнага-нингиз маъқул эмасми?

– Ҳозир биржаны ёпиш керак зди, – тұнғиллади Каупервул.

– Энг яхши йўли шу. Бўлмаса иш чаток бўлали.

У шошиб ўзи билан бир хил ахволға тушиб колган бир гурух биржачилар олдига борди; балки улар ўз таъсирлари билан унинг ғояларини рүёбга чикаришда ҳамкорлик килиб юборишар? Ҳозирги нархни энг қулай, арпаси пишиб турған одамларга қарши бу аёвсиз юриш бўлган бўлур зди. Аммо улар билан нима иши бор унинг! Буни сармоядорлик деб кўйибдилар. Коғозларни касод даражада паст нархда сотиш бемаънилик; у ўз агентларига сотувни вактинча тұхтатиб туришга фармойиш берди. Модомики, банкирлар энг керакли дамда хизмат килишини хоҳлашмас, жамғарма биржаси ёпилмас, Стінерни унга яна уч юз минг доллар кредит беришига унатиб бўлмас эканми, бу унинг сингани десмак. Ҳар дакикани ғанимат билиб, у идоралари ўша Учинчи күчада жойлашған бир қанча банкир ва биржачиларни күргәни йўл олди ва улардан биржани ёпишни талаб этишларини сұради. Соат ўн

иккига бир неча дақика колганда Стинерни кутиб олгани вокзалга чопди, аммо минг афсуслар бұлсинки, уни учратмади. Стинер у поездга илинолмаган бұлиши мүмкін. Аммо Каупервуд қандайdir найранг бұлаётганини сезди ва аввало ратушага, кейин эса Стинернинг уйига боришига карор килди. Балки у қайтиб келгандыр-у, у билан учрашишдан үзини олиб қочаётгандыр?

Стинерни ратушада тополмай, Каупервуд үзига-үзи, “қани, энди тұғри унинг уйига бор!” деб буйрук берди. У билан поездда гүқнаш келганида эса у хайрон ҳам бўлмади. Стинернинг ранги кув үчган ва саросимали эди. Каупервудга кўзи тушиб, у баттар оқариб кетди.

– Э-ха! Салом, Фрэнк! – каловланиб деди у. – Қаердан келяяпсиз?

– Нима бўлди, Жорж? – үз навбатида сўради Каупервуд. – Мен сизни Брод-стрит вокзалида учратаман, деб ўйлагандим.

– Ҳа, аввало ўша ерда тушмокчи бўлдим, – жавоб берди Стинер (унинг башарасига одам қараб бўлмасди), – лекин кейин Гарбий станцияда тушдим, кийимимни алмаштиргани уйга кириб чикмокчи бўлдим. Бугун бир дунё ишларни килишим керак. Сизнинг олдингизга кирмокчи эдим.

Каупервуднинг шошилинч телеграммасидан кейин бундай жавоб фоят аҳмоқона эди, аммо ёш ишбилармон уни бир кулоги билан эшитиб, иккинчисидан чикариб юборди.

– Ўтилинг менинг аравамга, Жорж! – таклиф килди у Стинерга. – Биз жиддий гаплашиб олмасак бўлмайди. Мен сизга биржада вахима кўтаришим хавфи бор деб телеграмма юборган эдим. Ҳудди шундай бўлди ҳам. Бир дақиқани ҳам бой бермаслигимиз керак. Акциялар дахшатли даражада тушиб кетди, банклар эса олган қарзларини тўлаб қўйишимни талаб этишаяпти. Сиз менга бир неча кунга йиллик тўрт ёки беш фоизга уч юз эллик минг доллар қарз бериб тура оласизми, йўқми, шуни билишим керак. Мен сизга бир цент ҳам қолдирмай қайтараман. Пул менга мана бундок керак. Бусиз асфала-софилинга учеб кетаман. Бу нимани англатишни биласизми үзи, Жорж? Барча активларимни охирги долларигача музла-

тиб күйилади, у билан бирга сизнинг конкали темир йўлларга сарфлаган пулларингиз ҳам. Мен у пулларни сизга сарф килгани беролмайман, шаҳар ғазнасидан олинган ссудалар билан боғлиқ бу барча гаплар не нохушликларни бошимизга солмайди ҳали. Сиз кассадаги камомадни қоплай олмай қоласиз – бунинг оқибати нима бўлишини ўзингиз тушунарсиз, ҳаркалай? Биз икковимиз ҳам қаттиқ чув тушдик. Сизнинг сувдан курук чиқиб кетишингизни хоҳлайман, аммо ўзингизнинг ёрдамингизсиз бундай қила олмайсиз. Кеча кўйилмаси борасида Батлерга мурожаат килишга мажбур бўлдим ва бошка манбалардан ҳам пул топишга жоним борича ҳаракат қиласман. Борди-ю, менга ҳамкорлик қўрсатмас экансиз, бу оғатдан соғчиколмасман, леб кўркаман.

Каупервуд жим бўлиб қолди. Стинер йўқ деб жавоб қайтаришидан олдинроқ унга бутун манзарани яқколроқ тасвирлашга ҳаракат килди у – ўзининг ҳам ахволи яхши эмаслигини билиб кўйисин Стинер.

Аслида эса Каупервуд ўзига хос зийраклик билан шубҳа килган ҳол юз берди. Стинерни пишитиб кўйишга улгуришганди. Ўтган окшомда Батлер ва Симпсон кетишилари ҳамон Молленхауэр котиби, салласини деса, калласини олиб келадиган учар йигит Эбнер Сэнгстекни чорлади-да, унга хазинабонни топишни буюрди. Сэнгстек Стинер билан овга кетган Стробикка муфассал телеграмма жўнатди, Стинерни Каупервудга карши кайраб кўйишни қаттиқ тайинлади. Хазинада камомад борлиги фош бўлган. Сэнгстек Стробик ва Стинерни Уиллингтонда кутиб олади (Каупервуддан олдин қуришиш учун) ва тафсилотлардан хабардор қиласми. Судда жавоб бермаслик учун Стинер Каупервудга карз (ссуда) тўлашни бас килиши керак. Биронта одам билан учрашишдан олдин Стинерга Молленхауэрнинг олдидан ўтиб қўйиши тавсия этилади. Стробикдан уларнинг эртага тушда етиб келишилари хабар килингандан жавоб телеграммасини олиб, Сэнгстек уларни Уиллингтонда қарши олгани жўнатади. Стинернинг вокзалдан тўғри ишбилармонлар маҳалласига эмас, уйга кириб, кийими ни алмаштириш баҳонаси билан шаҳар чеккасида тушиб кол-

гани шундан эди. Аслида Каупервуд билан күришишдан олдин Молленхауэр билан юзма-юз бўлишни кўзда тутганди.

У ўлгудек кўркиб кетган бўлиб, вактдан ютишга харакат киларди.

— Йўқ, ундаи килолмайман, Фрэнк, — аянчли оҳангда деди у. — Бусиз ҳам мен бу ишга қаттиқ ўралашиб колдим. Молленхауэрнинг котиби мени бундай кадам қўйишдан огохлантириш учун ҳам бизни Уиллингтонда кутиб олишга келган экан. Стробикнинг фикри ҳам шундай. Менинг канча пулим таркатиб берилганлигини улар билишади. Ё сизнинг ўзингиз, ё бошка битта-яримтаси уларга бу ҳақда хабар берган. Мен Молленхауэрга карши иш тутолмайман. Ўзимдаги ҳамма нарса учун мен ундан миннатдорман. Мени ҳазинабон килиб тайнинлаган ҳам у бўлади.

— Гапимга қулоқ солинг, Жорж! Ҳозир қандай иш тутсангиз ҳам партия олдидаги бурч ҳакида килинаётган сафсата билан ўзингизни абгор килманг. Сиз жуда ёмон аҳволга тушиб колгансиз, мен ҳам. Борди-ю, ҳозир мен билан бирга ўзингизни куткариш чорасини кўрмас экансиз, хеч ким жонингизга оро кирмайди – ҳозир ҳам, кейин ҳам! “Кейин” и келганда аттанглаб колиш ҳакида гапирмаса бўлади. Мен бунга кеча кечкурун. Батлердан икковимизга ёрдам сўраганимда амин бўлдим. Конка акцияларига кизикиб колганимизни улар билишади ва ҳар қандай йўл билан бизнинг ичак-чавоғимизни ағдаришни истайдилар – ҳамма бало мана шунда! Ҳозир битта масала кўндаланг турибди – ким кимни куткаради? Бу ўзимизни ё куткаришимиз, мудофааланишимиз, ё биргаликда жаҳаннамга тушмоғимиз керак – мен сизга айтмокчи бўлган нарса шу эди. Сизнинг тақдирингиз Молленхауэрни мана бу фонусчалик ҳам кизиктирмайди. Уни сиз менга берган пуллар ташвишга солмайди, балки ўша пуллардан ким ва қанча фойда кўраётгани кизиктиради. Наҳотки шугина нарсани ҳам тушунмасангиз: биз сиз билан конкани кўлга киритаётганимизни улар билиб колишган ва бу уларга ёкмаган. Улар биздан акцияларни тортиб олган захоти биз улар учун йўқ одамларга айланамиз, буни яхшилаб эслаб колинг! Борди-ю,

сарфлаган маблағларимиз күйиб кетса, сиз тугаган одамсиз ва мен ҳам: бизга ёрдам бергани хеч ким күлини чўзмайди. Ҳатто сиёсий нуктаи назардан ҳам. Бу машъум ҳақиқатни таг-тагигача англаб етсангиз дейман, Жорж. Менга “йўқ” деб жавоб беришингиздан олдин – чунки сиздан буни Молленхайэр талаб қилаяпти. – сиз менинг сўзларимни яхшилаб ўйлаб олишингиз керак.

Ўзининг иродида кучи билан Каупервуд учун жавобгар бўлган ягона қадамни кўйишига хазинабонни рози килиш учун у Стинперга каттик тикилди, ҳолбуки, пировардида Стинсперга бундан фойла жуда кам эди. Шунни таъкидлаш жоизки, Стинпер ҳозир уни мутлако кизиқтирмасди. У бор-йўғи бир пиёда дона бўлиб, у кўлига тушган ҳар қандай одамининг ихтиёри билан ҳаракат киларди. Молленхайэр. Симпсон ва Батлерга карши ўларок Каупервуд мана шу пиёда донани ушлаб туришга ҳаракат килмоқла эди. Илон қўёнга кўз тиккандай, Стинперни ўзига бўйсундирниш ва кўрккапидан чалажонга айланган бу одамда лоакал ўзини кўлга олиш савқи табиатини ўйғотиш учун унга еб кўйгудек қараб турарди.

Бирок Стинпер ўзини йўқотиб кўйганди ва унга энди хеч нарса кор килмаётганди. Унинг юзи кўкиштоб тус олган, ковоклари шишигани, кўзлари гўлайгани, кўл ва лаблари нам тортганди. Эй Худо, қандай кунларга колиб ўтирибди у?

– Ҳаммаси тўғри, Фрэнк! – алам билан леди хазинабон. – Сизнинг ҳақлигингизни биламан. Аммо ўзингиз ўйланг, агар бу пулларни сизга берсам, ахволим не кечади? Ахир улар мени тилкалаб ташладилар. Ўзингизни менинг ўршумга кўйиб кўринг. Эҳ, хеч бўлмаганда Батлерга айтмай турганингизда эди! Сиз аввало мен билан гаплашиб олишингиз керак эди!

– Ахир сиз аллақаёкларда ўрдак овлаб юрган бўлсангиз, сиз билан қандай гаплашай, Жорж? Сиз билан уланишига ҳаракат килиб, телеграмма юбормаган жойим колмади! Тагин нима киёла олардим? Мен ҳаракат килишим керак эди. Бундан ташкари, Батлер менга ҳар доимгидан кўра дўстонарок муносабатда бўлар, деб ўлагандим. Ҳозир Батлерга мурожаат килганим учун мени койибдиган вакт эмас, ахволимни яхшилаш

керак. Иккаламиз нохуш муаммога тушиб колганмиз. Сузиб чика оламизми ёки чўкиб кетамизми – гап шунинг устида кетаётиби. Бошка хеч ким эмас, биз, тушунаяпсизми ўзи буни? Мен сўраган нарсани Батлер ё кила олмасди, ё истамаётганди – бу Молленхауэр ва Симпсоннинг кимматли коғозлар кийматини ушлаб туриши эди. Улар хозир айнан шунинг тескарисини килишяяпти. Улар ўз ўйинларини тикишириша япти ва бунинг оқибати бизнинг ичак-чавоғимизни ағдариб ташлашга олиб келади. Наҳотки сиз буни тушунмаётган бўлсангиз? Улар биз тўплаган ҳамма нарсани биздан тортиб олиш мокчи. Биз ўзимизни ўзимиз куткаришимиз керак, Жорж, сизнинг олдингизга шунинг учун келган эдим. Борди-ю, сиз менга уч юз эллик ёки хеч бўлмагандан уч юз минг доллар берсангиз, икковимиз ҳам тамом бўлдик деяверинг. Сизга эса, Жорж, мендан кўра ёмонрок бўлади, чунки юридик жихатдан мен хеч қандай жавобгарликка тортилмайман! Аммо гап бунда эмас. Мен ўзимни ҳам, сизни ҳам куткариб колмокчиман, улар биз ҳакимида нималарни гапирмасинлар, бизга карши қанақанги иғвогарлик килмасинлар, бизни пул билан боғлик кийинчиликлардан ҳалос қилувчи воситани биламан мен; ундан ҳар икковимизнинг нафимизга фойдаланиб колиш эса сизга боғлик бўлиб турибди. Наҳотки буни ўзингиз тушунмаётган бўлсангиз? Мен ўз ишимни куткариб колмокчиман, ўшанда эса сизнинг номингиз ҳам, пулларингиз ҳам омон қолади.

Нихоят, Стинерни унатишга муваффак бўлдим деган умидда Каупервуд гапдан тўхтади, Стинер бўлса ҳамон иккilanарди.

– Мен нима ҳам кила олардим, Фрэнк? – заиф ва аянчли овозда эътиroz билдириди у. – Мен Молленхауэрга карши бо́рлмайман. Агар мен сиз айтган нарсани килсан, улар мени судга беришади. Бу уларнинг кўлидан келади. Йўқ, Фрэнк! Мен сиз ўйлаганчалик кучли одам эмасман. Борди-ю, улар хеч нарсани билмаганларида, борди-ю, сиз уларга хеч нима демаган бўлганингизда эди, унда... балки ўшанда – бошқача бўларди, аммо энди...

У бошини чайкади, кулранг кўзларида чексиз надомат информацииси бор эди.

– Жорж. – деб яна гап бошлади Каупервуд, борди-ю бирор нарсага эришишга муваффак бўлса, факат энг ишончида далилларгина кўл келиши мумкинлигини англаган холда. – мен нима килиб кўйганимни бир четга кўйиб турайлик. Мен нима килиш зарур бўлса, шуни килдим. Сиз бутунлай ўзингизни йўкотиб кўйдингиз ва ҳар қанака оғир хато содир этишга тайёрсиз. Мен бунга тек караб туролмайман. Сизнинг манфаатингиз деб беш юз минг долларлик шаҳар пулини жойлаштирганман – кисман ўзимнинг манфаатим деб ҳам. Албатта, барабир кўпроқ сизнинг манфаатингизни ўйлаганман...

Бу фикр ҳакиқатга унчалик мувофик эмасди.

– ...ва шундай бир паллада сиз иккилапиб ўтирибсиз, ўз манфаатингизни химоя килишингиз керакми. йўкми, буни ҳам билмаяпсиз. Мен сизни тушунолмай кольдим! Ахир бу бўхтон. Жорж! Акциялар аллакачон гўрларга кириб кетаяпти, хонавайронлик биз икковимизгагина таҳдид солаётгани йўқ. Биржада ёнғин туфайли пайдо бўлган вахима, саросималик авжида, ўзини химоя қилиш чорасини тополмаган одам билан жавоб беради. Сиз, ҳазинабон килиб кўтаргани учун Молленхаузер олдида бурчлиман, мени бир бало килиб кўйишидан қўрқаман, дейсиз. Ўзингизнинг ва менинг ахволимни бир ўйлаб кўринг, токи мен касодга учрамагунимча у сизни хеч нима килолмайди. Борди-ю, мен ўзимни синган деб эълон килсан, сизга нима бўлишини биласизми? Унда сизни суддан ким қуткаради? Молленхаузер югуриб келади-да, сиз учун ярим миллион доллар киритади, деб хомтама бўлиб юрманг тағин. Икки дунёда ҳам у бундай килмайди. Борди-ю, Молленхаузер ва бошқалар сизнинг манфаатингизни ўйлар экан, нима учун улар бугун мени биржада қўллаб-куватлашмади? Нимагалигини мен биламан. Улар бизнинг конкали темир йўллар акцияларимизга қўзларини ола қилишаяпти, кейин сизни қамокка тикишлари билан уларнинг уч пуллик ишлари йўқ. Ақлингизни йигинг-да, гапимга киринг. Мен сизнинг манфаатларингизга ҳамиша хайриҳоҳ бўлиб келганман, сиз бундан кўз юмолмайсиз. Мен туфайли сиз пулдор бўлиб олдингиз, тағин озмунча ҳам эмас! Кўзингизни очинг, Жорж,

ғазнага боринг-да, бирон-бир чора кўришдан аввал менга уч юз минг долларга чек ёзиб беринг. То бу иш килиб бўлингунча биронта одам билан кўришманг ҳам, гаплашманг ҳам. Гап та мом, вассалом. Бу чскни ёзиб беришингизга ҳеч ким монелик килолмайди. Сиз – шахар хазинабонисиз. Пул қўлимга келиб тушган захоти мен бу машмашалардан кутилиб чиқаман-да, бир хафта, жуда кўп деганда икки хафтадан кейин сизга ҳам- масини кўшқўллаб кайтараман – унгача вахима ҳам анча бо силиб колса керак. Бу пуллар ғазнага қайтгандан кейин биз ҳалиги беш юз минг борасида ҳам келишиб оламиз. Уч ойдан кейин, балки ундан олдинроқ шундай киламанки, сиз камомадии бемалол коплай оласиз. Нимасини айтасиз, мен буни икки хафтага қолмай дўндираман, факат оёкка туриб олишга ёрдам берсангиз бўлгани! Вакт – менга факат мана шу керак. Сиз киритган пулларингизни йўқотмайсиз, пулларни кайтарганингизда эса ҳеч ким мушугингизни пишт демайди. Улар ҳеч канаканги оммавий можаро кўтаришга кодир эмаслар. Хўш, сиз нима килмокчисиз ўзи, Жорж? Молленхаузер менга чек ёзиб беришингизга тўскинлик қилолмайди, мен ҳам сизни шундай кил, деб мажбур этолмайман. Сизнинг тақдирингиз ўз кўлингизда. Гапиrint, нима килмокчисиз ўзи?

Гарчи ҳалокат ёқасида турган бўлса-да, Стинер ҳамон ўйлар ва иккиланар эди. У ҳаракат килишдан, Молленхаузердан, Каупервуддан, ҳаётидан ва ўзидан кўркар эди. Вахима ҳакидаги, уни дахшатга солган фалокат ҳакидаги фикр унини тасаввуррида мулкий ахволидан кўра жамиятдаги ва сиёсий оламдаги мавкеи билан кўпроқ боғланиб кетган эди. Молиявий кудрат нима эканини тушунадиган одамлар бармок билан санарли. Бошқалар бойлиги устидан хукмронликни ўз қўлида ушлаб туриш, жамият ҳаётининг манбани ва айирбошлаш воситаси хисобланган нарсага эга бўлиш нима эканини хис этувчи тар анконинг уруғи. Аммо бунинг маъносини чакиб олганлар энли бойликнинг ўзини деб унга ўч бўлиб қолмайдилар. Одатда одамлар пулга ўзини маълум ҳаётий куляйликлар билан таъминлаш воситаси, деб карайдилар, аммо сармоядор учун пул – бу фаровонликни таксимлаш устидан назорат воситаси,

хурмат, күдрат, хокимиятта эришув воситасидир. Стинердан фарқли ўларок. Каупервуд пулга айнан ана шундай муносабатда эди. Хар доим Каупервудни унинг учун харакат килишига унда бекен Стинер энди. Каупервуд унга вазиятлан чи-киб кетишнинг ягона йўлини беш кўлдай аник тасвиrlаб берганда юраги ёрилгудек кўркмоқда эди. Унинг мушохала килиш кобилияти Молленхауэрнинг ғазаб ва интикоми, Каупервуднинг касод булиш эҳтимоллиги ва мусибатни мардона карши олишдаги ўз нокобиллиги олдида хира тортиб қолди. Каупервуднинг туғма сармоядорлик истеъоди энди унинг ишончиши қозонолмаётганди. Бу банклар ғоят ёш ва у кадар тажрибакор эмас. Молленхауэрнинг ёши улуг ва бойрок. Симпсон ва Батлер ҳам. Пуллор бу одамлар бемисл күдрат сохибларицир. Бундан ташкири, Каупервуднинг ўзи унга, Стинерга хатарла колганини, уни боши берк кўчага қамаб кўйганларини тан олмадими? Ҳеч канака эътироф Стинерни ортиқ кўркита отмас эди, аммо Каупервуд шундай қилишга мажбур бўлганди, зеро, хатарнинг юзига тик бокишига Стинерда мардлик егишмасди.

Шу боис фойтунда ғазна йўлидан кетиб боришар экан. Стинер опок оқарган, рухан эзилган холда ўтираверди, фикрини бир жойга тўплаёлмас, ўзининг ахволи ва ундан кутилишнинг ягона йўлини тез, аник, яккоз тасаввур этишининг уддасидан чиқолмас эди. Унга таъсир ўтказгани яна бир марта уриниб кўриш учун Каупервуд у билан бирга газнага кирди.

– Хуш, Жорж? – совук оҳангда леди у. – Мен жавоб кутаяман. Вакт ўтаяпти. Биз учун хар бир дакика ганимат. Менга пул беринг ва мен бу можаролардан ситилиб чишиб олай, бўладими? Яна бир карра қайтараман: хар бир дакика ганимат. Анави жанобларнинг лўқидан кўркманг. Улар ўзларини фойдалари учун ўйин қилаяптилар, улардан ўрнак олинг.

– Кўлимдан келмайди. Фрэнк, – синик овозда жавоб берди, нихоят, Стинер: Молленхауэрнинг қаҳрли чехрасини хар ўйлаганда унинг ўз келажаги борасидаги кўркув беиз ўйколарди.

– Мен ўйлаб олишим керак. Ахир бирданига бир нарса деёлмайман-ку. Сиз келишингиздан бир-икки дакикагина олдин Стробик мен билан хайрлашиб кетганди ва унинг ўйлашича...

— Худо олсин сизни, Жорж! — газаб билан деди Каупервуд.  
— Стробикни галириб нима киласиз менга! Унинг бунга нима дахли бор? Ўзингизни ўйласангиз-чи! Сизга нима бўлишини ўйланг аввал! Гап Стробикнинг эмас, сизнинг тақдирингиз устида кетаяпти.

— Ҳаммасини тушунаман, Фрэнк, — кайсаарлик киларди шўрлик Стинер. — Аммо, начора, буни кандай килишга ҳеч аклим етмаяпти. Рост айтяпман! Ўзингиз бу можародан омон-эсон чикиб олишимга кўзим етмаяпти деяпсиз, тагин уч юз минг доллар... хазилакам гапми, уч юз минг доллар-а! Йўк, Фрэнк. Қилолмайман! Ҳеч нарса чиқмайди. Бундан ташкари, мен аввал Молленхауэр билан гаплашиб олишим керак.

— Эй Худойим, каёқдаги гапларни гапирасиз-а! — охири Каупервуд портлаб кетди, у хазинабонга ошкора газаб ва нафрат билан бокди. — Бўлти! Югуринг, Молленхауэрнинг олдига! Сўранг ундан, сизнинг фойдангиз учун калламни тезрок олишнинг йўли борми, денг! Менга уч юз минг доллар карз бериб туриш — мумкин эмас-у, хазинабондан олинган беш юз мингта таваккал килиш ва уларни йўкотиш — мумкин экан-да? Сизни тўғри тушундимми? Ахир сиз бу пултарни, уларга кўшиб бошқа ҳаммасини бой беришга касд ки-либсиз-ку. Менимча, миянгиз айниб колибди. Молленхауэрнинг бир оғиз сўзидан жон-понингиз чикиб кетибди, сиз энди ҳаммасини: бойлигингизни, обрўйингизни, мансабингизни киморга тикишга тайёр бўлибсиз! Агар мен касодга учрагудек бўлсам, сизга нима бўлишини биласизми? Сизни хибсга олишади. Панжара ортига ўтказишади, Жорж, тамом-вассалом. Анави сизга нималар килмаслик кераклигини ўргатган Молленхауэрнинг бўлса, шармандаи шармисор бўлганингиздан кейин пинагини хам бузмай тураверади. Эсланг: мен сизга ёрдам бермаганимидим, хўш? Сўнгги дакикагача ишларингизни муваффакиятли юргизиб турмаганимидим? Ми-янгизга кандай курт кириб колди экан, мен шуни билмокчиман. Сиз нимадан кўркайпсиз?

Стинер яна канладир жўялирок сабабни рўкач қилмокчи бўлиб турганида хонага унинг девонхона бошкарувчиси

Альберт Стайерс кириб келди. Азбаройи ҳаяжонланганидан Стинер ҳадеганда уни пайқамади. Каупервуд эса викор билан унга мурожаат килди:

– Нима дейсиз, Альберт?

– Мистер Молленхауэр топшириғига мувоғик мистер Сэнгстек мистер Стинер билан күришишни истайди.

Бу даҳшатли исм қулоғига ҷалиниши ҳамон Стинер кузги япрок каби бужмайиб кетди. Бу Каупервуднинг эътиборидан четда колмади. У Стинердан уч юз минг доллар олишдаги сўнгти умиди пучга чиқаётганини англади.

– Нима ҳам дердик, Жорж, – дели у, Стайерс Сэнгстекка Стинер уни кабул килишга тайёрганини хабар килиш учун йўл олганида, – менга ҳаммаси равshan бўлди. Бу одам сизни авраб олибди. Сиз каттиқ қўркиб кетибсиз ва энди ўзингизни идора килолмай колибсиз. Майли, ҳаммаси қандай бўлса, шундай колаверсин: мен яна қайтиб келаман. Факат, Худо ҳайрингизни берсин, ўзингизни кўлга олинг. Агар яхшилаб ўйлаб олмасангиз, ҳаммаси нима билан тугашини мен сизга айтдим. Гапимга кириңг ва сиз мустакил, бой одамга айланасиз. Акс ҳолда – сизни қамоқхона панжараси кутмоқда.

Биржани ва банкирлардан кўмак олгани яна бир марта уриниб кўришга аҳд килиб, Батлернинг хузурига йўл олишдан олдин Каупервуд тез газнадан чиқди-да, унга мунтазир турган юмшоқ кабриолетта сакраб минди. Ўрнидиги ҳам ўзи каби сарик рангли бу ажойиб аравага асов тўрик байтал кўшилганди. Каупервуд гоҳ у, гоҳ бу бино олдида тўхтар ва ясама бефарклиқ билан банклар ва биржа идоралари зиналаридан чопиб тушиб-чопиб чикар эди.

Бироқ ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетди. Унинг гапларини диккат билан тинглар, ҳатто ҳайриҳоҳлик билдирап ва ўша заҳоти вазият қалтислигидан нолир эдилар. Жирард миллий банки карз (ссуда)ни тўлаш учун лоакал бир соат муҳлат беришга рози бўлмади ва Каупервуд уларга биржа киймати тушишидан келиб чиккан тафовутни коплаш учун ўзининг энг кимматли коғозларидан қалин бир дастасини бетўхтов жўнатишга мажбур бўлади. Соат иккода ота Каупервуддан чопар

келди: Учинчи миллий банк раиси сифатида у бир юз эллик минг долларлик карз(ссуда)ни тұлаб күйиншіні талаб этишга мажбур экан. Фрэнк күйгөн акциялар, директорлар фикрича, у кадар ишончли әмас эмиш. Каупервуд зудлық билан үзининг шу банкдаги эллик мінглік күйіншімасыға чек ёзіб берdi, унға идорасыда саклаб келаётган нақт йигірма беш минг долларни күшли, "Тай ва К" фирмасыдан эллик минг долларлик ссуданы тұлаб күйиншіні талаб килди, Грин ва Каутс изи конкалы акцияларнны нархидан уч баравар камига сотиб юборди – бу үша каттық умид болғаб келаётган конка изи зди. Шу йүл билан олингандар барча пулни у учинчи миллий банкка жүнатди. Кекса Каупервуд елкасыдан тоғ ағдарылғандай хис кілса-да, юрагиннің бир чеккасінні ит тимдаларди. Туш пайтида үз көзозла-ри учун канча олиши мүмкіншінни билиш ниятида үзи йүлга тушди. Бундай йүл туғиб, у бир чети обрүйига путур етказди, бирок уппиң ота қалби изтиробда зди, бундан ташкари эса у үзининг шахсий манбаатлари ҳакида үйламаса бўлмасди. Уй қуриб ва вазият, аравалар, томорка ва акцияларни гаровга күйиб карз (ссуда) олиб, у юз минг доллар ишлаб олди-да, уни Фрэнк номига үзининг банкига қўйди. Аммо мана бундай кучли довул пайтида бу барибир ҳам ғоят заиф лангар зди. Фрэнк тўловлар учун камида уч ё тўрт кунлик мухлат олишга эришмоги зарур зди. Мана шу лаънати куннинг туш чоги соат иккода үз ишларининг ахволини яна бир карра тарозига солиб, Каупервуд ковоғини уйғанча тўнғиллаб деди:

"Йўқ, бу Стинер дегани менга уч юз минг доллар ссуда бермаса бўлмайди, бошка гап йўқ. Энди эса Батлерни кўришим керак, бўлмаса у идора ёпилгунча үз күйіншімасини тагин талаб килади".


У яна извошга сакраб чиқди-да, телбаларча Батлернинг хузурига учди.

## МУНДАРИЖА

I боб .....	3
II боб .....	9
III боб .....	17
IV боб .....	30
V боб .....	37
VI боб .....	43
VII боб .....	53
VIII боб .....	61
IX боб .....	67
X боб .....	71
XI боб .....	81
XII боб .....	90
XIII боб .....	100
XIV боб .....	110
XV боб .....	123
XVI боб .....	130
XVII боб .....	137
XVIII боб .....	150
XIX боб .....	159
XX боб .....	166
XXI боб .....	174
XXII боб .....	188
XXIII боб .....	199
XXIV боб .....	216
XXV боб .....	222







Теодор Драйзер  
1871–1945

Америкалик ёзувчи Теодор Драйзер 1871 йил 27 августда Индиана штатига карашли Терре Хот шаҳарчасида таваллуд топган. Ёзувчининг «Титан», «Дахо», «Америка фожиаси», «Бахти қаро Керри», «Ўн икки йигит» ва бошқа асарлари дунёга машҳур. Қўлингиздаги адабнинг «Сармоядор» романни таникли таржимон Амир Файзулла таржи-масида эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

«O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи хилма-хил китоблар чоп этиш билан бирга, жаҳон адабиёти дурданаларига ҳам алоҳида эътибор каратмоқда. Эндиликла, мунтазам равишда, нашриётимиз томонидан чоп этилган ва чоп этилиши режалаштирилаётган дунёга машҳур асарларни эътиборингизга ҳавола килиш максадидамиз. Китоб оламининг ҳар томонлама бойиб боришида таржима асарларининг ўрни, аҳамияти катта. Негаки, таржима асарлар ўқиган ҳар бир китобхоннинг дунёкараши, тасаввuri бойиб, ҳалкнинг яшаш шароити, урф-одати, меҳнати, орзу-интили билан ошно бўлади.



© „O'qituvchi“ NMU  
180206, Toshkent sh.,  
Yangilshahar ko'chasi, 1.  
Tel.: (+99871) 224-04-12.  
E-mail: [info@oqituvchi.uz](mailto:info@oqituvchi.uz).  
Web-site: [www.oqituvchi.uz](http://www.oqituvchi.uz)

ISBN 978-9943-22-



9 789943 2220